



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

### Ер қаъри тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 27 августда  
қабул қилинган  
Сенат томонидан 2024 йил 20 сентябрда  
маъқулланган

#### 1-боб. Умумий қоидалар

##### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади ер ости бойликларига эгалик қилиш ва уларни тасарруф этиш, шунингдек ер қаъридан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш чоғида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши ер қаъридан фойдаланишда юзага келадиган, ер, сув (бундан саноат аҳамиятига молик ер ости сувлари мустасно), ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ушбу Қонун ва соҳага оид қонунчилик тегишли салоҳиятга эга бўлган институтлар кўмагида бозорга йўналтирилган инвестицияларни жалб этиш воситасида Ўзбекистон Республикасининг фойдали қазилмаларини барқарор ўзлаштириш учун геологик маълумотларни тартибга солиш ва бошқаришнинг замонавий усулларига асосланган хуқуқий асосни таъминлайди.

##### 2-модда. Ер қаъри тўғрисидаги қонунчилик

Ер қаъри тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик хужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ер қаъри тўғрисидаги қонунчилигида

назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Конунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**бенефициар эгалик қилувчи** – юридик шахсни бевосита ёки билвосита назорат қилувчи ёки унга эгалик қилувчи шахс. Агар бундай шахс шундай юридик шахснинг йигирма беш фоиз ва ундан ортиқ фоиз микдордаги улушкига бевосита ёхуд битта ёки ўзаро бир-бири билан боғланган бир неча юридик шахс орқали эгалик қилса, бундай шахс бирор-бир бошқа малака мезонларига қўшимча тарзда автоматик равишда бенефициар эгалик қилувчи деб ҳисобланади;

**ваколатли шахс** – ер қаъридан фойдаланиш соҳасида маҳсус билимларга эга бўлган, қўлланиладиган миллий ва (ёки) халқаро стандартларга мувофиқ ваколатли шахс деб эътироф этилган шахс;

**ер остида сақлаш** – ер қаъри маконидан фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда, шу жумладан нефтни, газни, газ конденсатини, саноат аҳамиятига молик ер ости сувларини, бошқа моддалар ва материалларни ер остида сақлаш, чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш мақсадида фойдаланиш;

**ер қаъри** – ер қобигининг тупроқ қатламидан қўйида жойлашган, тупроқ қатлами мавжуд бўлмаганда эса ер юзасидан ёки сув объектлари тубидан қўйида жойлашган, геологик жиҳатдан ўрганиш ва ўзлаштириш мумкин бўлган чукурликка қадар ястанган қисми;

**ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқига доир рухсатнома** – ваколатли орган томонидан бериладиган ва муайян чегарадаги ер қаъри участкасидан ушбу Конуннинг 30-моддасида назарда тутилган ер қаъридан белгиланган муддат мобайнида фойдаланиш турларига мувофиқ фойдаланиш хуқуқини тасдиқлайдиган ҳамда ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини белгилайдиган ҳужжат;

**ер қаъри участкаси** – рухсатномада кўрсатилган бир ёки бир неча кадастр квадратидан иборат бўлган ер қаъри участкаси;

**ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги асосий фаолият тури** – ушбу Конун билан тартибга солинадиган фаолиятнинг қўйидаги бирор-бир тури: қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш, қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олиш, углеводородларни рекогносцировка қилиш ишлари, углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш, углеводородларни қазиб олиш, ер ости омборларини геологик жиҳатдан ўрганиш, ер остида сақлаш;

**ер қаъридан фойдаланувчи** – ушбу Конунга мувофиқ ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқига доир рухсатномага эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

**ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш** – Ўзбекистон Республикаси худудини минтақавий геологик жиҳатдан ўрганишни,

фойдали қазилмалар конларини излаш, баҳолаш ҳамда қидиришни, улардаги фойдали қазилмалар захираларининг микдори ва сифатини, уларнинг технологик хоссаларини ҳамда иқтисодий қимматини, шунингдек ер қаърининг бошқа хоссаларини белгилашни ўз ичига оладиган, ер қобиғи геологик тузилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга доир махсус тадқиқот ишлари мажмуи;

**иш куни** – шанба ва якшанбадан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексига мувофиқ белгиланадиган, ишланмайдиган байрам кунларидан ташқари ҳар қандай календарь кун;

**кадастр квадрати** – кадастр сеткасидаги энг кам майдон бирлиги бўлиб, унинг ҳар бир томони географик координаталар тизимидағи ўнта олтмишталик сонияга тенг бўлади;

**кадастр квадрати юзасининг ер участкаси** – кадастр квадратлари юзасидаги, рухсатномага киритилган ҳудуд;

**коллекция материалларининг намуналарини тўплаш** – нодир тош хомашёсининг, палеонтологик қолдиқларининг ва бошқа геологик коллекция материалларининг намуналарини тўплаш;

**конни ўзлаштириш лойиҳаси** – кончилик фаолиятининг бутун даври учун техник маслаҳатчи томонидан тасдиқланган ишлар (хизматлар) лойиҳаси. Лойиҳа қазиб олиш участкасини ўрнатиш, ишлатиш ва ёпиш тавсифини ўз ичига олади, шунингдек унда таклиф этилаётган лойиҳа, уни техник жиҳатдан амалга ошириш ва кутилаётган муддатлар тўғрисидаги умумий ахборот мавжуд бўлади. Унда чекланган вакт даври учун қабул қилинадиган ишлатиш режаси назарда тутилиб, ушбу режада бутун тегишли техник фаолият, шу жумладан ишчи кучига бўлган талаб, меҳнатни муҳофаза қилишга ва техника хавфсизлигига, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилишга риоя этилиши бўйича талаблар ҳар томонлама тавсифланади;

**кончилик фаолияти** – конни ўзлаштириш билан боғлиқ фаолият, шу жумладан, қидирув, геологик жиҳатдан ўрганиш, кончилик фаолиятининг инфратузилма объектларини куриш ва уларга хизмат кўрсатиш, қазиб олиш, концентрация, бойитиш ёки қайта ишлаш, ишлов бериш, сепарация ҳамда транспортда ташиш, шунингдек қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш ўтказиш, ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш мақсадида амалга ошириладиган бошқа ёрдамчи фаолият турлари;

**кончилик фаолияти инфратузилмаси объектлари** – кончилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида қурилган ёки фойдаланилаётган ҳар қандай иморат, қурилма, завод ва бошқа асосий ускуналар;

**кончилик фаолияти чиқиндилари** – фойдали қазилмаларни, шу жумладан углеводородларни қидириш ёки қазиб олиш натижасида, шунингдек қайта ишлаш, шу жумладан аффинаж ва эритиш жараёнода бевосита ҳосил бўладиган чиқиндилар (қаттиқ ҳолдаги, яrim қаттиқ ҳолдаги ва суюқ), жумладан бойитиш фабрикаларининг қолдиги, аффинаж ва эритиш чиқиндилари, аффинаж ва эритиш жараёнидаги чиқиндилар,

қоплама тоғ жинслари, чиқиндиларни қайта ишлаш чоғида тупроқнинг юқори қатлами ва шлаклари, технологик материаллар ҳамда утилизация қилиш учун ярокли бўлган, улар билан боғлиқ маҳсулотлар;

**лозим даражадаги нефть-газ амалиёти** – жаҳон нефть-газ тармоқларида нефть-газ операцияларининг тегишли жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган ўхаш ҳолатлар ҳамда шароитларда эҳтиёткор ва инсофли операторлар томонидан фойдаланиладиган технологиялар, усувлар ва тартиб-таомиллар;

**минерал хомашё** – қазиб олинган ва бирламчи ишлов беришдан ўтказилган фойдали қазилмалар;

**нефть ва газ кони** – углеводородлар қазиб олиниши мумкин бўлган битта геологик тузилма ёки стратиграфик шароитлар билан гуруҳ ҳосил қилган ёки боғлиқ бўлган углеводородлар қатлами ёки углеводородларнинг бир неча қатлами;

**нефть маҳсулотлари** – қайта ишлаш ёки ишлов бериш жараёнида хом нефтдан ёки табиий газдан фракцияларга ажратилган ёки бошқача тарзда олинган маҳсулотлар;

**нефть-газ инфратузилмаси объекти** – нефть-газ операцияларини амалга ошириш учун қурилган ёки фойдаланиладиган ҳар қандай конструкция, қурилма, завод ва бошқа асосий асбоб-ускуна;

**нефть-газ операциялари** – углеводородларни рекогносцировка қилиш, геологик жиҳатдан ўрганиш ва қазиб олиш билан боғлиқ ишлар, шу жумладан ўзлаштириш, сақлаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, транспортда ташиш билан боғлиқ фаолият ёки углеводородларни рекогносцировка қилиш, геологик жиҳатдан ўрганиш ва қазиб олиш мақсадида амалга ошириладиган бошқа ишлар;

**поруда фойдали қазилмалар** – таркибида металлар мавжуд бўлмаган, табиий ҳолатда ёки тозаланган ва ишлов берилган ҳолда фойдаланиладиган фойдали қазилмалар;

**табиий газни чуқур қайта ишлаш маҳсулотлари** – хом табиий газни тозалаш ҳамда тақсимлаш ва пировардида ундан фойдаланиш учун унинг яроқлилигини таъминлаш мақсадида табиий газни қайта ишлаш натижасида олинадиган маҳсулотлар;

**тажриба-саноат усулида қазиб олиш** – фойдали қазилмаларни бойитиш ва қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш, фойдали қазилмалар конларини саноат усулида ўзлаштиришнинг, шунингдек техноген минерал ҳосилалардан фойдаланишнинг оқилона усувлари ва услубларини танлаш мақсадида ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш жараёнида амалга ошириладиган фойдали қазилмаларни қазиб олиш;

**техник маслаҳатчи** – ариза бериш учун техник-иктисодий асоснома, конни ўзлаштириш режаси, ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф этиш режаси каби ҳужжатларни, шунингдек кончилик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган режалаштириш соҳасидаги бошқа ҳужжатларни техник жиҳатдан тайёрлашга лаёқатли бўлган шахс;

**техноген минерал ҳосилалар** – кончилик, кон-қайта ишлаш (бойитиш) ва энергетика соҳасидаги ишлаб чиқаришларнинг таркибида кейинчалик фойдаланиш учун яроқли фойдали компонентлар мавжуд бўлган чиқиндилари тўпламлари;

**тижоратбоп топилма** – жорий техник ва технологик даражани ҳисобга олган ҳолда ўзлаштириш чоғида иқтисодий жиҳатдан рентабелли бўлган кон;

**углеводородлар кони** – ер қаърида битта тузилма ёки қатлам доирасида ҳосил бўлган, миқдори, сифати ва захиралари аниқланган, углеводородларнинг битта ёки бир неча қатлами;

**углеводородлар топилмаси** – миқдори, сифати ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигидан қатъи назар, углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага киритилган ер қаъри участкасининг исталган қисмидаги углеводородлар ҳажмларининг бирор-бир топилмаси;

**углеводородлар қатлами** – углеводородларнинг алоҳида ва якка ҳолдаги табиий (суюқ ёки газ ҳолатидаги) уюмларини ўз ичига олган, ўтказмайдиган жинслар ва (ёки) сув тўсиқлари билан чегаралангандан ҳамда ягона табиий босим тизими хусусиятига эга бўлган ғовак ва ўтказувчан геологик ҳосила;

**углеводородларни баҳолаш** – углеводородлар топилганидан кейин углеводородларнинг потенциал қатламидан чиқариб олинаётган углеводородлар захираларининг миқдори ва сифатини, шунингдек углеводородларнинг потенциал қатлами углеводородлар кони бўла олиши мумкинлигини ёки мумкин эмаслигини аниқлаш учун битта ёки бир неча шундай потенциал қатламнинг ўлчамини, қўламини ҳамда ундан тижорат мақсадида фойдаланиш имкониятини аниқлаш мақсадида углеводородларни ер қаъридан фойдаланувчи томонидан геологик жиҳатдан ўрганиш доирасида амалга ошириладиган барча ишлар;

**углеводородларни биргаликда ўзлаштириш** – углеводородларни қазиб олишга доир турли рухсатномаларга тааллуқли бўлган ер қаъри участкаларидағи битта нефть-газ кони чегараларида жойлашган углеводородларнинг битта ёки бир неча қатламига нисбатан углеводородларни қазиб олишга оид биргаликдаги ишларни бир неча ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан шартнома асосида, шу жумладан тегишли конни ўзлаштириш учун умумий инфратузилмадан фойдаланган ҳолда амалга ошириш;

**углеводородларни рекогносцировка қилиш ишлари** – бирор-бир усулдан фойдаланиш воситасида ер қаърининг муайян участкасида углеводородларни излаш чоғида бажариладиган геологик, геокимёвий ва геофизик қидирув ишлари: сейсмик, гравиметрик, магнит, электр, электромагнит, геокимёвий тадқиқотлар, шу жумладан уч юз метр чукурликка қадар унча чукур бўлмаган бурғилаш ишлари;

**углеводородларни қазиб олиш ишлари** – нефть ва газ конини ёки углеводородлар қатламини ўзлаштириш, углеводородларни қазиб олиш,

чиқарыб олиш, транспортда ташиш, тайёрлаш ва ажратиш ёхуд нефть-газ инфратузилмаси обьектларини қуриш, ўрнатиш, ишлатиш ёки унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳар қандай ишлар;

**фойдали компонент** – фойдали қазилманинг тижоратда фойдаланиш мақсадида қазиб олиш технологик жиҳатдан мумкин бўлган ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган таркибий қисми;

**фойдали қазилмалар** – ер қаъридаги келиб чиқиши ноорганик ва органик бўлган қаттиқ, суюқ ёки газсимон ҳолатдаги табиий минерал ҳосилалар, шу жумладан саноат аҳамиятига молик ер ости сувлари, шўр кўлларнинг туз эритмалари;

**фойдали қазилмалар кони** – микдори ва сифати жиҳатидан ўзлаштириш обьекти бўлиши мумкин бўлган, таркибida фойдали қазилмалар мавжуд ер қаъри участкаси;

**фойдали қазилмаларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш** – ер қаъри участкаларидан, шу жумладан сочма олтин конлари участкаларидан тадбиркорлик таваккалчилиги асосида қимматбаҳо металларни ва қимматбаҳо тошларни носаноат усулида қазиб олиш;

**фойдали қазилмаларни қазиб олиш** – фойдали қазилмаларни ер қаъридан юзага чиқарыб олиш билан боғлиқ ишлар мажмуи;

**экологик экспертиза** – режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгилаш ҳамда экологик экспертиза обьектини рўёбга чиқаришга йўл қўйилиши мумкинлигини аниқлаш;

**электрон аукцион** – электрон савдоларни аукцион шаклида ўтказиш усули бўлиб, бунда ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуки Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ихтисослашган электрон савдо майдончасида онлайн режимда, аукциондан teng фойдаланиш асосида амалга оширилади;

**қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмалар** – ер ости қатламларида ёки ер юзасида қаттиқ шаклда жойлашган табиий минерал ҳосилалар, органик моддалар ва уларнинг аралашмалари, рудали ва норуда фойдали қазилмалар;

**қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларнинг асосий турлари** – норуда фойдали қазилмалардан фарқ қилувчи қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмалар.

#### **4-модда. Ер ости бойликларига эгалик қилиш ва уларни тасарруф этишнинг, шунингдек ер қаъридан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилишнинг асосий принциплари**

Ер ости бойликларига эгалик қилиш ва уларни тасарруф этишнинг, шунингдек ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

қонунийлик ва ер қаъридан фойдаланиш шартларининг барқарорлиги;

ер қаъридан оқилона фойдаланиш;  
экологик хавфсизликни таъминлаш;  
ахборотнинг очиқлиги ва шаффоғлиги;  
адолатлилик ва рақобатбардошлиқ;  
ер қаъридан фойдаланувчиларнинг инсоғлилиги.

Ер қаъридан фойдаланиш шартларининг қонунийлиги ва барқарорлиги ушбу фаолиятни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш орқали таъминланади.

Ер қаъридан оқилона фойдаланишга халқнинг ва инвесторларнинг манфаатларини кўзлаб барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш мақсадида ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини бериш орқали эришилади.

Экологик хавфсизлик талабларини таъминлаш ер қаъридан экологик хавфсиз усуллар орқали фойдаланиш ҳамда ер қаърини ифлослантиришнинг олдини олиш ва атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни қўллаш ҳисобидан амалга оширилади.

Ахборотнинг очиқлиги ва шаффоғлиги қонунчиликка мувофиқ ер қаъридан фойдаланувчиларни ахборот эркинлигини англатади.

Адолатлилик ва рақобатбардошлиқка ер қаъридан фойдаланувчиларга, шу жумладан чет эл инвесторларига тенг ва камситилмайдиган муносабатни таъминлаш ҳамда монополиянинг ва бозорга таъсир ўтказишни суистеъмол қилишнинг олдини олиш орқали эришилади.

Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг инсоғлилиги ер қаъридан фойдаланиш фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш жараёнида ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан уларга берилган ҳуқуқларни амалга оширишда ва ушбу Қонунда назарда тутилган мажбуриятларни бажаришда ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳалоллиги ҳисобидан таъминланади.

## **5-модда. Фойдали қазилмаларнинг таснифи**

Фойдали қазилмалар иқтисодий аҳамиятига ва ер қаъри участкаларини фойдаланишга бериш шартларига кўра, ушбу Қонунга мувофиқ асосий ва норуда фойдали қазилмаларга бўлинади.

Фойдали қазилмаларнинг асосий турлари жумласига қуйидагилар киради:

а) рудали фойдали қазилмалар – таркибида металлар мавжуд бўлган фойдали қазилмалар. Улар жумласига алюминий, сурма, маргимуш, бериллий, висмут, бор, кадмий, цезий, целестин, хром, киноварь, кобальт, мис, галенит, галлий, германий, олтин, гафний, ильменит, индий, темир, темир оксиди, кўрғошин, литий, магний, марганец, симоб, молибден, никель, ниобий, платина гурухидаги металлар, пиритлар, радий, ноёб

ер элементлари (лантаноидлар ва актиноидлар), рений, рубидий, скандий, селен, кумуш, стронций, tantal, теллур, таллий, торий, қалай, титан, вольфрам ва унинг рудалари, ванадий, вульфенит, иттрий, рух ҳамда циркон киради. Рудали фойдали қазилмалар сувда эриган рудали фойдали қазилмаларни ўз ичига олади;

б) радиоактив фойдали қазилмалар – таркибида радиоактив изотоплар мавжуд бўлган минераллар. Улар уранни, торийни ва бошқа радиоактив минералларни ўз ичига олади, бундан радий ва калий мустасно;

в) энергетик фойдали қазилмалар – углеводородлардан фарқ қиласидиган, энергияни ҳосил қилишда фойдаланиладиган фойдали қазилмалар. Улар жумласига кўмирнинг барча турлари, шу жумладан тошкўмир ва кул ранг кўмир, антрацит, торф ва радиоактив минераллар киради;

г) углеводородлар – одатда энергия ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган, суюқ ёки газсимон ҳолатда бўладиган фойдали қазилмаларнинг углеводород бирикмалари. Улар жумласига хом нефть, табиий газ, эритилган газ, газ конденсатлари, ёнувчи сланецлар ва сланецли нефть ҳамда улар билан боғлиқ компонентлар, ноанъанавий углеводородлар, шунингдек нефть маҳсулотлари ва табиий газни чукур қайта ишлаш маҳсулотлари киради.

Таркибида металлар мавжуд бўлмаган минераллар норуда фойдали қазилмалардир. Норуда фойдали қазилмалар жумласига қуидагилар киради:

а) кон-кимё хом ашёси – минерал пигментлар, минерал тузлар (инсон истеъмол қилиши учун фойдаланиладиган), калий тузи, натрий сульфат, карбонатли тоғ жинслари (оҳактош, доломитлар), минерал ўғитлар (глауконитлар, фосфоритлар ва бошқалар), шунингдек бошқа кон-кимё хом ашёси;

б) кон-руда хом ашёси – эрувчан шпат, дала шпати хом ашёси, кварц ва кварцит, табиий графит, шиша хом ашёси, кварц қум, брусит мармар, тальк ва тальк тоши, талькли магнезит, волластонит, асбест, барит, вермикулит, қолиплаш хом ашёси, фельзит, серпентинит ва бошқа кон-руда хомашёси;

в) қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар – ҳар қандай ишлов берилмаган, сочилган ҳолдаги, ора-сира жойлашган тошлар (олмос, зумрад, берилл, опал, рубин, сапфир, феруза, хризоберилл, шпинел, топаз, турмалин, циркон, обсидиан, перидот, ойтош, хризопраз, аметист, кварц, ёкут, цоизит, кордиерит, скаполит ва бошқа хомашё);

г) қурилиш материаллари ва тўлдиргичлар – одатда қурилиш саноатида шағал ёки блокли тош сифатида фойдаланиладиган фойдали қазилмалар ва улар билан боғлиқ материаллар (гил, қум, шағал, оҳактош ва бошқа магматик жинслар, лой, мергель, гипс, бўр, андезит, туф, кристалли сланец, гилли сланец, том ёпишда ишлатиладиган сланец, қумтош, кварц, тўлдиргичлар ва қурилиш тоши, серпентин, перидотит,

дунит, диорит, диабаз, базальт, габбро, сиенит, гнейс, кварцит ва бошқа хом ашё).

Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар юқори қимматли минераллар жумласига киради. Улар олтин ва қимматбаҳо тошлар каби қимматбаҳо металл минералларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг қарорлари билан фойдали қазилмалар рўйхати ҳали фойдаланилмаган моддалар билан тўлдирилиши мумкин.

Саноат аҳамиятига молик ер ости сувлари ичимлик ва минерал ичимлик сув сифатида яроқсиз бўлган ва бальнеологик мақсадларда фойдаланилиши мумкин бўлмаган, бироқ саноат мақсадларида фойдаланилиши мумкин бўлган табиий ер ости сувларидан иборатdir. Сувнинг таркибидаги минералларга қараб минераллар асосий ва норуда минералларга таснифланади.

## **6-модда. Ер қаърига бўлган мулкчилик хуқуқи**

Ер қаъри ва ер қаърида табиий йўл билан жойлашган барча фойдали қазилмалар Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш лозим ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади. Ушбу мулк хуқуқи ҳар қандай шахснинг ерга ва сувга бўлган бирор-бир хуқуқига ёки мулкчилигига қарамай қўлланилади.

Давлат ер қаърини ушбу Қонунда назарда тутилган асослар, шартлар ва чегараларда фойдаланишга беради.

Ер қаъри участкалари олди-сотди, ҳадя, мерос қилиб қолдириш, омонат, гаров предмети бўлиши ёки ҳар қандай бошқача шаклда ўзга шахсга ўтказилиши мумкин эмас.

Давлат ушбу Қонуннинг ҳамда қонунчилик ҳужжатларининг қоидалари ва шартларига мувофиқ ер қаъри участкаларидан фойдаланишга доир, шу жумладан фойдали қазилмаларни рекогносцировка қилиш ишларини, геологик жиҳатдан ўрганишни, қазиб олишни (қайта ишлашни) амалга оширишга доир рухсатномалар бериш хуқуқига эга.

## **7-модда. Ер қаъридан фойдаланишга доир рухсатномага ва қазиб олинган фойдали қазилмаларга бўлган мулк хуқуқи**

Ер қаъридан фойдаланишга доир рухсатномага бўлган мулк хуқуқи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа шахсга ўтказилиши, шу жумладан сотиш, гаров ёки бошқача таъминот орқали бошқа шахсга ўтказилиши мумкин.

Қонунчиликда белгиланган тартибда қазиб олинган фойдали қазилмаларга бўлган мулк хуқуқи ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқига эга бўлган жисмоний ва юридик шахсларга тегишилидир.

Қонунга хилоф равишда қазиб олинган фойдали қазилмаларга бўлган мулк ҳуқуки Ўзбекистон Республикасига тегишилидир.

Ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда қазиб олинган фойдали қазилмаларга бўлган мулк ҳуқуки давлат томонидан муҳофаза қилинади.

### **8-модда. Техноген минерал ҳосилаларга бўлган мулк ҳуқуки**

Ер қаъри участкасининг чегарасида жойлашган техноген минерал ҳосилалар мазкур участкага тегишилидир.

Ер қаъридан фойдаланувчининг фойдаланишида бўлган ер қаъри участкасида мазкур фойдаланувчининг фаолияти натижасида юзага келган техноген минерал ҳосилаларга бўлган мулк ҳуқуки ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқининг амал қилиш муддатида ушбу фойдаланувчидан сақланиб қолади. Техноген минерал ҳосилаларнинг мулкдорлари бўлган ер қаъридан фойдаланувчилар ушбу Қонунга мувофиқ уларга эгалик қилишга, улардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга, шу жумладан учинчи шахсларга беришга ҳақли.

Ер қаъри участкасида у билан боғлиқ рухсатноманинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин қолган техноген минерал ҳосилалар давлат мулки ҳисобланади ва улар давлат ер қаъри фонди таркибиға киритилади.

Очиқ майдонларда техноген минерал ҳосилаларни жойлаштиришга ушбу Қонун қоидаларига мувофиқ рухсат берилиши мумкин.

Техноген минерал ҳосилаларнинг берилиши ер қаъридан фойдаланувчининг ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф этиш бўйича амалдаги мажбуриятларига таъсир этмайди.

### **2-боб. Ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**

### **9-модда. Давлатнинг ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги роли**

Давлат ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида куйидаги вазифаларни бажаради:

1) кончилик тармоғига инвестициялар киритилишига кўмаклашиш ва уларни тартибга солиш, ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни ташкил этиш, фойдали қазилмаларни қазиб олишни, ер қаърининг бошқа обьектларини ўзлаштиришни ва ер қаъридан фойдаланишни тартибга солиш;

2) фойдали қазилмаларни ўзлаштириш ва тасарруф қилишда конунийликни, очиқлик ва шаффофликни, холисликни ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш, ер қаъридан фойдаланишни мониторинг қилиш ва маълумотларни мунтазам равишда эълон қилиш, шунингдек инвестиция лойиҳалари доирасида ижтимоий ҳимояни амалга ошириш;

3) берилган рухсатномалар доирасида ер қаъридан фойдаланиш шартлари бажарилишини таъминлаш, ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга ошириш, шунингдек қонунчиликка зид бўлган ҳаракатларга йўл қуимаслик чораларини кўриш.

### **10-модда. Ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи органлар**

Ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи органлар қуидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси;
- Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги «Ер қаъридан фойдаланиш маркази» давлат муассасаси;
- маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари.

### **11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари**

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
  - ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;
  - ер қаърини давлат мулки обьекти сифатида бошқаришни амалга оширади, миллий хавфсизликни, аҳоли хавфсизлигини, унинг ҳаёти ва соғлиғи сақланишини, шунингдек атроф-муҳитнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида, ер қаъридан фойдаланишга доир чекловлар ва тақиқларни белгилайди;
  - минерал хомашё базасини ривожлантиришга ҳамда қайта тўлдиришга оид узоқ муддатли ва ўрта муддатли давлат дастурларини тасдиқлайди ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;
  - ер қаъри участкаларини фойдаланишга бериш ҳамда ер қаъри ҳолатининг давлат мониторингини амалга ошириш тартибини белгилайди;
  - ер қаърининг давлат фонди кадастрини юритиш тартибини белгилайди;

фойдали қазилмалар конларини ўзлаштириш ва минерал хомашёни қайта ишлашда Ер қаърини муҳофаза қилишнинг ягона қоидаларини тасдиқлайди;

ер қаърининг геологик жиҳатдан ўрганилиши, ундан фойдаланилиши ва унинг муҳофаза қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди;

қимматбаҳо металларни ва қимматбаҳо тошларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди;

Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси таркибини тасдиқлайди;

минерал хомашё базасини ривожлантиришга ва қайта тўлдиришга оид давлат дастурлари доирасида амалга оширилган, саноат аҳамиятига молик бўлган фойдали қазилмаларнинг янги конларини очганлик ёки илгари маълум бўлган конларни (конлар участкаларини) тубдан қайта баҳолаганлик учун пулли мукофотлар миқдорларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## **12-модда. Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги билан углеводородлар соҳасида, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

бошқа вазирликлар ва давлат идоралари билан ер қаъридан фойдаланиш соҳасида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги билан углеводородлар бўйича ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан атроф муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан секторнинг ривожланишини мувофиқлаштиради;

минерал хомашё базасини ривожлантиришга ва уни тўлдиришга оид ҳар йилги давлат дастурларини шакллантиради ҳамда амалга оширади;

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратининг ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш нормативлари ва талабларига риоя этилишига, минерал хомашёни қазиб олиш ва қайта ишлашнинг оқилона усулларини қўллашга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги билан углеводородлар юзасидан келишувга кўра фойдали қазилмалар захиралари ҳисобга олинишини таъминлашга тааллуқли қисмини ташкил этади;

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни мухофаза қилиш соҳасидаги йўриқномаларни ҳамда услубий кўлланмаларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясининг ишини ташкил этади;

фойдали қазилмалар захираларининг давлат балансини юритиш тартибини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **13-модда. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг ер қаъридан фойдаланиш ва уни мухофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги:

ёқилғи-энергетика тармоғида Ўзбекистон Республикасининг энергетика хавфсизлигини таъминлашга, иқтисодиёт тармоқларини ва мамлакат аҳолисини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

углеводородларнинг қазиб олиниши, қайта ишланиши, транспортда ташилиши, тақсимланиши ҳамда улардан фойдаланилиши давлат томонидан тартибга солинишини амалга оширади;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларининг углеводородларга оид қисмини ишлаб чиқишида иштирок этади ва уларни келишади;

углеводородларнинг ресурс базасини ривожлантиришга ва қайта тўлдиришга оид давлат дастурларини ишлаб чиқишида ҳамда амалга оширишда иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **14-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ер қаъридан фойдаланиш ҳамда уни мухофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги:

ер қаъридан фойдаланиш ва уни мухофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатининг экологик масалаларга оид қисмини амалга оширишда иштирок этади;

ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги лойиҳаларни давлат экологик экспертизасидан ўтказади ва хулосалар беради;

ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда, ер остида сақлашга доир рухсатномалар берилишини, уларни бериш рад этилишини, уларнинг қайтариб олинишини, амал қилиши узайтирилишини, тўхтатиб турилишини ёки тугатилишини амалга оширади;

ер қаърини муҳофаза қилишга доир дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ер қаъридан фойдаланиш фаолиятига тааллукли бўлган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқади;

ер қаърининг давлат экологик назоратини амалга оширади, ер қаърини муҳофаза қилишга оид экологик талабларни бузган ҳолда бажарилаётган ер қаъридан фойдаланишга доир ишларни чеклаш ва (ёки) тўхтатиб туриш юзасидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўради;

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**15-модда. Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати  
ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати  
ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг  
ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш  
соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси:

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда саноат хавфсизлиги таъминланиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

ер қаъридан фойдаланувчилар участкаларининг инспекциясини ўтказади;

жарима санкцияларини солиш, ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги ишларни чеклаш ва (ёки) тўхтатиб туриш юзасидан қонунчиликка мувофиқ чоралар кўради;

саноат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ер қаъри тўғрисидаги қонунчилик ва ер қаъридан фойдаланиши техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда саноат хавфсизлиги таъминланиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни мухофаза қилиш билан боғлиқ лойиҳаларнинг саноат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-хукуқий хужжатлар талабларига риоя этилишига оид қисмини мувофиқлаштиради;

саноат хавфсизлиги талабларини бузган ҳолда амалга оширилаётган ер қаъридан фойдаланишга доир ишларни чеклаш ва (ёки) тўхтатиб туриш юзасидан қонунчилик хужжатларига мувофиқ чоралар кўради.

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### **16-модда. Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги «Ер қаъридан фойдаланиш маркази» давлат муассасасининг ер қаъридан фойдаланиш ва уни мухофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги «Ер қаъридан фойдаланиш маркази» давлат муассасаси (бундан буён матнда Ер қаъридан фойдаланиш маркази деб юритилади):

ер қаъри давлат фондининг, фойдали қазилмаларнинг захиралари бўйича давлат балансини, ер қаъри кадастр тизимининг, шу жумладан қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмалар конлари ва белгилари кадастрининг ҳамда углеводородлар кадастрининг ҳисобини юритади ва уларни бошқаришни амалга оширади;

минерал хомашё базасини ривожлантиришга оид давлат дастурлари доирасида ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга оид лойиҳа-смета хужжатларини экспертизадан ўтказади;

кадастр квадратларининг ахборот базасини юритади;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқига доир руҳсатномалар берилишини, уларни бериш рад этилишини, амал қилиши узайтирилишини, тўхтатиб турилишини ёки тугатилишини амалга оширади;

руҳсатнома беришга доир аризани ва руҳсатномани бериш жараёнларини ишлаб чиқади ҳамда жорий этади;

ушбу Қонунга мувофиқ руҳсатномалар беришнинг қўшимча усууллари учун кадастр квадратларини захира қиласди;

очиқ квадратлар бўлмаган кадастр квадратларини белгилайди;

фойдали қазилмалар захиралари тўғрисидаги ҳисботларнинг ҳисобини юритади;

ер қаъридан фойдаланувчилардан ҳисоботларни қабул қиласи ва уларнинг давлат назоратининг тегишли органларига тақдим этилишини мувофиқлаштиради;

фойдали қазилмалар захираларининг давлат балансини юритиш ва ҳисобга олиш тартибини белгилайди;

Ер қаърининг давлат фонди ҳисобини юритади ва уни бошқаради;

ер қаъри кадастр тизими, шу жумладан қаттиқ фойдали қазилмалар конлари кадастрини ҳамда углеводородлар кадастри ҳисобини юритади ва уларни бошқаради;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа фойдаланувчилар билан ҳамкорлик қилиш учун ер қаъри участкалари тўғрисидаги кадастр ахборотини ўз ичига олган электрон харитани ишлаб чиқади.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **17-модда. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:

тегишли ҳудудда минерал хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдиришга ҳамда ер қаърини муҳофаза қилишга оид давлат дастурларини ишлаб чиқишида ва амалга оширишда иштирок этади;

худудий дастурларни тасдиқлайди ва амалга оширади;

ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **3-боб. Ер қаърининг кадастр тизими ва маълумотларни бошқариш**

#### **18-модда. Ер қаърининг кадастр тизими**

Ер қаърининг кадастр тизими ер қаъри давлат фондининг кадастридан ҳамда бирламчи геологик ахборот реестридан иборат.

Ер қаърининг кадастр тизими яратиш ҳамда унинг барқарор ишлаб туришини таъминлаш Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан ер қаъридан фойдаланувчиларнинг маълумотлари асосида амалга оширилади.

Ер қаъри кадастр тизимининг таркиби, мазмуни, талаблари, ундан фойдаланиш шартлари қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Ер қаърининг кадастр тизимини юритиш билан боғлиқ ишлар минерал хомашё базасини ривожлантириш ва уни тўлдиришнинг ҳар йилги давлат дастурлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилади.

## **19-модда. Кадастр квадрати**

Кадастр сеткаси кадастр квадратларидан иборат бўлади. Ҳар бир кадастр квадрати тўлиқ градуслар ва дақиқаларга ҳамда зарур бўлганда ўн каррали сонияларга тўғри келиши керак бўлган ўнта олтмишталик сонияни ташкил этадиган икки параллел ва икки меридиан ўртасида юзасининг асоси жойлашган ноаниқ чуқурликдаги ер қаъри участкасидан иборатdir.

Кадастр квадрати ажралмас бўлиши керак, бундан миллий худуд чегаралари билан ажратилган кадастр квадратлари ҳамда қонунчилик хужжатларига мувофиқ айнан битта кадастр квадратига доир икки рухсатнома мавжуд бўлган ҳоллар мустасно.

Ушбу Қонун мақсадлари учун ер қаъри участкаси макон чегараларининг ўлчовлари координаталар бўйича Жаҳон геодезия тизимига (WGS-84) боғланади, чуқурликлар мутлақ чуқурликлар белгилари билан кўрсатилади.

Ер қаъри участкасининг устки макон чегараси тупроқ қатламидан пастда, ушбу қатlam мавжуд бўлмаганда эса ер юзасидан ёки сув ҳавзалари, сув оқимлари тубидан пастда жойлашади. Ер қаъри участкасининг пастки макон чегараси геологик жиҳатдан ўрганиш ва ўзлаштириш учун қулай бўлган чуқурликларда жойлашади. Ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда, ер қаъри участкасининг устки ва пастки макон чегаралари ҳар хил чуқурликда жойлашиши мумкин.

Рухсатнома ҳар доим умумий нуқтага эга бўлган участкалар ҳеч бўлмаганда томонларидан бирининг бутун узунлиги бўйича бирлашган тарздаги ёнма-ён кадастр квадратларининг муайян миқдорига нисбатан берилади ёки узайтирилади, бундан ушбу Қонуннинг 169-моддасида назарда тутилган ўтувчи қоидаларда кўрсатилганидан ошиб кетиш ҳоллари мустасно.

Рухсатномалар доирасида ер қаъри участкаси периметлари ер юзаси бир ёки бир неча квадратлар орқали ҳосил бўладиган тарзда периметрнинг бирор-бир чўққисидан бирига мувофиқ бўлган параллел билан меридиан кесишадиган жойни таянч нуқта сифатида қабул қилган ҳолда, географик координаталар ёрдамида сўраб олиниши ҳамда белгиланиши керак.

## **20-модда. Ер қаърининг давлат фонди**

Ер қаърининг давлат фонди Ўзбекистон Республикасининг ер қаърида жойлашган фойдали қазилма ресурсларининг потенциал

қиммати тўғрисидаги ахборот давлат томонидан сақланадиган жойдир. У фойдаланилаётган ва фойдаланилмаётган ер қаъри участкалари тўғрисидаги, шунингдек техноген минерал ҳосилалар ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлади.

Ер қаърининг фойдаланилаётган участкалари белгиланган мақсадидан қатъи назар, рухсатнома берилган участкаларни ўз ичига олади.

Ер қаърининг давлат фондини ҳисобга олиш Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан қуидагилар орқали амалга оширилади:

- 1) ер қаърининг давлат фонди кадастрини юритиш;
- 2) ер қаъри ҳолатининг давлат мониторингини амалга ошириш;

3) ер қаърининг давлат фондига тааллуқли бўлган геологик ахборотни йиғиш, сақлаш, тизимлаштириш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш.

Ер қаъри ва унинг объектлари тўғрисидаги геологик, гидрогеологик, геофизик, геокимёвий ҳамда бошқа ахборот Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона тизим бўйича қабул қилинади, ишлов берилади, сақланади ва фойдаланилади.

Ер қаъри ва унинг объектлари тўғрисидаги ахборот ер қаъри давлат фонди кадастрининг, ер қаъри ҳолати давлат мониторингининг, фойдали қазилмалар захиралари давлат балансининг материалларида, шунингдек хариталаш, ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат ҳисоби ҳамда статистика ҳисботи материалларида қайд этилади. Материаллар бир-бирига тўғри келиши ҳамда ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона ахборот тизимининг асосини ташкил этиши керак.

Ер қаърининг давлат фондига киритилиши лозим бўлган ахборотнинг тури ва мазмуни қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилади.

## **21-модда. Ер қаърининг давлат фонди кадастри**

Ер қаърининг давлат фонди кадастри Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан юритилади ва янгиланиб борилади ҳамда қуидагилардан иборат бўлади:

1) қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмалар конларининг ва белгиларининг кадастри;

2) углеводородлар кадастри;

3) ер қаъри маконининг кадастри;

4) қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларга, ер остида сақлашга доир рухсатномалар ва бошқа рухсатномалар кадастри;

5) техноген минерал ҳосилалар кадастри;

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмалар конлари ва белгиларининг кадастри ҳар бир қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмалар кони ҳамда белгиси

бўйича ҳам асосий фойдали қазилмаларнинг, ҳам улар билан бирга жойлашган фойдали қазилмаларнинг микдори ва сифати, фойдали компонентлар, қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмалар конларини ёки ер қаъри участкаларини ўзлаштиришнинг кон-руда, технологик, гидрогеологик, экологик ҳамда бошқа шартлари тўғрисидаги, шунингдек қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмалар конларининг геологик-иктисодий жиҳатдан баҳоланиши ҳақидаги барча мавжуд ахборотни ўз ичига олади.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмалар конлари ва белгиларининг кадастри қаровсиз қолган, ишлатилаётган ва ёпиқ конлар ёки қазиб олиш участкалари тўғрисидаги, уларнинг мақоми, жойлашган ери, мулк ҳукуқи, ўлчами, иқтисодий ва ишлаб чиқаришга оид маълумотлар, маҳсус рухсатномалар, фойдаланишга доир режалар, ҳар йилги ҳисоботлар каби ахборотни ҳамда бошқа тегишли ахборотни ўз ичига олади.

Углеводородлар кадастри нефть-газ операцияларининг ўзига хос ҳусусиятлари билан боғлик ҳолда алоҳида кадастар тарзида юритилади ва қуидагилардан иборат бўлади:

- 1) углеводородлар конлари ва белгиларининг кадастридан;
- 2) углеводородлар конлари бўйича рухсатномалар кадастридан;
- 3) углеводородлар қудукларининг кадастридан.

Углеводородлар конлари ва белгиларининг кадастри ҳар бир углеводородлар кони бўйича асосий фойдали қазилмаларнинг ҳамда бошқа фойдали қазилмаларнинг ва улар билан бирга жойлашган фойдали қазилмаларнинг микдори ҳамда сифати, углеводородлар конларини ёки ер қаъри участкаларини ўзлаштиришнинг кон-руда, технологик, гидрогеологик, экологик ҳамда бошқа шартлари, шунингдек ҳар бир углеводородлар конининг геологик-иктисодий жиҳатдан баҳоланиши тўғрисидаги барча мавжуд ахборотни ўз ичига олади. Углеводородлар конлари ва белгиларининг кадастри қазиб олиш участкалари тўғрисидаги, уларнинг мақоми, жойлашган ери, мулк ҳукуқи, микдори ҳақидаги, иқтисодий ва ишлаб чиқаришга оид маълумотлар, маъқуллаш, фойдаланишга доир режаларни, ҳар йилги ҳисоботлар каби ахборотни ҳамда бошқа тегишли ахборотни, шунингдек қаровсиз қолган, ишлатилаётган ва ёпиқ (консервация қилинган) қудукларнинг координаталарини ўз ичига олади.

Углеводородлар конлари бўйича рухсатномалар кадастри қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмалар, углеводородлар, сақлашга доир рухсатномалар ва бошқа рухсатномалар кадастрининг таркибий қисми сифатида амалдаги, амал қилиши тўхтатиб турилган ёки тугатилган рекогносцировка қилиш ишларига доир рухсатномалар, углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномалар, углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномалар тўғрисидаги, уларнинг мақоми, жойлашган ери, мулк ҳукуқи, тўланган йиғимлар ва тўловлар каби маълумотларни ҳамда бошқа тегишли ахборотни ўз ичига олади.

Углеводородлар қудукларининг кадастри углеводородларни рекогносцировка қилиш ишлари, геологик жиҳатдан ўрганиш ва қазиб олиш чоғида бурғиланган барча қудуклар, шу жумладан утилизация қилинган қудуклар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Углеводородлар қудукларининг кадастри геотехник ва экологик жиҳатдан баҳолаш учун қудуклар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олмайди. Мазкур кадастри углеводородларнинг макондаги жойлашган ери, чуқурлиги, бурғилаш обьекти, геологик-геофизик каротаж, ўтказилган колоннанинг қолдиқлари, олинган намуналар тўғрисидаги маълумотларни ва қудук ҳақидаги бошқа тегишли маълумотларни ўз ичига олади.

Ер қаъри маконининг кадастри ер қаъри маконининг ҳисобга олинадиган ҳар бир бирлиги, уларнинг координаталари, ҳажми ва шакли (конфигурацияси), ишлаб чиқариш, хўжалик обьектларини ҳамда бошқа обьектлар ва моддаларни жойлаштириш, технологик ва бошқа жараёнларни амалга ошириш имконияти, вакт ўзгариши билан дастлабки шаклни ҳамда ҳажмни саклаш қобилияти, фойдаланишнинг экологик, геологик, кончилик-техник, гидрогеологик ва бошқа шартлари, геологик-иктисодий жиҳатдан баҳолаш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларга, углеводородларга, саклашга доир рухсатномалар ва бошқа рухсатномалар кадастри амалдаги, амал қилиши тўхтатиб турилган ёки тугатилган қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномалар, қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномалар, углеводородларни рекогносцировка қилиш ишларига доир рухсатномалар, углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномалар, углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномалар, саклаш учун ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномалар, ер остида саклашга доир рухсатномалар, радиациявий хавфсизлик соҳасидаги бирор-бир рухсатнома, олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатномалар, коллекция материалларини тўплашга доир рухсатномалар тўғрисидаги, мақоми, жойлашган ери, мулк ҳукуқи, тўланган йифимлар ва тўловлар каби маълумотларни ҳамда бошқа тегишли ахборотни ўз ичига олади.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларга, углеводородларга, саклашга доир рухсатномалар ва бошқа рухсатномалар кадастри барча берилган рухсатномалар бўйича маълумотларни, шу жумладан қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- 1) ҳар бир рухсатнома тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан: рўйхатга олиш рақами ва берилган сана; ер қаъридан фойдаланувчининг номи; рухсатнома берилган фойдали қазилмалар кони; рухсатноманинг тури ва унинг жорий мақоми; рухсатнома бериш учун бирор-бир асос; рухсатномада кўрсатилган кадастри квадратлари; рухсатноманинг амал қилиш муддати; тузатишлар, ҳукуқдан воз кечиш, рухсатноманинг амал қилишини тугатиш ёки уни чақириб олиш;

2) ҳар бир ер қаъридан фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан: унинг номи ва манзили; унинг рухсатноманинг амал қилиш муддати ичидаги тегишли тўловлар тўланганлиги тўғрисидаги тасдиғи, шу жумладан бирор-бир тўланмаган солиқлар ҳақидаги ахборот; ер қаъридан фойдаланувчи томонидан тақдим этилган ҳисботлар ва бирор-бир бошқа ҳисбот; унинг суғурта полислари; рухсатнома доирасида ўзи содир этган бирор-бир қоидабузарликка нисбатан ваколатли органинг қарори;

3) ҳар бир рухсатномада кўрсатилган ер қаъри участкаси ва кадастр квадрати юзасининг ер участкаси тўғрисидаги маконга оид ахборотни, шу жумладан: унинг атрофи, транспорт жиҳатдан қулайлиги, ер қаъри участкасидаги мавжуд иншоотлар ва инфратузилма, шунингдек ушбу Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ ер қаъридан фойдаланиш тақиқланган ер қаъри участкалари;

4) углеводородлар бўйича: бирор-бир ишлатилаётган ёки тугатилган қудукларнинг турлари, шу жумладан утилизация қилинган қудуклар ҳамда бурғилаш қоришмаларини, куқунни, қатламнинг гидравлик узилиш суюқлигини ёки қатлам сувини сақлаш учун чуқурчалар тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан кончиллик саноати суюқликлари ва чиқиндиларининг макондаги жойлашган ери, эгаллаган ҳажми (майдони), миқдори ва сифати ҳақидаги мавжуд ахборотни, фойдали қазилмалар тўғрисидаги ахборотни ҳамда суюқ чиқиндиларни тақороран насос билан ҳайдаш учун тоғ жинсларининг геологик қалинлиги ҳақидаги ахборотни;

5) Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси ёки бошқа давлат назорати органлари томонидан рухсатномаларга нисбатан тайёрланган ҳисботлар тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан: рухсатноманинг мақоми, ер қаъридан фойдаланиш участкасида ердан фойдаланиш тўғрисидаги ва фойдаланиш бўйича тасдиқланган режаларнинг ҳамда ишлар дастурларининг бажарилиш даражаси ҳақидаги ҳисботлар; меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги тўғрисидаги ҳисботлар; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, чиқиндиларни мониторинг қилиш ва бошқариш ҳақидаги ҳисботлар;

6) қаровсиз қолган ер остидаги ва ер юзасидаги кон қазишмалари, каваклар ва ер ости омборлари, тоғ-кон ишлари сабабли юзага келган ёриқлари бўлган майдончадаги, ҳудудлардаги иншоотлар тўғрисидаги маълумотларни.

Техноген минерал ҳосилалар кадастри фойдали қазилмаларни қазиб олиш ёки қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган ҳамда ер қаърининг ишлаб бўлинган маконларида ёки Ер юзасида (карьеरларда, ер ости бўшликларида, тоғ жинслари уюмларида, қолдиқларни сақлаш жойларида ва бошқа жойларда) жойлашган минерал хомашёнинг ҳар бир йирик тўпланиши бўйича тузилади.

Техноген минерал ҳосилалар кадастри фойдали қазилмаларнинг макондаги жойлашган ери, эгаллаган ҳажми (майдони), микдори ва сифати, уларнинг таркибидаги фойдали компонентлар ҳамда тақсимланиши ва концентрацияси хусусияти, геологик жиҳатдан ўрганиш жараёнида олинган маълумотларнинг ўрганилганлиги ва ишончлилиги даражаси, техноген минерал ҳосилаларнинг кончилик-технологик, гидрогеологик ва геологик-иқтисодий жиҳатдан баҳоланиши, бошқа тавсифлари ҳамда кўрсаткичлари тўғрисидаги мавжуд ахборотни ўз ичига олади.

Қудуқлар кадастри фойдали қазилмалар конларини, шу жумладан техноген ҳосилаларни, ер ости сувларини, ер қаъри маконларини ва геотермал энергияни геологик жиҳатдан ўрганиш учун бурғиланган барча қудуқлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Қудуқлар кадастри геотехник ва экологик жиҳатдан баҳолаш, углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш ҳамда қазиб олиш учун қудуқлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олмайди. Мазкур кадастри бурғилаш обьектининг макондаги жойлашган ери, чукурлиги, геологик ва геофизик каротаж, ўтказилган колонна қолдиқлари, олинган намуналар тўғрисидаги маълумотларни ва қудук ҳақидаги бошқа тегишли маълумотларни ўз ичига олади.

Ер қаърининг давлат фонди кадастри ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ва ер қаъри ҳолатининг давлат мониторинги натижалари тўғрисидаги маълумотларнинг келиб тушиши ҳисобидан, шунингдек ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ушбу Қонунга ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиладиган ҳисботлар ва ўзга маълумотлар асосида шакллантирилади.

## **22-модда. Бирламчи геологик ахборот реестри**

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш чоғида олинган бирламчи геологик ахборотнинг ягона ҳисобини юритиш ва уни лозим даражада сақлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан бирламчи геологик ахборот реестри юритилади.

Бирламчи геологик ахборот реестри ер қаъри давлат фондининг бошқа тизимлари билан ўзаро боғланадиган, ер қаъри тўғрисидаги бирламчи геологик ахборотни тўплаш, ҳисобга олиш, тизимлаштириш ва сақлаш йўли билан ташкил этиладиган маҳсус ахборот-қидирув тизимидан иборатdir.

Бирламчи геологик ахборот реестри ер қаъри тўғрисидаги геологик ахборотнинг эгалари томонидан тақдим этиладиган ахборотга асосан юритилади.

Ер қаъри тўғрисидаги бирламчи геологик ахборот реестрида табиий ва сунъий ташувчилардаги геологик ахборот ҳисобга олинади.

Геологик ахборотнинг табиий ташувчиларини сақлаш Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан худудларда ташкил этилган давлат ихтисослаштирилган сақлаш жойларида амалга оширилади.

Бирламчи геологик ахборот реестрига киритиладиган геологик ахборотнинг таркиби, уни автоматлаштириш, ёзувларни киритиш шакли, ушбу ахборотни сақлаш ва ундан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, шунингдек бирламчи геологик ахборотнинг табиий ташувчиларини давлат ихтисослаштирилган сақлаш жойларига тақдим этиш, уларга ишлов бериш, уларни тавсифлаш ҳамда сақлаш Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан белгиланадиган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

### **23-модда. Геологик ахборот**

Ер қаърининг ва унинг участкаларининг, фойдали қазилмалар конлари ҳамда белгиларининг моддий таркиби, геологик тузилиши ва тарихи, геологик, геокимёвий, геофизик, гидрогеологик, геоморфологик ҳамда тектоник хусусиятлари тўғрисидаги ҳар қандай ташувчида қайд этилган ва идентификация қилиш имконини берадиган реквизитларга эга бўлган маълумотлар геологик ахборотдир.

Геологик ахборотни ташувчилар ландшафт, тоғ жинсларининг намуналари каби табиий ташувчиларга, (фойдали қазилмалар, карбонат ангидрид газлари, меркаптанлар, сувлар намуналари, тоғ жинслари ва минераллар намуналари, бурғиланган қудуқлар кернлари, тош материалларининг намуналари ҳамда коллекциялари, шлифлар, аншлифлар, минерал эритмалар ва кукунлар) ҳамда сунъий ташувчиларга (дала кузатувлари, намуналар олиш, намуналарнинг таҳлиллари, геофизик кузатувларни рўйхатга олиш журнallари, геологик ҳисоботлар, бирламчи дала маълумотларининг қофоздаги ва электрон ташувчилар) бўлинади.

Агар геологик ахборот бюджет маблағлари ҳисобидан олинган ёки ушбу Конунга мувофиқ давлат мулкига топширилган бўлса, у давлат мулкида бўлади. Ер қаъридан фойдаланувчининг маблағлари ҳисобидан олинган геологик ахборот ер қаъридан фойдаланувчининг мулки бўлади. Ушбу Конунда назарда тутилган тартибда Ер қаъридан фойдаланиш марказига тақдим этиладиган геологик ҳисоботлардаги ва бошқа ҳужжатлардаги хусусий геологик ахборот давлатга муддатсиз эгалик қилишга ҳамда фойдаланишга берилади.

Давлат мулкида бўлган геологик ахборотни, шунингдек давлатнинг эгалигида ва фойдаланишида бўлган ахборотни ҳисобга олиш, сақлаш, тизимлаштириш, умумлаштириш ҳамда тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ер қаъридан фойдаланувчилар ўзи томонидан олинган геологик ахборотнинг ҳисобга олиниши ва сақланишини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги вакилларининг ушбу ахборотдан ўрганиш ёки текшириш учун монеликсиз фойдаланиши имкониятини, башарти қонунчилик хужжатларида белгиланган маҳфийликка ҳамда бошқа оқилона чекловларга риоя этилса, қонунчиликда белгиланган тартибда таъминлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ер қаъридан фойдаланувчидан ҳисботлардаги тегишли геологик ахборотни вазирликка мулк қилиб бепул топширилишини талаб қилишга ҳақли.

Ер қаъридан фойдаланувчилар бир ойдан кечиктирмай Ер қаъридан фойдаланиш марказини – геологик ахборотни табиий ташувчилар келгусида бошқа шахсларга ўтказилиши ёки йўқ қилиниши тўғрисида ҳамда ер қаъридан фойдаланиш тутатилгунига қадар – геологик ахборотнинг мавжуд табиий ташувчилари бошқа шахсларга ўтказилиши ва сунъий ташувчилар тикланиши лозим бўлмаган тарзда йўқ қилиниши тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Геологик ахборотни табиий ташувчиларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш фақат тадқиқот ўтказиш ва таҳлил қилиш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг рухсати билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги геологик ахборотни табиий ташувчиларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқишга рухсат берилишини қўйидаги асосларга кўра рад этишга ҳақли:

1) рухсат беришга доир ариза ушбу модданинг саккизинчи қисмida кўрсатилган мақсадларга мос келмаса;

2) олиб чиқиладиган намуналарнинг ҳажми тахмин қилинаётган тадқиқотнинг хусусиятига мос келмаса.

Агар давлат сирларини сақлаш тўғрисидаги қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, сунъий ташувчилардаги геологик ахборотни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш чекловларсиз амалга оширилади.

Ушбу модданинг саккизинчи ва тўққизинчи қисмларида назарда тутилган чекловлар ер қаъри маконларидан фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланишни амалга оширадиган ер қаъридан фойдаланувчиларга нисбатан қўлланилмайди.

## **24-модда. Ер қаъри кадастстр тизимининг маълумотлар базаси**

Ер қаъри кадастстр тизимининг маълумотлар базаси Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш, қазиб олиш соҳасидаги, шунингдек уларни қазиб олиш

тугаганидан кейинги фаолият тўғрисидаги барча маълумотлар бирлаштириладиган, сақланадиган, юритиладиган ва мунтазам равишда янгилаб бориладиган маълумотлар базасидан иборат.

Ер қаъри кадастр тизимининг маълумотлар базаси қўйидагиларни ўз ичига олади:

1) потенциал, амалдаги ҳамда тўхтатиб турилган қаттиқ фойдали қазилмаларни ва углеводородларни қазиб олиш участкалари, шунингдек минераллаштириш зоналари тўғрисидаги геологик, гидрогеологик, геофизик, геокимёвий ва бошқа ахборотни;

2) ер қаъри давлат фонди материалларида қайд этилган ер қаъри ва у билан боғлиқ иншоотлар ҳақидаги ахборотни;

3) ер қаъридан фойдаланишга доир амалдаги ва илгари берилган барча рухсатномалар учун географик маълумотларни, геологик маълумотларни ҳамда тегишли иқтисодий маълумотларни ўз ичига оладиган маълумотларни ва ер қаъридан фойдаланиш бўйича бошқа хуқуқларни;

4) ер қаъри холатининг давлат мониторинги, фойдали қазилмалар захираларининг давлат баланси тўғрисидаги ахборотни, шунингдек ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги картографик материалларни, давлат ҳисобини ҳамда давлат статистика ҳисботини.

Илгари олинган барча маълумотлар уларнинг бутлигини таъминлаш мақсадида тарихий маълумотлар бўйича маълумотлар базаси бўлимида ҳисобга олиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг картографик маълумотлари билан бирга ер қаъри кадастр тизимининг маълумотлар базаси ушбу Қонуннинг 25-моддасида назарда тутилган геологик ахборот тизимига (бундан буён матнда ГАТ деб юритилади) асосан геологик маълумотлар базаси учун асосни таъминлайди.

## **25-модда. Интерактив геологик портал**

Интерактив геологик портал ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги маълумотлардан ер қаъри кадастр тизими маълумотлар базасининг ва ГАТ асосидаги геологик маълумотлар базасининг ахбороти асосида фойдаланиш имконини беради.

Ер қаъри давлат фонди кадастрининг маълумотларидан фойдаланиш ва ушбу маълумотларни кўз билан кўришдан ташқари, ГАТ асосидаги геологик маълумотлар базаси маҳфий бўлмаган мавжуд маълумотларни ҳамда фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг мавжуд бўлган ва қаровсиз қолган участкалари; ифлосланган участкалар; фойдали қазилмалар белгилари ва конлар захиралари; тупроқшунослик, эрозия, геология, геокимё, тектоника, геофизика, гидрогеология ва муҳандислик геологияси;

иқлим шароитлари ҳамда, агар қўлланиладиган бўлса, геотермал энергия тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олади.

ГАТ асосидаги геологик маълумотлар базаси ГАТ портали, ахборот тизимлари орқали тўғридан-тўғри ёки веб-сайтлар орқали ахборот алмашишни амалга ошириш имконини беради.

Интерактив геологик портал маълумотлари ушбу Қонуннинг қоидаларига мувофиқ фойдаланиш учун очиқдир.

## **26-модда. Ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги ахборотдан фойдаланиш имкониятини бериш**

Ер қаъридан фойдаланиш маркази ушбу Қонунга мувофиқ жамоатчиликни асосий ахборотдан, шу жумладан камида қуйидаги ахборотдан фойдаланиш имкониятини таъминлайди:

1) ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига доир берилган рухсатномалар тўғрисидаги, шу жумладан ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, уни бошқа шахсга ўтказиш, шунингдек рухсатномаларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уларни бекор қилиш ҳақидаги;

2) таъминотнинг турини ва суммасини, амал қилиш муддатини ва таъминотни берган ташкилотнинг номини ўз ичига олган ер қаъридан фойдаланиш оқибатлари бартараф этилишини таъминлаш тўғрисидаги;

3) ер қаъридан фойдаланувчи тақдим этилган ҳисоботга биноан амалга оширган харажатларнинг йиллар бўйича умумий суммаси ҳақидаги;

4) агар товарлар, ишлар ва хизматлардаги маҳаллий улуш миқдорини таъминлаш ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг тегишли шартларида назарда тутилган бўлса, ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ер қаъри участкасидан фойдаланишга доир ишларни амалга ошириш учун аввалги ҳисобот даврида олинган товарлар, ишлар ва хизматлардаги маҳаллий улуш миқдори тўғрисидаги;

5) агар кўрсатилган харажатлар тегишли рухсатноманинг шартларига кўра мажбурий бўлса, ер қаъридан фойдаланувчи томонидан маҳаллий кадрларни ўқитиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш, маҳаллий аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-куватлаш учун аввалги ҳисобот даврлари бўйича амалга оширилган харажатларнинг умумий суммаси ҳақидаги.

Бундай ахборот харажатларнинг ўрнини қоплаш учун номинал тўлов эвазига тақдим этилади.

Давлат органлари томонидан олинган ҳисоботлардаги ва бошқа хужжатлардаги мавжуд геологик ахборот рухсатноманинг, шу жумладан бирор-бир кейинги рухсатноманинг амал қилиши сақланадиган вақтга қадар ер қаъридан фойдаланувчининг тижорат сири бўлиб қолади ҳамда давлат органлари унинг махфийлигини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриши шарт. Давлат кончилик компанияларидан ташқари бошқа давлат

органларининг талабига кўра, бундай ахборот ер қаъридан фойдаланувчи томонидан, башарти давлат органлари ушбу ахборотнинг махфийлигини ҳимоя қилиш, шу жумладан давлат кончиллик компанияларидан ҳам ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўрса, ошкор қилиниши мумкин.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази давлат органлари томонидан олинган ҳисботлардаги ва бошқа хужжатлардаги мавжуд геологик ахборотни эълон қилиш ёки ундан очик фойдаланиш имкониятини бериш йўли билан қуидаги ҳолларда ошкор этади:

1) агар маълумотлар ахборот минерал хомашё базасини ривожлантиришга оид давлат дастурлари доирасида ер қаърини давлат томонидан геологик жиҳатдан ўрганиш натижасида олинган бўлса;

2) ер қаъри участкасидан фойдаланишга доир рухсатноманинг (шу жумладан қайта расмийлаштирилган рухсатноманинг) амал қилиш муддати тугаганидан кейин;

3) ер қаъридан фойдаланувчининг ёзма розилиги мавжуд бўлганда.

Бундай ахборот бошқа давлат органларининг талабига кўра, башарти ахборотнинг махфийлигини ҳимоя қилиш бўйича ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик хужжатлари талабларига мувофиқ чоралар кўрилса, ошкор этилиши мумкин.

Давлат органлари томонидан олинган ҳисботлардаги ва бошқа хужжатлардаги ахборотни бошқача усул билан ошкор этиш тақиқланади.

Ер қаъридан фойдаланиш шартлари тўғрисидаги мажбуриятларнинг маҳаллий таъминотга оид қисми бажарилишига тааллуқли бўлган, ер қаъридан фойдаланувчи томонидан товарларни, ишларни ва хизматларни харид қилиш режалаштирилганлиги ва амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги, маҳаллий кадрларни ўқитиш харажатлари ҳақидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги илмий-тадқиқот ишларига, шунингдек ҳудудни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ривожлантиришга доир харажатларнинг ҳажмлари тўғрисидаги ахборот махфий деб топилмайди.

Ер қаъри давлат фонди таркибида киритилган ер қаъри участкаси жойлашувининг геологик таркиби тўғрисидаги янада батафсил маълумотлардан аукционлар, тендерлар ёки ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хужжатларига асосан рухсатномалар бериш учун фойдаланилиши мумкин.

Бундай ахборот, башарти шундай маълумотлар Ўзбекистон Республикаси томонидан молиялаштириладиган геологик қидиувларга асосланган бўлса ёки Ўзбекистон Республикасининг мулкида бўлса ва уларга ишлов берилаётган бўлса ҳамда улар махфийликка нисбатан бирор-бир мажбуриятларга тортилмаса, норматив-хукуқий хужжатда белгиланадиган нарх бўйича реализация қилиниши мумкин. Олувчи билан махфийлик тўғрисидаги келишув тузилиши шундай батафсил

маълумотларни тақдим этиш шартидир. Бундай батафсил маълумотлар бирор-бир жавобгарликдан озод қилиш асосида тақдим этилади.

## **27-модда. Фойдали қазилмалар захираларининг давлат баланси**

Фойдали қазилмалар захираларининг давлат баланси Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларининг ҳолатини ва ҳаракатланишини ҳисобга олиш мақсадида ҳар йили Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан юритилади.

Фойдали қазилмалар захираларининг давлат баланси саноат аҳамиятига эга бўлган конлар бўйича ҳар бир турдаги фойдали қазилмалар захираларининг миқдори, сифати ва ўрганилганлик даражаси, уларнинг жойлашиши тўғрисидаги, саноат йўсинида ўзлаштирилиш, қазиб олиниш, йўқотилиш ҳамда фойдали қазилмалар захиралари билан таъминланганлик даражаси ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Фойдали қазилмалар захираларининг давлат баланси қуйидаги маълумотлар асосида юритилади:

1) ер қаърини қайси геологик жиҳатдан ўрганиш натижасида муайян конлар ва техноген минерал ҳосилалар бўйича фойдали қазилмаларнинг захиралари тасдиқланган (қайта тасдиқланган) бўлса, ўша геологик жиҳатдан ўрганиш ҳақидаги;

2) конларни ўзлаштириш чоғида фойдали қазилмаларни қазиб олиш тўғрисидаги;

3) техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш чоғида фойдали қазилмаларни ажратиб олиш ҳақидаги.

Ер қаъридан фойдаланувчилар фойдали қазилмалар захираларини давлат балансида ҳисобга олиш учун қонунчилик хужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилган қуйидаги материалларни тақдим этади:

1) ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир ишларнинг натижалари тўғрисидаги ҳисботни;

2) фойдали қазилмалар конининг паспортини;

3) Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясининг фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш (қайта тасдиқлаш) тўғрисидаги баённомасини.

Ер қаъридан барқарор фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш, ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш, фойдаланишга бериладиган ер қаъри участкаларининг чегараларини белгилаш мақсадида тегишли геологик материаллар давлат экспертизасидан ўтказилиши мумкин, ижобий хуносага асосан эса ўрганилаётган конлардаги фойдали қазилмаларнинг захиралари тасдиқланади. Ер остида сақлаш учун ажратилган ер қаъри майдони бўйича материаллар ҳам давлат экспертизасидан ўтказилиши мумкин.

Фойдали қазилмалар захираларнинг давлат балансига киритиш учун фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишнинг барча босқичларида коннинг саноат аҳамиятига молик қимматини белгилайдиган қиди्रув шартлари асосида амалга оширилади.

Давлат фойдали қазилмалар захираларининг ҳисоби давлат томонидан тасдиқланган фойдали қазилмалар захиралари, тасдиқланган ҳисоботлар ва ер қаъри давлат фондининг маълумотларига асосан Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан тайёрланади.

Ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан тақдим этиладиган ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш тўғрисидаги ҳисобот геологик қидирув чоғида фойдали қазилмалар захираларининг давлат балансига киритиш учун Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Ҳисобот ушбу мақсадда тасдиқланмаган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчи ҳисоботга ўзгартириш киритиши шарт эмас.

Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясига тақдим этиладиган геологик жиҳатдан ўрганишга доир ҳисоботларда мавжуд бўлган экспертиза натижалари ер қаърининг давлат фондига киритилади.

Фойдали қазилмалар захираларининг давлат балансини юритиш билан боғлиқ ишлар минерал хомашё базасини ривожлантиришга оид ҳар йилги давлат дастурлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилади.

## **28-модда. Ер қаърини давлат томонидан геологик жиҳатдан ўрганиш**

Ўзбекистон Республикасининг минерал хомашё базасини ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ва жалб этиладиган маблағлар ҳисобидан узоқ муддатли (беш йилдан кўп бўлган муддатга), қисқа муддатли (икки йилдан беш йилгача бўлган муддатга) ва ҳар йилги давлат дастурлари амалга оширилади.

Давлат дастурида аниқ белгиланган мақсадлар, уларга эришиш бўйича зарур чоралар, шунингдек молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжлар акс эттирилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги давлат дастурларини ишлаб чиқувчи, шунингдек ушбу дастурлар доирасида ер қаърини давлат томонидан геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича бажариладиган ишларнинг буюртмачиси сифатида иш юритади.

Ер қаърини давлат томонидан геологик жиҳатдан ўрганиш геологик, муҳандислик-геологик, гидрогеологик ҳамда тупроқли-геологик хариталашни, шунингдек муайян геология-қидирув ишларини ўз ичига олади.

Давлат дастурларида назарда тутилган ишларни лойиҳалаштириш буюртмачи томонидан тасдиқланган геологик топширикка мувофиқ қатъий равишда амалга оширилади.

Геология-қидирув ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш бўйича йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Давлат дастурлари доирасида ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича ишларни бажариш, шу жумладан углеводородларни рекогносцировка қилиш учун рухсатнома олиш талаб этилмайди.

Давлат дастурлари доирасидаги ишларни бошлаш учун қуидагилар талаб этилади:

- 1) давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси;
- 2) ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича ишларни давлат ҳисобига қўйиш.

Давлат экологик экспертизаси ўтказилишини талаб этмайдиган ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ер қаърини давлат томонидан геологик жиҳатдан ўрганиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан тасдиқланадиган йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги давлат томонидан ёлланган қуидаги шахсларга пул мукофотини тўлаш хуқуқига эга:

1) Ўзбекистон Республикаси худудида илгари маълум бўлмаган, саноат жиҳатидан қимматга эга бўлган фойдали қазилмалар конини очган ёки уни геологик жиҳатдан ўрганишни амалга оширган шахсларга;

2) илгари маълум бўлган конда ёки коннинг участкасида унинг саноат жиҳатидан қимматини жиддий равишда оширадиган фойдали қазилмаларнинг қўшимча захираларини ёки янги фойдали қазилмаларни ва қўшилиб чиқадиган фойдали компонентларни аниқлаган шахсларга.

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларининг давлат ҳисоби Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан геологик ҳисботларда, хариталарда ва бошқа материалларда мавжуд бўлган ер қаъри тўғрисидаги геологик ва бошқа ахборотни умумлаштириш, тизимлаштириш ҳамда ундан фойдаланиш, шунингдек ер қаърининг айнан битта участкасида ишлар асоссиз бажарилишининг олдини олиш мақсадида юритилади.

Ер қаърини давлат томонидан геологик жиҳатдан ўрганиш амалга оширилаётган кадастр квадратлари ер қаъри давлат фондининг кадастрида тегишли тарзда ҳисобга олиниши лозим бўлиб, улар очиқ ер қаъри участкалари бўлмайди. Бундай кадастр квадратлари ер қаърини давлат томонидан геологик жиҳатдан ўрганиш тугалланганидан кейин очиқ квадратлар мақомига қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги давлат дастури доирасида ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни амалга ошириш учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ пурратчини жалб этиши мумкин.

Ер қаърини давлат томонидан геологик жиҳатдан ўрганишни амалга ошириш натижалари тўғрисидаги ахборот ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш тўғрисидаги ҳисобот қабул қилиб олинган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмай, очик фойдаланиш учун тақдим этилади.

### **29-модда. Фойдали қазилмалар жойлашган участкалардаги қурилиш шартлари**

Шаҳарлар ҳудуди доирасидан ташқаридаги аҳоли пунктларини, саноат обьектларини ва бошқа обьектларни жойлаштириш учун участкаларни танлаш чоғида қурилиш қилинадиган участка остидаги ер қаърида фойдали қазилмалар мавжуд эмаслиги ёки кам микдорда мавжудлиги тўғрисида Ер қаъридан фойдаланиш марказининг холосаси зарур бўлади.

Фойдали қазилмалар конлари (бундан қурилиш материаллари ва тўлдиргич хомашёлар мустасно) жойлашган майдонлардаги қурилишга, шунингдек фойдали қазилмалар конлари жойлашган майдонларда фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини жойлаштиришга ер қаъридан фойдали қазилмаларни чиқариб олишни таъминлаш ҳисобга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги билан келишувга кўра, алоҳида ҳолларда йўл қўйилади.

Фойдали қазилмалар жойлашган майдонлардаги қурилишга доир рухсатнома бериш тартиби қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

### **4-боб. Ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга доир умумий талаблар**

### **30-модда. Ер қаъридан фойдаланиш турлари**

Ер қаъридан фойдаланиш турлари куйидагилардан иборат:

- 1) қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш;
- 2) қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олиш;
- 3) углеводородларни рекогносцировка қилиш;
- 4) углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш;
- 5) углеводородларни қазиб олиш;
- 6) ер остида сақлаш мақсадида геологик жиҳатдан ўрганиш;
- 7) ер остида сақлаш;

- 8) олтин изловчилар усулида қазиб олиш;
- 9) коллекция материаллари намуналарини түплаш.

### **31-модда. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқига доир рухсатнома**

Ер қаъридан фойдаланишнинг ҳар бир тури ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқига доир олинган рухсатнома асосида, ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг ушбу Қонунда назарда тутилган барча турларига доир рухсатномани беради, бундан Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан бериладиган чиқиндиларни (углеводородларни сақлашдан ташқари) сақлаш ва кўмиб ташлаш мақсадида ер ости иншоотларини қуриш ҳамда ишлатиш учун ер қаъри маконидан фойдаланишга доир рухсатнома мустасно.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланишга доир рухсатнома, башарти ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилса, ўлчами кадастр квадратларининг миқдори билан белгиланган ер қаъри участкасидан ушбу Қонунда белгиланган айрим чекловлар ҳисобга олинган ҳолда назарда тутилган муддат ичida мутлақ фойдаланиш учун ўз эгасининг ҳукуқини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Рухсатнома биринчи берилган ариза принципи (бундан буён матнда «биринчи келган – биринчи олади» принципи деб юритилади) бўйича ёки рухсатнома беришнинг ушбу Қонунда белгиланган қўшимча усуллари асосида берилади.

Бир шахсга чекланмаган миқдорда рухсатномалар берилиши мумкин, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Айнан битта лойиҳанинг қисми бўлган, бир-бирига боғлиқ квадратлар учун берилган рухсатномалар ушбу Қонунга мувофиқ тартибга солиш, шу жумладан атроф-мухитни муҳофаза қилиш жиҳатидан тартибга солиш мақсадлари учун битта лойиҳа сифатида қабул қилиниши мумкин.

Рухсатномалар фақат битта шахснинг номига расмийлаштирилади.

Бир кадастр квадратидан фойдаланиш ҳукуқига доир ҳар хил турдаги рухсатномаларнинг бир неча шахсга берилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Бир вақтнинг ўзида ер қаъридан фойдаланишнинг бир нечта турига доир рухсатномалар берилишига йўл қўйилади.

Қонунчиликка мувофиқ Ер қаъридан фойдаланиш маркази ёки Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги берилган рухсатномаларнинг кадастрини юритади.

Рухсатнома Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби туширилган бланканинг белгиланган шаклини, шунингдек рухсатноманинг ажралмас

таркибий қисми бўлган ва ер қаъридан фойдаланишнинг асосий шартларини белгилайдиган матнли, чизмали ҳамда бошқа иловаларни ўз ичига олган шаклда расмийлаштирилади. Рухсатномалар QR-код (матрик штрихли код) кўйилган ҳолда «Лицензия» ахборот тизими ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда берилади.

Рухсатномага Ер қаъридан фойдаланиш маркази ёки Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан тасдиқланган кадастр квадратлари акс эттирилган харита илова қилиши керак.

Рухсатнома ер қаъридан фойдаланувчига ерга бўлган мулк хуқуқларини бермайди.

Шахс ерга эгалик қилиши мумкин бўлган бирор-бир хуқуқдан қатъи назар, агар бундай шахс ушбу Қонунга мувофиқ рухсатнома олмаган ёки бошқача тарзда ҳаракат қилмаётган бўлса, ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни амалга оширишга ҳақли эмас.

### **32-модда. Рухсатномалар олиш учун ваколатли бўлган шахслар**

Ер қаъридан фойдаланиш маркази рухсатномалар (бундан Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан бериладиган углеводородлардан ташқари ер остида сақлашга доир рухсатномалар мустасно) учун фақат ваколатли шахслар томонидан берилган аризаларни кўриб чиқади ҳамда ер қаъридан фойдаланишга доир рухсатномани фақат ваколатли шахслар олишга ҳақли.

Ушбу модданинг талабларига жавоб берадиган шахс рухсатнома олиш хуқуқига эга бўлган ваколатли шахсdir.

Кўйидагилар рухсатнома олиш учун аризачи ва ер қаъридан фойдаланувчиidir:

- 1) Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган жисмоний шахс;
- 2) Ўзбекистон Республикаси резиденти;
- 3) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган юридик шахс.

Рухсатнома, бундан коллекция материалларининг намуналарини тўплаш учун рухсатнома мустасно, кўйидаги жисмоний шахсларга берилиши, ўтказилиши ёки тўғридан-тўғри ёки билвосита унинг эгалигida бўлиши мумкин эмас:

- 1) тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатга олинмаган жисмоний шахсга;
- 2) республика ижро этувчи ҳокимият органларида ишлайдиган ёки давлат номидан вазифаларни бажарадиган, ўз мавқеи, лавозими ёки мажбуриятларига кўра ер қаъридан фойдаланиш хуқуқларини беришда иштирок этадиган ёхуд геологик ахборотдан ёки кидириб топилган фойдали қазилмалар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш

имкониятига эга бўлган жисмоний шахс. Ушбу қоида мазкур шахс ўз лавозимини эгаллашни ёки мажбуриятларини бажаришни тўхтатганидан кейин бир йил ичидаги амал қилишда давом этади;

3) ушбу қисмнинг 2-бандида кўрсатилган бирор-бир шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзанди ёки туғишган ака-укаси ёки опа-синглиси бўлган жисмоний шахс;

4) ер қаъри тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун суднинг ҳукми билан ҳукм қилинган ёки рухсатномаси чақириб олинган жисмоний шахс. Ушбу қоида жазо ўталганидан ёки рухсатнома қайта олинганидан кейин уч йил муддатга қўлланилади;

5) фирибгарлик билан боғлик ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун суднинг ҳукми билан ҳукм қилинган жисмоний шахс. Ушбу қоида жазо ўталганидан кейин уч йил муддатга қўлланилади.

Рухсатнома қуйидаги юридик шахсга тўғридан-тўғри ёки билвосита ўтказилмаслиги, берилмаслиги ёки унинг эгалигига бўлмаслиги керак:

1) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларига мувофиқ рўйхатга олинмаган юридик шахс;

2) таркибий жиҳатдан ўзгартирилиши, шу жумладан банкротлик тартиб-таомили доирасида қайта ташкил этилиши учун талаб қилинадиган тугатилишдан фарқ қиласиган тугатиш босқичида турган юридик шахс;

3) ўзига нисбатан ваколатли юрисдикциядаги суд томонидан унинг фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган юридик шахс;

4) бенефициар мулки жисмоний шахсга тегишли бўлган, ушбу моддага мувофиқ истиснога тушаётган юридик шахс.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун рухсатнома олишга учун ариза бераётган ҳар бир юридик шахс у ваколатли шахс эканлигининг далили сифатида ўзининг бенефициар эгалик қилувчи тўғрисидаги ишончли ахборотни тақдим этиши керак.

### **33-модда. Рухсатномалар олиш учун қулай бўлган ер қаъри участкалари**

Ер қаъридан фойдаланиш учун рухсатномалар фақат очиқ кадастр квадратларига берилиши мумкин. Ер қаъридан фойдаланишга доир рухсатнома олиш учун аризалар барча очиқ кадастр квадратларига берилиши мумкин.

Барча кадастр квадратлари, агар бу бевосита ушбу модда билан тақиқланмаган бўлса, очиқ кадастр квадратлари бўлади.

Ташқи чегаралари қуйидаги ҳудудлар доирасида жойлашган кадастр квадрати очиқ кадастр квадрати бўлмайди:

1) ушбу Конуннинг 34-моддасига мувофиқ ҳудудида ер қаъридан фойдаланиш тақиқланган кадастр квадратлари;

2) муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, геологик буюртма кўриқхоналари, табиат ёки маданият ёдгорликлари ёхуд ушбу Конуннинг

35-моддасига мувофиқ илмий ёки ўқув мақсадда фойдаланиш учун захира қилиб қўйилган участкалар жойлашган кадастр квадратлари;

3) ушбу Қонуннинг 108-моддасига ва 169-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига мувофиқ ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турлари учун бошқа рухсатнома бериб бўлинган кадастр квадратлари;

4) Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан ушбу Қонунга мувофиқ олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун белгиланган кадастр квадратлари;

5) Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан ушбу Қонунга мувофиқ аукцион ёки тендер ўтказиш учун захира қилиб қўйилган кадастр квадратлари;

6) Ўзбекистон Республикаси минерал хомашё базасини ривожлантиришга оид давлат дастурлари доирасида геологик жиҳатдан ўрганиш амалга оширилаётган кадастр квадратлари;

7) Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан ушбу модданинг бешинчи қисмига мувофиқ тақиқланган кадастр квадратлари сифатида белгиланган кадастр квадратлари.

Ушбу модданинг учинчи қисмида санаб ўтилган кадастр квадратларига рухсатномалар берилмайди ва бу квадратларда фаолият амалга оширилмайди, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат томонидан геологик жиҳатдан ўрганилиши лозим бўлган фойдали қазилмалар конлари ушбу Қонуннинг 49-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ уларнинг захиралари тасдиқлангунига қадар аукционга ёки тендерга қўйилиши мумкин эмас. Давлат томонидан геологик жиҳатдан ўрганилиши лозим бўлган, аукционга ёки тендерга қўйилмайдиган фойдали қазилмалар конлари очик кадастр квадратлари тоифасига қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ер қаъридан фойдаланиш тақиқланган қўшимча участкаларни улар жамоатчилик манфаатларига жавоб беради деб ҳисобланиши мумкин бўлган ҳар қандай пайтда, бундай жамоатчилик манфаатини тасдиқловчи тадқиқот ўтказилганидан кейин эълон қилиши мумкин. Бундай қарор қабул қилинганда кадастр квадратлари очик квадратлар тоифасидан ер қаъридан фойдаланиш тақиқланган участкалар тоифасига ўтказилади ҳамда Ер қаъридан фойдаланиш маркази бундай тегишли кадастр квадратлари ва уларнинг тақиқланган участкалар сифатида бўлиб турган муддати тўғрисида ер қаърининг давлат фонди кадастрига ҳисобга олиш ёзувини киритиш воситасида тегишли очик квадратларни тақиқланган участкалар сифатида белгилаши мумкин.

Тақиқланган участкалар ер қаърининг давлат фонди кадастрида ҳисобга олинади.

Ушбу моддада назарда тутилган тақиқлар аэрогеофизик ишларга ёки Ерни масофавий зондлаш усуллари билан тадқиқот ўтказишга нисбатан татбиқ этилмайди, бундан мудофаа эҳтиёжлари учун берилган ҳудудлар мустасно.

Кўшимча тақиқланган участка эълон қилинганлиги сабабли ўз ҳукуқларининг чекланиши муносабати билан кўрган заарини исботлаб бериши мумкин бўлган ер қаъридан фойдаланувчилар компенсация олиш ҳукуқига эга.

### **34-модда. Ер қаъридан фойдаланиш тақиқланган ёки чекланган ҳудудлар**

Ер қаъридан фойдаланиш қўйидаги ҳудудларда тақиқланади:

- 1) мудофаа эҳтиёжлари учун берилган ерлар ҳудудида;
- 2) эски қабристонлардан, дафн этиш жойларидан, шунингдек эски қабристонлар ва дафн этиш учун ажратилган ер участкаларидан юз метр радиус масофада;
- 3) фаолият кўрсатаётган, кон-қайта ишлаш (бойитиш) соҳасидаги ишлаб чиқаришларнинг техноген минерал ҳосилалари жойлаштириладиган обьект бўлмаган гидротехник иншоот жойлашган ер участкаси ҳудудида ва унга туташ ҳудудда беш юз метр радиусли масофада.

Сув фонди ҳудудида ер қаъридан фойдаланиш тақиқланади, бундан олтин изловчилар усулида қазиб олиш, углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш ва қазиб олиш мустасно.

Ер қаъридан фойдаланиш қўйидаги ҳудудларда чекланади:

- 1) аҳоли пунктларидаги ерларнинг ҳудудида ва уларга туташ ҳудудларда беш юз метр радиусли масофада (бундан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишувга кўра ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш натижасида мавжуд инфратузилмага зарар етказилиши хавфи мавжуд эмаслигининг далиллари тақдим этилган ҳолларда ер ости сувларини излаш ва баҳолаш, қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни ер ости усулида қазиб олиш ишлари мустасно);

2) учинчи шахсларга тегишли бўлган ҳамда бинолар ва иншоотлар, кўп йиллик дов-дараҳтлар билан банд бўлган ер участкаларининг ҳудудида ва уларга туташ ҳудудларда юз метр радиусли масофада ушбу шахсларнинг розилигисиз;

3) инфратузилма обьектлари билан банд бўлган ер участкалари ҳудудида, уларга туташ ҳудудларда қонунчилик хужжатларида белгиланган масофаларда.

Геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномалар факат ушбу модданинг учинчи қисмида санаб ўтилган ер участкаларига нисбатан, тегишинча маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёки ер эгаси билан келишувга кўра кадастр квадратларига нисбатан берилиши мумкин. Кадастр квадратларида ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг

асосий турларига доир рухсатномалар ушбу модданинг иккинчи қисмida кўрсатилган ер участкаларига нисбатан факат ер юзасидан анча чуқурликда, ер устидаги иншоотларга таъсир кўрсатмаган ҳолда амалга ошириладиган ер қаъридан ер остида фойдаланиш учун берилади ҳамда юзага келиши эҳтимоли бўлган зарар учун компенсацияни ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва тегишли аҳоли пунктларида яшайдиган аҳоли билан келишувга кўра берилиши мумкин.

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномалар Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига мувофиқ қишлоқ хўжалиги экинларининг кадастр квадратларига берилиши мумкин. Ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларига доир рухсатномалар қишлоқ хўжалиги экинзорлари жойлашган кадастр квадратларига факат ер юзасидан анча чуқурликда, қишлоқ хўжалиги фаолиятига таъсир кўрсатмаган ҳолда ҳамда етказилган зарар учун компенсация тўланишини инобатга олиб, қишлоқ хўжалиги экинзорларидан (ер участкаларидан) фойдаланувчилар билан келишувга кўра берилади.

### **35-модда. Алоҳида табиий, илмий ва маданий қимматга эга бўлган ер қаъри участкаларини муҳофаза қилиш**

Давлат қўриқхоналари, табиат ва геология боғлари, мажмуя (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат ёдгорликлари, биосфера резерватлари, давлат буюртма қўриқхоналари ва питомниклар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардир ҳамда бундай ҳудудда тўлиқ ёки қисман жойлашган бирор-бир кадастр квадрати очиқ квадрат бўлмайди. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ўз маконидаги чегараларига эга бўлади. Ушбу ҳудудларнинг табиий обьектлари ва мажмуалари бут сақланишини бузадиган бирор-бир фаолиятни амалга ошириш тақиқланади. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ер қаърининг давлат фонди кадастрида ҳисобга олиниши лозим.

Алоҳида илмий ёки маданий қимматга эга бўлган камёб геологик очиқ тоғ жинслари, минералогик ҳосилалар, палеонтологик обьектлар ва бошқа ер қаъри участкалари муҳофаза этиладиган геологик обьектлар, шу жумладан геологик қўриқхоналар, буюртма қўриқхоналар, табиат ва (ёки) маданият ёдгорликлари ёхуд илмий ва ўқув полигонлари деб эълон қилиниши мумкин.

Геологик обьектлар, геологик қўриқхоналар, буюртма қўриқхоналар, табиат ва (ёки) маданият ёдгорликлари жумласига киритилган ёхуд илмий ёки ўқув мақсадларида фойдаланиш учун мўлжалланган ерлардаги кадастр квадратлари уларга тегишли мақом берилганидан кейин муҳофаза этиладиган геологик обьектлар деб ҳисобланади. Бундай мақом ер қаъри давлат фондининг кадастрига киритилади.

Мухофаза этиладиган геологик объектлар, геологик қўриқхоналар, буюртма қўриқхоналар, табиат ва (ёки) маданият ёдгорликлари худудларида ёхуд илмий ёки ўқув мақсадлари учун захира қилиб қўйилган худудларда ер қаъри участкаларидан фойдаланишга фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг руҳсати билан йўл қўйилади.

Мухофаза этиладиган геологик объектлар худудидаги фаолият мухофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисидаги қонунчилик қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ер қаъридан фойдаланиш чоғида тарихий, илмий, бадиий ва бошқа маданий қимматга эга бўлган объектлар топилган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчилар ер қаърининг тегишли участкасидаги ишларни тўхтатиб туриши ва бу ҳақда Ер қаъридан фойдаланиш марказини ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимиюти органларини ёзма шаклда ёки электрон почта манзили орқали хабардор қилиши шарт.

Ушбу модданинг олтинчи қисмida назарда тутилган хабарнома олинганидан кейин олтмиш кун ичида маҳаллий ижро этувчи ҳокимиюти органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги археологик тадқиқотлар ўтказиш учун мазкур участкани захира қилиб қўйиш зарурлиги ҳақида эълон қилиши мумкин. Агар улар олтмиш кун ичида бундай баёнот бермаса, ер қаъридан фойдаланувчи ер қаърининг дахл қилинган участкасида ер қаъридан фойдаланишга доир фаолиятни қайтадан бошлиши мумкин. Агар маҳаллий ижро этувчи ҳокимиюти органлари ҳамда маданий мерос объектларини мухофаза қилиш ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган тегишли органлар топилган объектларни олтмиш кун ичида чиқариб олмаса ёки уларнинг бут сақланишини таъминламаса, ер қаъридан фойдаланувчи устувор ҳолатларга қараб, ушбу объектларни давлат номидан ҳамда давлат ҳисобидан чиқариб олиши, уларнинг бут сақланишини ва сақланишини таъминлаши мумкин.

### **36-модда. Ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширишга доир умумий талаблар**

Ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги бутун фаолият қўлланиладиган тегишли даражадаги тармоқ амалиётига мувофиқ амалга оширилиши ва куйидагиларни таъминлашга қаратилган бўлиши керак:

1) фойдали қазилмаларни техник ва иқтисодий жиҳатдан барқарор тарзда қазиши ва ажратиб олиш, шунингдек йўқотишларни камайтириш мақсадида тегишли даражадаги усуллар ҳамда жараёнлардан фойдаланиш ҳисобидан амалга ошириладиган ер қаъри ресурсларини сақлашга;

2) меҳнатни мухофаза этишига ва аварияларнинг, бахтсиз ходисаларнинг олдини олишга риоя этилишига имкон берадиган, шунингдек ходимлар, объектлар ҳамда мавжуд инфратузилма, шу жумладан маҳаллий аҳоли ва жамоатчилик учун таваккалчиликнинг амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган паст даражагача камайишига

олиб келадиган услублар ҳамда жараёнлардан фойдаланишни назарда тутадиган техника хавфсизлигига риоя этиш;

3) ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг атроф муҳитга энг кам салбий таъсири кўрсатишига олиб келадиган услублар ва жараёнлар қабул қилинишини талаб этадиган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.

Ер қаъридан фойдаланувчи Ер қаъридан фойдаланиш марказининг сўровига кўра муайян амалиёт, тартиб-таомил ёки таснифлаш қўлланиладиган тегишли даражадаги тармоқ амалиётига мувофиқлигини куйидагилар орқали намойиш этади:

1) амалиёт, тартиб-таомил ёки таснифлаш халқаро даражада тан олинган ташкилот томонидан қабул қилинган стандартга мувофиқлиги ёхуд ундан мустаҳкамроқ эканлиги ҳамда Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан қўлланиладиган стандарт сифатида эътироф этилиши юзасидан далиллар тақдим этиш;

2) қабул қилинган амалиёт, тартиб-таомил ёки таснифлаш ишончли, хавфсиз, самарали ва зарур эканлиги юзасидан асосларни тақдим этиш.

### **37-модда. Ер қаъридан фойдаланувчига кадастриквадрати юзасининг ер участкаларини бериш**

Фойдали қазилмаларни, углеводородларни қазиб олиш, ер остида сақлаш учун ер қаъридан фойдаланиш мақсадлари учун зарур бўлганда, кадастриквадратлари юзасига мос келадиган ер участкалари қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жамоат эҳтиёжлари учун (етказилган заарни қоплаб берган ҳолда) олиб қўйилиши мумкин.

Ер участкаси ер қаъридан фойдаланиш мақсадида жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганидан (етказилган заарни қоплаб берган ҳолда) ҳамда мазкур ер участкаси давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин бундай ер участкаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ер фондининг бошқа тоифасига ўтказилади.

Ер қаъри давлат фондининг кадастрига киритилган кадастриквадрати юзасининг ер участкалари Ер қаъридан фойдаланиш марказига ёки Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига уларнинг сўровларига кўра доимий фойдаланишга берилади.

Ер участкаси ер қаъридан фойдаланиш мақсадида жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган тақдирда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ер қаъридан фойдаланиш мақсадлари учун олиб қўйилаётган ер участкаларининг ердан фойдаланувчиси, ерга эгалик қилувчиси ёки мулкдори билан компенсация тўловининг микдори ва шартларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда келишиб олади.

Компенсация тўлови Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан заарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик

шахсларга қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар маблағлари хисобидан қоплаб берилади.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази ёки Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги компенсация микдорини ҳамда уни тўлаш тўғрисидаги талабни рухсатномада акс эттиради, шунингдек, қўлланилишига кўра уларни электрон аукцион, тендер хужжатларига киритади.

Ер қаъридан фойдаланиш марказига ёки Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига доимий фойдаланиш учун берилган ер участкаларига улар ер қаъридан фойдаланувчига ижарага берилмагунига қадар солик солиш обьекти хисобланмайди.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни ва углеводородларни қазиб олиш, шунингдек ер остида саклаш хукуқига доир рухсатномани бериш факат тегишли ер участкаси Ер қаъридан фойдаланиш марказига ёки Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига доимий фойдаланиш хукуки асосида берилганидан кейин амалга оширилади.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни ва углеводородларни қазиб олиш, шунингдек ер остида саклаш хукуқига доир рухсатномани бериш билан бир вактда Ер қаъридан фойдаланиш маркази ёки Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда ер қаъридан фойдаланувчи ўртасида рухсатномага илова қилинадиган, ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларининг ажралмас қисми бўлган ер участкасининг ижара шартномаси тузилади.

Ижара шартномаси ёки ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш хукуки (сервитут) у билан боғлиқ рухсатноманинг амал қилиши тугаши билан бекор қилинади.

Ер қаъридан фойдаланиш мақсадларида ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш билан боғлиқ харажатлар ер қаъридан фойдаланувчи томонидан рухсатнома берилган кундан бошлаб уч кун ичida Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган заарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармага қоплаб берилиши лозим.

Ер қаъридан фойдаланувчи ижарага берилган ер участкаси ва амалга оширадиган фаолияти бўйича қонунчилик хужжатларида назарда тутилган соликлар, йиғимлар ҳамда тўловларни амалга оширади.

Очиқ майдонларда ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг карорлари асосида ер қаърини геологик ўрганиш учун тегишли рухсатнома берилганидан кейин ер тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ берилган ер участкаларини олиб қўймасдан амалга оширилади. Кадастр квадрати юзасининг ер участкаларида ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш учун

ер участкасининг фойдаланувчиси (эгаси) билан чекланган тарзда фойдаланиш ҳукуқи (сервитут) белгиланиши ҳам мумкин.

### **5-боб. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш**

#### **38-модда. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни рекогносцировка қилиш ишлари**

Ҳар қандай ваколатли шахс, башарти у Ер қаъридан фойдаланиш марказини хабардор қилса ҳамда ўз номи ва манзилини рўйхатдан ўтказса, шунингдек у рекогносцировка қилиш ишлари амалга оширилишини таклиф этаётган участканинг тавсифини ва жойлашган ерини тақдим этса, бундай шахс бирор-бир кадастр квадратида қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни рекогносцировка қилиш ишларини рухсатномасиз амалга ошириши мумкин, бундан мудофаа эҳтиёжлари учун берилган ер участкалари мустасно.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни рекогносцировка қилиш ишларини амалга ошириш чоғида ер қаърининг яхлитлигини бузиш тақиқланади ҳамда рекогносцировка қилиш ишлари амалга оширилишини таклиф этаётган бирор бир шахс зарур бўлганда ер участкасига кириш учун ерга эгалик қилувчининг, ердан фойдаланувчининг ёки ер участкаси мулкдорининг рухсатномасини олиши керак.

#### **39-модда. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома беришга оид ариза**

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан аризани очиқ кадастр квадратларига оид «биринчи келган биринчи олади» принципи бўйича кўриб чиқиш орқали берилади:

Ҳар қандай ваколатли шахс «биринчи келган биринчи олади» принципига кўра қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишни амалга оширишга доир рухсатнома берилиши учун Ер қаъридан фойдаланиш марказига очиқ кадастр квадратларининг куйидаги энг кўп микдори учун ариза беришга ҳақли:

- 1) энергетик фойдали қазилмалар учун – 2 100 кадастр квадрати;
- 2)rudали ва норуда фойдали қазилмалар учун – 1 575 кадастр квадрати;
- 3) қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар учун – 525 кадастр квадрати;
- 4) қурилиш материаллари ва тўлдиргичлар учун – 105 кадастр квадрати.

Берилган рухсатномада кўрсатилган барча кадастр квадратлари бир-бирига боғлиқ бўлиши керак.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномани олиш учун аризачи «биринчи келган биринчи олади» принципига кўра электрон платформа орқали Ер қаъридан фойдаланиш марказига қуидагиларни илова қилган ҳолда ариза беради:

1) аризачининг давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ тўлиқ номини;

2) аризачининг ваколатли шахс эканлигини тасдиқловчи ахборотни;

3) сўралаётган очиқ квадратлар тўғрисидаги батафсил ахборот, шу жумладан уларнинг жойлашган ери ва координаталари кўрсатилган тегишли масштабдаги харитани;

4) аризачи рухсатнома берилиши учун тақдим этилиши лозим бўлган кадастр квадратларининг умумий сонига доир чекловни бузмаслигини тасдиқловчи ҳужжатни;

5) зарур экологик экспертиза ўтказилгунига ҳамда давлат экологик экспертизасининг ва Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ижобий хулосаси олингунига қадар бирор-бир кончиллик фаолиятини бошламаслик тўғрисидаги мажбурият баён қилинган хатни;

6) қонунчилик ҳужжатларга мувофиқ зарур бўлган бошқа ахборотни.

Аризалар Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқиласди.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома бериш учун аризани кўриб чиқсанлик учун йифим қонунчилик ҳужжатларида белгиланади. Йифим суммаси қайтарилмайди.

Ариза олинганидан кейин Ер қаъридан фойдаланиш маркази аризани ер қаъри давлат фонди кадастрининг аризалар реестрида ариза олинган сана ва вакт кўрсатилган ҳолда рўйхатга олади ҳамда ариза берилилганини тасдиқловчи ҳужжатни аризачига беради.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази аризанинг тўлиқлигини тасдиқлайди.

Ариза билан бирга тақдим этилган ҳужжатларда хатолар ва камчиликлар аниқланган тақдирда, Ер қаъридан фойдаланиш маркази аризачини бу ҳақда хабардор қиласди.

Аризачи хабарномада кўрсатилган санадан эътиборан ўн иш куни ичида аниқланган хатолар ва камчиликларни тузатади ҳамда янгидан ариза беради. Агар хатолар ва камчиликлар кўрсатилган муддат ичида тузатилмаса, Ер қаъридан фойдаланиш маркази рухсатнома беришни рад этади.

#### **40-модда. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома беришнинг қўшимча усуллари**

Аукцион ўтказиш орқали кимошибди савдоларининг зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги

томонидан аниқланган ҳолларда, қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномалар аукцион ўтказиш йўли билан берилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда, қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига мувофиқ берилиши мумкин.

Бундай ҳолларда, аукцион ўтказиш учун тегишли кадастр квадратлари Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан захира қилиб кўйилади.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома бериш учун аукционлар қонунчиликка мувофиқ четдан аралашувни истисно этадиган электрон савдо майдончасида кимошиб савдоларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Аукцион иштирокчилари аукционда иштирок этиш хукукини олиш учун ушбу Қонуннинг 39-моддасида назарда тутилган маълумотларни тақдим этиши керак. Айрим ниҳоятда йирик ва муҳим фойдали қазилмалар ёки фойдали қазилмалар конларига нисбатан Ер қаъридан фойдаланиш маркази аукционда иштирок этиш учун қўшимча талабларни, масалан, таклиф этилаётган ишлар дастурини бажаришнинг молиявий ва техник имконияти далилларини тақдим этиш талабини белгилаши мумкин.

Ер қаъри участкаларидан қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш учун фойдаланиш хукукини аукционларда реализация қилишнинг бошланғич нархи фойдали қазилманинг турига қараб, қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

Аукцион ғолибини аниқлаш тўғрисидаги баённома ғолибга тегишли кадастр квадратларида фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномани бериш учун асос бўлади.

Аукциондан тушган маблағлар қонунчилик ҳужжатларида белгилangan тартибда тақсимланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига мувофиқ берилган қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномаларга ушбу Қонунда назарда тутилган талаблардан ташқари қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва ер қаъридан фойдаланувчи ўртасида тузиладиган келишувга кўра қўшимча шартлар ва тўлов белгиланиши мумкин.

#### **41-модда. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномани расмийлаштириш**

Берилган аризани кўриб чиқиши муддати ушбу Қонуннинг 39-моддасига мувофиқ тўлдирилган ариза олинган санадан эътиборан

йигирма иш кунидан ошмаслиги керак. Ер қаъридан фойдаланиш маркази берилган аризани кўриб чиқиш учун белгиланган муддат ўтганидан ёки аукцион жараёни тугаганидан кейин уч иш куни ичиди, қўлланиладиган ҳолатга қараб, қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига доир рухсатномани тегишинча биринчи бўлиб тегишли тарзда тўлдирилган аризани топширган, рухсатнома олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга ёки аукцион ғолибига беради.

Ер қаъридан фойдаланиш марказининг қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномани беришни рад этиши асослантирилган бўлиши ҳамда ушбу Қонун ва қонунчилик хужжатлари қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномани беришда ер қаъри давлат фонди кадастрининг рухсатномалар реестрига тегишли ёзув киритилади.

#### **42-модда. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати**

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома қуйидаги муддатларга берилади:

- 1) фойдали қазилмаларнинг асосий турлари бўйича – беш йилгача;
- 2) норуда фойдали қазилмалар бўйича – икки йилгача.

Асосий қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати ер қаъридан фойдаланувчининг аризасига кўра икки марта тўрт йилга узайтирилиши мумкин.

Норуда фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати ҳар бир алоҳида ҳолда ушбу Қонуннинг 110-моддасида белгиланган тартибда икки марта икки йилга узайтирилиши мумкин.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтиришда рухсатномага киритилган кадастстр квадратларининг миқдори эллик фоизга камайтирилади.

#### **43-модда. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича ишларни амалга ошириш**

Ер қаъридан фойдаланувчи бирор-бир кончилик фаолияти бошлангунига қадар зарур экологик экспертизани амалга оширади ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик соҳасидаги барча зарур маъқуллашларни, шу жумладан давлат экологик экспертизасининг ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ижобий хулосасини олади. Давлат экологик экспертизаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси, қўлланиладиган ҳолатга қараб, бундай маъқуллашларни ер қаъридан фойдаланувчига беради, уларнинг кўчирма нусхалари эса ушбу маъқуллашлар олинган пайтдан эътиборан беш кун ичида бевосита Ер қаъридан фойдаланиш марказига юборилади.

Ер қаъридан фойдаланувчи қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларнинг асосий турларини геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома берилган пайтдан эътиборан бир юз саксон кун ичида ҳамда норуда фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома берилган пайтдан эътиборан бир юз йигирма кун ичида Ер қаъридан фойдаланиш марказига рухсатноманинг бутун амал қилиш даври учун ишлаб чиқилган геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасини, шу жумладан зарур бўлган тақдирда оқибатларни бартараф этиш режасини тақдим этиши шарт.

Агар асосий фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳаси рухсатнома берилган санадан эътиборан бир юз саксон кун ичида, норуда фойдали қазилмалар учун – бир юз йигирма кун ичида тақдим этилмаса, аукцион якунларига кўра берилган қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномалар автоматик равишда бекор қилинади.

Геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳаси қайси фойдали қазилмаларга тааллуқли ишлар амалга ошириладиган бўлса, ўша фойдали қазилмаларнинг турлари, геологик жиҳатдан ўрганишни амалга ошириш усуллари ва воситалари, рухсатнома амал қиласидаган давр учун ишларнинг тахминий ҳажмлари ва ишлар режаси, шунингдек тақлиф этилаётган ишлар дастурини бажариш учун молиявий ва техник имкониятлар далиллари тўғрисидаги батафсил ахборотни ўз ичига олади. Геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасига доир шакл ва маҳсус талаблар қонунчилик хужжатларида назарда тутилади.

Ер қаъридан фойдаланувчи томонидан тақдим этилган геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳаси ер қаърини геологик геологик жиҳатдан ўрганиш бошланишидан олдин Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан тасдиқланиши лозим. Ер қаъридан фойдаланиш маркази геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасини йигирма иш куни ичида кўриб чиқади. Лойиҳани тасдиқлашни рад этиш асосланган бўлиши керак. Геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳаси фақат ушбу Қонунга, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка ёки бошқа қонунчилик хужжатларига мос келмайдиган ҳолларда рад этилиши мумкин. Геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳаси тасдиқланмаган ҳолларда, ер қаъридан фойдаланувчи Ер қаъридан фойдаланиш марказининг мулоҳазаларини

хисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилган лойиҳани тақороран тақдим этишга ҳақли.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага мувофиқ бажариладиган ишлар ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ишлаб чиқилган геологик жиҳатдан ўрганишнинг тасдиқланган лойиҳасига мувофиқ бажарилади. Фавқулодда вазиятлардан ташқари, геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасида назарда тутилмаган қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир ишларни амалга ошириш тақиқланади.

Режалаштирилган ишларнинг турлари, усувлари ва (ёки) воситалари, шунингдек ишларнинг ҳажмлари ва уларни амалга ошириш муддатлари ўзгарган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчи қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Агар ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган ўзгартиришлар қўшимча келишувларни ва экспертизани талаб этса, қайта кўриб чиқилган қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳаси ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган тартибда кўриб чиқиш учун Ер қаъридан фойдаланиш марказига тақдим этилади.

Агар ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган ўзгартиришлар бирор-бир қўшимча экологик экспертиза ўтказилишини талаб этса, бундай ўзгартиришлар экологик экспертиза тугагунига ва давлат экологик экспертизасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ижобий хулосаси олингунига қадар амалга оширилмайди.

Барча амалга ошириладиган геология-қидирав ишлари ва олинадиган натижалар Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан тасдиқланган норматив хужжатларга мувофиқ хужжатлаштирилиши лозим.

Ер қаъридан фойдаланувчи геологик жиҳатдан ўрганиш даврида ушбу Қонуннинг 46-моддасига мувофиқ кадастр квадрати юзасининг ер участкасида бўлган участкада доимий капитал иншоотларини барпо этишга, шунингдек ер қаъри участкасида кончилик фаолиятининг чиқиндилари объектларини жойлаштиришга ҳақли эмас.

Ер қаъри участкасини геологик жиҳатдан ўрганиш чоғида гидрогеологик тадқиқотлар ўтказилиши шарт. Ер қаъридан фойдаланувчи аниқланган минераллашув ресурсларини баҳолашда ер ости сувларининг физикавий ва кимёвий хоссаларини тавсифлаган ҳолда минераллашувнинг гидрогеологик хусусиятларини аниқлаши керак.

Агар геологик жиҳатдан ўрганишни ер юзасидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасида амалга ошириш мўлжалланилаётган бўлса, геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳаси

ва (ёки) тажриба-саноат усулида қазиб олиш Ўзбекистон Республикаси Сувхўжалиги вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари билан ҳам келишилади.

Ер қаъри участкасида ўтказилаётган геологик жиҳатдан ўрганиш жараёнида ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир руҳсатномада кўрсатилмаган фойдали қазилмалар кони топилган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчи бу ҳақда Ер қаъридан фойдаланиш марказига хабар қилиши ҳамда аниқланган фойдали қазилмаларни ўрганиш ва қазиб олиш учун тўсикларни юзага келтириши мумкин бўлган ҳаракатларни топилган фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир руҳсатномага киритилгунига қадар тўхтатиб туриши шарт. Фойдали қазилманинг ушбу қўшимча тури ер қаъридан фойдаланувчининг сўровига кўра геологик жиҳатдан ўрганишга доир руҳсатномага қўшиб қўйилади, геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасига тегишли ўзгартиришлар киритилади ва янгилangan лойиҳа ушбу Қонуннинг 47-моддасига мувофиқ Ер қаъридан фойдаланиш марказига тақдим этилади.

#### **44-модда. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш учун ҳар йилги энг кам харажатлар**

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир руҳсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи ушбу моддада белгилangan ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш учун ҳар йилги энг кам харажатлар тўғрисидаги талабларга риоя этиши шарт.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир руҳсатномалар доирасида кадастр квадратлари бўйича ер қаъридан фойдаланувчи учун ҳар йилги энг кам харажатлар қонунчиликда белгиланади. Геологик жиҳатдан ўрганишга доир ҳар йилги энг кам харажатларни хисоб-китоб қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгилangan ва ҳисбот йилининг 1 январдаги ҳолатга кўра амал қиласидан базавий ҳисоблаш миқдори асосида амалга оширилади.

Агар руҳсатноманинг амал қилиш муддатининг биринчи ёки охирги йили тўлиқ бўлмаса, ҳар йилги энг кам харажатлар руҳсатнома мазкур йилдаги амал қилиш муддатининг ҳар бир тўлиқ ойи учун мутаносиб равища ҳисоб-китоб қилинади.

Кадастр квадратини геологик жиҳатдан ўрганишга доир руҳсатноманинг амал қилиши йил давомида тутатилган тақдирда, ҳар йилги энг кам харажатлар руҳсатнома мазкур йилдаги амал қилиш муддатининг ҳар бир тўлиқ ойи учун мутаносиб равища ҳисоб-китоб қилинади. Ер қаъридан фойдаланувчининг ҳар йилги энг кам харажатларга киритилмайдиган мақбул харажатлари ва бошқа харажатлари қонунчилик ҳужжатларда белгиланади. Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир энг кам харажатларни хисоб-китоб қилиш фақат тегишли руҳсатнома

доирасида қилинган харажатларга нисбатан амалга оширилади.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳар йилги эңг кам харажатлар бүйича мажбуриятлар бузилган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчи етишмаётган харажатларни амалга ошириши ва бу ҳақда Ер қаъридан фойдаланиш марказига ҳисобот йилидан кейинги икки ойдан кечиктирмай ҳисобот тақдим этиши шарт. Бунда ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ушбу моддага мувофиқ амалга оширилган харажатлар жорий йил харажатларида ҳисобга олинмайди ва ҳисобот йили учун ҳисоботда акс эттирилган деб ҳисобланади.

#### **45-модда. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчиларнинг хуқуқлари**

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасида кўрсатилган фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишни амалга ошириш хуқуқига эга.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчилар қуйидаги мутлақ хуқуқларга эга:

1) рухсатномада назарда тутилган ер қаъри участкасида геологик жиҳатдан ўрганишни амалга ошириш;

2) кадастр квадрати юзасининг ажратилган ер участкалари доирасида ишларни бажариш учун зарур бўлган вақтинчалик саноат объектларини ва ижтимоий объектларни барпо этиш, шунингдек умумий фойдаланишдаги объектлар ва коммуникациялардан шартнома асосида фойдаланиш;

3) ушбу Қонуннинг 46-моддасида назарда тутилган тажриба-саноат усулида ишлаб чиқаришни амалга ошириш;

4) башарти ушбу Қонуннинг 6-боби талабларига риоя этилса, геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати давомида исталган вақтда қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун рухсатномани сўраш ва олиш;

5) қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш учун зарур бўлган ёки улар билан боғлиқ бошқа ишларни амалга ошириш.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчилар ушбу Қонунга мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **46-модда. Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш даврида фойдали қазилмаларни тажриба (синов) ва тажриба-саноат усулида қазиб олиш**

Ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъри участкасини геологик жиҳатдан

ўрганиш даврида фойдали қазилмалар мавжудлиги тасдиқланган тақдирда, фойдали қазилмаларни бойитиш ва қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиши ёки такомиллаштириш, уларнинг сифатини баҳолаш ва фойдали қазилмалар конининг геологик моделини тузиш ҳамда уларни ўзлаштиришнинг оқилона услубларини ва усулларини танлаш, шунингдек техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни олиш мақсадида фойдали қазилмаларни тажриба (синов) ва тажриба-саноат усулида қазиб олишни амалга оширишга ҳақли.

Фойдали қазилмаларни тажриба (синов) усулида қазиб олиш геологик жиҳатдан ўрганиш лойихасида асосланган ҳажмда, қуйидагиларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади:

- 1) саноат хавфсизлиги нормалари ва қоидаларига;
- 2) атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка, шу жумладан ушбу Қонуннинг 15-бобида назарда тутилган тупроқнинг унумдор қатламини сақлаш, ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф этиш, шунингдек бузилган ерларни келгусида рекультивация қилиш шартларига.

Фойдали қазилмаларни тажриба-саноат усулида қазиб олиш Ер қаъридан фойдаланиш маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси хабардор қилинганидан кейин амалга оширилади.

Тажриба-саноат усулида қазиб олиш чоғида қазиб олинган фойдали қазилмалар ер қаъридан фойдаланувчининг мулки бўлади. Бундай фойдали қазилмаларни сотиш ёки бошқа шахсга ўтказиш ер қаъридан фойдаланувчи мазкур лойиха юзасидан қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун рухсатнома олмагунига қадар тақиқланади.

Фойдали қазилмаларни тажриба (синов) ва (ёки) тажриба-саноат усулида қазиб олиш ҳамда уларнинг тадқиқотлари натижалари ер қаъри участкасини геологик жиҳатдан ўрганиш натижалари тўғрисидаги хисоботда акс эттирилиши керак.

Ер қаъридан фойдаланувчи ушбу Қонуннинг 37-моддасига мувофиқ қайси ер участкасига нисбатан ер участкасига бўлган хукуқларни олган бўлса, ўша ер участкасида тажриба-саноат усулида қазиб олиш билан боғлиқ капитал иншоотларни барпо этишга ҳақли.

#### **47-модда. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари**

Ер қаъридан фойдаланувчилар қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати давомида:

1) геологик жиҳатдан ўрганиш режаси тасдиқланган ва ушбу Қонун 43-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган экологик экспертизанинг ижобий хulosаси олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичida кончилик фаолиятини бошлиши;

2) геологик жиҳатдан ўрганиш ишлари кончилик фаолиятини амалга оширишнинг барча қўлланиладиган нормалари ва қоидаларига, шунингдек тегишли даражадаги амалиётига мувофиқлигини таъминлаши;

3) геологик жиҳатдан ўрганиш ишлари амалдаги геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасига мувофиқлигини таъминлаши;

4) геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича бутун фаолиятни ҳамда ер қаъри участкасидан бирор-бир бошқача қонуний асосда фойдаланишни ушбу барча ишлар оқилона воситалар билан йўл қўйилмаслиги мумкин бўлган жамоатчилик ёки хусусий манфаатлар бузилишига олиб келмаслигини таъминлаш мақсадида кончилик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган чоралар билан чеклаши;

5) ушбу Қонуннинг 44-моддасида кўрсатилган ҳар йилги энг кам харажатларга риоя этиши;

6) табиий ва сунъий ташувчиларнинг бут сақланишини ва тўғри тамғаланишини таъминлаши, геологик жиҳатдан ўрганиш жараёнида ишлаб чиқилган геологик, маркшайдерлик хужжатларини ва бошқа хужжатларни сақлаши;

7) ушбу Қонуннинг 48-моддасига мувофиқ зарур бўлган ҳисоботларни тақдим этиши;

8) ушбу Қонуннинг 161-моддасида кўрсатилган ҳар йилги тўловларни тўлаши;

9) қонунчиликда белгиланган тартибда фойдали қазилмалар конларини ўзлаштириш ва бошқа мақсадлар учун фойдаланилиши мумкин бўлган геологик кон қазишмалари ҳамда қудуқлар консервация қилинишини таъминлаши, шунингдек фойдаланилмайдиган кон қазишлари ва қудуқлар тугатилишини таъминлаши;

10) ушбу Қонуннинг 15-бобига мувофиқ ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф этиш режасини ишлаб чиқиши ва молиялаштириши;

11) ушбу Қонуннинг 14-бобига ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ тасдиқланган ўқитиш дастурларини амалга ошириши ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлигига ҳамда ходимлар учун қулай шартшароитлар яратиш бўйича нормаларга, шунингдек аварияларга ва фавқулодда вазиятларга шай ҳолатда туришни ҳамда уларнинг оқибатлари бартараф этилишини таъминлаш чораларига риоя этиши;

12) фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган кончилик фаолияти объектларини ва ер ости иншоотларини тугатиш ҳамда ёпиш тартибига риоя этиши;

13) даврий ва танлаб олинган текширувлар ва (ёки) аудитлар ўтказиш

тартибига риоя этиши;

14) Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларга мувофиқ коррупцияга қарши курашиш бўйича хулқ-автор қоидаларини ишлаб чиқиши ва уларга риоя этилишини таъминлаши;

15) Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қазиб олиш тармоқларининг шаффоғлиги ташаббуси стандартларига (ҚТШТС) риоя этиши;

16) низо предмети бўлмаган барча божхона божларини, тўловларни, йиғимларни ва солиқларни ўз вақтида ҳамда аниқ декларация қилиши ва тўлаши;

17) ушбу Қонун ҳамда бирор-бир бошқа қўлланиладиган қонунчилик қоидаларига риоя этилиши мақсадида барча тегишли ваколатли органлар ва хукуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиши шарт.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчиларнинг зиммасида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **48-модда. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишни амалга ошириш чоғида ҳисобдорлик**

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича ер қаъридан фойдаланувчи ўтган календарь йил учун ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш учун рухсатномада назарда тутилган мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисботни ҳар йили Ер қаъридан фойдаланиш марказига кейинги йилнинг биринчи мартаидан кечиктирмай тақдим этиши шарт. Тўлиқ бўлмаган календарь йил учун ҳисботлар аниқ муддат учун, бундай муддат тугаганидан кейин икки ойдан кечиктирмай тақдим этилади.

Рухсатноманинг амал қилиши тугаганидан кейин ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъри участкасидаги геологик жиҳатдан ўрганиш натижалари тўғрисидаги якуний ҳисботни Ер қаъридан фойдаланиш марказига рухсатноманинг амал қилиши тугаган санадан эътиборан уч ойдан кечиктирмай тақдим этиши шарт.

Геологик жиҳатдан ўрганиш натижалари тўғрисидаги якуний ҳисбот геологик жиҳатдан ўрганишни амалга ошириш натижасида аниқланган фойдали қазилмаларнинг потенциал конлари ҳақидаги ахборотни, шу жумладан дастлабки геологик ахборот материалларига асосланган батафсил геологик маълумотларни ўз ичига олади, шунингдек геология, бурғилаш, тупроқни, тоғ жинсларини, ер ости сувларини, фойдали қазилмалар намуналарини ҳамда бошқа геологик материалларни танлаб олиш ва синаб кўриш соҳасидаги илмий тадқиқотлар, синовлар

ҳамда геологик жиҳатдан ўрганишнинг ҳолати ва натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Геологик жиҳатдан ўрганиш натижалари тўғрисидаги якуний ҳисоботнинг шакли ва унга доир талаблар қонунчилик хужжатларида белгиланади.

Ушбу Қонун 169-моддаси биринчи қисмининг ўн биринчи ва ўн иккинчи бандларида назарда тутилган қоидаларни ҳисобга олган ҳолда, қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш натижалари ҳақидаги якуний ҳисбет Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмалар захиралари тўғрисидаги халқаро ҳисбет стандартлари бўйича қўмитанинг (CRIRSCO) талабларига мувофиқ ахборотни ўз ичига олиши керак.

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш натижалари бўйича якуний ҳисбет геологик материалларни давлат экспертизасидан ўтказиш ва фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш учун Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясига тақдим этилади.

Агар ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш натижалари тўғрисидаги якуний ҳисбетда фойдали қазилмаларнинг захиралари ҳисоб-китоб қилинган ҳолда аниқланган кон ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлмаса, ҳисбет умумлаштириш ҳамда тизимлаштириш учун фақат Ер қаъридан фойдаланиш марказига тақдим этилади.

Геологик жиҳатдан ўрганиш тўғрисидаги ҳисбетда кўрсатилган геологик жиҳатдан ўрганишга доир ҳаражатлар ва маҳаллий таъминот улуши ҳақидаги ахборот «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ аудитор томонидан тасдиқланиши лозим. Бундай ахборот, агар у аудиторлик текширувидан ўтган молиявий ҳисбетда алоҳида келтирилган (акс эттирилган) бўлса, аудитор томонидан ҳам тасдиқланган ҳисобланади.

#### **49-модда. Геологик материаллар экспертизаси ва фойдали қазилмалар захираларини давлат томонидан тасдиқлаш**

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати ичida ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъри участкасидаги норуда фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш тўғрисидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига мурожаат қилишга ҳақли.

Геологик материалларнинг давлат экспертизаси ва фойдали қазилмалар захираларини давлат томонидан тасдиқлаш Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан амалга оширилади. Фойдали қазилмалар захираларининг саноатга молик аҳамияти тўғрисидаги қарор уларни давлат балансига қўйиш учун асос бўлади.

Норуда фойдали қазилмалар конларининг геологик материалларини давлат экспертизасидан ўтказиш ва уларнинг захираларини тасдиқлаш

учун Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси жойларда фойдали қазилмалар захиралари бўйича худудий комиссияларни ташкил этади.

Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси миллий ёки халқаро қўлланиладиган стандартларга мувофиқ эътироф этилган ваколатли шахсни жалб қилишга ҳакли, бироқ мажбур эмас.

Геологик материалларнинг давлат экспертизаси ва фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш бундай тасдиқлашни сўраётган ер қаъридан фойдаланувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат экспертизасини ўтказиш учун тақдим этиладиган геологик материалларга доир талаб ер қаъри участкаси геологик тузилишининг мураккаблиги ҳамда уларнинг сони ҳисобга олинган ҳолда, Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан белгиланади.

Ер қаъридан фойдаланувчи томонидан жалб этилган фойдали қазилмалар захираларига доир ҳисботнинг халқаро стандартлари бўйича ваколатли шахс геология-қидирув ишлари натижалари, фойдали қазилмалар захиралари (бундан норуда фойдали қазилмалар мустасно) тўғрисида оммавий ҳисботлар ҳам тайёрлаши мумкин. Бундай ҳолда мазкур ваколатли шахс Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясининг талабларига мувофиқ геологик материалларни давлат экспертизасидан ўтказиш ва фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш учун ҳисботларни ҳам тайёрлаши шарт.

Геологик материалларнинг давлат экспертизасини ўтказганлик учун ундириладиган тўлов миқдори Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси билан келишувга кўра Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан тасдиқланади.

Давлат экспертизасини ўтказишга доир маблағлар жалб этилдиган экспертларнинг хизматларига ҳақ тўлашга ва материалларни Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясида кўриб чиқиш учун тайёрлаш харажатларининг ўрнини қоплашга йўналтирилади.

Геологик материалларнинг давлат экспертизаси учун тўлов Ер қаъридан фойдаланиш марказининг ҳисоб-китоб варагига келиб тушади.

## **6-боб. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олиш**

### **50-модда. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатнома олишга оид ариза**

Ер қаъридан фойдаланувчи, башарти геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномада кўрсатилган бир-бирига боғлик кадастр квадратларидан ҳеч бўлмагандан биттасида қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмалар кони жойлашган бўлса ҳамда қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларнинг бундай конидан тижорат мақсадида фойдаланилиши зарур бўлса, бундай кадастр

квадратларида рухсатноманинг амал қилиш муддати тугагунига қадар ушбу Конуннинг 108-моддасига мувофиқ қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатнома олишга оид мутлақ хуқуққа эга бўлади.

Ер қаъридан фойдаланувчи қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномани олиш учун Ер қаъридан фойдаланиш марказига қўйидаги маълумотлар кўрсатилган аризани топширади:

- 1) аризачининг давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ тўлиқ номи;
- 2) аризачи ваколатли шахс эканлигини тасдиқловчи хужжат;
- 3) сўралаётган кадастр квадратлари тўғрисидаги батафсил ахборот, шу жумладан уларнинг жойлашган ери ва координаталари кўрсатилган тегишли масштабдаги харита;
- 4) геологик жиҳатдан ўрганиш тўғрисидаги яқуний ҳисобот;
- 5) конни ўзлаштириш лойиҳаси ёки техник-иктисодий асос;
- 6) конни ўзлаштириш лойиҳасига ёки техник-иктисодий асосга мувофиқ таклиф этилаётган кончиллик фаолиятини амалга ошириш учун аризачининг молиявий, касбий ва техник имкониятлари далиллари;
- 7) давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси.

Ариза билан бирга топшириладиган хужжатларга нисбатан талаблар конунчилик хужжатларида белгиланади.

Агар қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати ер қаъридан фойдаланувчи қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатнома бериш бўйича ариза топшириш учун зарур бўлган бирор-бир экологик экспертизанинг ижобий хулосасини кутаётган даврда тугаса, геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома экологик экспертизанинг ижобий хулосаси олингунинга ёки рад этилгунинга қадар амал қилишда давом этади.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатнома бериш бўйича аризани кўриб чиқканлик учун йиғим микдори конунчилик хужжатларида белгиланади. Йиғим суммаси қайтарилмайди.

## **51-модда. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатнома олишнинг қўшимча усуслари**

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномалар Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан белгиланган конлар бўйича аукцион ёки тендер ўтказиш йўли билан берилиши мумкин.

Мамлакатни ривожлантириш билан боғлик алоҳида ҳолларда қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хужжатларига мувофиқ берилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган конлар жумласига қўйидагилар киради:

1) геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома доирасидаги геология-қидирув ишлари натижасида қидириб топилган, рухсатноманинг амал қилиш муддати (фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун рухсатнома олишга доир мутлақ ҳуқук) тугаганидан кейин давлат балансига киритилган конлар;

2) минерал хомашё базасини ривожлантириш давлат дастурлари доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан қидириб топилган фойдали қазилмалар конлари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун зарур бўлган кадастр квадратлари Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан захира қилиб қўйилади.

Аукционлар ва тендерлар ўтказиш тартиби қонунчилик хужжатларида белгиланади.

Тендер жараёнининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

1) ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқишида вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органларининг самарали ҳамкорлигини ташкил этиш;

2) мавжуд бўлган геологик маълумотлар, геологик жиҳатдан ўрганиш тўғрисидаги ҳисботлар ва бошқа тегишли ахборот асосида ишлаб чиқилган ер қаъри участкаларини бериш бўйича тендернинг бошланғич шартларини келишиш;

3) тақдим этилган конни ўзлаштириш лойиҳасининг ёки дастлабки техник-иктисодий асоснинг ёхуд инвестициявий лойиҳалар техник-иктисодий асоснинг экспертизаси ўтказилишини ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, шунингдек ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг белгиланган шартларига мувофиқлиги баҳоланишини ташкил этиш;

4) мақбул бўлган танловга оид аризани ва рухсатнома берилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш.

Аукцион ёки тендер иштирокчилари ушбу Қонуннинг 50-моддасида назарда тутилган ахборотни тақдим этиши керак, бундан давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси мустасно, шунингдек иштирокчи техник-иктисодий асоснинг ўрнига дастлабки техник-иктисодий асосни тақдим этишга ҳақли. Аукцион ёки тендер жараёни иштирокчиси бирор-бир зарур экологик экспертизаси ўтказилгунига ва давлат экологик экспертизасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ижобий хулосаси олингунига қадар кончилик фаолиятини бошламаслик мажбуриятини тақдим этиши керак.

Аукцион ёки тендер ғолибини аниқлаш тўғрисидаги баённома тегишли кадастр квадратларида фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномани ғолибга бериш учун асос бўлади.

Аукцион ёки тендер ғолиби, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

хужжатига асосан рухсатнома олган ер қаъридан фойдаланувчи рухсатнома берилган пайтдан эътиборан бир ичидан Ер қаъридан фойдаланиш марказига конни ўзлаштириш лойиҳасини ёки техник-иқтисодий асосни, давлат экологик экспертизасининг ижобий хуносасини тақдим этиши керак. Такдим этилган хужжатлар ушбу Қонуннинг 53-моддасига мувофиқ кўриб чиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хужжатларига асосан бериладиган фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномалар ушбу Қонуннинг барча талабларига мувофиқ бўлиши керак, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва ер қаъридан фойдаланувчи ўртасида тузиладиган шартномага кўра кўшимча шартлар ва йифимлар ҳам кўлланилиши мумкин.

Аукциондан ёки тендердан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тақсимланади.

## **52-модда. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномани расмийлаштириш**

Ер қаъридан фойдаланиш маркази қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича ер қаъридан фойдаланувчи томонидан тақдим этилган қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномани бериш учун ариза олинган пайтдан ёхуд аукцион ёки тендер жараёни тугаганидан кейин ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хужжатларига мувофиқ берилган рухсатнома муносабати билан конни ўзлаштиришнинг якуний лойиҳаси ёки техник-иқтисодий асос олинган пайтдан эътиборан ўн иш куни ичидан, кўлланиладиган ҳолатга қараб, аризани кўриб чиқади ҳамда унинг тўлиқлигини аниқлаш учун дастлабки тарзда кўздан кечиришни ўтказади.

Аризачи дастлабки тарзда кўздан кечириш босқичи тугаганидан кейин аризадаги бирор-бир камчиликлар тўғрисида хабардор қилинади. Ер қаъридан фойдаланиш маркази аризачига унча катта бўлмаган камчиликларни тузатишга рухсат беришга ёки аризани рад этишга ҳақли. Агар ариза рад этилган бўлса, аризачи такроран янги ариза беришга ҳақли.

Аризани дастлабки тарзда кўриб чиқиши Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан ариза олинган пайтдан эътиборан йигирма иш куни ичидан амалга оширилади.

Аризани кўриб чиқишида Ер қаъридан фойдаланиш маркази қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича таклиф этилаётган фаолиятни амалга ошириш учун аризачининг молиявий, касбий ва техник имкониятларини, шунингдек конни ўзлаштириш лойиҳасининг ёки техник-иқтисодий асоснинг техник ва фойдаланиш жиҳатларини тақдим этилган хужжатларнинг тўлиқлиги, ижро этилиши ҳамда ушбу Қонуннинг 50 ва 53-моддаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқади.

Таклиф этилаётган конни ўзлаштириш лойиҳасида ёки техник-иктисодий асосда камчиликлар аниқланган тақдирда, Ер қаъридан фойдаланиш маркази аризачидан тўқсон кундан ошмайдиган оқилона муддатда камчиликлар бартараф этилишини талаб қилиши мумкин. Бундай сўров олинганидан кейин аризачи ўз аризасини қайтариб олишга, унга ўзгартиришлар киритишга ёки ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида ёзма тушунтириш тақдим этишга ҳақли. Агар аризачи ўз аризасига ўзгартиришлар киритса ёки унга ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида ёзма тушунтириш тақдим этса, Ер қаъридан фойдаланиш маркази бундай жавобни кўриб чиқади ва ўн беш иш куни ичидаги ўзининг жавобини тақдим этади. Бундан ташқари аризачи ўз нуқтаи назарини баён этиш учун эшитув ўтказилишини сўрашга ҳақли, Ер қаъридан фойдаланиш маркази эса асосга тааллукли саволларга жавоб бериш учун аризачининг шахсан ҳозир бўлишини талаб қилиш хуқуқига эга. Бундай ҳолда Ер қаъридан фойдаланиш маркази аризачининг далилларини кўриб чиқиш учун ўн беш иш куни ичидаги шундай эшитувни ўтказади. Ер қаъридан фойдаланиш маркази ўша пайтда маълум бўлиши мумкин бўлган ҳамда ушбу қисмда тавсифланган жараён доирасида унинг дастлабки тарздаги кўриб чиқишига киритилмаган янги масалаларни кўтариш хуқуқига эга эмас. Ушбу қисмда баён этилган жараён Ер қаъридан фойдаланиш маркази рухсатномани тасдиқлашга тайёр бўлмагунига ёки аризачи ўз аризасини узил-кесил қайтариб олмагунига қадар бир неча бор қўлланилади.

Ушбу модданинг биринчи – бешинчи қисмларида баён этилган жараён тугагач, Ер қаъридан фойдаланиш маркази конни ўзлаштириш лойиҳасини ёки техник-иктисодий асосни қабул қиласи ёхуд қайтаради.

Конни ўзлаштириш лойиҳаси ёки техник-иктисодий асос қабул қилинган ва ариза ушбу Қонуннинг барча бошқа талабларига мувофиқ бўлган ҳолларда, Ер қаъридан фойдаланиш маркази қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномани беради. Конни ўзлаштириш лойиҳасини ёки техник-иктисодий асосни ўзгартириш кўшимча экологик экспертиза ўтказилишини ёки унинг қайта кўриб чиқилишини талаб этса, экологик экспертизани ўтказиш тугагунига ва давлат экологик экспертизасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ижобий хulosasi олингунига қадар рухсатнома берилмайди.

Агар ариза ушбу Қонуннинг 50-моддасида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаса, Ер қаъридан фойдаланиш маркази фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатнома беришни рад этиш хуқуқига эга. Рад этиш асосланган бўлиши керак. Ушбу Қонунда назарда тутилмаган асослар бўйича рад этишга йўл кўйилмайди. Ер қаъридан фойдаланиш маркази кўриб чиқиш муддати тугаганидан кейин бундай рад этиш ҳақида аризачини хабардор қиласи.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатнома берилганда ер қаъри давлат фонди кадастрининг рухсатномалар реестрига тегишли ёзув киритилади.

### **53-модда. Конни ўзлаштириш лойиҳаси ва техник-иқтисодий асос**

Конни ўзлаштириш лойиҳаси ёки техник-иқтисодий асос кўриб чиқилаётганда Ер қаъридан фойдаланиш маркази қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатнома берилгунинг қадар асоснинг техник ва фойдаланишга доир жиҳатларини кўриб чиқади. Ер қаъридан фойдаланиш маркази асоснинг молиявий жиҳатларини ўрганиш учун жавобгар бўлмайди. Ер қаъридан фойдаланиш маркази оқилона асосларга кўра қуидаги мезонларга устуворлик бериши мумкин:

1) қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг энг яхши мавжуд вариантининг мувофиқлиги;

2) кончилик фаолияти учун барқарор, экологик жиҳатдан хавфсиз технологияларни қўллаш;

3) кончилик фаолияти натижасида фойдали қазилмаларнинг ишлатилаётган ва туташ конларига ҳамда ер қаърининг бошқа участкаларига зарар етказилишининг олдини олиш ва ер қаърида жойлашган фойдали қазилмалар захираларини консервация қилиш;

4) давлат учун энг кўп умумий даромад ва фойда олиш;

5) Ўзбекистон Республикасида кончилик фаолиятидан энг кўп кўшимча иқтисодий самара олинишини таъминлаш.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга ошириш чоғида қуидагилар устувор аҳамиятга эга бўлади:

1) фойдали компонентлар барқарор, комплекс равишда чиқариб олинишини таъминлайдиган технологик схемалар;

2) қайта ишлашнинг турли босқичларида фойдали компонентлар тақсимотини ва ушбу компонентларнинг фойдали қазилмалар конларидан ажратиб олиниши даражасини ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш;

3) қайта ишлаш маҳсулотлари ва чиқиндиларидан, шунингдек оқова сувлардан имкон қадар хавфсиз фойдаланиш;

4) фойдали компонентларни ўз ичига олган вақтинча фойдаланилмаётган маҳсулотларни ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини сақлаш, ҳисобга олиш ва консервация қилиш.

Фойдали қазилмаларнинг турлари ҳамда хоссаларига, конларни ўзлаштириш усулларига, қайта ишлаш технологияларининг турларига ва бошқа омилларга қараб, конларни ўзлаштиришга ҳамда минерал хомашёни қайта ишлашга доир қўшимча талаблар назарда тутилиши мумкин.

### **54-модда. Фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати**

Фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати рухсатнома берилган санадан эътиборан йигирма беш йилдан ошиши мумкин эмас.

Фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати ер қаъридан фойдаланувчининг аризасига кўра, ушбу

Қонуннинг 110-моддасида назарда тутилган тартибда рухсатноманинг дастлабки амал қилиш муддатидан ошмайдиган даврга бир неча марта узайтирилиши мумкин.

### **55-модда. Кончилик фаолиятини амалга ошириш**

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи бирор-бир кончилик фаолияти бошлангунига қадар зарур экологик экспертизадан ўтиши ва хавфсизлик соҳасидаги барча тегишли маъқуллашларни, шу жумладан давлат экологик экспертизасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ижобий хulosасини олиши керак. Ер қаъридан фойдаланувчи бундай маъқуллашларни улар олинган пайтдан эътиборан беш кун ичida Ер қаъридан фойдаланиш марказига тақдим этади.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳуқукини олган ер қаъридан фойдаланувчи бирор-бир кончилик фаолияти бошлангунига қадар давлат экологик экспертизасининг ижобий хulosаси олинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси билан келишилган ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф этишнинг дастлабки режасини ўз ичига оладиган тегишли фойдали қазилмалар конини ўзлаштириш лойиҳасини Ер қаъридан фойдаланиш марказига киритади. Агар конларни ўзлаштириш лойиҳаси ушбу Қонуннинг 50-моддасига мувофиқ тақдим этилган дастлабки техник-иқтисодий асосга ёки техник-иқтисодий асосга киритилган бўлса, унинг такроран тақдим этилиши талаб қилинмайди.

Конни ўзлаштириш лойиҳаси ушбу Қонун талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Конни ўзлаштириш ва (ёки) тажриба-саноат усулида қазиб олиш лойиҳаларининг мазмуни ер қаъридан фойдаланувчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг қўлланиладиган қонунчилигига мувофиқ, дастлабки техник-иқтисодий асосга ёки техник-иқтисодий асосга киритилган тафсилотлар, шунингдек экологик ва саноат хавфсизлиги талаблари ҳисобга олинган ҳолда мустақил равишда белгиланади.

Кончилик фаолияти ер қаъридан фойдаланувчи томонидан тайёрланган конни ўзлаштиришнинг тасдиқланган жорий лойиҳасига мувофиқ амалга оширилади, бундан фавқулодда вазиятлар ҳоллари мустасно.

Агар ушбу Қонуннинг 57-моддасига мувофиқ илгари ўзгартиришлар киритилмаган бўлса, фойдали қазилмаларнинг асосий турларига доир лойиҳа учун конни ўзлаштириш лойиҳаси Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан тасдиқланган санадан эътиборан бир йил давомида, норуда фойдали қазилмаларга доир конни ўзлаштириш лойиҳаси эса икки йил давомида амал қиласди. Ер қаъридан фойдаланиш маркази конни

ўзлаштириш лойиҳаси ушбу қисмда кўрсатилган муддатдан узокроқ даврни қамраб олишини, бироқ, агар ер қаъридан фойдаланиш бўйича режалаштирилаётган фаолиятнинг кенг кўламлиги, техник жиҳатдан бажарилиши ва давомийлиги уларни амалга ошириш муддатларининг кўпайтирилишини талаб этса, тўрт йилдан ошмаслигини талаб қилишга ҳақли.

Фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир барча ишлар ушбу Конуннинг 59 ва 61-моддаларига мувофиқ ҳужжатлаштирилиши лозим.

Кончилик фаолияти давомида ер қаъри участкасида қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномада кўрсатилмаган фойдали қазилмаларнинг йирик кони аниқланган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчи бу ҳақда Ер қаъридан фойдаланиш марказини ўн кунлик муддатда хабардор қилиши ва аниқланган фойдали қазилмалар конини ҳисобга олган ҳолда ўзининг конни ўзлаштириш лойиҳасига ўзгартиришлар киритиш керак.

Агар кончилик фаолиятини ер юзасидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасида амалга ошириш мўлжалланилаётган бўлса, конни ўзлаштириш лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари билан ҳам келишилади.

## **56-модда. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир ҳар йилги энг кам харажатлар**

Ер қаъридан фойдаланувчи ушбу моддада ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган қаттиқ ҳолдаги асосий фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир ҳар йилги энг кам харажатлар тўғрисидаги талабларга риоя этиши шарт, бундан техноген минерал ҳосилалар бўйича лойиҳалар мустасно.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир ҳар йилги энг кам харажатлар фойдали қазилмаларнинг ҳар бир тури бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олиш муддатининг биринчи ёки охирги йили тўлиқ бўлмагандан, ҳар йилги энг кам харажатлар мазкур йилдаги қазиб олиш даврининг ҳар бир тўлиқ ойи учун мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқилади. Кадастр квадратида қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиши бирор-бир йил давомида тугатилган тақдирда, ҳар йилги энг кам харажатлар мазкур йилдаги амал қилиш муддатининг ҳар бир тўлиқ ойи учун мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқилади.

Ҳар йилги энг кам харажатлар жумласига киритилиши лозим бўлган кончилик фаолияти, шунингдек киритилмайдиган фаолият қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилади. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир ҳар йилги энг кам харажатларни ҳисоб-китоб қилиш факат тегишли рухсатномада кўрсатилган кадастр квадратларида қилинган харажатларга нисбатан амалга оширилади.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатнома доирасида ҳар йилги энг кам харажатларни ҳисоб-китоб қилиш Узбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган ва ҳисобот йилининг 1 январида амал қиласидиган базавий ҳисоблаш миқдори асосида амалга оширилади.

Ушбу моддада назарда тутилган қазиб олишга доир энг кам харажатлар бўйича мажбуриятлар бузилган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчи етишмаётган харажатларни амалга ошириши ва бу ҳақда Ер қаъридан фойдаланиш марказига ҳисобот йилидан кейинги икки ойдан кеч бўлмаган муддатда ҳисобот тақдим этиши шарт. Бунда ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ушбу моддага мувофиқ амалга оширилган харажатлар жорий йил харажатларида ҳисобга олинмайди ва ҳисоботда ҳисобот йили учун акс эттирилган ҳисобланади.

### **57-модда. Конни ўзлаштириш лойиҳасига ўзгартиришлар киритиш**

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича режалаштирилаётган ишларнинг турлари, услублари ва (ёки) усуллари, шунингдек ишларни амалга ошириш технологиялари, ҳажмлари ва муддатлари ўзгарган, ишлаб чиқариш обьектларининг ҳамда инфратузилма обьектларининг таркиби ўзгарган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчи конни ўзлаштириш лойиҳасига тегишли ўзгартиришлар киритиши ва уни келишиш учун Ер қаъридан фойдаланиш марказига тақдим этиши шарт.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича лойиҳаларга киритиладиган ўзгартиришлар кўйидаги ҳолларда Ер қаъридан фойдаланиш маркази билан келишилишини талаб этади:

1) лойиҳада назарда тутилган қазиб олиш бўйича ишларни амалга ошириш хавф-хатарлари кўпайганда;

2) агар фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича қўшимча хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи режалаштирилаётган ўзгартиришлар аввал келишилган лойиҳада назарда тутилмаган бўлса;

3) агар фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича режалаштирилаётган ўзгартиришларнинг амалга оширилиши лойиҳада кўрсатилган экологик кўрсаткичларга эришилмаслигига олиб келса;

4) агар фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича режалаштирилаётган ўзгартиришлар ер қопламининг бутлигини қўшимча равишда бузиши тахмин қилинаётган бўлса;

5) агар кон қазиб олиш мажмуининг асосий обьектлари сонини ва параметрларини ўзгартириш режалаштирилаётган бўлса;

6) режалаштирилаётган харажатларда жиддий ўзгартиришлар мавжуд бўлса;

7) ер қаъридан фойдаланувчининг мажбуриятларида жиддий ўзгартиришлар мавжуд бўлса.

Қайта кўриб чиқилган конни ўзлаштириш лойиҳаси Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан қайта кўриб чиқилган лойиҳа

олинганидан кейин йигирма иш куни ичида күриб чиқилади.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази конни ўзлаштириш лойиҳасини тўлиқлиги, ижро этилиши ва ушбу Қонуннинг 53-моддасига мувофиқлиги нуқтаи назаридан күриб чиқади. Конни ўзлаштириш лойиҳасига киритилган ўзгартиришларда камчиликлар аниқланган тақдирда, Ер қаъридан фойдаланиш маркази аризачидан ушбу Қонун 52-моддасининг тўртинчи қисмида баён этилган тартиб-таомилга мувофик оқилона муддатларда бундай камчиликлар бартараф этилишини талаб қилиши мумкин. Конни ўзлаштиришнинг жорий лойиҳасига киритилган ўзгартиришлар қўшимча экологик экспертиза ўтказилишини ёки унинг қайта күриб чиқилишини талаб этган ҳолларда, бундай лойиҳани тасдиқлаш фақат экологик экспертиза ўтказилганидан кейин ва давлат экологик экспертизасининг ижобий хulosаси берилганидан кейин амалга оширилади.

Ўзгартирилган конни ўзлаштириш лойиҳаси Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан тасдиқлангунига қадар унга доир ишларни амалга ошириш тақиқланади.

Кўриб чиқиш жараёни тугаганидан кейин Ер қаъридан фойдаланиш маркази қайта кўриб чиқилган конни ўзлаштириш лойиҳасини қабул қилиши ёки уни қайтариши керак. Қайта кўриб чиқилган конни ўзлаштириш лойиҳасини қайтариш асосланган бўлиши керак. Ушбу Қонунда назарда тутилмаган асосларга қўйтишга йўл қўйилмайди.

## **58-модда. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳукуқлари**

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчилар тегишли рухсатномада кўрсатилган қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олиш, қайта ишлаш, сақлаш, транспортда ташиш, сотиш ва (ёки) экспорт қилиш ҳукуқига эга.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатнома ер қаъридан фойдаланувчига берилган ер қаъри участкалари ҳамда рухсатномада кўрсатилган ер участкаси ҳамда кадастр квадрати юзасининг ер участкалари ва бирор-бир зарур бўлган тегишли участкалар доирасида қўйидаги мутлақ ҳукуқларни беради:

- 1) қўшимча геологик жиҳатдан ўрганишни амалга ошириш;
- 2) фойдали қазилмалар захираларини қайта баҳолаш учун қўшимча ўрганишни амалга ошириш;
- 3) конни ўзлаштиришнинг жорий лойиҳасига мувофик кончилик фаолиятини амалга ошириш;
- 4) қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни ишлаб чиқаришни амалга ошириш;
- 5) рухсатнома берилган қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни товар хомашёси сифатида бойитишни, қайта ишлашни ва уларга ишлов беришни

амалга ошириш;

6) қазиб олинган фойдали қазилмаларни транспортда ташиш, сақлаш ва реализация қилиш;

7) башарти тегишли рухсатномалар, келишувлар ёки маъқуллашлар олинган бўлса, кончилик, қайта ишлаш (бойитиш), транспорт обьектларини ва бошқа тегишли обьектларни ҳамда техноген минерал ҳосилаларни жойлаштириш, шу жумладан:

а) конни қуришни, доимий иншоотларни барпо этишни ҳамда қазиб олинган фойдали қазилмаларни қазиб олиш, қайта ишлаш, сақлаш ва юклаб жўнатиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни ўрнатишни амалга ошириш;

б) коннинг ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун иншоотлар ҳамда обьектларни қуришни ёки ўрнатишни амалга ошириш;

в) қазиб олинган фойдали қазилмаларни кондан реализация қилиш пунктларига етказиш учун инфратузилмани қуришни амалга ошириш;

8) башарти бирор-бир қўлланиладиган рухсатномалар ёки маъқуллашлар олинган бўлса, қўйидагилардан фойдаланиш:

а) башарти фойдаланувчилар учун оқимдан пастда етарлича сув оқими мавжуд бўлса, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлик мақсадлар учун ер қаъри участкаси доирасидаги ер ости сувларидан;

б) кончилик фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкаси доирасидаги бирор-бир табиий гидроэнергетик ресурслардан;

9) башарти ушбу Қонунда назарда тутилган қоидаларга риоя этилса, рухсатномада кўрсатилган участкадаги саноат обьектларида аниқланган бошқа қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмалар учун рухсатноманинг амал қилиши татбиқ этилишига эришиш;

10) рухсатномадан фойдаланишга ва уни бажаришга оқилона тарзда аралашмаслик.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчилар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## **59-модда. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари**

Ер қаъридан фойдаланувчи қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати давомида:

1) рухсатнома берилган санадан эътиборан қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларнинг асосий турларига доир уч йил ичидаги ҳамда норуда фойдали қазилмалар бўйича бир йил ичидаги кончилик фаолиятини амалга оширишни бошлаши;

2) кончилик фаолиятининг барча турлари, шу жумладан ишлаб чиқариш технологиялари барча қўлланиладиган стандартлар ва нормаларга, шунингдек кончилик фаолиятини юритишнинг тегишли амалиётига мувофиқлигини таъминлаши;

3) кончилик фаолияти конни ўзлаштиришнинг жорий тасдиқланган лойиҳасига маълум даражада мувофиқлигини таъминлаши;

4) Ер қаъридан фойдаланиш марказига фойдали қазилмаларнинг асосий турлари бўйича конни ўзлаштиришнинг янгиланган лойиҳасини ҳар йили, норуда фойдали қазилмалар бўйича эса ҳар икки йилда тақдим этиши;

5) кончилик фаолиятининг барча турларини ва ер қаъри участкасидан қонуний асосда бошқача фойдаланишни ушбу барча ишлар оқилона воситалар билан йўл қўйилмаслиги мумкин бўлган жамоатчиликка оид ёки хусусий манфаатлар бузилишига олиб келмаслигини таъминлаш мақсадида кончилик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган чоралар билан чеклаши;

6) кончилик фаолиятига нисбатан амалдаги қонунчиликда белгиланган барча талабларга тизимли равишда ва доимий риоя этилишини таъминлаш ҳамда уларнинг ижро этилишини таъминлаш устидан назорат қилиш учун мўлжалланган тегишли бошқарув тизимини ташкил этиши, жорий қилиши ва мунтазам равишда янгилаб бориши;

7) қазиб олинган фойдали қазилмаларнинг ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган ишлаб чиқариш чиқиндиларининг аниқ ҳисобини юритиши, шу жумладан ҳар кунги ишчи журналларнинг ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш, юклаб жўнатиш, асбоб-ускуналарни етказиб бериш, баҳтсиз ҳодисалар ва объектга ташриф буюрувчилар реестрларининг юритилишини таъминлаши;

8) ушбу Қонуннинг 61 ва 62-моддаларига мувофиқ фойдали қазилмаларни қазиб олиш тўғрисидаги ҳисботларни ўз вақтида тақдим этиши;

9) атроф-муҳитни бошқаришнинг тасдиқланган режаси унинг даврий равишда қайта кўриб чиқилишини ва янгилаб борилишини, шу жумладан мониторингини ва ҳисбдорлигини ҳисобга олган ҳолда бажарилишини амалга ошириши;

10) сувни муҳофаза қилиш чораларини кўриши, шунингдек кон қазишимасига келиб тушадиган ер ости сувларига нисбатан қонунчиликда белгиланган сув объектларини муҳофаза қилиш бўйича бошқа талабларга риоя этиши;

11) ишлаб чиқариш чиқиндиларини сақлаш ва утилизация қилиш чоғида экологик талабларга риоя этиши;

12) ушбу Қонуннинг 15-бобига мувофиқ ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф этиш режасини ишлаб чиқиши ва молиялаштириши;

13) ушбу Қонуннинг 60-моддасига мувофиқ уранни ишлаб чиқариш чиқиндиларини ҳамда уранни қайта ишлаш маҳсулотларини сақлаш ва утилизация қилиш чоғида экологик ҳамда санитария-эпидемиологик талабларга риоя этиши;

14) ушбу Қонуннинг 136-моддасига ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ тасдиқланган ўқитиш дастурларини ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ходимлар учун қулай меҳнат шароитларини яратиш бўйича нормаларни, шунингдек авариялар

ва фавқулодда вазиятларга шай ҳолатда туришни ҳамда уларнинг оқибатлари бартараф этилишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириши;

15) ушбу Қонуннинг 159-моддасига мувофиқ инфратузилмани ривожлантириш, фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатишнинг тасдиқланган режаларини амалга ошириши;

16) даврий ҳамда танлаб ўtkазиладиган текширувлар ва (ёки) аудитлар олиб борилишига риоя этиши;

17) Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ҳалқаро шартномаларга мувофиқ коррупцияга қарши қурашиб бўйича одоб-ахлоқ кодексини ишлаб чиқиши ва унга риоя этилишини таъминлаши;

18) Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қазиб олиш тармоқларининг шаффоғлиги ташаббуси стандартларига (ҚТШТС) риоя этиши;

19) низо предмети бўлмаган ер қаъридан фойдаланиш учун барча соликларни, ер соликларини, божхона божларини ва бошқа соликларни ўз вақтида ҳамда ишончли тарзда декларация қилиши ва тўлаши;

20) ушбу Қонун ва бирор-бир бошқа қўлланиладиган қонунчилик қоидаларига риоя этилиши мақсадида барча тегишли ваколатли органлар ҳамда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан ҳамкорлик қилиши шарт.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича ер қаъридан фойдаланувчи бирор-бир кончилик фаолияти бошлангунига қадар кончилик фаолиятининг барча турлари учун суғурта полисларини сотиб олади ва доимий равишда янгилаб боради ҳамда амалга ошириладиган кончилик фаолиятининг хусусияти ва тури ҳисобга олинган ҳолда, тегишли суғуртанинг ўрнини қоплаш лимитлари, чегирмалари ва бошқа шартлари мазкур тармоқда одатда қўлланиладиган шартлар билан таққосланишини таъминлайди.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларнинг асосий турларини қазиб олиш учун рухсатнома олган ер қаъридан фойдаланувчи техноген минерал ҳосилаларга доир лойиҳалардан ташқари:

1) ушбу Қонуннинг 56-моддасида назарда тутилган ҳар йилги энг кам харажатлар тўғрисидаги талабга риоя этиши;

2) ушбу Қонуннинг 16-бобига мувофиқ маҳаллий ишлаб чиқариш товарларини харид қилиш режасининг бажарилишини амалга ошириши;

3) ушбу Қонуннинг 16-бобига мувофиқ маҳаллий кадрларни ёллаш, ўқитиш ва юқори лавозимга кўтариш бўйича режаларнинг бажарилишини амалга ошириши шарт.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчиларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## **60-модда. Радиоактив фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланишнинг алоҳида шартлари**

Радиоактив фойдали қазилмаларни, шу жумладан уранни қазиб олиш бўйича фаолият билан шуғулланадиган ер қаъридан фойдаланувчи ушбу моддада баён этилган қўшимча мажбуриятларга риоя этиши керак.

Уран бўйича кончиллик фаолияти Атом энергиясига бўйича халқаро агентликнинг (АЭХА) радиациядан муҳофаза қилишга доир асосий хавфсизлик стандартларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг радиациявий хавфсизлик соҳасидаги норматив-хуқуқий хужжатларига мувофиқ бўлиши керак.

Радиоактив фойдали қазилмаларни, шу жумладан уранни қазиб олиш бўйича фаолият билан шуғулланадиган ер қаъридан фойдаланувчи куйидагилар учун жавобгар бўлади:

1) бутун ҳудудда, шу жумладан ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф этиш даврида ва ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф этиш даври тугаганидан кейин радиациявий хавфсизликни таъминлаш учун, шунингдек атроф-муҳитни тиклаш учун;

2) ядервий хавфсизликни ҳамда уран ишлаб чиқаришга оид бирор-бир обьектнинг жисмонан муҳофаза қилинишини ва чиқиндилар утилизация қилинишини таъминлаш учун;

3) жўнатувчи ва (ёки) ташувчи сифатида радиоактив материални транспортда ташиш, шу жумладан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллар ва темирйўл орқали ташиш учун.

Ер қаъридан фойдаланувчи радиациявий хавфсизликни таъминлаш доирасида ўзининг барча мажбуриятларига риоя этилишини таъминлаш учун етарлича техник ва молиявий ресурсларга эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси томонидан берилган радиациявий хавфсизликни таъминлашга доир рухсат этувчи хужжатлар уран қазиб олиш билан боғлиқ фаолиятнинг муҳим циклидаги барча босқичлар учун, шу жумладан рудани геологик жиҳатдан ўрганиш, қазиб олиш, қайта ишлаш ва (ёки) ишлаб чиқариш, кончиллик фаолиятининг радиоактив чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш обьектлари ҳамда радиоактив материалларни транспортда ташиш учун талаб этилади.

Уран қазиб олиш бўйича лойиҳа учун конни ўзлаштириш лойиҳаси кончиллик фаолияти учун радиацияни бошқариш режасини ўз ичига олади. Радиацияни бошқариш режасининг шакли ва мазмуни қонунчилик хужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ер қаъридан фойдаланувчи радиациявий хавфсизликни таъминлашга доир рухсат этувчи хужжатлар бериш тартиб-таомили доирасида радиацияни бошқаришнинг биринчи дастлабки режасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасига қўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этиши шарт. Уран бўйича бирор-бир кончиллик фаолияти, шу жумладан қурилиш

радиациявий хавфсизликни таъминлашга доир рухсат этувчи хужжатларсиз амалга оширилиши мумкин эмас.

Ер қаъридан фойдаланувчи уранни қазиб олиш бўйича фаолиятни амалга ошириш чоғида қуидагиларни таъминлаши шарт:

1) «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган умумий принципларга мувофиқ бирор-бир уран курилмалари лойиҳалаштирилишини;

2) обьектлар, шу жумладан кончилик фаолиятининг радиоактив чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича бирор-бир обьект уран оксидининг концентратларини рухсатсиз олиб чиқиш ва қаршилик кўрсатиш хавфидан лозим даражада ҳимоя қилинишини;

3) жараённинг барча босқичларида ураннинг жойлашган ери, микдори ва хусусиятлари тўғрисидаги ахборот аниқ, ўз вактида, тўлиқ ва ишончли берилишига кўмаклашишни;

4) радиациядан муҳофаза қилиш учун асосий хавфсизлик нормаларига мувофиқ ҳисобдорликнинг барча талабларига риоя этилишини;

5) ушбу тартиб-таомиллар ва чораларга риоя этилишини текшириш мақсадида ўз ходимлари ҳамда обьектлари аудитдан ўтказилишини;

6) ҳар бир обьектда уран оксиди концентратларини ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш чораларини бошқариш учун жавоб берадиган тегишли малака ва тажрибага эга мутахассис тайинланишини;

7) уран оксиди концентратининг бирор-бир етишмаётган ҳажмлари аниқланганидан кейин икки соат ичida Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги кўмитаси хабардор қилинишини;

8) уран оксиди концентратларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш билан боғлиқ барча бухгалтерия ҳамда фойдаланишга оид ҳисобга олиш ёзувлари, ҳисботлар ва дастлабки хужжатлар ушбу концентратлар юзага келган санадан ёки уран оксиди концентратларининг жами микдори ишлаб чиқариш обьектидан олиб чиқилган санадан эътиборан камида беш йил ичida сақланишини.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари уран рудасини қазиб олиш ва (ёки) қайта ишлаш бўйича ер қаъридан фойдаланиш обьектларидан хавфсиз фойдаланишини таъминлашга имкон бериши шарт.

## **61-модда. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишда ҳисобдорлик**

Бутун кончилик фаолияти фойдали қазилмаларни қазиб олиш тўғрисидаги ҳисботларда хужжатлаштирилади.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш тўғрисидаги ҳар йилги ҳисбот

куйидагиларни ўз ичига олади:

1) кончилик фаолиятига доир ишларнинг барча турлари тавсифини, шу жумладан қуйидагилар бўйича батафсил ахборотни;

а) кончилик инфратузилмаси объектларининг қурилиши ёки ўзгартирилиши;

б) тоғ-кон ишлари, шу жумладан олиб чиқилган чиқиндилар ва уларни утилизация қилиш усуллари;

в) юклаб жўнатиш ва логистика;

г) авариялар ва хавфсизлик соҳасидаги можаролар;

2) қазиб олинган фойдали қазилмалар тавсифини (шу жумладан қазиб олиш чоғидаги йўқотишларни);

3) геологик жиҳатдан ўрганиш чоғида амалга ошириладиган бирор-бир ишлар бўйича геологик ҳисботни;

4) реализация қилиш (сотиш) ва сарф-харажатлар тўғрисидаги маълумотларни;

5) ер қаъридан фойдаланувчининг йиллик молиявий ҳисботининг кўчирма нусхаларини;

6) фойдали қазилмаларнинг асосий турлари бўйича лойиҳалар учун, бундан техноген минерал ҳосилалар мустасно – ушбу Қонуннинг 56-моддасига мувофиқ ҳар йилги энг кам харажатлар тўғрисидаги ҳамда ушбу Қонуннинг 16-бобига мувофиқ маҳаллий ишлаб чиқариш товарларининг харидлари бўйича, маҳаллий кадрларни ёллаш, ўқитиш ва юқори лавозимга кўтариш бўйича режаларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисботни;

7) қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маълумотларни.

Ҳар йилги ҳисботнинг шакли қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш тўғрисидаги ҳар йилги ҳисбот кейинги йилнинг 31 мартаға қадар бўлган муддатда Ер қаъридан фойдаланиш марказига тақдим этилади. Тўлиқ бўлмаган календарь йил учун ҳисботлар мазкур давр тугаганидан кейин икки ойдан кечиктирмай аниқ муддат учун тақдим этилади.

## **62-модда. Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олиш тўғрисидаги якуний ҳисбот**

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширган ер қаъридан фойдаланувчи рухсатнома амал қиласидиган бутун давр учун қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олиш тўғрисидаги якуний ҳисботни Ер қаъридан фойдаланиш марказига қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиши тугаган санадан кейин уч ой ичидаги тақдим этиши шарт.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш тўғрисидаги якуний ҳисбот қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олиш тўғрисидаги ҳар йилги ҳисботлар тўпламини ўз ичига олади ва қуйидагиларни умумлаштиради:

1) кончилик фаолиятига доир ишларнинг натижаларини, шу жумладан қазиб олинган ва қайта ишланган минерал хомашёнинг тоннадаги оғирлиги, ҳажми, таркиби, салмоғи ҳамда қиймати ҳақидаги маълумотларни;

2) олиб чиқилган чиқиндиларнинг тоннадаги оғирлиги ва ҳажми ҳамда уларни утилизация қилиш усули тўғрисидаги маълумотларни;

3) харажатлар, сарфлар ва ёлланган ходимлар ҳақидаги батафсил маълумотларни;

4) режаларда ва тегишли масштабдаги кесимларда акс эттириладиган, ер қаъри участкасида жойлашган бирор-бир қолган фойдали қазилмалар захираларининг ва ресурсларнинг ҳисоб-китобларини;

5) рухсатномага мувофиқ амалга ошириладиган фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлик техникаси, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини, шу жумладан бирор-бир содир бўлган жиддий баҳтсиз ҳодисаларнинг тури ва сонини;

6) ерларни рекультивация қилиш бўйича қўлланиладиган чораларни ва ер қаъри участкаси ҳудудини тиклашнинг якуний ҳолатини;

7) ишлаб чиқаришга доир умумий қилинган сарф-харажатлар тўғрисидаги маълумотларни;

8) қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маълумотларни. Якуний ҳисботнинг шакли қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

## **7-боб. Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатнома**

### **63-модда. Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатнома олишга оид ариза**

Ҳар қандай ваколатли шахс «биринчи келган биринчи олади» принципига кўра углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатнома берилиши учун Ер қаъридан фойдаланиш марказига мурожаат қилиши мумкин. Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатномага киритилган тахмин қилинаётган ер участкасининг ўлчами 10 500 кадастр квадратларидан ошмаслиги керак.

Аризалар қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа давлат органлари билан келишилган ва мувофиқлаштирилган тақдирда Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан кўриб чиқилади.

Аризада куйидаги маълумотлар кўрсатилади:

1) аризачининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ тўлиқ номи;

2) аризачи ваколатли шахс эканлигини тасдиқловчи ахборот;

3) сўраклаётган кадастр квадратларининг тафсилотлари, шу жумладан уларнинг жойлашган жойи ва координаталари кўрсатилган тегишли масштабдаги харита;

4) рекогносцировка қилиш ишларининг лойиҳаси;

5) аризачининг углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатномага мувофиқ амалга ошириш учун назарда тутилган ишлар билан таққосланиши мумкин бўлган углеводородларни рекогносцировка қилиш ишлари бўйича олдинги тажрибасини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан аризачи охирги беш йилда углеводородларни рекогносцировка қилиш ишларини амалга оширган мамлакатлар рўйхати;

6) аризачининг молиявий, касбий ва техник салоҳияти ҳамда имкониятлари тасдиғи;

7) давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси;

8) қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур бўлган ҳар қандай бошқа ахборот, шунингдек аризани кўриб чиққанлик учун йифим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатномани бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиққанлик учун йифим микдори қонунчилик ҳужжатларида белгиланади. Йифим суммаси қайтарилмайди.

Ариза келиб тушганда Ер қаъридан фойдаланиш маркази уни ер қаъри давлат фонди кадастрининг аризалар реестрида рўйхатга олади ва аризачини ариза берилганлиги тўғрисида хабардор қиласи.

#### **64-модда. Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатномани расмийлаштириш**

Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатнома бериш тўғрисидаги берилган аризани кўриб чиқиш муддати тўлдирилган ариза олинган кундан эътиборан йигирма иш кунидан ошмаслиги керак. Берилган аризани кўриб чиқиш учун белгиланган муддат ўтганидан кейин уч иш куни ичida Ер қаъридан фойдаланиш маркази углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатномани биринчи бўлиб тўлиқ ариза берган ваколатли шахсга беради.

Ер қаъридан фойдаланиш марказининг углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатнома берилишини рад этиши асосланган бўлиши ҳамда ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари қоидаларига мувофиқ бўлиши керак. Бунда Ер қаъридан фойдаланиш маркази углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатнома доирасида назарда тутилган ишлар ҳажмини фақат рекогносцировка қилиш ишларининг айрим турларига нисбатан чеклашга ҳақли.

Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатнома берилганда ер қаъри давлат фонди кадастрининг рухсатномалар реестрига тегишли ёзув киритилади.

#### **65-модда. Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати**

Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатнома, агар у рад этилмаган ёки чақириб олинмаган бўлса ёхуд унинг амал қилиш

муддати ушбу Қонун талабларига мувофиқ узайтирилмаган бўлса, рухсатнома рўйхатга олинган санадан эътиборан уч йилгача муддатга берилади.

Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати ер қаъридан фойдаланувчининг сўровига кўра бир йилгача муддатга узайтирилиши мумкин. Ушбу Қонуннинг 110-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддатини фақат бир марта узайтиришга йўл қўйилади.

## **66-модда. Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир ҳар йилги энг кам харажатлар**

Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатнома олган ер қаъридан фойдаланувчи ушбу моддада ва қонунчиликда белгиланган углеводородларни рекогносцировка қилишга доир ҳар йилги энг кам харажатлар тўғрисидаги талабларга риоя этиши шарт.

Ер қаъридан фойдаланувчи учун углеводородларни рекогносцировка қилишга доир ҳар йилги энг кам харажатлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланади. Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир ҳар йилги энг кам харажатларни ҳисоб-китоб қилиш Ўзбекистон Республикаси худудида белгиланган ва ҳисбот йилининг 1 январида амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдори асосида амалга оширилади.

Агар углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатнома амал қилиши муддатининг биринчи ёки охирги йили тўлиқ бўлмаса, ҳар йилги энг кам харажатлар рухсатноманинг тегишли йилдаги амал қилиш муддатининг ҳар бир тўлиқ ойи учун мутаносиб равишда ҳисоб-китоб қилинади.

Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатноманинг амал қилиши бирор-бир йил давомида тугатилган тақдирда, ҳар йилги энг кам харажатлар рухсатноманинг тегишли йилдаги ҳар бир тўлиқ ойи учун мутаносиб равишда ҳисоб-китоб қилинади.

Ҳар йилги энг кам харажатларга киритилмайдиган, ер қаъридан фойдаланувчи томонидан қилинган мақбул харажатлар ва бошқа харажатлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланади. Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир энг кам харажатларни ҳисоб-китоб қилиш факат тегишли рухсатнома доирасида қилинган харажатларга нисбатан амалга оширилади.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳар йилги энг кам харажатлар бўйича мажбуриятлар бузилган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчи етишмаётган харажатларни амалга ошириши ва бу ҳақда Ер қаъридан фойдаланиш марказига ҳисбот йилидан кейинги икки ойдан кеч бўлмаган муддатда ҳисбот тақдим этиши шарт. Бунда ер қаъридан фойдаланувчи

томонидан ушбу моддага мувофиқ амалга оширилган харажатлар жорий йил харажатларида ҳисобга олинмайди ва ҳисбот йили учун ҳисботда акс эттирилган деб ҳисбланди.

### **67-модда. Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатномани олган ер қаъридан фойдаланувчиларнинг хукуқлари**

Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатнома ер қаъридан фойдаланувчиларга рухсатномага киритилган ер қаъри участкаси доирасида қўйидаги хукукларни беради:

1) углеводородларнинг бирор-бир конларини аниқлаш салоҳиятини баҳолаш мақсадида дала кузатувларини, геологик, петрофизик, геофизик, геокимёвий ва геотехник тадқиқотларни олиб бориш орқали, шу жумладан масофадан зондлаш усувларини қўллаган ҳолда геологик қатламларнинг тузилиши ва таркибини геологик жиҳатдан ўрганишни амалга ошириш;

2) кимёвий ва бошқа таҳлилни, синовларни, тадқиқотларни ёки илмий тажрибаларни амалга ошириш мақсадлари учун рухсатномада назарда тутилган ер қаъри участкасидан углеводородли намуналарни чиқариб олиш ва олиш;

3) зарур бўлган тақдирда, рухсатноманинг шартларида кўрсатилган, тупроқ юзасидан 300 метрдан ошмаслиги керак бўлган чуқурликкача унча чуқур бўлмаган бурғилашни амалга ошириш;

4) углеводородларни рекогносцировка қилиш учун зарур бўлган ва бу билан боғлиқ исталган бошқа ишларни рухсатномага мувофиқ амалга ошириш.

Агар углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатноманинг шартларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган хукуқлар мутлақ хукуқ бўлмайди. Ер қаъридан фойдаланиш маркази ушбу Қонун қоидаларига мувофиқ углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатнома доирасида ер қаъридан фойдаланувчи томонидан тўланган йиғимларни қайтариш бўйича бирор-бир жавобгарлик ёки мажбурият юзага келмаган ҳолда, углеводородларни рекогносцировка қилишга доир бериб бўлинган рухсатнома таркибига кирадиган ер участкасининг исталган қисмида углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома беришга ҳақли.

Ер қаъридан фойдаланувчи ушбу Қонун қоидаларига мувофиқ углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатномага киритилган ер қаъри участкаси доирасида олиб бориладиган бирор-бир геологик ёки бошқа тадқиқотларни шарҳлашга оид натижалар ва ҳисботларни ўз маблағлари ҳамда сарф-харажатлари ҳисбидан сотиш ва тарқатиш учун тайёрлашга ҳақли.

Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатноманинг

берилиши кадастр квадрати юзаси ер участкасининг ёки углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатномага киритилган ер қаъри участкасининг бирор-бир қисмига нисбатан углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномани ёки углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномани беришга оид бирор-бир устувор ҳукуқни бермайди.

### **68-модда. Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари**

Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчилар:

1) рухсатнома берилган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида Ер қаъридан фойдаланиш марказига рухсатнома амал қиласиган бутун давр учун рекогносцировка қилиш ишларининг комплекс лойиҳасини тақдим этиши;

2) бирор-бир рекогносцировка қилиш ишлари бошлангунига қадар барча зарур рухсатномаларни олиши, экологик экспертизани ўтказиши ва давлат экологик экспертизасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ижобий холосасини олиши шарт.

Рекогносцировка қилиш ишларининг лойиҳасида таклиф этилаётган ишлар батафсил тавсифланади ва камида куйидагилар кўрсатилади:

а) тегишли рекогносцировка қилиш ишларининг мақсади ва хусусияти;

б) таклиф этилаётган рекогносцировка қилиш усуллари, шунингдек фойдаланилиши тахмин қилинаётган материаллар ва асбоб-ускуналар;

в) углеводородларни рекогносцировка қилиш ишлари давомида амалга оширилиши режалаштирилаётган харажатларнинг кутилаётган энг кам суммаси;

г) зарур бўлган тақдирда, фойдаланишдан чиқариш бўйича дастлабки режа.

Рекогносцировка қилиш ишлари лойиҳасининг шакли қонунчилик хужжатларида белгиланади.

Ер қаъридан фойдаланувчи томонидан тақдим этиладиган рекогносцировка қилиш ишларининг лойиҳаси ер қаъридан фойдаланувчи бирор-бир рекогносцировка қилиш ишларини бошлагунига қадар Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан тасдиқланиши лозим. Ер қаъридан фойдаланиш маркази лойиҳани йигирма иш куни ичида кўриб чиқади. Лойиҳанинг тасдиқланишини рад этиш асосланган бўлиши керак. Рекогносцировка қилиш ишларининг лойиҳаси фақат лойиҳа ушбу Қонун, тегишли экология тўғрисидаги қонунчилик ёки бошқа қўлланиладиган қонунчилик қоидаларига мувофиқ бўлмаган тақдирда рад этилиши мумкин.

Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати давомида ер қаъридан фойдаланувчи:

1) экологик экспертизанинг ушбу модда биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилган барча зарур бўлган ижобий хulosалари олинган санадан эътиборан ўттиз кун ичida углеводородларни рекогносцировка қилиш ишларини бошлиши;

2) тегишли даражадаги нефть-газ амалиётига мувофиқ углеводородларни рекогносцировка қилишга доир барча ишлар самарали ва натижали амалга оширилишини таъминлаши;

3) рекогносцировка қилиш ишларининг тасдиқланган лойиҳасида баён этилган ишларнинг усулларига доир нормалар ва талабларга риоя этиши;

4) углеводородларни рекогносцировка қилиш ишлари рекогносцировка қилиш ишларининг лойиҳасига жиддий равишда мувофиқлигини таъминлаши;

5) углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш билан боғлиқ бирор-бир ишларни амалга оширмаслиги;

6) рекогносцировка қилиш ишларининг ҳамда рухсатномада кўрсатилган кадастр квадрати юзасининг ер участкасидан бирор-бир бошқача тарзда фойдаланиш ҳажмини ушбу барча ишлар оқилона усуллар билан олдини олиш мумкин бўлган ижтимоий ёки хусусий манфаатларнинг бузилишига олиб келмаслиги учун бундай фаолият мақсадлари учун зарур бўлган чоралар билан чеклаши;

7) ҳар йилги энг кам харажатларни амалга ошириши;

8) табиий ва сунъий ташувчиларнинг бут сақланишини ҳамда тўғри тамғаланишини таъминлаши, рекогносцировка қилиш ишлари жараёнида ишлаб чиқилган геологик, маркшайдерлик ва бошқа ҳужжатларни сақлаши;

9) ушбу Конуннинг 69-моддасига мувофиқ зарур бўлган ҳисоботларни тақдим этиши;

10) ер қаъри участкасидан бирор-бир углеводородларни ёки бошқа турдаги фойдали қазилмалар ресурсларини чиқариб олмаслиги, бундан шундай фаолият оқилона даражада ер қаъридан фойдаланувчига углеводородли намуналарни таҳлил қилиш ёки уларнинг синовларини ўtkазиш имкониятини бериши учун зарур бўлган ҳоллар мустасно;

11) тасдиқланган ўқитиш дастурларини амалга ошириши ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ходимлар учун қулай меҳнат шароитларини яратиш бўйича нормаларга риоя этиши, шунингдек ушбу Конуннинг 14-бобига ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ аварияларга ҳамда фавқулодда вазиятларга шай ҳолатда туришни ва уларнинг оқибатлари бартараф этилишини таъминлашга доир чораларини амалга ошириши;

12) даврий ҳамда танлаб ўтказиладиган текширувлар ва (ёки) аудитлар ўтказилишига риоя этиши;

13) Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган

халқаро шартномаларга мувофиқ коррупцияга қарши курашиш бўйича одоб-ахлоқ кодексини ишлаб чиқиши ва унга риоя этилишини таъминлаши;

14) низо предмети бўлмаган барча божхона божларини, тўловларни, йиғимларни ва солиқларни ўз вақтида ҳамда ишончли декларация қилиши ва тўлаши;

15) ушбу Қонун ва бирор-бир бошқа қўлланиладиган қонунчилик қоидаларига риоя этилиши мақсадида барча тегишли ваколатли органлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари билан ҳамкорлик қилиши шарт.

Ушбу моддада кўрсатилган мажбуриятга қўшимча сифатида углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи Ер қаъридан фойдаланиш марказини ёки исталган бошқа ваколатли органни рекогносцировка қилиш ишларининг натижаларини ва изоҳлаб берилган ҳисоботларини сотиш ёки алмашиш тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчиларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **69-модда. Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатнома доирасида ҳисобдорлик**

Углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи Ер қаъридан фойдаланиш марказига ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ўтган уч ой учун амалга оширилган углеводородларни рекогносцировка қилиш ишларининг бориши тўғрисидаги батафсил ахборотни ўз ичига олган ҳисоботни ҳар бир чорак тугаганидан кейин ўн беш кун ичида тақдим этади. Ҳисобот куйидагиларни ўз ичига олади:

1) кадастр квадрати юзасининг ер участкаси ҳудудида олиб борилган дала кузатувлари, геологик ёки геофизик тадқиқотлар ва (ёки) масофавий зондлаш ишлари тўғрисидаги маълумотларни;

2) бирор-бир шундай олиб борилган кузатув, тадқиқот ва (ёки) ишларнинг тури, жойлашган ери ҳамда вақтини;

3) ер қаъридан фойдаланувчи томонидан олинган маълумотларнинг, ёзувларнинг, хариталарнинг, углеводородли намуналарнинг, ҳисобварақларнинг ва ахборотнинг кўчирма нусхаларини;

4) ер қаъридан фойдаланувчи томонидан бажарилган ёки олиб борилаётган бирор-бир шундай кузатувни, тадқиқотни ёки ишларни таҳлил қилиш натижаларини.

Ер қаъридан фойдаланувчи углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатноманинг амал қилиши тугаган кундан эътиборан уч ой ичида ишларни бажариш чоғида олинган барча дастлабки маълумотлар, шунингдек ишлов бериш ва шарҳлаш материаллари, керн

намуналари ва бошқа ҳар қандай материаллар назарда тутилган рухсатноманинг бутун амал қилиш муддати ичидан рухсатномада кўрсатилган ер участкасида амалга оширилган рекогносцировка қилиш ишларининг натижалари тўғрисидаги якуний ҳисботни қоғозда ва электрон тарзда Ер қаъридан фойдаланиш марказига тақдим этади.

Агар углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатнома амал қиласиган якуний чоракда олинган бирор-бир маълумотларга кўра уч ойдан кўпроқ муддат ишлов бериш талаб этилса, якуний ҳисбот маълумотларга ишлов берилганидан кейин, бироқ углеводородларни рекогносцировка қилишга доир рухсатноманинг амал қилиши тугаган санадан кейин олти ойдан кечиктирмай дарҳол тақдим этилади.

Углеводородларни рекогносцировка қилиш ишлари бўйича ҳисботнинг шакли ва унга доир талаблар қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

## **8-боб. Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш**

### **70-модда. Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза**

Исталган ваколатли шахс кўпи билан 5 250 та бир-бирига боғлиқ очиқ кадастр квадратларига нисбатан «биринчи келган биринчи олади» принципига кўра углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани Ер қаъридан фойдаланиш марказига беришга хақли.

Аризалар Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан кўриб чиқилади.

Манфаатдор шахс «биринчи келган биринчи олади» принципига кўра геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома бериш учун Ер қаъридан фойдаланиш марказига қуидаги маълумотлар кўрсатилган аризани беради:

- 1) аризачининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ тўлиқ номи;
- 2) аризачи ваколатли шахс эканлигини тасдиқловчи ахборот;
- 3) сўраклаётган очиқ кадастр квадратлари тафсилотлари;
- 4) аризачи бундай рухсатнома берилаётганда ўзида бўлиши мумкин бўлган кадастр квадратларининг умумий сони бўйича чекловларни бузмаётганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- 5) таклиф этилаётган ишларнинг хусусияти ва тури ҳамда режалаштирилаётган энг кам харажатларининг дастлабки суммаси батафсил тавсифланган углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш ишларининг дастлабки лойиҳаси;
- 6) ишларнинг дастлабки лойиҳасига биноан углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир таклиф этилаётган ишларни амалга оширишда аризачининг молиявий, касбий ва техник имкониятлари ҳамда

қобилиятларини тасдиқловчи далиллар, шу жумладан ер қаъридан фойдаланувчи охирги беш йил ичидаги бундай фаолиятни амалга оширган мамлакатлар рўйхати;

7) экологик экспертиза ўтказилгунига ва давлат экологик экспертизасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ижобий хулосаси олингунига қадар углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир бирор-бир ишларни бошламаслик тўғрисидаги мажбурият кўрсатилган хат;

8) қонунчилик талабларига мувофиқ бошқа ахборот;

9) аризани кўриб чиқканлик учун йифим тўланганлигини тасдиқловчи хужжат.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир ишларнинг дастлабки режасида таклиф этилаётган геологик тадқиқотларнинг хусусияти ва ҳажми, уларни амалга ошириш чоғида фойдаланиладиган усуллар ва асбоб-ускуналар тўғрисидаги батафсил ахборот, шунингдек таклиф этилаётган ишлар жадвали ҳамда аризачи сарфлашни режалаштираётган харажатларнинг энг кам суммалари бўлиши керак.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқканлик учун йифим микдори қонунчилик хужжатларида белгиланади. Йифим суммаси қайтарилмайди.

Ариза келиб тушганда Ер қаъридан фойдаланиш маркази ариза келиб тушган сана ва вақтни кўрсатган ҳолда уни ер қаъри давлат фонди кадастрининг аризалар реестрида рўйхатга олади ҳамда аризачига ариза берилганлигини тасдиқловчи хужжатни беради.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази аризанинг тўлиқлигини, шу жумладан углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш ишларига оид дастлабки лойиҳанинг шакли ва мазмуни тўғри эканлигини беш иш куни ичидаги тасдиқлайди. Ариза ушбу моддада белгиланган талабларга номувофиқ бўлган тақдирда, Ер қаъридан фойдаланиш маркази аризачини аниқланган хатолар тўғрисида хабардор қиласди. Аризачи аниқланган хатоларни хабарномада кўрсатилган санадан эътиборан ўн иш куни ичидаги тузатади. Агар хатолар бундай ўн кунлик муддат ичидаги тузатилса, дастлабки ариза топширилган сана ариза топширилган сана деб ҳисобланади. Агар хатолар кўрсатилган муддатда тузатилмаса, Ер қаъридан фойдаланиш маркази углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома берилишини рад этади.

## **71-модда. Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома беришнинг қўшимча усуллари**

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги аукцион ёки тендер орқали танловга оид кимошди савдоларини ўтказиш зарурлигини белгилаган ҳолларда углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномалар аукцион ёки тендер ўтказиш йўли билан

берилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир руҳсатнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хужжатларига мувофиқ берилиши мумкин. Бундай ҳолларда аукцион ёки тендер учун қулай бўлган кадастр квадратлари Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан захира қилиб қўйилади.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир руҳсатнома бериш учун аукционлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига доир руҳсатномалар бериш тўғрисидаги низомга мувофиқ, четдан аралашувни истисно этадиган электрон савдо майдончасида кимошли савдоларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир руҳсатнома бериш учун тендер Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига доир руҳсатномалар бериш тўғрисидаги низомда назарда тутилган тартибга мувофиқ ўтказилади.

Тендер жараёнининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқишида республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ва хўжалик бошқаруви органларининг самарали ҳамкорлигини ташкил этиш;

2) мавжуд бўлган геологик маълумотлар, геологик жиҳатдан ўрганиш тўғрисидаги ҳисоботлар ва бошқа тегишли ахборот асосида ишлаб чиқилган ер қаъри участкаларини бериш бўйича тендернинг бошланғич шартларини келишиш;

3) тақдим этилган геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳаларининг экспертизасини ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, шунингдек ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг белгиланган шартлариға мувофиқлигини баҳолашни ташкил этиш;

4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мақбул бўлган танловга оид аризани тасдиқлаш учун тақдим этиш.

Аукцион ёки тендер иштирокчилари аукционда ёки тендерда иштирок этиш ҳуқуқини олиш учун ушбу Қонуннинг 70-моддасида назарда тутилган ахборотни тақдим этиши керак, танлов иштирокчиси эса геологик жиҳатдан ўрганишнинг дастлабки лойиҳаси ўрнига углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишнинг тахминий режасини тақдим этиши мумкин.

Аукцион ёки тендер ғолибини аниқлаш тўғрисидаги баённома тегишли кадастр квадратларида углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир руҳсатномани ғолибга бериш учун асос бўлади.

Аукциондан ёки тендердан тушган маблағлар қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг ҳужжатларига мувофиқ бериладиган углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномалар ушбу Қонуннинг барча талабларига мувофиқ бўлиши керак, шунингдек уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ва ер қаъридан фойдаланувчи ўртасида тузилган келишувга мувофиқ қўшимча шартлар ва йифимлар қўлланилиши мумкин.

### **72-модда. Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномани расмийлаштириш**

Берилган аризани кўриб чиқиш муддати ушбу Қонуннинг 70-моддасига мувофиқ тўлдирилган ариза олинган санадан эътиборан йигирма иш кунидан ошмаслиги керак. Ер қаъридан фойдаланиш маркази берилган аризани кўриб чиқиш учун белгиланган муддат ўтганидан ёки аукцион жараёни тугаганидан кейин уч иш куни ичидан, қўлланиладиган ҳолатга қараб, углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномани тегишли тарзда тўлдирилган аризани тегишинча биринчи бўлиб берган ваколатли шахсга ёхуд аукцион ёки тендер ғолибига беради.

Ер қаъридан фойдаланиш марказининг углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома берилишини рад этиши асосланган бўлиши ҳамда ушбу Қонун ва қонунчилик ҳужжатлари қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома берилаётганда ер қаъри давлат фонди кадастрининг рухсатномалар реестрига тегишли ёзув киритилади.

### **73-модда. Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати**

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома, агар у рад этилмаган ёки чақириб олинмаган ёхуд унинг амал қилиш муддати ушбу Қонун қоидаларига мувофиқ узайтирилмаган бўлса, рухсатнома рўйхатга олинган санадан эътиборан беш йилгача муддатга берилади.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати ер қаъридан фойдаланувчининг сўровига кўра бир марта тўрт йил муддатгача узайтирилиши мумкин. Рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтиришда рухсатномага киритилган кадастстр квадратларининг сони эллик фоизга камайтирилади.

### **74-модда. Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини амалга оширишга доир талаблар**

Ер қаъридан фойдаланувчи углеводородларни геологик жиҳатдан

ўрганиш бўйича ишлар бошлангунига қадар бирор-бир зарур экологик экспертизаларни амалга оширади, шунингдек хавфсизлик техникаси соҳасидаги барча зарур маъқуллашларни, шу жумладан давлат экологик экспертизасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ижобий хulosасини олади. Давлат экологик экспертизаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси, кўлланиладиган ҳолатга қараб, бундай маъқуллашларни ер қаъридан фойдаланувчига беради, уларнинг кўчирма нусхаси эса ушбу маъқуллашлар олинган пайтдан эътиборан беш кун ичида бевосита Ер қаъридан фойдаланиш марказига юборилади.

Ер қаъридан фойдаланувчи углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома берилган пайтдан эътиборан тўқсон кун ичида Ер қаъридан фойдаланиш марказига рухсатноманинг бутун амал қилиш даври учун углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишнинг якуний лойиҳасини, шу жумладан зарур бўлган тақдирда, ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф этиш режасини тақдим этиши шарт.

Агар геологик жиҳатдан ўрганиш режаси рухсатнома берилган санадан эътиборан тўқсон кун ичида тақдим этилмаган бўлса, аукцион якунларига кўра берилган углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномалар автоматик равишда бекор қилинади.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳаси геологик жиҳатдан ўрганишни амалга ошириш турлари, усууллари ва воситалари, ишларнинг энг кам ҳажмлари тўғрисидаги батафсил ахборотни ҳамда рухсатноманинг амал қиладиган даври учун ишлар режасини, шунингдек тақлиф этилаётган ишлар дастурини бажариш учун молиявий ва техник имкониятлар далилларини ўз ичига олади. Геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасининг шакли ва унга доир маҳсус талаблар қонунчилик хужжатларида белгиланади.

Ер қаъридан фойдаланувчи тақдим этган углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳаси ер қаъридан фойдаланувчи геологик жиҳатдан ўрганишни бошлагунига қадар Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан тасдиқланиши лозим. Ер қаъридан фойдаланиш маркази углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасини йигирма иш куни ичида кўриб чиқади. Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасининг тасдиқланишини рад этиш асосланган бўлиши керак. Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳаси факат ушбу Қонун қоидаларига, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка ёки бошқа кўлланиладиган қонунчилик хужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳолларда рад этилиши мумкин.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳаси тасдиқланмаган ҳолларда ер қаъридан фойдаланувчи Ер қаъридан

фойдаланиш маркази томонидан кўриб чиқилган масалалар кўриб чиқилган лойиҳанинг маромига етказилган версиясини тақороран тақдим этишга ҳақли.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага мувофиқ бажариладиган ишлар ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ишлаб чиқилган углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишнинг якуний лойиҳасига мувофиқ бажарилади. Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишнинг тасдиқланган лойиҳасида назарда тутилмаган углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир ишларни амалга ошириш тақиқланади, бундан фавқулодда вазиятлар ҳоллари мустасно.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир режалаштирилладиган ишларнинг турлари, усуллари ва (ёки) воситалари, шунингдек ишларни амалга ошириш ҳажми ва муддатлари ўзгарган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчи углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасига тегишли ўзгартиришлар киритиши шарт. Агар бу ўзгартиришлар қўшимча келишув ва экспертизани талаб этса, углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир ишларнинг қайта кўриб чиқилган лойиҳаси Ер қаъридан фойдаланиш марказига кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Агар ўн иш куни ичидан Ер қаъридан фойдаланиш маркази эътиrozларини тақдим этмаса, ер қаъридан фойдаланувчи киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда ишларни амалга оширишни давом эттириши мумкин.

Агар ўзгартиришлар бирор-бир қўшимча экологик экспертиза ўтказилишини талаб этса, бундай ўзгартиришлар шундай экологик экспертиза тугагунига қадар ва давлат экологик экспертизасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ижобий хулосаси берилгунинг қадар амалга оширилмайди.

### **75-модда. Геологик жиҳатдан ўрганиш чоғида углеводородларни рекогносцировка қилиш ишларини амалга оширишга доир талаблар**

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича ер қаъридан фойдаланувчи углеводородларни рекогносцировка қилишга доир бирор-бир ишларни фақат Ер қаъридан фойдаланиш маркази ёзма равища хабардор қилинганидан кейин ҳамда бирор-бир зарур рухсатнома ёки маъқуллаш ёхуд қўлланиладиган қонунчиликка мувофиқ зарур бўлган бирор-бир экологик экспертизасининг ижобий хулосаси олинганидан кейин амалга оширишга ҳақли.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича ер қаъридан фойдаланувчи томонидан Ер қаъридан фойдаланиш марказига углеводородларни рекогносцировка қилишга доир бирор-бир

режалаштирилаётган ишларни тасдиқлашга доир аризада тақдим этиладиган маълумотлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

Геологик жиҳатдан ўрганишга доир тасдиқланган ишлар дастурида назарда тутилган рекогносцировка қилиш ишларининг ҳажми ўзгартирилишини ифода этадиган углеводородларни рекогносцировка қилишга доир бирор-бир режалаштирилган ишларга киритиладиган исталган ўзгартиришлар Ер қаъридан фойдаланиш маркази билан дастлабки ёзма келишувни талаб этади.

### **76-модда. Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш чоғида углеводородларни бурғилаш ишларини амалга оширишга доир талаблар**

Агар углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича ер қаъридан фойдаланувчи томонидан амалга оширилган ишлар углеводородлар келгусида топилишига ишора берса, ер қаъридан фойдаланувчи барча геологик-техник тавсияларни тайёрлайди ва тегишли ваколатли органлар билан келишади ҳамда бурғилаш ишларининг режасини Ер қаъридан фойдаланиш марказига маълумот учун тақдим этади. Бурғилаш ишларининг режасига доир геологик-техник ҳужжатларнинг мазмуни ва шакли қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

Қудуқларни бошқариш, шу жумладан қудуқларни назорат қилиш ва ташландик чиқитларнинг олдини олиш, углеводородларни бурғилаш ишларида фойдаланиладиган асбоб-ускуналарни кўздан кечириш ва синаш, бурғилаш устунида туширилган қатламни синовчи ёрдамида қудуқнинг синовларини ёки текширувларини ўтказиш, қудуқларни тугатиш ва тўхтатиб туриш, бурғилаш қурилмаларини демонтаж қилиш ҳамда углеводородларни бурғилаш ишларини тўхтатиб туриш тизимлари учун тартиб-таомиллар қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

### **77-модда. Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир ҳар йилги энг кам харажатлар**

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчилар ушбу моддада белгиланган ҳар йилги энг кам харажатларга оид талабларга риоя этиши шарт.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича ер қаъридан фойдаланувчи учун ҳар йилги энг кам харажатлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланади. Углеводородларни рекогносцировка қилишга ва геологик жиҳатдан ўрганишга доир ҳар йилги энг кам харажатларни ҳисоб-китоб қилиш Ўзбекистон Республикаси худудида белгиланган ҳамда ҳисобот йилининг 1 январида амал қиласиган базавий ҳисоблаш миқдори асосида амалга оширилади.

Агар углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома амал қиласиган муддатнинг биринчи ёки охирги йили тўлиқ бўлмаса, ҳар йилги энг кам харажатлар рухсатноманинг тегишли йилдаги амал қилиш муддатининг ҳар бир тўлиқ ойи учун мутаносиб равишда ҳисоб-китоб қилинади.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатноманинг амал қилиши бир йил ичидаги тугатилган тақдирда, ҳар йилги энг кам харажатлар рухсатноманинг мазкур йилдаги ҳар бир тўлиқ ойи учун мутаносиб равишда ҳисоб-китоб қилинади.

Ер қаъридан фойдаланувчи томонидан қилинган, ҳар йилги энг кам харажатларга киритилмайдиган мақбул харажатлар ва бошқа харажатлар қонунчилик хужжатларида белгиланади. Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир энг кам харажатларни ҳисоб-китоб қилиш фақат тегишли рухсатнома доирасида қилинган харажатларга нисбатан амалга оширилади.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳар йилги энг кам харажатлар бўйича мажбуриятлар бузилган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчи этишмаётган харажатларни амалга ошириши ва бу ҳақда Ер қаъридан фойдаланиш марказига ҳисбот йилидан кейинги икки ойдан кечиктирилмаган ҳисбот тақдим этиши шарт. Бунда ўз мажбуриятлари бузилишини бартараф этиш учун ер қаъридан фойдаланувчи томонидан қилинган харажатлар жорий йил харажатлари таркибига киритилмайди ва ҳисбот йили учун ҳисботда акс эттирилган деб ҳисбланади.

### **78-модда. Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчиларнинг хуқуқлари**

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчилар қуйидаги мутлақ хуқукларга эга бўлади:

- 1) углеводородлар конларини топиш ҳамда бундай қидириб топилган конларнинг сифатини, масштабларини ва ишлов берилганлик даражасини ўрганиш мақсадида геологик қатламларнинг тузилишини ва таркибини ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш, шунингдек бошқа рекогносцировка қилиш ва геология-қидириув ишларини амалга ошириш;

- 2) таҳлил қилиш, тадқиқотлар, синовлар ёки тажрибалар ўтказиш мақсадида ер қаъри участкасида бурғилашни ва тажриба-саноат усулида фойдаланишни амалга ошириш;

- 3) участкадан олинган углеводородларнинг исталган намуналарини, шунингдек сувнинг намуналарини ер қаъри участкасидан чиқариб олиш ва олиб чиқиш;

- 4) нефть-газ операцияларини самарали тарзда амалга ошириш учун зарур бўлган исталган ходимлар билан биргаликда ер қаъри участкасида

ёки кадастр квадрати юзасининг ер участкасида вактингчалик иншоотлар ҳамда асбоб-ускуналарни барпо этиш ёки кўчириш;

5) углеводородларни рекогносцировка қилиш ишларини ва геологик жиҳатдан ўрганишни амалга ошириш мақсадида ер қаъри участкасида ёки кадастр квадрати юзасининг ер участкасида нефть-газ инфратузилмасининг вактингчалик объектларини куриш, барпо этиш, жойлаштириш ҳамда ишлатиш;

6) углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш ёки улар билан боғлиқ ёрдамчи ишлар учун зарур бўлган бошқа ишларни амалга ошириш;

7) ушбу Қонуннинг 9-бобида белгиланган талабларга риоя этилган тақдирда, углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати ичидан исталган вактда углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномани сўраш ва олиш.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчилар ушбу Қонунга ҳамда қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа хуқукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **79-модда. Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари**

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчилар:

1) рухсатнома берилган кундан эътиборан тўқсон кун ичидан Ер қаъридан фойдаланиш марказига рухсатнома амал қиласиган бутун давр учун геологик жиҳатдан ўрганишга доир ишларнинг комплекс лойиҳасини, шу жумладан тахмин қилинаётган нефть-газ операцияларининг оқибатларини бартараф этиш чоралари кўрсатилган ҳолда ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича дастлабки режани тақдим этиши;

2) углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир ишлар бошлангунига қадар экологик экспертиза ўтказиши ва давлат экологик экспертизасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ижобий хулосасини олиши шарт.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир ишлар лойиҳаси амалга оширилиши таклиф этилаётган ишлар, геологик жиҳатдан ўрганишни амалга ошириш усуллари ва воситалари тўғрисидаги батафсил ахборотни ҳамда углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатноманинг амал қилиш даври учун ишларни бажариш жадвалини ўз ичига олиши керак.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасининг мазмуни ва шакли қонунчилик хужжатларида белгиланади.

Ер қаъридан фойдаланувчи углеводородларни геологик жиҳатдан

ўрганишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати ичидан:

1) ушбу модда биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилган барча зарур ижобий экологик хуносалар олинган санадан эътиборан ўттиз кун ичидан геологик жиҳатдан ўрганишга доир ишлар лойиҳасига мувофиқ углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишни бошлиши;

2) геологик жиҳатдан ўрганишга доир ишларнинг барча амалдаги стандартлар ва нормаларга, шунингдек тегишли даражадаги нефть-газ амалиётига мувофиқлигини таъминлаши;

3) геологик жиҳатдан ўрганиш ишларининг углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишнинг жорий лойиҳасига аниқ мувофиқ келишини таъминлаши;

4) геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича бутун фаолиятни ҳамда ер қаъри участкасидан бирор-бир бошқача тарзда қонуний асосда фойдаланишни ушбу барча ишлар оқилона воситалар билан йўл кўйилмаслиги мумкин бўлган ижтимоий ёки хусусий манфаатлар бузилишига олиб келмаслигини таъминлаш мақсадида нефть-газ операцияларини амалга ошириш учун бўлган чоралар билан чеклаши;

5) ҳар йилги энг кам харажатларни амалга ошириши;

6) табиий ва сунъий ташувчиларнинг бут сақланишини ва тўғри тамғаланишини таъминлаши, геологик жиҳатдан ўрганиш жараёнида ишлаб чиқилган геологик, маркшайдерлик хужжатларини ва бошқа хужжатларни сақлаши;

7) ушбу Қонуннинг 15-бобига мувофиқ ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш жамғармасини ташкил этиши ҳамда ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатишнинг дастлабки режасини ишлаб чиқиши;

8) углеводородлар конларини излаш чоғида геологик ва бошқа хужжатларни юритиши;

9) хисоботлар тақдим этишга доир ушбу Қонуннинг 80 ва 81-моддаларида назарда тутилган мажбуриятларга риоя этиши;

10) саноат хавфсизлиги ҳамда ер қаъри участкасидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг таъсир кўрсатиш зонасидаги ишчилар (ходимлар) ва ахолининг хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қўлланиладиган қонунчиликка риоя этиши;

11) тасдиқланган ўқитиш дастурларини амалга ошириши ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ходимлар учун қулай меҳнат шароитларини яратиш бўйича нормаларга, шунингдек ушбу Қонуннинг 14-бобига ва қўлланиладиган қонунчиликка мувофиқ аварияларга ҳамда фавқулодда вазиятларга шай ҳолатда туришни ва уларнинг оқибатлари тугатилишини таъминлаш бўйича чораларга риоя этиши;

12) ер қаъри участкасидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг хавфсиз амалга оширилишини, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш

ва аварияларни тугатиш режаларини ишлаб чиқиш бўйича чоралар кўрилишини таъминлаши;

13) қўлланиладиган қонунчиликка ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига мувофиқ коррупцияга қарши қурашиш бўйича хулқ-автор кодексини амалга киритиши ва унга риоя этилишини таъминлаши;

14) низо предмети бўлмаган барча божхона божларини, тўловларни, йиғимларни ва солиқларни ўз вақтида ҳамда тўғри декларациялаши ва тўлаши;

15) рухсатноманинг шартларига, ушбу Қонун, шунингдек бошқа қўлланиладиган қонунчилик қоидаларирига риоя этилиши мақсадида ваколатли органлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиши шарт.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## **80-модда. Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома доирасида ҳисобдорлик**

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи йигирма тўрт соатдан ошмайдиган, агар ҳисобот кудук бўйича биринчи ҳисобот бўлмаса, бевосита бурғилаш ишлари тўғрисидаги аввалги ҳар кунги ҳисоботда кўрсатилган давр тугаши билан ҳисобланадиган даврга тааллуқли бўлган углеводородлар бўйича бирор-бир бурғилаш ишлари бажарилишининг бориши ҳақидаги ҳар кунги ҳисоботларни Ер қаъридан фойдаланиш марказига тақдим этиши шарт. Бурғилаш ишлари тўғрисидаги ҳар бир ҳисобот қайси кунга тегишли бўлса, ўша кун тугаганидан кейин беш кун ичида тақдим этилади.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳар ойлик ҳисоботларни Ер қаъридан фойдаланиш марказига ҳар бир ой тугаганидан кейин ўн беш кун ичида тақдим этиши шарт.

Ҳар бир ойлик ҳисобот ўтган ойда ишларнинг турларига кўра, шу жумладан геологик ва геофизик тадқиқотлар, бошланғич маълумотларни шарҳлаш, уларга ишлов бериш, қўшимча равишда шарҳлаш, бурғилаш, қурилиш турларига ҳамда улар билан боғлиқ бирор-бир бошқа ишларга бўлинган ҳолда амалга оширилган ишларнинг батафсил тавсифини ва баҳоланишини ўз ичига олади.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи ҳар бир чорак тугаган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида Ер қаъридан фойдаланиш марказига ишлар бажарилишининг бориши тўғрисида қуйидаги чораклик ҳисоботларни тақдим этади:

1) ўтказилган геологик ва геофизик тадқиқотларнинг тавсифи келтирилган геологик жиҳатдан ўрганиш тўғрисидаги ҳисоботни;

2) қудук қурилишининг бориши ҳақидаги ҳисоботни – агар ер қаъридан фойдаланувчи қидирув қудуғининг қурилишини амалга ошираётган бўлса;

3) обьектнинг қурилиши тўғрисидаги ҳисоботни – ер қаъридан фойдаланувчи томонидан нефть-газ инфратузилмасининг бирор-бир обьекти қурилган тақдирда.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи геологик жиҳатдан ўрганишга доир ишлар бошланган санадан эътиборан бир йил тўлганда тугайдиган ҳар бир ўн икки ойлик даврдан кейин ўттиз кун ичida Ер қаъридан фойдаланиш марказига тегишли ўн икки ойлик давр учун йиллик ҳисоботни тақдим этади.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи Ер қаъридан фойдаланиш марказига куйидаги ҳолларда маҳсус ҳисоботларни ҳам тақдим этиши шарт, агар:

1) нефть-газ инфратузилмаси обьектининг қурилиши тугалланган бўлса;

2) нефть-газ инфратузилмасининг бирор-бир обьекти ўзгартирилган ёки модификация қилинган бўлса;

3) қудук учун бирор-бир ускуна ўрнатилган ёки ўзгартирилган бўлса;

4) углеводородли қатлам суюқлигининг, шу жумладан сувнинг намуналари олинаётган бўлса;

5) углеводородли қатлам босимини, қатламга оид ёки гидродинамика хусусиятларини аниқлаш мақсадида қудуқнинг синовлари ўтказилаётган бўлса;

6) қудук тутатилган ёки йўқ қилинган бўлса.

Рухсатноманинг амал қилиши тутатилганидан кейин ер қаъридан фойдаланувчи ишларни бажариш чоғида олинган барча дастлабки маълумотлар, шунингдек ишлов бериш ва шарҳлаш материаллари, керн намуналари ва бошқа материаллар назарда тутилиши керак бўлган, ер қаъри участкасида амалга оширилган углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир ишларнинг натижалари тўғрисидаги якуний ҳисоботни Ер қаъридан фойдаланиш марказига рухсатноманинг амал қилиши тугаган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай қоғозда ва электрон тарзда тақдим этади.

Ушбу Конун қоидаларига мувофиқ углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш тўғрисидаги якуний ҳисоботга зарур бўлганда амалдаги A+B+C1 ва C2 тоифалари бўйича назарда тутилган ахборот углеводород хомашёсини ҳисобга олиш ва ресурсларни бошқариш тизимидағи (PRMS) мавжуд ҳисоботларга қўшимча сифатида киритилади.

Якуний геологик ҳисоботда углеводородлар аниқланганлиги тўғрисидаги ахборот ёки фойдали қазилмалар захираларининг ҳисобкитоби мавжуд бўлмаган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчи якуний ҳисоботни Ер қаъридан фойдаланиш марказига умумлаштириш ва тизимлаштириш учун тақдим этади.

Ер қаъридан фойдаланувчи тақдим этиши зарур бўлган барча ҳисоботлар Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан белгиланадиган шакл бўйича тайёрланади. Ҳар бир ҳисоботнинг маҳсус шакли ва унга доир талаблар қонунчилик ҳужжатларда белгиланади.

Ҳисоботларда тақдим этиладиган, ер қаъридан фойдаланувчи томонидан амалга ошириладиган харажатлар тўғрисидаги ахборот «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ аудитор томонидан тасдиқланиши лозим. Бундай харажатлар ҳақидаги маълумотлар, агар улар аудиторлик текширувидан ўтган бухгалтерия ҳисоботида алоҳида келтирилган (очиб берилган) бўлса, аудитор томонидан тасдиқланган деб топилади.

### **81-модда. Углеводородларнинг топилмалари тўғрисида хабардор қилиш**

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир руҳсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи углеводородларнинг ҳар қандай топилмаси ҳақида Ер қаъридан фойдаланиш марказини йигирма тўрт соат ичida ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Ер қаъридан фойдаланувчи углеводородлар топилишига олиб келган геологик жиҳатдан ўрганишга доир ишлар натижасида олинган жами ахборотни бундай хабарнома тақдим этилганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай Ер қаъридан фойдаланиш марказига тақдим этади ҳамда Ер қаъридан фойдаланиш марказига бундай углеводородларнинг топилмасини баҳолашдан ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хабар қиласи.

Агар углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир руҳсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи углеводородларнинг топилмасини баҳолашдан ўтказишга арзиди деб ҳисобласа, ер қаъридан фойдаланувчи ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ хабарнома юборилган санадан кейин тўқсон кун ичida Ер қаъридан фойдаланиш марказига баҳолаш ишларининг тахмин қилинаётган режасини тасдиқлаш учун тақдим этади. Баҳолаш ишларининг режаси углеводородлар топилмаси алоҳида ёки ер қаъри участкасининг исталган қисмida аниқланган бошқа углеводородлар топилмалари билан бирга тижоратбоп топилма эканлигини ёки тижоратбоп эмаслигини аниқлаш учун бажарилиши зарур бўлган ишларнинг тавсифини ўз ичига олиши керак.

Ер қаъридан фойдаланувчи углеводородларни баҳолаш бўйича фаолиятни амалга ошириши мумкин бўлган муддат ер қаъридан

фойдаланувчи тақдим этган баҳолаш ишларининг режаси Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан тасдиқланган санадан эътиборан икки йилдан ошмаслиги керак. Агар ер қаъридан фойдаланувчи баҳолаш ишлари тасдиқланган баҳолаш ишларининг режасига мувофиқ амалга оширилганлигини ҳамда углеводородлар топилмаси тижоратбоп топилма эканлигини ёки тижоратбоп эмаслигини аниқлаш учун келгусида баҳолаш ишларини ўтказиш зарурлигини Ер қаъридан фойдаланиш марказига лозим даражада намойиш этса, Ер қаъридан фойдаланиш маркази мазкур икки йиллик муддатни узайтиришга ҳақли.

Баҳолаш ишларининг режаси ҳар йили янгиланади ва барча ўзгартиришлар Ер қаъридан фойдаланиш марказига тақдим этилади.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи топилма тижоратбоп эканлиги ёки тижоратбоп эмаслиги кўрсатиладиган қонунчилик хужжатларида белгиланадиган шаклдаги ҳисоботни Ер қаъридан фойдаланиш марказига тасдиқланган баҳолаш ишларининг режасини амалга ошириш тугалланганидан кейин бир юз саксон кундан кечиктирмай тақдим этади. Мазкур ҳисобот Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

Агар углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи ушбу моддага мувофиқ углеводородларнинг тижоратбоп топилмаси тўғрисида эълон қилса, бундай ер қаъридан фойдаланувчи углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома олишга оид мутлақ ҳуқуққа эга бўлади.

## **9-боб. Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома**

### **82-модда. Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза**

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи углеводородларнинг ястанганлиги эҳтимоли ва бўлиши мумкин бўлган тижоратбоп топилмаларни, шу жумладан бундай кондан тижорат мақсадида фойдаланиш учун зарур бўлган туташ кадастр квадратларини қамраб оладиган, углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир бундай рухсатномага киритилган чегарадош кадастр квадратларида ҳамда бирор-бир чегарадош очиқ квадратларда ёки, башарти ушбу Қонуннинг 108-моддаси қоидаларига риоя этилса, амалдаги рухсатнома доирасидаги чегарадош квадратларда углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома бериш бўйича мутлақ ҳуқуққа эга бўлади.

Агар таркибида тижоратбоп топилма мавжуд бўлган углеводородлар кони углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир амалдаги рухсатномада кўрсатилган ер қаъри участкасидан ташқарига чиқиб кетса,

ер қаъридан фойдаланувчи ястанган тегишли қатламни ёки нефть-газ конини қамраб оладиган очик квадратларни қўшган ҳолда, углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома доирасида ер қаъри участкасининг периметрини кенгайтириш ҳақидаги аризани Ер қаъридан фойдаланиш марказига бериш бўйича мутлақ хукуққа эга бўлади.

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома бериш учун Ер қаъридан фойдаланиш марказига куйидаги маълумотлар кўрсатилган тегишли аризани беради:

- 1) аризачининг тўлиқ номи;
- 2) аризачи ваколатли шахс эканлигини тасдиқловчи ахборот;
- 3) сўралаётган кадастр квадратлари тўғрисидаги батафсил ахборот;
- 4) тижоратбоп топилма ҳақидаги эълондан аввалги жараёнда тайёрланган ва тақдим этилган геологик жиҳатдан ўрганиш тўғрисидаги барча ахборот;
- 5) углеводородлар конини ўзлаштиришнинг дастлабки лойиҳаси;
- 6) углеводородлар конини ўзлаштириш лойиҳасига мувофиқ углеводородларни қазиб олишга доир таклиф этиладиган ишларни амалга ошириш учун аризачининг молиявий, касбий ва техник қобилияtlари ҳамда имкониятларининг тасдиғи;
- 7) экологик экспертизанинг ижобий хулосаси;
- 8) ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича дастлабки режа;
- 9) аризани кўриб чиққанлик учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи хужжат.

Санаб ўтилган хужжатларга доир талаблар қонунчилик хужжатларида белгиланади.

Агар углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати ер қаъридан фойдаланувчи углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома беришга доир ариза бериши учун зарур бўлган бирор-бир экологик экспертизанинг ижобий хулосасини олиши керак бўлган даврда тугайдиган бўлса, геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома экологик экспертизанинг барча ижобий хулосалари олингунинг қадар амал қиласи.

Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиққанлик учун йиғим микдори қонунчилик хужжатларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ белгиланади. Йиғим суммаси қайтарилмайди.

### **83-модда. Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома беришнинг қўшимча усуллари**

Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномалар Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги аукцион ёки тендер

йўли билан танлов савдоларини ўтказиш зарурлигини белгилаган ҳолларда аукцион ёки тендер ўтказиш йўли билан берилиши мумкин. Бу қуидаги ҳоллар бўлиши мумкин:

1) углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи ўзи қидирув ўтказган ер қаъри участкасида углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома олишга оид ўз ҳукуқидан воз кечганда;

2) Ер қаъридан фойдаланиш маркази аукцион ёки тендер ўтказиш йўли билан очик квадратларда углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома бериш заруриятини аниқлаганда.

Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномалар миллий ривожланиш билан боғлиқ алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хужжатларига мувофиқ берилиши мумкин.

Бундай ҳолларда углеводородлар конини ўзлаштириш учун зарур бўлган кадастр квадратлари Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан аукцион ёки тендер учун захира қилиб қўйилади.

Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома бериш учун аукционлар четдан туриб аралашувни истисно этадиган электрон савдо майдончасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳукуқига доир рухсатномалар бериш тўғрисидаги низомга мувофиқ савдолар ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Углеводородни қазиб олишга доир рухсатнома бериш учун тендер Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукуқига доир рухсатномалар бериш тўғрисидаги низомда назарда тутилган тартибга мувофиқ ўтказилади.

Тендер жараёнининг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

1) ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқишида вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органларининг самарали ҳамкорлигини ташкил этиш;

2) ер қаъри участкаларини бериш бўйича тендернинг мавжуд геологик маълумотлар, геологик жиҳатдан ўрганиш тўғрисидаги ҳисоботлар ва бошқа тегишли ахборот асосида ишлаб чиқилган бошланғич шартларини келишиб олиш;

3) нефть ва газ конларини ўзлаштириш билан боғлиқ тақдим этилган лойиҳаларнинг экспертизасини ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, шунингдек ер қаъри участкаларидан фойдаланишининг белгиланган шартларига мувофиқлигини баҳолашни ташкил этиш;

4) афзалликка эга бўлган танлов талабномасини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш.

Аукцион ёки тендер иштирокчилари аукционда ёки тендерда иштирок этиш ҳукуқини олиш учун ушбу Қонуннинг 82-моддасига

мувофиқ зарур бўлган хужжатларни, бундан экологик экспертиза мустасно, тақдим этади ҳамда савдолар иштирокчиси нефть-газ конини ўзлаштиришнинг дастлабки лойиҳаси ўрнига нефть-газ конини ўзлаштиришнинг тахминий лойиҳасини тақдим этишга ҳақлидир. Аукцион ёки тендер иштирокчиси экологик экспертиза ўтказилгунига ва давлат экологик экспертизасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ижобий хулосаси олингунига қадар ишни бошламаслик мажбуриятини тақдим этади.

Аукцион ёки тендер ғолибини аниқлаш тўғрисидаги баённома тегишли кадастр участкаларида углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномани ғолибга бериш учун асос бўлади. Ушбу Қонуннинг барча талабларига риоя этишдан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хужжатларига мувофиқ бериладиган углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномалар учун қўшимча шартлар ва тўловлар белгиланиши мумкин, улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва ер қаъридан фойдаланувчи томонидан тузиладиган келишувда белгиланади.

Аукциондан ёки тендердан тушган маблағлар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади.

#### **84-модда. Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномани расмийлаштириш**

Углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчининг углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномани бериш тўғрисидаги аризаси олинган ёки аукцион ёхуд тендер жараёни тугаганидан кейин нефть-газ конини ўзлаштиришнинг якуний лойиҳаси олинган пайтдан эътиборан беш иш куни ичida, қўлланиладиган холга қараб, Ер қаъридан фойдаланиш маркази аризани кўриб чиқади ва тақдим этилган аризанинг тўлиқлигини аниқлаш учун дастлабки ўрганишни амалга оширади.

Аризачи дастлабки қўздан кечириш босқичи тугалланганидан кейин аризадаги бирор-бир камчиликлар ҳақида хабардор қилинади. Ер қаъридан фойдаланиш маркази аризачига арзимас камчиликларни тузатиш учун рухсат беришга ёки тўлиқ бўлмаган аризани қайтаришга ҳақли. Агар ариза қайтарилган бўлса, аризачи такроран янги ариза беришга ҳақли.

Тўлдирилган аризани дастлабки тарзда кўриб чиқиш тўлдирилган ариза олинган пайтдан эътиборан йигирма иш куни ичida Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан амалга оширилади.

Аризани кўриб чиқиш чоғида Ер қаъридан фойдаланиш маркази углеводородларни қазиб олиш ишлари бўйича таклиф қилинаётган ишларни амалга ошириш учун аризачининг молиявий, касбий ва техник лаёқати ва имкониятларини, шунингдек таклиф этилаётган нефть-газ

конини ўзлаштириш лойиҳасининг тўлиқлиги, бажара олиниши мумкинлиги нуқтаи назаридан техник ва фойдаланишга оид жиҳатларини ҳамда тақдим этилган хужжатлар ушбу Конуннинг 82 ва 85-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқлигини ўрганади. Нефть-газ конини ўзлаштиришнинг таклиф этилаётган лойиҳасида камчиликлар аниқланган ҳолларда, Ер қаъридан фойдаланиш маркази аризачидан камчиликларни тўқсон кундан ошмайдиган оқилона муддатда бартараф этишни талаб қилиши мумкин.

Аризачи бундай сўров олинганидан кейин ўз аризасини чакириб олишга, унга ўзгартиришлар киритишга ёки ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида ёзма тушунтириш тақдим этишга ҳақли. Агар аризачи ўз аризасига ўзгартиришлар киритса ёки унга ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида ёзма тушунтириш тақдим этса, Ер қаъридан фойдаланиш маркази бундай жавобни кўриб чиқади ва ўз жавобини йигирма иш куни ичидан тақдим этади. Бундан ташқари аризачи ўз нуқтаи назарини баён қилиш учун эшитув ўтказилишини талаб қилишга ҳақли, Ер қаъридан фойдаланиш маркази эса нефть-газ конини ўзлаштиришнинг таклиф қилинаётган лойиҳаси хусусидаги саволларга жавоб бериш учун аризачининг шахсан ҳозир бўлишини талаб қилиш хуқуқига эга. Бу ҳолда Ер қаъридан фойдаланиш маркази аризачининг важларини кўриб чиқиш учун бундай эшитувни ўн беш иш куни ичидан чақиради. Ер қаъридан фойдаланиш маркази ўша пайтда маълум бўлиши мумкин бўлган ва ушбу қисмда баён қилинган жараён доирасида уни дастлабки тарзда кўриб чиқишга киритилмаган янги масалаларни кўтариш хуқуқига эга эмас. Ушбу қисмда баён қилинган жараён Ер қаъридан фойдаланиш маркази рухсатнома берилишини тасдиқлашга тайёр бўлгунига ёки аризачи ўз аризасини узил-кесил чақириб олгунига қадар бир неча марта қўлланилади.

Олдинги қисмларда баён қилинган жараён тугаллангач Ер қаъридан фойдаланиш маркази нефть-газ конини ўзлаштириш лойиҳасини маъқуллайди ёки рад этади.

Нефть-газ конини ўзлаштиришнинг таклиф этилаётган лойиҳаси тасдиқланган тақдирда ва, башарти ариза ушбу Конуннинг барча бошқа талабларига жавоб берса, Ер қаъридан фойдаланиш маркази углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома беради.

Нефть-газ конини ўзлаштиришнинг таклиф этилаётган лойиҳасидаги ўзгартиришлар қўшимча экологик экспертиза ўтказишни ёки уни қайта кўриб чиқишни талаб қилган ҳолларда экологик экспертиза ўтказилмагунига қадар ва давлат экологик экспертизасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ижобий холосаси олинмагунига қадар рухсатнома берилмайди.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази, агар ариза ушбу Қонуннинг 82 ёки 83-моддаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома беришни рад этиш хуқуқига эга. Рад этиш асосланган бўлиши керак. Ушбу Қонунда назарда тутилмаган шартларга асосан рад этишга йўл кўйилмайди. Ер қаъридан фойдаланиш маркази аризани кўриб чиқиш муддати тугагач аризачини бундай рад этиш тўғрисида хабардор қиласи.

Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома берилганда углеводородлар кадастрининг рухсатномалар реестрига тегишли ёзув киритилади.

### **85-модда. Углеводородлар конини ўзлаштириш лойиҳаси**

Ушбу Қонуннинг 82-моддасига мувофиқ ер қаъридан фойдаланувчи томонидан тақдим этиладиган углеводородлар конини ўзлаштириш лойиҳаси иқтисодий, техник, экологик жиҳатларнинг батафсил тавсифини, шунингдек қазиб олиш бўйича режалаштирилаётган ишларга доир ресурслар ҳамда хавфсизлик билан боғлиқ жиҳатларни назарда тутади ва камида қуидагиларни ўз ичига олиши керак:

1) рухсатномага киритилган ер қаъри участкасининг тавсифини, шу жумладан унинг геологик тузилиши, таҳлили ва шарҳланишининг қисқача тавсифини;

2) геологик жиҳатдан ўрганиш ва баҳолаш бўйича амалга оширилган ишларнинг қисқача тавсифини;

3) углеводородларни қазиб олишнинг мақбул варианtlари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек тақлиф этилаётган вариант мавжуд муқобил вариантлардан энг яхиси эканлигини асословчи техник-иқтисодий жиҳатдан баҳолашни;

4) углеводородларни қазиб олишнинг энг яхши мақбул вариантидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилиши тақлиф этилаётган ишларнинг батафсил тавсифини, шу жумладан:

а) ишларнинг таҳминий жадвалини;

б) режалаштирилаётган кончилик фаолияти муносабати билан курилиши ёки фойдаланилиши режалаштирилаётган углеводородларни қазиб олишнинг ҳар қандай вақтинчалик ёки доимий объектларини ёки бошқа инфратузилма объектларини;

в) мазкур ишларни амалга ошириш жараёнида жорий этилиши режалаштирилаётган ташкилий тизимлар ва бошқарув тизимларини;

5) ер қаъри участкасида ёки унинг бир қисмида углеводородлар конини бошқариш режасини, шу жумладан тижоратбоп топилмани ўзлаштириш иқтисодий жараёнишининг конни ўзлаштиришнинг тасдиқланган лойиҳасига ўзгартиришлар киритилган тақдирда тақдим этилиши керак бўлган дастлабки муддатини;

6) углеводородларни қазиб олиш бўйича ишларни молиялаштириш усулининг тавсифини;

7) фойдаланишдан чиқариш бўйича дастлабки режани, шу жумладан углеводородларни қазиб олиш бўйича ишларнинг оқибатларини тугатиш режасини (тугатиш режасини).

Углеводородлар конларини ўзлаштириш лойиҳасининг маҳсус шакли ва мазмuni қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

Углеводородлар конини ўзлаштириш лойиҳасини кўриб чиқиши чоғида Ер қаъридан фойдаланиш маркази углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома берилгунига қадар режанинг техник ва фойдаланишга оид жиҳатларини ўрганади. Ер қаъридан фойдаланиш маркази режанинг молиявий жиҳатлари кўриб чиқилганлиги учун жавобгар бўлмайди. Ер қаъридан фойдаланиш маркази оқилона асослар мавжуд бўлган тақдирда куйидаги мезонларга устуворлик беришга ҳақли:

1) углеводородларни қазиб олиш энг самарали мақбул вариантининг ва қазиб олиш бўйича таклиф этилаётган ишларнинг лозим даражадаги нефть-газ амалиётига мувофиқ бўлишига;

2) углеводородларни қазиб олишнинг барқарор ва экологик жиҳатдан хавфсиз технологиялари қўлланилишига;

3) углеводородлар конига заар етказилишига йўл қўйилмаслигига;

4) углеводородларни қазиб олиш бўйича ишларни амалга ошириш натижасида ишлатилаётган қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмалар конларига ва уларга туташ ҳамда бошқа ер қаъри участкаларига заар етказилишининг олди олинишига;

5) давлат учун энг кўп умумий даромад ва фойда олинишини таъминлашга.

Топилган углеводородлар конини ўзлаштириш ва углеводородларни қайта ишлашга доир қўшимча талаблар углеводородларнинг турлари ҳамда хоссаларига, углеводородлар конини ўзлаштириш усуllibарига, қайта ишлаш технологияларининг турларига ва бошқа омилларга қараб қонунчилик ҳужжатларида белгиланиши мумкин.

Нефть ва газ конини ўзлаштиришнинг тасдиқланган лойиҳаси, агар унга ушбу Қонуннинг 91-моддасига мувофиқ ўзгартиришлар киритилмаган бўлса, ўз кучини сақлаб қолади ва у Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан тасдиқланган кундан эътиборан беш йил ичida бажарилиши керак.

Истисно тартибида Ер қаъридан фойдаланиш маркази, агар углеводородларни қазиб олиш бўйича режалаштирилаётган ишларнинг йирик миқёслилиги, техник жиҳатдан бажарилиши ва давомийлиги каби алоҳида ҳолатларга боғлиқ ҳолда амалга ошириш муддатларининг узайтирилишини талаб қилса, углеводородлар конини ўзлаштириш лойиҳаси ушбу модданинг учинчи қисмida кўрсатилган, ўн йилдан ошмайдиган анча узоқ даврни қамраб олишини талаб қилиши мумкин.

Углеводородлар конини ўзлаштиришнинг тасдиқланган лойиҳасидан четга чиқишга фақат фавқулодда вазиятларда йўл қўйилади.

### **86-модда. Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати**

Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома, агар у илгари рад этилмаган ёки чақириб олинмаган бўлса ёхуд унинг амал қилиш муддати ушбу Қонун қоидаларига мувофиқ узайтирилмаган бўлса, рухсатнома рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан кетма-кет йигирма беш йилгача муддатга берилади.

Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати ер қаъридан фойдаланувчининг аризасига кўра бир марта йигирма беш йилгача муддатга узайтирилиши мумкин.

### **87-модда. Углеводородларни қазиб олиш бўйича ишларни амалга оширишга доир талаблар**

Ер қаъридан фойдаланувчи углеводородларни қазиб олиш бўйича бирор-бир фаолият бошлангунига қадар барча талаб қилинадиган экологик экспертизаларни ўтказади ва хавфсизлик техникаси соҳасидаги барча зарур бўлган рухсатномаларни, шу жумладан давлат экологик экспертизасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ижобий хulosасини олади. Бундай маъқуллашлар олинган пайтдан эътиборан беш кун ичida Ер қаъридан фойдаланиш марказига тақдим этилади.

Углеводородларни қазиб олиш:

1) углеводородларнинг ҳар бир алоҳида конида ёки бир нечта конда углеводородлар захираларининг энг кўп ҳажми қазиб олиниши таъминланадиган тарзда;

2) илфор қулай технологиялардан фойдаланган ҳолда ва оқилона иқтисодий принципларга мувофиқ;

3) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва лозим даражадаги нефть-газ амалиётига мувофиқ амалга оширилади.

Ер қаъридан фойдаланувчи углеводородларни қазиб олишни амалга ошириш чоғида қўйидагиларни таъминлаши шарт:

1) қазиб олишнинг қўлланиладиган техник воситаларининг мақбуллиги ва хавфсизлигини;

2) углеводородларни қазиб олишда мураккабликка, углеводородларни қазиб олишнинг иқтисодий самарадорлиги пасайишига олиб келадиган хавфли техноген жараёнлар кўринишларидан углеводородлар конининг муҳофаза қилинишини;

3) қазиб олинган, шу жумладан нефть-газ операциялари жараёнида йўқотилган ёки фойдаланилган ва ер қаърида қолган углеводородлар

захираларининг, уларни қайта ишлаш маҳсулотларининг ва қазиб олиш жараёнида ҳосил бўлган ишлаб чиқариш чиқиндиларининг тўғри ҳисобга олинишини;

4) углеводородларни қазиб олиш чиқиндиларини ва қайта ишлаш маҳсулотларини омборларга жойлашда ҳамда жойлаштиришда уларнинг сув олиш иншоотлари майдонларида ва углеводородлар йигиладиган жойларда тўпланиб қолишининг олдини олиш мақсадида экологик ҳамда санитария-эпидемиологик талабларга риоя этилишини;

5) қазиб олишнинг қўлланиладиган усуллари ҳамда воситаларининг нормаларига ва стандартларига риоя этилишини;

6) конни ўзлаштириш лойиҳасида назарда тутилган тартибда углеводородлар ажратиб олинишини.

Углеводородлар конини ўзлаштириш чоғида ер қаъридан фойдаланувчи бутун нефть-газ кони бўйича, шунингдек углеводородларнинг ҳар бир алоҳида қатлами бўйича қазиб олишни, кудуқларнинг технологик ишлаш режимини (босимни, оқим режимини, қазиб олинаётган ёки ҳар бир қудуқقا насос билан ҳайдалаётган углеводородлар ва бошқа флюидлар миқдорини), шу жумладан компонентлар таркибини ва қазиб олинган углеводородлар миқдорини мунтазам назорат қилиши шарт. Ер қаъридан фойдаланувчи ҳар бир алоҳида қудуқ бўйича қазиб олинаётган ва насос билан ҳайдалаётган углеводородларнинг умумий ҳар ойлик миқдори ҳисобини юритади.

Углеводородларни қазиб олишни турли рухсатномалар бўйича амалга оширадиган ер қаъридан фойдаланувчилар ушбу Конунда назарда тутилган ҳолларда, қатlam босимини сақлаб туриш мақсадида ер қаъридан фойдаланувчининг бири тайёрлаган қатлам сувини бошқа ер қаъридан фойдаланувчи конининг қатламига насос билан ҳайдашни амалга ошириши мумкин.

Ер қаъридан фойдаланувчилар қатлам босимини сақлаб туриш мақсадида зарур инфратузилма объектларига эга бўлган шахсларни кўшилиб чиқсан сувни кейинчалик кон қатламига ҳайдашга тайёрлаш учун жалб этиши мумкин.

Углеводородларни қазиб олиш чоғида ер ости сувларини бир йўла ажратиб олиш қонунчиликка мувофиқ бериладиган сувдан маҳсус фойдаланишга ёки маҳсус сув истеъмолига доир рухсатномалар олинмаган ҳолда амалга оширилади. Бир йўла қазиб чиқарилган ер ости сувларидан (бундан саноат аҳамиятига молик ер ости сувлари мустасно) кейинчалик фойдаланиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

## **88-модда. Нефть-газ инфратузилмаси объектлари**

Углеводородларни қазиб олиш бўйича ер қаъридан фойдаланувчи Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигини ёзма шаклда хабардор қиласи ва вазирликнинг қўйидагиларга доир дастлабки маъқуллашини олади:

1) нефть-газ инфратузилмаси объектини ёки унинг бир қисмини ўрнатишга;

2) нефть-газ инфратузилмаси объектини дастлабки тарзда фойдаланишга топшириш муддатига;

3) нефть-газ инфратузилмаси объектиниг ҳар қандай йирик реконструкциясига ёки модификациясига ва объект реконструкция ёки модификациядан кейин ўз ишини қайтадан бошлайдиган муддатларга;

4) нефть-газ конини ўзлаштириш режасига мувофиқ дастлаб нефть-газ инфратузилмаси объекти қайси мақсадда тасдиқланган бўлса, ўша мақсаднинг ҳар қандай ўзгартирилишига;

5) белгиланган объектдан у конни ўзлаштириш лойиҳасида дастлаб назарда тутилган муддатдан ортиқча фойдаланилишига ва белгиланган муддат ўтганидан кейин унинг самарали ишлашини таъминлаш учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларга;

6) ер қаъридан фойдаланувчининг нефть-газ инфратузилмаси объектидан фойдаланишни тугатиш, уни утилизация қилиш ва тугатиш тўғрисидаги қарорига.

Ушбу моддада назарда тутилган мажбуриятлар углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома олган ер қаъридан фойдаланувчиларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

#### **89-модда. Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома доирасида геологик жиҳатдан ўрганишни амалга ошириш**

Углеводородларни қазиб олиш даврида ер қаъридан фойдаланувчилар топилган коннинг геологик тузилмасини ва захираларини ёки углеводородлар қатламларини янада аниклаштириш мақсадида ер қаъри участкасида геологик жиҳатдан ўрганишни углеводородларни қазиб олишга доир амалдаги рухсатнома доирасида амалга оширишга ҳакли. Конни ҳар қандай бундай геологик жиҳатдан ўрганиш ва геологик жиҳатдан суратга олиш углеводородлар конини ўзлаштириш лойиҳасига ҳамда лозим даражадаги нефть-газ амалиётига мувофиқ амалга оширилади.

Ер қаъридан фойдаланувчилар Ер қаъридан фойдаланиш марказини ўзи амалга ошириш ниятида бўлган конни геологик жиҳатдан ўрганиш тўғрисида бундай ишлар бошланишидан бир ҳафта олдин ёзма шаклда хабардор қиласи. Бундай хабарноманинг шакли қонунчилик хужжатлари билан белгиланади.

Агар қазиб олиш участкасида геологик жиҳатдан ўрганиш давомида ер қаъридан фойдаланувчи томонидан янги қатлам топилган бўлса, уни баҳолаш конни ўзлаштириш лойиҳасига доир қўшимчага мувофиқ амалга оширилади.

Ер қаъри участкасида углеводородларнинг янги қатламлари топилганлиги углеводородларни қазиб олиш даврини узайтириш учун асос бўлмайди.

Ер қаъридан фойдаланувчи бундай ишларни амалга ошириш тугалланганидан кейин бир ой ичида Ер қаъридан фойдаланиш марказига конни ишлатишга оид бирор-бир геологик жиҳатдан ўрганиш ва суратга олиш натижалари тўғрисидаги барча ахборотни тақдим этади.

### **90-модда. Қўшилиб чиқадиган газни ёқиши ва газни совуқ ҳолида чиқариб юбориш**

Қазиб олинган углеводородларни ёқишига ёки совуқ ҳолида чиқариб юборишга факат зарурат бўлган тақдирда хавфсизликни таъминлаш мақсадида ёки углеводородларни баҳолаш жараёнида ёхуд углеводородларни қазиб олиш бўйича ишларни амалга ошириш жараёнида фойдаланиладиган объектни фойдаланишга топшириш чоғида йўл қўйилади.

Ер қаъридан фойдаланувчилар қазиб олинган углеводородларни ёқиши ёки совуқ ҳолида чиқариб юбориш, шу жумладан ёқилғи сифатида ёки углеводородларни чиқариб олишни яхшилаш, чиқариб юбориш учун насос билан ҳайдаб киритиш воситаси сифатида фойдаланиш, саклаш ёки бирор бир керагидан ортиқча углеводородларни мақбул иқтисодий шартларда майший мақсадларда фойдаланиш учун давлат тасарруфига бериш бўйича барча оқилона тижоратга ёки фойдаланишга оид муқобил имкониятларни кўриб чиқиши шарт.

Ер қаъридан фойдаланувчи углеводородларни режалаштирилган тарзда ёқиши ёки совуқ ҳолида чиқариб юбориш бошланишидан олдин Ер қаъридан фойдаланиш марказига ариза беради, шунингдек бирор-бир зарур экологик экспертиза юзасидан давлат экологик экспертизасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ижобий хулосасини ёки бошқа маъкуллашларни олади.

Қазиб олинган углеводородларни машъалда ёқиши ёки совуқ ҳолида чиқариб юборишга доир аризада аризани бериш сабаблари ва тегишли нефть-газ инфратузилмаси объектининг тавсифи, шунингдек углеводородларнинг ҳажмлари, таркиби ва уларни ёқиши ёки совуқ ҳолида чиқариб юбориш муддатлари кўрсатилади.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази қазиб олиш бўйича ишлар давомида ер қаъридан фойдаланувчи томонидан насос билан ҳайдалиши, совуқ ҳолида чиқариб юборилиши ёки машъалда ёқилиши лозим бўлган қазиб олинаётган углеводородларнинг муайян вақт даври учун энг кўп ҳажмларини белгилайди. Ушбу ҳажмларни белгилашда Ер қаъридан фойдаланиш маркази ер қаъридан фойдаланувчи билан яқин ҳамкорлик қиласиди ва:

1) кон, углеводород қатламининг ҳар бир қатлами бўйича ва ҳар бир алоҳида қудуқ бўйича насос билан ҳайдалиши, чиқариб юборилиши

ва машъалда ёқилиши лозим бўлган қазиб олинаётган углеводородларнинг умумий ойлик ҳажмларини тақсимлайди;

2) агар коннинг хусусиятлари ҳақидаги янги ахборот ёки бошқа ҳолатлар ўзгача қоидани талаб қилмаса, конни ўзлаштириш режаси асосланадиган қазиб олиш жадвалини инобатга олади.

Қазиб олинган углеводородларни машъалда ёқиш ва совуқ ҳолида чиқариб юборишга доир талаблар қонунчилик хужжатларида белгиланади.

Ер қаъридан фойдаланувчи Ер қаъридан фойдаланиш марказига ўзининг ҳар ойлик ҳисботларида углеводородлардан фойдаланиш, уларни насос билан ҳайдаш, совуқ ҳолида чиқариб юбориш, машъалга юбориш ва ёқишига доир барча маълумотларни ҳамда ахборотни тақдим этади.

### **91-модда. Нефть-газ конини ўзлаштиришнинг тасдиқланган режасига ўзгартиришлар киритиши**

Углеводородларни қазиб олиш ишлари бўйича режалаштирилаётган ишларнинг турларига, усулларига ва (ёки) технологияларига ва (ёки) ишларни бажариш технологияларига, ҳажмларига ва муддатларига ўзгартиришлар киритиш зарур бўлган, шу жумладан ишлаб чиқариш ва инфратузилма обьектлари таркибида бирор бир ўзгариш бўлган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчи углеводородлар конини ўзлаштиришнинг тасдиқланган лойиҳасига тегишли ўзгартиришлар киритади ҳамда режанинг ўзгартирилган таҳририни Ер қаъридан фойдаланиш марказига тақдим этади.

Ер қаъридан фойдаланувчи углеводородлар конини ўзлаштириш лойиҳасидаги ўзгартиришларни қўйидаги ҳолларда Ер қаъридан фойдаланиш маркази билан келишиб олади:

1) углеводородлар конини ўзлаштиришнинг амалдаги лойиҳасида назарда тутилган қазиб олиш бўйича ишлар билан боғлиқ хавф-хатарлар кўпайганда;

2) қазиб олиш усуллари ва (ёки) технологияларига углеводородлар конини ўзлаштиришнинг амалдаги лойиҳасида назарда тутилмаган кўшимча хавф-хатарлар пайдо бўлишига олиб келадиган ўзгартиришлар киритилганда;

3) қазиб олиш бўйича ишларга амалга оширилиши углеводородлар конини ўзлаштиришнинг амалдаги лойиҳасида кўрсатилган экологик ва иқтисодий кўрсаткичларга эришиб бўлмаслигига олиб келадиган ўзгартиришлар киритилганда;

4) қазиб олиш бўйича ишларга амалга оширилиши учун экологик экспертизанинг ижобий хулосасини олиш талаб қилинадиган ва углеводородлар конини ўзлаштиришнинг амалдаги лойиҳасида назарда тутилмаган ўзгартиришлар киритилганда;

5) қазиб олиш бўйича ишларга тупроқ устки қатламишининг бутунлиги кўшимча равишда бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ўзгартиришлар киритилганда;

6) углеводородларни қазиб олиш бўйича асосий курилмаларнинг ва (ёки) инфратузилма обьектларининг сони ҳамда параметрларига ўзгартиришлар киритилганда.

Углеводородлар конини ўзлаштиришнинг қайта қўриб чиқилган лойиҳаси Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан бундай ўзгартирилган лойиҳа олинган пайтдан эътиборан йигирма иш куни ичидаги қўриб чиқилиши лозим.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази углеводородлар конини ўзлаштириш лойиҳасини унинг тўлиқлиги, амалга оширилиши мумкинлиги ва тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Қонуннинг 85-моддасига мувофиқлиги нуқтаи назаридан қўриб чиқади.

Углеводородлар конини ўзлаштириш лойиҳасида камчиликлар аниқланган тақдирда, Ер қаъридан фойдаланиш маркази аризачидан бундай камчиликларни тўқсон кундан ошмайдиган оқилона муддатда бартараф этишни талаб қилишга ҳақли. Углеводородлар конини ўзлаштириш лойиҳага киритилган ўзгартиришлар бирорта қўшимча экологик экспертиза ўтказилишини ёки унинг қайтадан қўриб чиқилишини талаб қилган ҳолларда, бундай лойиҳани тасдиқлаш факат шундай экологик экспертиза ўтказилганидан ва давлат экологик экспертизаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ижобий холосаси олинганидан кейин амалга оширилади.

Кўриб чиқиши жараёни якунланганидан кейин Ер қаъридан фойдаланиш маркази углеводородлар конини ўзлаштиришнинг ўзгартирилган лойиҳасини тасдиқлаш учун қабул қиласи ёки ер қаъридан фойдаланувчи риоя этиши зарур бўлган асослантирилган шартларни кўяди.

Углеводородлар конини ўзлаштиришнинг ўзгартирилган лойиҳаси Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан тасдиқлангунига қадар ишларни ушбу лойиҳага мувофиқ амалга ошириш тақиқланади.

## **92-модда. Углеводородларни қазиб олишга доир ҳар йилги энг кам харажатлар**

Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчилар углеводородларни қазиб олиш бўйича ушбу моддада ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳар йилги энг кам харажатларга оид талабларга риоя этиши шарт.

Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи учун ҳар йилги энг кам харажатлар қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади. Углеводородларни қазиб олиш учун ҳар йилги энг кам харажатларнинг ҳисоб-китоби Ўзбекистон Республикаси худудида белгиланган ва ҳисобот йилининг 1 январида амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдори асосида амалга оширилади.

Агар углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома амал қилиш муддатининг биринчи ёки охирги йили тўлиқ бўлмаса, ҳар йилги энг кам

харажатлар тегишли йилдаги рухсатнома амал қилиш муддатининг ҳар бир тўлиқ ойи учун мутаносиб равишда ҳисоб-китоб қилинади.

Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиши йил давомида тугаган тақдирда ҳар йилги энг кам харажатлар мазкур йилдаги рухсатнома амал қилиш муддатининг ҳар бир тўлиқ ойи учун мутаносиб равишда ҳисоб-китоб қилинади.

Углеводородларни қазиб олишга доир ҳар йилги энг кам харажатларга киритилиши лозим бўлган ва лозим бўлмаган нефть-газ операцияларининг турлари қонунчиликда белгиланади. Углеводородларни қазиб олишга доир энг кам харажатларнинг ҳисоб-китоби рухсатномада кўрсатилган кадастр квадратларида қилинган харажатларга нисбатангина амалга оширилади.

Углеводородларни қазиб олиш учун ушбу моддада назарда тутилган ҳар йилги энг кам харажатлар тўғрисидаги мажбуриятлар бузилган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчи этишмаётган харажатларни амалга ошириши ва бу ҳақда ҳисботот йилидан кейинги уч ойдан кеч бўлмаган муддатда Ер қаъридан фойдаланиш марказига ҳисботот тақдим этиши шарт. Бунда ўз мажбуриятлари бузилишини бартараф этиш учун ер қаъридан фойдаланувчи томонидан амалга оширилган харажатлар жорий йилдаги харажатлар таркибига киритилмайди ва ҳисботот йили учун ҳисбототда акс эттирилган деб ҳисбланади.

### **93-модда. Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчиларнинг хуқуқлари**

Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома ер қаъридан фойдаланувчига рухсатномага киритилган ер қаъри участкасидан чиқариб олинадиган ҳар қандай турдаги углеводородларни қазиб олиш ва қайта ишлаш учун мутлақ ҳуқук беради.

Углеводородларни қазиб олиш бўйича ишлар углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома шартларига ва нефть-газ конини ўзлаштиришнинг тасдиқланган лойиҳаси қоидларига мувофиқ амалга оширилади.

Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома ер қаъридан фойдаланувчига кадастр квадрати юзасининг ер участкаси ва рухсатномага киритилган ер қаъри участкаси доирасида қуйидаги ҳуқуқларни беради:

1) рухсатномага киритилган ер қаъри участкасини тижоратбоп топилмадан фойдаланиш сифатини, миқёсини ва даражасини аниқ баҳолаш учун кўшимча равишда геологик жиҳатдан ўрганишни амалга ошириш;

2) қонунчиликка мувофиқ углеводородларни тажриба-саноат усулида қазиб олишни амалга ошириш;

3) углеводородлар захираларини қайтадан баҳолаш бўйича кўшимча тадқиқотлар ўтказиш;

4) углеводородларни қазиб олиш бўйича ишларни амалга ошириш;

5) рухсатномада кўрсатилган ер қаъри участкасида ҳар қандай турдаги углеводородларни қазиб олишни амалга ошириш;

6) углеводородларнинг қазиб олинган ҳажмларини товар маҳсулотлари этиб ва табиий газни чукур қайта ишлаш маҳсулоти этиб қайта ишлаш;

7) қазиб олинган углеводородларни транспортда ташиш, саклаш ва реализация қилиш;

8) башарти тегишли рухсатномалар, келишувлар ва маъқуллашлар олинган бўлса, углеводородларни қазиб олиш ишлари, уларни қайта ишлаш, транспортда ташиш бўйича инфратузилма обьектларини ҳамда улар билан боғлиқ бошқа обьектларни жойлаштириш, шу жумладан:

а) углеводородларни қазиб олиш ишларини ўтказиш учун рухсатномада кўрсатилган ер қаъри участкасида инфратузилма обьектларини қуришни, монтаж қилишни, жойлаштиришни ёки кўчиришни ва улардан фойдаланишни амалга ошириш;

б) ходимлар учун углеводородларни қазиб олиш бўйича ишларни самарали ўтказиш учун зарур бўлган вақтинчалик ёки доимий иншоотларни ва жихозларни қуришни ёки ўрнатишни амалга ошириш;

в) бирор-бир инфратузилма обьектларини, шу жумладан қазиб олинаётган углеводородларни, нефть маҳсулотларини, табиий газни чукур қайта ишлаш маҳсулотларини ва бошқа маҳсулотларни юклаш, транспортда ташиш, тушириш, саклаш (доимий асосда ва бошқача тарзда) ҳамда қайта ишлаш бўйича инфратузилма обьектларини қуришни, монтаж қилишни, жойлаштиришни ва улардан фойдаланишни, башарти бундай фаолият углеводородларни қазиб олиш ишлари билан бевосита боғлиқ бўлса, амалга ошириш;

9) башарти рухсатномага киритилган ер қаъри участкаси доирасида бирор-бир табиий гидроэнергетика ресурсларидан фойдаланиш учун тегишли рухсатномалар ёки маъқуллашлар олинган бўлса, бундай табиий гидроэнергетика ресурсларидан углеводородларни қазиб олишга доир фаолият билан боғлиқ бўлган мақсадлар учун фойдаланиш;

10) ўз хуқуқларидан рухсатнома доирасида, аралашувларсиз фойдаланиш ва бу хуқуқларни амалга ошириш;

11) зарур бўлган ёки углеводородларни қазиб олишга доир ишлар билан боғлиқ бошқа фаолиятни амалга ошириш.

#### **94-модда. Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари**

Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати давомида ер қаъридан фойдаланувчи:

1) рухсатнома берилган санадан эътиборан олти ой ичida углеводородларни қазиб олиш бўйича ишларни бошлаши;

2) барча турдаги нефть-газ операцияларининг, шу жумладан қазиб олиш технологиясининг барча қўлланиладиган стандартлар ва нормаларга,

усуллар ҳамда технологияларга, шунингдек тегишли нефть-газ амалиётига мувофиқ бўлишини таъминлаши;

3) нефть-газ операцияларининг углеводородлар конини ўзлаштиришнинг амалдаги тасдиқланган лойиҳасига жиддий мувофиқ бўлишини таъминлаши;

4) углеводородлар конини ўзлаштиришнинг амалдаги лойиҳаси ўзгаририлган тақдирда Ер қаъридан фойдаланиш марказига углеводородлар конини ўзлаштиришнинг янгилangan лойиҳасини тақдим этиши;

5) углеводородларни қазиб олишга доир бутун фаолиятни ва ер қаъри участкасидан қандайдир бошқача тарзда қонуний равишда фойдаланишни ижтимоий ёки хусусий манфаатларнинг оқилона воситалар билан олдини олиш мумкин бўлган бузилишига олиб келмаслигини таъминлаш мақсадида углеводородлар қазиб олинишини амалга ошириш учун зарур бўлган чора-тадбирлар орқали чеклаши;

6) углеводородларнинг мумкин қадар кўпроқ чиқариб олинишини таъминлаш мақсадида углеводородлар қатламишининг маҳсулдорлиги ва углеводород конининг ўзлаштирилиши устидан доимий назоратни амалга ошириши;

7) ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятга нисбатан амалдаги қонунчиликда белгилangan барча талабларга тизимли ва доимий равишда риоя этилишини таъминлаш учун мўлжалланган тегишли бошқарув тизимини яратиши, жорий этиши ҳамда мунтазам янгилаб туриши ва уларнинг ижроси устидан назоратни таъминлаши;

8) ушбу Қонуннинг 92-моддасида назарда тутилган углеводородларни қазиб олишга доир ҳар йилги энг кам харажатларни амалга ошириши;

9) нефть-газ операцияларининг барча турлари учун суғурта полисларини олиши ҳамда амалга оширилаётган нефть-газ операцияларининг хусусиятини ва турларини ҳисобга олган ҳолда доимий асосда янгилаб туриши ҳамда лимитларнинг, чегириб ташланадиган франшизларнинг ва тегишли суғурта қопламаси бошқа шартларининг одатда мазкур нефть-газ соҳасида қўлланиладиган амалиётга мувофиқ бўлишини таъминлаши;

10) амалдаги қонунчиликка ҳамда тегишли нефть-газ амалиётига ва тегишли асбоб-ускунанинг ишлаб чиқарувчиси томонидан тақдим этилган йўриқномаларга мувофиқ қайта ишлаш, тижорат мақсадида ҳисобга олиш ва солиқ солиш мақсадлари учун углеводородларнинг аниқ ҳисобини, ўлчовини юритиши ва синовларини ўтказиши;

11) қазиб олинган углеводородларнинг, қазиб олиш чоғида ҳосил бўлган чиқиндиларнинг ишончли ҳисобини юритиши, шу жумладан ўзлаштириш бўйича ҳар кунги иш журналларини ва қазиб олинган маҳсулотни, унинг юклаб жўнатилишини, асбоб-ускуналар етказиб

берилиши ва юклаб жўнатилишини, аварияларни ва объектларга ташриф буюрувчиларни ҳисобга олиш реестрларини юритиши;

12) углеводородларни қазиб олиш ишларининг барча жиҳатлари тўғрисида ушбу Қонун қоидаларига ва бошқа қўлланиладиган қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигини ҳамда исталган бошқа ваколатли органни хабардор қилиши;

13) ушбу Қонуннинг 97 ва 98-моддаларида белгиланган ҳисоботлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажариши;

14) тасдиқланган экологик ва ижтимоий бошқарув режасини амалга ошириши, шунингдек вақти-вақти билан уни қайта кўриб чиқиши ва янгилаши, шу жумладан мониторинг ўтказиши ҳамда ҳисобдорликка риоя этиши;

15) чиқиндиларни сақлаш ва утилизация қилишда экологик талабларга риоя этиши;

16) углеводородларни қайта ишлаш ва реализация қилишни тартибга солувчи қонунчилик талабларига риоя этиши;

17) нефть-газ курилмаларини фойдаланишдан чиқаришни ва углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномага киритилган ер участкасини тиклашни амалга ошириш учун фойдаланишдан чиқариш фондига ушбу Қонуннинг 15-бобига мувофиқ чегирмаларни амалга ошириши;

18) ушбу Қонуннинг 16-бобига мувофиқ маҳаллий товарлар ва хизматларни харид қилиш режасини амалга ошириши;

19) ушбу Қонуннинг 16-бобига мувофиқ маҳаллий кадрлар учун ишга ёллаш, ўқитиш ва хизматда кўтарилиш режасини амалга ошириши;

20) ушбу Қонуннинг 16-бобига ва бошқа қонунчилик хужжатларига мувофиқ, тасдиқланган ўқув дастурларини амалга ошириши ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ходимлар сиҳат-саломатлигига доир нормаларга, шунингдек аварияларга ва фавқулодда вазиятларга шайликни таъминлашга ҳамда уларнинг оқибатларини тугатишга доир чора-тадбирларга риоя этиши;

21) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ коррупцияга қарши хулқ-атвор кодексини амалга киритиши ва унга риоя этилишини таъминлаши;

22) даврий ҳамда танлаб текширишлар ва (ёки) аудитлар ўтказиши;

23) ер қаъридан фойдаланганлик учун барча солиқларни, ер солиғини, божхона божларини, тўловларини, йигимларини ҳамда низо предмети бўлмаган солиқларни ўз вақтида ва ишончли тарзда декларациялаши ҳамда тўлаши;

24) барча тегишли ваколатли органлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари билан ушбу Қонун ва бошқа бирор бир қўлланиладиган қонунчилик қоидаларига риоя этиш мақсадида ҳамкорлик қилиши шарт.

Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчиларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **95-модда. Углеводородларни қазиб олишни биргаликда амалга ошириш**

Агар тижоратбоп топилмани ўз ичига олган бирор бир углеводородлар кони қисман углеводородларни қазиб олишга доир битта рухсатномага киритилган ер қаъри участкаси доирасида ва қисман углеводородларни қазиб олишга доир бошқа рухсатномага тааллуқли ўзга ер қаъри участкаси доирасида жойлашган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги бундай ер қаъридан фойдаланувчиларга углеводородларни қазиб олиш бўйича биргаликдаги ишларни амалга ошириш мақсадида биргаликда ўзлаштириш тўғрисида ўзаро шартнома тузиш зарурати тўғрисида ёзма шаклда сўров юбориши мумкин.

Ер қаъри участкасини биргаликда ўзлаштириш тўғрисидаги шартномага мувофиқ углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномаларда кўрсатилган ер қаъри участкаларига тегишли конни ўзлаштиришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш ва углеводородларнинг янада самаралироқ ҳамда мақбуллаштирилган ҳолда қазиб олинишини таъминлаш мақсадида яхлит ер қаъри участкаси сифатида қаралади.

Агар ер қаъридан фойдаланувчилар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ёзма хабар олинган пайтдан эътиборан ўн саккиз ой ичидаги биргаликда ўзлаштириш тўғрисидаги шартнома шартларини келишиб олмаса, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги биргаликда ўзлаштириш тўғрисидаги келишув шартлари хусусида қарор қабул қилиши мумкин.

Кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар қаторини чекламаган ҳолда биргаликда ўзлаштириш тўғрисидаги шартномада:

1) конни биргаликда ўзлаштириш бўйича ишлар амалга ошириладиган ер қаъри участкаси белгиланади;

2) биргаликда ўзлаштириш тўғрисидаги шартнома доирасида ҳар бир ер қаъридан фойдаланувчининг иштирок этиш улуши кўрсатилади;

3) ер қаъридан фойдаланувчилар ўртасида биргаликда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш объектлари, инфратузилма объектлари ва ёрдамчи тизимлар, шу жумладан электр энергияси, асбоб-ускуналар ҳамда материаллар санаб ўтилади;

4) биргаликда ўзлаштириш ва қазиб олиш билан боғлиқ нефть-газ операцияларининг турлари, шу жумладан тегишли ишлар дастурлари ва бюджетлар назарда тутилади;

5) қарорлар қабул қилиш жараёни ёзиб қўйилади;

6) углеводородларни қазиб олиш бўйича жорий биргаликдаги ишларга раҳбарлик қиладиган операторни тайинлаш тартиб-таомили назарда тутилади ҳамда унинг истеъфога чиқиши ва алмаштирилиши тартиби белгиланади;

7) қазиб олинган углеводородлар ҳажмларини ер қаъридан фойдаланувчилар ўртасида бўлиш ва тақсимлаш тартиби, шу жумладан солиқ солишга оид тегишли масалалар белгиланади;

8) тўловларни тўламаганликка, шартномани узайтиришга, ўтказишга, рад этишга ва бекор қилишга, шунингдек нефть-газ инфратузилмаси объектларини фойдаланишдан чиқаришга доир қоидалар ёзиб кўйилади.

Ушбу модданинг олтинчи қисмини инобатга олган ҳолда, углеводородлар конини биргаликда ўзлаштириш амалга оширилган тақдирда, Ер қаъридан фойдаланиш маркази ўзи мақсадга мувофиқ деб топган тегишли рухсатномаларни углеводородлар конини режалаштирилаётган биргаликда ўзлаштиришни инобатга олган ҳолда қайта расмийлаштиради.

Биргаликда ўзлаштириш тўғрисидаги шартнома тарафлари биргаликда ўзлаштириш тўғрисидаги шартнома Ер қаъридан фойдаланиш марказида маъқулланганидан кейин углеводородлар конини ўзлаштиришнинг янги лойиҳасини тузиши ва тасдиқлаш учун тақдим этиши шарт бўлиб, унда биргаликда ўзлаштириш зарурати ҳамда самарадорлиги, шунингдек уни амалга ошириш схемаси асослаб берилади.

Биргаликда ўзлаштириш тўғрисидаги шартномадаги ҳар қандай ўзгартириш Ер қаъридан фойдаланиш маркази билан олдиндан келишиб олишни талаб қиласи.

## **96-модда. Ер қаърининг чегараолди участкаларида углеводородларни қазиб олиш**

Ер қаъридан фойдаланувчи углеводородларни қазиб олиш бўйича ишларни амалга ошириш натижасида ер қаърининг чегараолди участкасида Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган ва чегарадош давлат ҳудудига қадар ястанган углеводородлар қатламларини (қатламлари мажмуини) топган тақдирда, у Ер қаъридан фойдаланиш марказини ва Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигини бу ҳақда зудлик билан ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилиши шарт.

Топилган углеводородлар қатламининг (қатламлари мажмуининг) бир қисми қайси давлатнинг ер қаърида жойлашган бўлса, ўша давлат билан Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномалари мавжуд бўлмаган тақдирда, Ер қаъридан фойдаланиш маркази бундай давлат билан келишувга эришилгунига қадар ер қаърининг чегараолди участкасида углеводородларни қазиб олишга доир ишларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази ер қаърининг чегараолди участкасида углеводородларни қазиб олиш бўйича ишларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилинган қундан эътиборан уч иш куни ичида бу ҳақда ер қаъридан фойдаланувчини ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади ҳамда ўттиз календарь куни ичида Ўзбекистон Республикаси ва қўшни давлат ўртасида ер қаърининг чегараолди участкасида жойлашган углеводородлар конини ўзлаштириш тартиби ва шартларини тартибга соладиган халқаро шартномани ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқади.

Ер қаърининг чегараолди участкасида углеводородларни қазиб олиш бўйича ишларни тўхтатиб туриш тўғрисида Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан қарор қабул қилинган тақдирда, углеводородларни қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати ишларни қайта тиклаш учун рухсатнома берилгунига қадар тўхтатиб турилган деб ҳисобланади.

### **97-модда. Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома доирасидаги ҳисобдорлик**

Углеводородларни қазиб олишга доир барча ишлар углеводородлар бўйича ҳисботларда хужжатлаштирилади.

Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигига қўйидаги ҳисботларни тақдим этади:

1) агар углеводородлар ер қаъри участкасидан чиқариб олинаётган бўлса:

а) тегишли кун тугаганидан кейин икки қундан кечиктирмай – ҳар бир кун учун углеводородларни қазиб олиш тўғрисидаги ҳар кунги ҳисботни;

б) углеводородларни амалда қазиб олиш бошланганидан кейин ҳар бир ой тугаганидан кейин ўн қундан кечиктирмай – қазиб олиш тўғрисидаги ҳар ойлик ҳисбот ўтган ойдаги қазиб олишга доир ишлар ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда;

2) ҳар бир чорак тугаганидан кейин ўттиз кун ичида:

а) углеводородлар конининг маҳсулдорлиги тўғрисидаги ҳар чораклик ҳисбот;

б) ўтган чоракдаги қазиб олинган углеводородларни реализация қилиш тўғрисидаги ҳисбот.

Ер қаъридан фойдаланувчи углеводородларни қазиб олиш ишлари бошланган ойдан эътиборан ҳар бир йил тугаганидан кейин ўттиз қундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига йиллик ҳисбот тақдим этади, унда қўйидагилар назарда тутилади:

1) ўтган йилда ер қаъри участкасида амалга оширилган углеводородларни қазиб олиш бўйича барча турдаги умумий ишларнинг тавсифи, ҳар бир қатlam ёки унинг қисми бўйича углеводородлар захираларининг, шунингдек ҳар бир топилган обьект бўйича уни ер қаъри участкасида ўзлаштириш учун углеводородлар ҳажмларининг дастлабки ҳисоб-китоби;

2) углеводородларни қазиб олиш ҳажмларига (қазиб олиш чоғидаги йўқотишлиарни қўшган ҳолда) доир маълумотлар, шу жумладан углеводородлар конини бошқариш ва уни ўзлаштириш самарадорлигини таъминлашга доир долзарб маълумотлар;

3) углеводородларни қазиб олиш, юклаб жўнатиш ва реализация қилиш учун харажатлар тўғрисидаги маълумотлар;

4) харид қилинган товарлар, ишлар ва хизматлар тўғрисидаги, шунингдек уларнинг таркибидаги маҳаллий товарлар, ишлар ва хизматлар улуши ҳақидаги, шу жумладан маҳаллий ишчи кучини ўқитиш ва илмий-тадқикот фаолияти учун харажатлар тўғрисидаги маълумотлар;

5) қонунчилик талабларига мувофиқ бошқа маълумотлар.

Углеводородларни қазиб олиш бўйича ер қаъридан фойдаланувчи қуидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигига маҳсус ҳисботларни ҳам тақдим этади:

1) углеводородларни қазиб олиш жараёнида фойдаланиладиган инфратузилма обьектининг қурилиши тугалланганда;

2) инфратузилма обьекти ўзгартирилганда ёки модификация қилинганда;

3) қудук ичидаги асбоб-ускуналар ўрнатилганда ёки ўзгартирилганда;

4) қатlam босимини, углеводородларнинг қатлами хусусиятларини ёки оқими хусусиятларини аниқлаш мақсадида фойдаланиладиган қудукнинг синовлари ўтказилганда;

5) фойдаланиладиган ёки чиқариб олиш қудуклари тугалланганда ва тутатилганда.

Агар углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи рекогносцировка қилиш ишларини ёки углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича ишларни амалга ошираётган бўлса, у тегишинча ушбу Қонуннинг 69 ва 80-моддаларида назарда тутилган ҳисботларни тақдим этади.

Ҳар бир бундай ҳисботнинг шакли ва мазмуни қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

## **98-модда. Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатнома доирасидаги якуний ҳисбот**

Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчилар рухсатноманинг амал қилиши тугаган кундан эътиборан уч ой ичидаги Ўзбекистон Республикаси Энергетика

вазирлигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига рухсатнома амал қилган бутун давр учун қонунчилик хужжатларида белгиланган шакл бўйича якуний ҳисобот тақдим этиши шарт.

Якуний ҳисобот углеводородлар бўйича йиллик ҳисоботлар тўпламини ўз ичига олади, шунингдек қўйидагиларни тавсифлайди:

1) қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича амалга оширилган ишларнинг натижаларини, шу жумладан қазиб олинган углеводородларнинг, ишлаб чиқарилган нефть маҳсулотларининг ҳамда табиий газни чукур қайта ишлаш маҳсулотларининг тоннадаги оғирлиги, ҳажмлари, таркиби, салмоғи ва қиймати ҳақидаги маълумотларни;

2) олиб чиқилган чиқиндиларнинг тоннадаги оғирлиги ва ҳажми ҳамда уларни утилизация қилиш усуллари ҳақидаги маълумотларни;

3) харажатлар, чиқимлар ва ишга жойлаштирилган ходимлар ҳақидаги батафсил маълумотларни;

4) режаларда ҳамда тегишли масштабдаги кесимларда акс эттирилган, ер қаъри участкасида жойлашган углеводородларнинг қолган захиралари ва ресурсларининг дастлабки ҳисобини;

5) меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси масалаларини, шунингдек рухсатнома доирасида амалга оширилаётган қазиб олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ экологик масалаларни, шу жумладан бирор-бир содир бўлган жиддий авариялар ва баҳтсиз ходисаларнинг тури ҳамда сонини;

6) фойдаланишдан чиқариш режасига ва ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш режасига мувофиқ ер участкасини тиклаш бўйича, ер участкасининг узил-кесил тикланишини таъминловчи амалга оширилган ҳамда режалаштирилаётган чора-тадбирларни;

7) углеводородларни қазиб олиш ишлари жараёнида ер қаъридан фойдаланувчи қилган умумий харажатларни.

## **99-модда. Углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчиларга бериладиган кафолатлар**

Янги конни ўзлаштиришда углеводородларни қазиб оловчи ер қаъридан фойдаланувчиларга ушбу модданинг иккинчи қисми ҳисобга олинган ҳолда қўйидагилар кафолатланади:

1) қазиб олинган углеводородларнинг бир қисмини тегишли давлат органлари ёки давлат корхоналари томонидан алоҳида келишувларга мувофиқ харид қилиш;

2) углеводородларни транспортда ташиш ва қайта ишлаш обьектларига ҳамда ер қаъри участкасида қазиб олинган углеводородларнинг барча ҳажмлари учун бошқа тегишли инфратузилмага кириш;

3) қазиб олинган табиий газнинг бир қисмини тарафларнинг манфаатдор эмаслиги принципига кўра халқаро бозор нархлари бўйича алоҳида келишувларга мувофиқ учинчى шахсларга экспорт қилиш ҳуқуки.

Форс-мажор ҳолатлари юзага келган тақдирда ушбу кафолатнинг тақдим этилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хужжатларига мувофиқ ҳар қандай содир бўлган ҳодиса тугагунига қадар тўхтатиб турилиши мумкин. Ушбу модда мақсадлари учун форс-мажор ҳолатлари деганда рухсатнома эгаси ва (ёки) бирор бир ваколатли давлат органлари назоратидан ташқарида бўлган ва кутилмаган ёки олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳар қандай фавқулодда ҳодиса тушунилади.

Бундай ҳодиса жумласига факат зилзилалар каби табиий оғатлар, эълон қилинган ёки эълон қилинмаган урушлар, хорижий давлатлар билан ҳарбий ҳаракатлар, босқинлар, оммавий тартибсизликлар, ўта совук об-ҳаво шароитлари ҳамда умумий иш ташлашлар сингари кенг кўламли фуқаролар тартибсизликлари кириши мумкин.

## **10-боб. Ер остида сақлаш**

### **100-модда. Ер остида сақлаш учун фойдаланиш мумкин бўлган ер қаъри макони**

Геотехник, геологик, иқтисодий ва экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш, илмий ёки бошқа фаолият объектларини жойлаштириш учун мухит сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ер қаърининг уч ўлчамли маконга оид хусусияти ер остида сақлаш учун фойдаланиш мумкин бўлган ер қаъри маконидир.

Табиий ёки сунъий равишда яратилган ер қаъри бўшликлари, шунингдек одамларнинг туриши, ишлаб чиқариш объектларини, илмий ва бошқа фаолият объектларини жойлаштириш учун мухит сифатида фойдаланишга яроқли бўлган бошқа ер қаъри участкалари ер қаъри макони объектлари бўлиши мумкин.

Ер қаъри макони участкаси доирасида жойлашган бошқа ер қаъри ресурслари, шу жумладан фойдали қазилмалар ушбу участканинг таркибий қисми деб тан олинмайди.

### **101-модда. Ер остида сақлаш учун ер қаъри маконининг худудлари**

Табиий геологик шароитлари фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш имконини берадиган ер қаъри макони аниқ мақсадга йўналтирилган геология-қидирув ишларининг натижалари бўйича, шунингдек мавжуд геологик материалларнинг таҳлилига кўра танланади.

Танланган ер қаъри макони участкасининг геологик материаллари қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилади.

Фойдали қазилмалар кони жойлашган кадастры квадратлари, шунингдек хўжалик ер ости ичимлик сувлари кадастры квадрати юзасининг ер участкасида жойлашган кадастры участкалари ер остида саклаш учун фойдаланишга берилиши мумкин эмас.

Ер қаъри макони участкасини фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш учун танлашнинг асосланганлиги тўғрисидаги қарор Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан қабул қилинади.

Ер остида саклаш учун фойдаланилиши мумкин бўлган кадастры квадратлари давлат ер қаъри фонди кадастрида ҳисобга олиниши керак. Бундай кадастры квадратлари ҳам, агар бошқача қоида кўрсатилмаган ва рухсат этилмаган бўлса, очиқ бўлиши керак.

## **102-модда. Сақлаш учун ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома**

Ушбу Қонуннинг 101-моддасига мувофиқ ажратилган айрим ер қаъри участкалари ушбу Қонунда белгиланган тартибда сақлаш учун геологик жиҳатдан ўрганишга берилиши мумкин.

Сақлаш учун геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома ваколатли шахсларга «биринчи келган биринчи олади» принципига кўра қирқта очиқ чегарадош кадастры квадратлари учун берилади.

Сақлаш учун ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома олиш учун ваколатли шахс Ер қаъридан фойдаланиш марказига ариза беради, унда қўйидаги ахборот кўрсатилади:

1) аризачининг давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ тўлиқ номи;

2) аризачи ваколатли шахс эканлигини тасдиқловчи хужжат;

3) сўралаётган очиқ кадастры квадратлари тўғрисидаги батафсил ахборот, шу жумладан улар жойлашган ер ва координаталар кўрсатилган ҳолдаги тегишли масштабдаги харита;

4) тегишли ер қаъри участкасини ўрганиш зарурлигининг асослари мавжуд бўлган геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳаси;

5) зарур бўлган экологик экспертиза ўтказилгунига ва давлат экологик экспертизасининг ҳамда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ижобий хulosаси олингунига қадар бирор-бир фаолиятни бошламаслик мажбурияти кўрсатилган хат.

Сақлаш учун ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома беришга оид аризани кўриб чиқсанлик учун йиғим қонунчилик хужжатларида белгиланади. Йиғим суммаси қайтарилмайди.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази, агар аризачи ушбу моддада назарда тутилган талабларни бажармаган бўлса, шунингдек агар унинг геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасида ер қаъри маконини ўрганиш ва ундан фойдаланиш зарурлиги кўрсатилмаган бўлса, сақлаш учун ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома беришни рад этишга ҳақли.

Ер қаъридан фойдаланиш марказининг сақлаш учун ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома беришни рад этиши асослантирилган бўлиши ва ушбу Конун ҳамда қонунчилик хужжатлари қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

Сақлаш учун ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома давлат ер қаъри фонди кадастрида ҳисобга олиниши лозим.

### **103-модда. Ер остида сақлаш учун ер қаъри маконидан фойдаланишга доир рухсатнома**

Ер остида сақлаш учун ер қаъри маконидан фойдаланишга доир рухсатнома фойдали қазилмалар конлари мавжуд бўлмаган ёки фойдали қазилмаларнинг, шу жумладан норуда фойдали қазилмаларнинг кам аҳамиятли ресурслари мавжуд бўлган ер қаъри участкасидан фойдаланиш учун берилади.

Ер остида сақлаш учун ер қаъри маконидан фойдаланишга доир рухсатнома фақат юридик шахсларга «биринчи келган биринчи олади» принципига кўра берилади. Устуворлик тегишли кадастр квадратларида сақлаш учун ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчига берилади.

Манфаатдор шахс ер остида сақлашга доир рухсатномани олиш учун Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига, углеводородларни сақлашни ёки бошқа ер остида сақлашнинг турларини амалга оширишни режалаштираётган шахс эса Ер қаъридан фойдаланиш марказига ариза беради.

Аризада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

1) аризачининг давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ тўлиқ номи;

2) аризачи ваколатли юридик шахс эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;

3) сақлаш учун ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномада кўрсатилган очиқ кадастр квадратлари ёки аризачи томонидан сўралаётган очиқ кадастр квадратлари бўйича батафсил ахборот, шу жумладан уларнинг жойлашган ери ва координаталари кўрсатилган тегишли масштабдаги харита;

4) ер ости иншооти обьектининг тавсифини, унинг изоляцияси тавсифини, тоғ жинсларининг турини, коллектор қатламининг жойлашиш чуқурлигини ва самарали қувватини, унинг майдонини, ғоваклилик коэффициентини, тўшалган ва сувга бардошли тўсувчи қатламнинг

тавсифини, ер ости сувларининг табиий оқими тезлигини, сифат ва миқдор кўрсаткичларини, кўмиб ташлаш, тўплаш ва оқизиб юборишнинг кончилик техник, маҳсус муҳандислик-геологик, гидрогеологик ва экологик шартшароитларини ўз ичига олган геологик ҳисобот;

5) заарли, заҳарли моддалар, қаттиқ ва суюқ ҳолдаги чиқиндиларнинг, оқова ва саноат сувларининг маҳсулот номи кўрсатилган тавсифлари, ушбу маҳсулот ҳосил бўладиган техник ишлаб чиқариш ёки жараён, унинг физикавий тавсифи, тўлиқ кимёвий таркиби, заҳарли компонентлар, ёнғин хавфи, портлаш хавфи мавжудлиги, эрувчанлиги, сақлаш чоғида бошқа моддалар билан бир-бирига мослиги, асосий ифлослантирувчи радионуклиidlар, уларнинг фаоллиги, шунингдек транспортда ташиш тизимининг хусусиятлари;

6) Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясининг сўралаётган ер қаъри участкасидан кўрсатилган мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун уни танлашнинг асосли эканлиги тўғрисидаги қарори;

7) давлат экология ва санитария-эпидемиологик экспертизалидан ўтган ер остида сақлаш лойиҳаси;

8) ер остида сақлаш лойиҳасига мувофиқ аризачининг молиявий, касбий ва техник қобилияти ҳамда имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар;

9) ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш режаси;

10) аризани кўриб чиққанлик учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Аризани кўриб чиқиши ва ер қаъридан фойдаланишга доир рухсатномани бериш жараёни йигирма кунлик муддатдан ошмаслиги керак.

Ер остида сақлашга доир рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиққанлик учун йиғим қонунчилик ҳужжатларда белгиланади. Йиғим суммаси қайтарилмайди.

Аризани кўриб чиқиши чоғида Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Ер қаъридан фойдаланиш маркази қўлланиладиган ҳолга қараб, аризачининг ер остида сақлаш бўйича таклиф этилаётган фаолиятни амалга ошириш учун молиявий, касбий ва техник имкониятлари ҳамда қобилиятини, шунингдек ер остида сақлашнинг тўлиқлиги, бажарилиши мумкинлиги ва ушбу моддага мувофиқлиги нуқтаи назаридан техник ва фойдаланишга оид жиҳатларини кўриб чиқади.

Ушбу модда тўртингчи қисмининг 7-бандига мувофиқ тақдим этилган ер остида сақлаш лойиҳасида камчиликлар аниқланган ҳолларда Ер қаъридан фойдаланиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси тегишли

холларда аризачидан камчиликларни оқилона муддатда бартараф этишни талаб қилиши мумкин.

Бундай сўров олинганидан кейин аризачи ўз аризасини чақириб олишга, унга ўзгартиришлар киритишга ёки ўзгартиришлар киритишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида ёзма тушунтириш тақдим этишга ҳақли. Агар аризачи ўз аризасига ўзгартиришлар киритса ёки унга ўзгартиришлар киритишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида ёзма тушунтириш тақдим этса, давлат органи бундай жавобни кўриб чиқади ва йигирма кун ичida ўз жавобини беради.

Аризачи ўз нуқтаи назарини баён этиш учун эшитув ўтказилишини сўрашга ҳақли, давлат органи эса асослаш бўйича саволларга жавоб олиш учун аризачининг шахсан ҳозир бўлишини талаб қилиш ҳукуқига эга. Бу ҳолда Ер қаъридан фойдаланиш маркази аризачининг важларини кўриб чиқиши учун ўн беш иш куни ичida аризачи ва тегишли давлат органи иштирокида эшитув ўтказади. Давлат органи ўша пайтда маълум бўлиши мумкин бўлган ва ушбу моддада тавсифланган жараён доирасида уни дастлабки кўриб чиқишида киритилмаган янги масалаларни кўтариш ҳукуқига эга эмас. Ушбу қисмда баён этилган жараён Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ёки Ер қаъридан фойдаланиш маркази, қўлланиладиган ҳолга қараб, рухсатномани тасдиқлашга тайёр бўлгунига ёки аризачи ўз талабномасини узил-кесил чақириб олгунига қадар бир неча марта қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ёки Ер қаъридан фойдаланиш маркази, агар ариза ёки унга илова қилинган хужжатлар ушбу моддада назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, ер остида сақлашга доир рухсатнома беришни рад этишга ҳақли.

Ер остида сақлашга доир рухсатнома бериш чоғида давлат ер қаъри фонди кадастрига тегишли ҳисобга олиш ёзуви киритилади.

#### **104-модда. Ер остида сақлашга доир рухсатномаларнинг амал қилиш муддати**

Сақлаш учун геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома икки йилдан ошмайдиган муддатга берилади. Сақлаш учун геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати ушбу Қонуннинг 110-моддасида баён этилган тартиб-таомилга мувофиқ бир марта икки йилга узайтирилиши мумкин.

Ер остида сақлашга доир рухсатнома йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади.

Ер остида сақлашга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати ушбу Қонуннинг 110-моддасида назарда тутилган тартиб-таомилга мувофиқ, рухсатноманинг дастлабки амал қилиш муддатидан ошмайдиган даврга

бир неча марта узайтирилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан ер остида сақлашга доир рухсатнома берилган тақдирда, ушбу вазирлик ушбу Қонуннинг 11-бобига мувоғиқ Ер қаъридан фойдаланиш маркази вазифасини бажаради.

### **105-модда. Ер остида сақлаш лойиҳаси**

Ер остида сақлаш лойиҳаси ер қаъри маконидан фойдаланиш шартлари ва параметрларини белгилайди.

Ер остида сақлаш лойиҳасини тузишга доир йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқланади.

Ер остида сақлаш лойиҳаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) ер қаъри маконидан фойдаланиш мақсади;
- 2) сўралаётган ер қаъри участкасидан фойдаланиш муддати;
- 3) обьектнинг тавсифи;
- 4) сақланиши лозим бўлган маҳсулотларнинг, шу жумладан эҳтимолдаги бирор-бир хавфли ёки заҳарли моддалар, қаттиқ ёки суюқ ҳолдаги чиқиндилар ва техник сувларнинг тавсифи – маҳсулотнинг, технологиянинг ёки маҳсулот ҳосил бўладиган жараённинг номи, унинг физикавий тавсифлари, тўлиқ кимёвий таркиби ва бирор-бир заҳарли компонентлар мавжудлиги, эрувчанлиги, сақлаш чоғида бошқа моддалар билан мос келиши, асосий ва бирор-бир ифлослантирувчи радионуклидлар ҳамда уларнинг фаоллиги кўрсатилган ҳолда;

- 5) таклиф этилаётган ер қаъридан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан сақлашнинг геотехник шароитлари, босим, ёнғин хавфи, портлаш хавфи, ер ости сувларининг ифлосланганлиги, чўкиш ҳамда транспортда ташиш тизимининг тавсифи.

Ер остида сақлаш лойиҳасининг шакли ва уни тузиш учун маҳсус шартлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

Ер остида сақлаш лойиҳасидаги ҳар қандай ўзгартиришлар давлат экологик ва санитария-эпидемиологик экспертизаларидан ўтказилиши лозим.

### **106-модда. Ер остида сақлашга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчиларнинг хукуқ ва мажбуриятлари**

Ер остида сақлаш учун геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномасиз ёки ер остида сақлашга доир рухсатномасиз ер остида сақлаш учун ер қаъри маконидан фойдаланиш тақиқланади.

Ер остида сақлаш учун геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи зарур экологик экспертизани ўтказганидан ва давлат экологик экспертизасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ижобий хulosасини олганидан кейин ушбу Қонуннинг 102-моддасига мувофиқ тақдим этилган геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасида назарда тутилган фаолиятни амалга оширишга ҳақли.

Ер остида сақлашга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи қуидагиларни таъминлаши шарт:

- 1) қўлланиладиган техник воситаларнинг мақбуллиги ва хавфсизлигини;
- 2) ер қаъри хавфли техноген жараёнларнинг кўринишларидан муҳофаза қилинишини;

3) қаттиқ, суюқ ҳолдаги ва радиоактив чиқиндиларни, заарли заҳарли моддаларни сақлаш ёки кўмиб ташлашда, оқова сувларни, саноат сувларини ва техник сувларни оқизиб юбориша (насос билан ҳайдаша) ишончли ҳисобга олишни;

4) геологик ахборотнинг, шу жумладан лаборатория тадқиқотлари ҳамда таҳлилларининг тўғрилигини ва бут сақланишини.

Сақлаш бўйича ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатишга доир ўз режасини тузиш, янгилаш ва унга амал қилиш юзасидан ушбу Қонуннинг 15-боби талабларига риоя этиши шарт.

Ер остида сақлашга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъри участкасидан қуидаги ишларни амалга ошириш учун фойдаланиш ҳукуқига эга:

1) нефть ва газ, газ ва нефть маҳсулотларининг ер ости омборларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш;

2) қаттиқ, суюқ ҳолдаги ва радиоактив чиқиндиларни, заарли заҳарли моддаларни сақлаш ёки кўмиб ташлаш, ер қаърига оқова сувларни, кончилик фаолияти чиқиндиларини, саноат аҳамиятидаги сувларни ва техник сувларни оқизиб юбориш (насос билан ҳайдаш) учун ер ости иншоотларини жойлаштириш ва (ёки) улардан фойдаланиш;

3) ер ости сувларининг захираларини сунъий равишда тўлдириш учун ер қаърига сувни насос билан ҳайдаб киритиш, шу жумладан шу мақсадлар учун мўлжалланган ер ости иншоотларини куриш ва (ёки) улардан фойдаланиш.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ишларнинг турлари ер остида сақлашнинг тасдиқланган режасига мувофиқ амалга оширилиши керак.

## **107-модда. Ер остида сақлаш бўйича ҳисобдорлик**

Ер остида сақлаш бўйича ишларнинг бутун жараёни ер остида сақлаш режасида батафсил тавсифланган ҳолда ҳужжатлаштирилади.

Ер қаъри маконидан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига ёки Ер қаъридан фойдаланиш марказига ер остида сақлаш лойиҳаси талабларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳамда ер қаъри маконида жойлаштирилган объектнинг ҳолати ва унда кузатилаётган ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисботлар тақдим этилади.

Бундай ҳисботларнинг шакли ва мазмуни қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

### **11-боб. Ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларига доир руҳсатномалар бўйича асосий қоидалар**

#### **108-модда. Бир худудда турли ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ер қаъридан фойдаланиш**

Ер қаърининг турли фойдаланувчилари, агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, айни бир кадастр квадратлари (бундан буён матнда бирлаштирилган худуд деб юритилади) доирасида ер қаъридан фойдаланиш ишларини амалга оширишга ҳақли эмас.

Ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқига доир руҳсатнома айни бир кадастр квадратларига ер қаъридан фойдаланишнинг бошқа турига доир ўзга руҳсатнома сифатида берилиши мумкин бўлиб, бунда иккинчи руҳсатнома доирасида амалга ошириладиган фаолият мавжуд руҳсатнома доирасида амалга ошириладиган фаолиятга таъсир кўрсатмайдиган чуқурликда амалга оширилиши шарт. Ҳар қандай ҳолда, бирор-бир ер ости иншоотларидан (қудуқлар, шурфлардан) ва уларнинг коммуникация йўлакларидан беш юз метр радиусда жойлашган участкаларда ер қаъридан фойдаланишга доир мавжуд руҳсатномада назарда тутилган кадастр квадратларига оид бошқа руҳсатнома бериш тақиқланади.

Бошқа руҳсатномада кўрсатилган айни бир кадастр участкаларига ер қаъридан фойдаланишга доир руҳсатнома, агар иккинчи руҳсатнома бўйича амалга оширилаётган фаолият фақат бундай руҳсатнома бўйича фаолият мавжуд руҳсатномага таъсир қилмайдиган чуқурликда амалга оширилса, берилиши мумкин. Ер ости иншоотларидан (қудуқлар, шурфлардан) ва уларнинг коммуникация йўлакларидан беш юз метр радиусда жойлашган участкаларда ҳар қандай ҳолларда, илгари амалда бўлган руҳсатномада ҳам назарда тутилган айни ўша кадастр майдонларини қамраб оловчи бошқа руҳсатнома бериш тақиқланади.

Бундай ҳолларда аризачи илгари берилган руҳсатнома амал қилаётган кадастр участкаларига доир руҳсатнома олиш учун Ер қаъридан фойдаланиш марказига ва фаолият кўрсатаётган ер қаъридан фойдаланувчига амалдаги руҳсатномада назарда тутилган кадастр участкасига бундай янги руҳсатномани бериш мавжуд ер қаъридан

фойдаланувчининг фаолиятига монелик қилмаслигининг оқилона таъминотини бериши керак.

Бирлаштирилган ҳудудда ер қаъридан фойдаланувчилар учун фаолиятни амалга ошириш тартиби улар ўртасида тузилган келишувда белгиланади. Келишувда бирлаштирилган ҳудудда ер қаъридан фойдаланиш бўйича барча ёки айrim турлардаги ишларни олиб бориш шартлари ва тартиби белгиланади.

Келишув оддий қоғозда тузилади ҳамда ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан Ер қаъридан фойдаланиш марказига ва тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига келишув тузилган кундан эътиборан беш иш куни ичидан тақдим этилади.

Келишувда ер қаъридан фойдаланувчиларнинг бири томонидан сарфланган харажатларнинг оқилона ва мутаносиб компенсация қилиниши назарда тутилиши мумкин.

Агар ушбу Конунда бошқача коида назарда тутилмаган бўлса, бирлаштирилган ҳудуддаги фаолият тартиби тўғрисида ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан келишувга эришилмаган тақдирда, бундай ҳудудда ишларни олиб бориша устуворлик илгари берилган рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчига берилади.

### **109-модда. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқига доир рухсатномани қайта расмийлаштириш**

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқига доир рухсатнома куйидаги ҳолларда қайта расмийлаштирилиши мумкин:

1) ер қаъридан фойдаланувчининг номи ўзгарганда ёки у қайта ташкил этилганда;

2) рухсатномада кўрсатилган фойдали қазилмалар ўзгарганда;

3) рухсатноманинг амал қилиш муддати узайтирилганда;

4) рухсатномада кўрсатилган кадастр квадратлари ўзгарганда;

5) ер қаъридан фойдаланувчи рухсатномада назарда тутилган хуқуқларидан бошқа ваколатли шахс фойдасига воз кечганда, шу жумладан гаров ёки бошқа таъминот тарзида бериш йўли билан воз кечганда.

Рухсатнома зарур тасдиқловчи хужжатлар билан бирга ариза келиб тушган кундан эътиборан йигирма иш кунидан ошмайдиган муддатда Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан қайта расмийлаштирилади.

Рухсатномани қайта расмийлаштирганлик учун Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан рухсатнома олишга доир аризани кўриб чиққанлик учун тўланган сумманинг эллик фоизи микдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси қайтарилмайди.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқига доир рухсатнома қайта расмийлаштирилганда давлат ер фонди кадастрининг рухсатномалар кадастрига тегишли ёзув киритилади.

## **110-модда. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқига доир рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш**

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқига доир рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза Ер қаъридан фойдаланиш марказига рухсатноманинг амал қилиш муддати тугагунига қадар охирги йил ичидаги берилади.

Рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризада ер қаъридан фойдаланувчи ваколатли шахс эканлигини тасдиқловчи хужжатни тақдим этиши керак. Аризанинг шакли Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан белгиланади.

Геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризада рухсатномада кўрсатилган кадастр квадратларини эллик фоизга камайтиришга доир ахборот, шу жумладан рухсатномага киритилган, ер қаъридан фойдаланувчи воз кечаётган кадастр квадратлари, шунингдек унинг фойдаланишида қоладиган кадастр квадратлари аниқ белгилаб қўйилган йирик масштабли харита назарда тутилган бўлиши керак.

Фойдали қазилмаларни ёки углеводородларни қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилиши зарур:

1) лойиха асосий параметрларининг жорий долзарблигини тасдиқловчи далиллар;

2) тегишли ва тасдиқланган ишлар режасида назарда тутилган ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолият амалга оширилганлигини ёки амалга оширилишини тасдиқловчи далиллар;

3) қуйидагиларни тасдиқловчи далиллар;

а) кончилик фаолияти амалга оширилган тақдирда, бундай фаолият рухсатнома амал қилган охирги ўн йилдан камида икки йили мобайнида амалга оширилганлигининг далили;

б) углеводородлар қазиб олинган тақдирда, бундай фаолият рухсатнома амал қилган охирги ўн йилдан камида саккиз йил мобайнида амалга оширилганлигининг далили;

4) конни ўзлаштиришнинг янгиланган лойиҳаси (зарур бўлса), шунингдек ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатишнинг янгиланган дастлабки режаси ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш режаси;

5) аризачи сарфлашни режалаштираётган, тахмин қилинаётган энг кам харажатлар суммаси.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази рухсатноманинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги ёки узайтириш рад этилганлиги тўғрисида ер қаъридан фойдаланувчини рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш хақидаги ариза олинган кундан эътиборан ўн беш иш куни ичидаги хабардор қиласи.

Агар ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларига доир рухсатномани узайтириш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш даврида рухсатноманинг амал қилиш муддати тугаса, рухсатнома бундай кўриб чиқиш муддати мобайнида амал қилишда давом этади. Рухсатномани узайтириш муддатини ҳисоблаш рухсатнома амал қилишининг охирги кунидан кейинги кундан эътиборан бошланади.

Ер қаъридан фойдаланишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ер қаъридан фойдаланувчига ушбу Қонуннинг 109-моддасига мувофиқ янги рухсатномани расмийлаштириш ва бериш орқали амалга оширилади.

Ер қаъридан фойдаланишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтиришни рад этиш асослантирилган бўлиши керак. Ушбу модда қоидаларида назарда тутилмаган шартларга асосан рад этиш тақиқланади.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш қўйидаги ҳолларда рад этилади, агар:

1) рухсатноманинг амал қилишини узайтиришнинг сўралган муддати тегишинча Қонун 42, 54, 65, 73 ёки 86-моддаларининг талабларига мувофиқ бўлмаса;

2) рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризани беришнинг ушбу моддада назарда тутилган муддати бузилган бўлса;

3) ушбу моддада белгиланган талаблар бажарилмаётган бўлса;

4) ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига доир рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза берилгунига қадар ер қаъридан фойдаланувчи томонидан бартараф этилмаган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларининг жиддий бузилишлари мавжуд бўлса.

Агар ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига доир рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтиришга оид ариза рад этилса, рухсатноманинг дастлабки амал қилиш муддати унинг амал қилиши тугагунига қадар ўз кучида қолади.

### **111-модда. Ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларига доир рухсатномада назарда тутилган ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечиши**

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга доир ва фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган шахс рухсатномада назарда тутилган ўз ҳуқуқларини бошқа шахсга беришга, агар бу шахс рухсатномада назарда тутилган шартларни бажариш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олса, шу жумладан гаров ёки бошқа таъминот сифатида тақдим этишга ҳақли.

Ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларига доир бўлган, аукцион якунларига кўра олинган рухсатномада назарда тутилган хуқукларни бундай рухсатнома берилган санадан эътиборан икки йил ичida ўзга шахсга ўтказиш тақиқланади.

Ер қаъридан фойдаланувчи рухсатномада назарда тутилган (тўлиқ ёки қисман) хуқуклардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш мўлжалланган ёки ер қаъридан фойдаланувчининг назорати ёки унинг бенефициар эгаси ўзгарган ёхуд ер қаъридан фойдаланувчи ўзининг рухсатномада назарда тутилган хуқукларини гаров ёки бошқа таъминот сифатида бериш ниятида бўлган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчи Ер қаъридан фойдаланиш марказига ўзи мўлжаллаётган хуқукларидан бошқа шахс фойдасига воз кечгунига ёки назорат ёки унинг бенефициар эгаси ўзгаргунига ёхуд хуқукларни гаров ёки бошқа таъминот сифатида бергунига қадар камида ўттиз кун олдин хуқуклардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ўзига нисбатан амалга оширилаётган шахс ёки назоратни ўз зиммасига олаётган шахс ёки унинг бенефициар эгаси ёхуд гаров ёки бошқа таъминот берилаетган шахс тўғрисидаги маълумотларни рухсатнома беришга доир аризага оид талабларга мувофиқ тақдим этиши керак.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази маълумотлар олинган санадан эътиборан йигирма иш куни ичida янги ер қаъридан фойдаланувчи маъқулланганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида ер қаъридан фойдаланувчини хабардор қиласди.

Агар Ер қаъридан фойдаланиш маркази хуқуқни қўлга киритувчи, янги назорат қилувчи шахс ёки унинг бенефициар эгаси, гаров эгаси ёки бошқа таъминот эгаси ушбу Қонуннинг бирор-бир қоидасига асосан бундай рухсатномага эга бўлиш хукуқидан маҳрум этилмаган бўлса ва рухсатнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун зарур молиявий ҳамда техник имкониятларга эга бўлса, хуқуклардан воз кечиш, назоратнинг ёки унинг бенефициар эгасининг ўзгариши, гаров ёки бошқа таъминот сифатида бериш қабул қилинади ҳамда рухсатнома ушбу Қонуннинг 109-моддасида белгиланган тартибда, Ер қаъридан фойдаланиш маркази хукуклардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, назорат ёки унинг бенефициар эгаси ўзгариши ёки гаров ёхуд бошқа таъминот сифатида бериш тугалланганлиги хақида хабардор қилинган санадан эътиборан беш иш куни ичida қайта расмийлаштирилади.

Гаров ёки бошқа таъминот берилган тақдирда қайта расмийлаштирилган рухсатномада тасдиқланган гаровга оловчининг ёки бошқа таъминот оловчининг номи кўрсатилади. Гаров ёки бошқа таъминот рухсатномада назарда тутилган ўз мажбуриятларини бажариш учун зарур техник имкониятлари бўлмаган банкка ёки ўзга кредиторга берилган ҳолларда Ер қаъридан фойдаланиш маркази банк ёки ўзга кредитор обрўли муассаса эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Ер қаъридан фойдаланувчининг хуқукларини ўз зиммасига олиш банк ёки ўзга

кредитор томонидан факат у рухсатномада назарда тутилган мажбуриятларни бажариш учун зарур молиявий ва техник имкониятларга эга бўлган тақдирда, бевосита амалга оширилиши мумкин.

Банк ёки бошқа кредитор томонидан унинг номидан ер қаъридан фойдаланувчи хукуқларини қабул қилиш (ўзининг аралашувга бўлган хукуқини амалга ошириш) учун шахсни тайинлаш таклиф қилинган тақдирда, бундай шахс ушбу модданинг бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган тартибда маъқулланилиши лозим. Ушбу моддага мувофиқ тасдиқланган гаров ёки бошқа таъминот хукуклари гаровга оловчи ёки таъминот оловчи томонидан амалга оширилган тақдирда, рухсатнома тасдиқланган гаровга оловчининг ёки ўзга таъминот оловчисининг номига қайта расмийлаштирилади.

Ер қаъридан фойдаланиш марказининг хукуқдан ўзганинг фойдасига воз кечишни, назоратни ёки унинг бенефициар эгасини ўзгартиришни, гаровни ёки бошқа таъминотни қабул қилишни рад этиши асослантирилган бўлиши ҳамда ушбу Қонун ва қонунчилик хужжатлари қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

Ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларига доир рухсатномани қайта расмийлаштиришда янги ер қаъридан фойдаланувчи рухсатнома билан боғлиқ барча хукуқ ва мажбуриятларни, шу жумладан геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатномаларга оид барча хукуқ ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади, фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатнома олишда мутлақ хукуққа эга бўлади, аввалги ер қаъридан фойдаланувчининг хукуқ ва мажбуриятлари эса тугатилади.

### **112-модда. Ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларига доир рухсатномадан ёки унинг бир қисмидан воз кечиши**

Ер қаъридан фойдаланувчи ушбу Қонуннинг қоидаларини инобатга олган ҳолда, ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларига доир рухсатноманинг амал қилиш муддати тугагунига қадар исталган вақтда Ер қаъридан фойдаланиш марказига хабарнома юбориш орқали бутун рухсатномадан воз кечишга ҳақли.

Ер қаъридан фойдаланувчи Ер қаъридан фойдаланиш марказидан ер қаърининг қолган кадастр квадратлари чегарадош бўлиб қолиши ва томонларидан лоақал бири бутун узунлиги бўйича умумий боғланиш нуқтасига эга бўладиган тарзда бирор-бир кадастр квадратларини рухсатномадан чиқариб ташлашни ҳам сўраши мумкин.

Ер қаъридан фойдаланувчининг ер қаъри участкасининг бир қисмидан воз кечиш тўғрисидаги аризасига қўйидагилар илова қилинади:

1) ер қаъридан фойдаланувчи воз кечётган кадастр квадратлари ва ўзида олиб қоладиган кадастр квадратлари тўғрисидаги маълумотлар,

агар шундай маълумотлар мавжуд бўлса, шу жумладан рухсатномага киритилган, ер қаъридан фойдаланувчи воз кечётган, шунингдек унинг ўзида қоладиган ер қаъри участкасининг худуди аниқ қўрсатилган етарлича йирик масштабли геологик харита;

2) ер қаъридан фойдаланувчининг сўровига кўра воз кечиш кучга кирадиган сана;

3) ер қаъридан фойдаланувчи воз кечётган тегишли кадастр квадратларидағи қазиб олиш оқибатларини тугатиш тўғрисидаги далолатнома.

Ер қаъри участкасининг бир қисмидан воз кечиш ер қаъри участкасининг чегаралари ўзгариши муносабати билан рухсатнома ушбу Қонуннинг 109-моддасида белгиланган тартибда қайта расмийлаштирилишига сабаб бўлади.

Ер қаъридан фойдаланиш марказининг ер қаъридан фойдаланувчи воз кечётган кадастр квадратларини қабул қилишни рад этиши асослантирилган ҳамда ушбу Қонун ва қонунчилик хужжатлари қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

### **113-модда. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқига доир рухсатноманинг чекланиши ёки тўхтатиб турилиши**

Ер қаъридан фойдаланувчи рухсатнома доирасида коллекция материалларининг намуналарини тўплаш бўйича фаолиятдан ташқари ер қаъридан фойдаланишга доир ишларни вактинча тўхтатиб туришга ҳақли. Тўхтатиб туриш даври рухсатноманинг умумий амал қилиш муддатига киритилади. Ишларнинг тўхтатиб турилиши ер қаъридан фойдаланиш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланмайди, бундан кончилик соҳасидаги ишлаб чиқаришларни ёки нефть-газ операцияларини вактинчалик консервация қилиш мустасно.

Ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуки ушбу Қонуннинг 14 ва 15-моддаларида назарда тутилган ваколатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси ёки Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг инспекторлари томонидан рухсатнома доирасида куйидаги ҳолларда чекланиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин:

1) ер қаъридан фойдаланиш натижасидаги ишлар таъсир этадиган зонада аҳолининг ҳаётига ёки соғлиғига ёхуд атроф-муҳитга таҳдид юзага келганда;

2) ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолият билан бевосита боғлиқ ишлар лойиҳаси ёки ушбу Қонун қоидалари ҳакида ер қаъридан фойдаланувчи хабардор қилинганидан кейин ушбу лойиҳа ёки қоидалар

фойдаланувчи томонидан жиддий равишда бузилганда ва уларни муайян вақт ичидаги бартараф этиш ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни кейинчалик давом эттириш имкониятини берганда;

3) ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф этиш учун захира етарли бўлмай қолганда ва захира ушбу Қонуннинг 151-моддасига мувофиқ алмаштирилмагандан.

Ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларига доир рухсатнома чекланиши ёхуд тўхтатиб турилиши мумкин.

Ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларига доир рухсатномалар ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган давлат органларининг тақдимномаларига асосан кўпи билан ўн кун муддатга чекланади ёки тўхтатиб турилади.

Бузилишларни бартараф этиш бўйича ишларнинг тугалланиши билан боғлиқ бўлган алоҳида ҳолларда ер қаъридан фойдаланиш хукуқини тўхтатиб туриш ўттиз кундан ошмаган муддатга, ушбу модда иккинчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган ҳолларда эса олтмиш кундан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

#### **114-модда. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқига доир рухсатноманинг амал қилишини тугатиш**

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқига доир рухсатноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- 1) рухсатноманинг амал қилиш муддати тугагандан;
- 2) ер қаъридан фойдаланувчи ушбу Қонуннинг 112-моддасига мувофиқ рухсатномадан воз кечганда;
- 3) рухсатнома ушбу Қонуннинг 115-моддасига мувофиқ бекор қилинганда;
- 4) жисмоний шахс вафот этганда ёки ўзига рухсатнома берилган юридик шахс ушбу модданинг тўртинчи қисми инобатга олинган ҳолда тугатилганда.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқига доир рухсатнома амал қилишининг тугатилиши ер қаъридан фойдаланувчининг бажарилмаган мажбуриятлари тугатилишига, шу жумладан ушбу Қонунда белгиланган тартиб-таомилга мувофиқ ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича бажарилмаган мажбуриятлари тугатилишига ёхуд рухсатноманинг амал қилиши муддати мобайнидаги бирор-бир ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик учун жавобгарлик тугатилишига сабаб бўлмайди.

Рухсатнома амал қилишининг тугатилиши ер қаъридан фойдаланувчига нисбатан рухсатноманинг амал қилиш муддати тугагунига қадар юзага келган жавобгарлик масалалари юзасидан ёки ер қаъридан фойдаланувчига нисбатан рухсатнома бекор қилинган пайтга қадар бошланган ёки давом этаётган суд муҳокамасига таъсир этмайди.

Юридик шахс бўлган ер қаъридан фойдаланувчининг тугатилишига факат Ер қаъридан фойдаланиш марказига ёки Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига ер қаъридан фойдаланиш оқибатлари тугатилганлигига доир далолатнома тақдим этилганидан кейин йўл қўйилади.

Ер қаъридан фойдаланувчи фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномадан воз кечганда ер қаърида қолган фойдали қазилмалар захиралари ва техноген минерал ҳосилалар ер қаъридан фойдаланувчи, Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ҳамда Ер қаъридан фойдаланиш марказининг вакиллари томонидан имзоланадиган тегишли далолатномани расмийлаштириш орқали давлат балансига қайтарилади.

Ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларига доир рухсатноманинг амал қилиши тугатилганда ер қаъри давлат фонди кадастрининг рухсатномалар реестрига тегишли ёзув киритилади.

### **115-модда. Ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларига доир рухсатномани бекор қилиш**

Ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларига доир рухсатнома куйидаги ҳолларда бекор қилинади:

1) аукцион натижаларига кўра ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатига асосан берилган рухсатномага биноан геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳаси ва конни ўзлаштириш лойиҳаси белгиланган муддатларда тақдим этилмагандан;

2) ер қаъридан фойдаланувчи ушбу Конунда назарда тутилган хисоботларни кетма-кет икки йил тақдим этмагандан;

3) ер қаъридан фойдаланувчи геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома учун ушбу Конуннинг 161-моддасида кўрсатилган мунтазам йиллик тўловни камида икки йил мобайнида тўламагандан;

4) ер қаъридан фойдаланувчи ҳар йилги энг кам харажатлар бўйича мажбуриятларни кетма-кет икки йил мобайнида бажармагандан;

5) ер қаъридан фойдаланувчи ўзининг геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасини, конни ўзлаштириш лойиҳасини, ишлар режасини ёки ер остида сақлаш лойиҳасини ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги тегишли фаолият билан бевосита боғлиқ ҳолда жиддий равишда бузганда, уларни бартараф этиш мумкин бўлмаса ёки бартараф этиш мумкин бўлса-ю, бу ҳақда хабардор қилинган пайтдан эътиборан тўқсон кун ичida бартараф этилмаган бўлса;

6) ер қаъридан фойдаланувчи ўз экологик мажбуриятларини жиддий равишда бузганда, уларни бартараф этиш мумкин бўлмаса ёки бартараф этиш мумкин бўлса-ю, уларни бартараф этиш ҳақида хабардор қилинган пайтдан эътиборан тўқсон кун ичida улар бартараф этилмаган бўлса;

7) ушбу Қонуннинг 151 ва 153-моддаларида назарда тутилган ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатишни молиялаштириш бўйича мажбуриятларни бажариш бузилганда, уларни бартараф этиш ҳақида хабардор қилинган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида улар бартараф этилмаганда;

8) қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олиш ёки қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларнинг асосий турларини қазиб олиш бўйича нефть-газ операцияларини амалга ошириш чоғида фойдаланиладиган ишлар ва хизматларда маҳаллий имкониятларни ишга солишининг энг кам улуши тўғрисидаги талабларга ер қаъридан фойдаланувчи томонидан кетма-кет икки йил давомида риоя этилмаганда, бундан техноген минерал ҳосилаларга доир рухсатномалар ёки углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномалар мустасно;

9) қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларнинг асосий турларини қазиб олишга доир рухсатномалар доирасида Ўзбекистон Республикаси худудида маҳаллий кадрларни ўқитиш ҳамда илмий-тадқиқот, илмий-техник ва (ёки) тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириш бўйича мажбуриятлар ер қаъридан фойдаланувчи томонидан кетма-кет икки йил давомида бажарилмаганда, бундан ушбу Қонуннинг 16-бобига мувофиқ техноген минерал ҳосилаларга доир рухсатномалар ёки углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномалар мустасно;

10) рухсатнома фирибгарлик йўли билан, шу жумладан била туриб ёлғон маълумотлар тақдим этиш орқали олингандা;

11) қазиб олинган фойдали қазилмаларнинг миқдорига ёки сифатига нисбатан ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ёлғон ҳисботлар ёки ахборот тақдим этилганда;

12) ер қаъридан фойдаланувчи томонидан рухсатнома доирасида ундирилиши ва тўланиши лозим бўлган, низо предмети бўлмаган бож, тўловлар, йиғимлар, жарима ёки ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўланмаганда ва уларни тўлаш тўғрисида хабардор қилинганидан кейин ўттиз кун ичида тўланмаганда.

Агар ҳуқуқбузар ўзига нисбатан қўлланилган жазони ўтаган бўлса, ушбу Қонун 163-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун рухсатнома бекор қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси ёки бошқа назорат қилувчи орган томонидан Ер қаъридан фойдаланиш марказига тақдимнома киритилиши ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларига доир рухсатномани муддатидан илгари бекор қилиш юзасидан қонунчиликка мувофиқ чоралар кўриш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларига доир рухсатномани муддатидан илгари бекор қилиш тўғрисидаги қарор

ушбу моддада назарда тутилган асосларга кўра тегишинча Ер қаъридан фойдаланиш маркази ёки Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан қабул қилинади. Ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларига доир рухсатномани ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа асосларга кўра бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

Ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларига доир рухсатномани бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Ер қаъридан фойдаланиш маркази ёки Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ер қаъридан фойдаланувчига бир иш куни ичида тегишли хабарнома юборади ҳамда рухсатномалар реестрига тегишли ёзув киритилади.

Ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларига доир рухсатноманинг бекор қилиниши ер қаъридан фойдаланувчининг бажарилмаган мажбуриятларини, шу жумладан ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини ушбу Конунда белгиланган тартибда тугатиш бўйича мажбуриятларини тугатиш учун асос бўлмайди.

Рухсатноманинг бекор қилиниши ер қаъридан фойдаланувчидан бекор рухсатнома қилингунига қадар юзага келган бирор-бир мажбуриятларга ва ср қаъридан фойдаланувчига нисбатан рухсатнома бискор қилингунига қадар бошланган ёки давом этаётган бирор-бир суд муҳокамаларига таъсир кўрсатмайди.

Ер қаъридан фойдаланувчи кон ишланмаларини консервация қилишни ва ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф этишни ушбу Конунда белгиланган тартибда амалга ошириши шарт.

Ер қаъридан фойдаланувчилар рухсатномаларни бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар устидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақли.

## **12-боб. Олтин изловчилар усулида ва кичик миқёсли усулда қазиб олиш**

### **116-модда. Олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун бериладиган ер қаъри участкасининг худуди**

Фойдали қазилмаларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун ер қаъри участкасининг (олтин изловчилар усулида қазиб олиш участкаси) ташки чегаралари тўғрибурчакни ҳосил қилиши керак. Агар бошқа ер қаъри участкасининг табиий хусусиятлари ёки чегаралари тўғрибурчак шаклидаги тегишли олтин изловчилар усулида қазиб олиш участкаси худудининг ташки чегараларини аниқлаш имконини бермаса, бундай ер қаъри участкасининг худуди учбурчак (кадастр квадратларининг тўғри тўртбурчак шаклини ҳисобга олган ҳолда) ёки тўртбурчак шаклга эга

бўлиши мумкин, унинг камида икки қарама-қарши томони бир-бирига параллель бўлиши керак.

Фойдали қазилмаларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун ер қаъри участкаси ҳудудининг майдони камида бир гектарни ва кўпи билан беш гектарни ташкил этиши керак. Бунда бир нафар ер қаъридан фойдаланувчига тегишли бўлган ёки битта лойиҳа доирасида фойдаланиладиган ер қаъри участкасининг майдони кўпи билан бир кадастр квадратини ташкил этиши керак.

Олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун бериладиган ер қаъри участкаси Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан келишувга кўра белгиланади.

Фойдали қазилмаларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун таклиф этиладиган ер қаъри участкаларининг рўйхати ҳар йили Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан тасдиқланади.

Олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун ажратилган ҳудуд давлат ер фонди кадастрида ҳисобга олинади.

### **117-модда. Олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун ваколатлилик**

Фойдали қазилмаларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун рухсатномалар факат ваколатли шахсларга, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган, якка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлган жисмоний шахсларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган жисмоний шахснинг улуши устав фондида (устав капиталида) етмиш ва ундан ортиқ фоизни ташкил этадиган юридик шахсларга берилади.

Битта шахс олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқукига доир биттадан ортиқ рухсатномага бевосита ёки билвосита эгалик қилиши мумкин эмас.

Олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъридан фойдаланувчи юридик шахси ходимларининг камида етмиш фоизи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши керак.

### **118-модда. Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатнома**

Фойдали қазилмаларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатнома асосида амалга оширилади.

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатнома факат электрон савдо майдончасида ўtkaziladig'an aukcion natijalariiga k'ura beriladi.

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатномани бериш учун аризачилар аукционда иштирок этиш учун күйидаги ахборотни тақдим этади:

- 1) аризачининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ тўлиқ номи;
- 2) аризачи ушбу Қонуннинг 117-моддаси талабларига мувофиқ эканлигини тасдиқловчи хужжат;
- 3) ушбу Қонуннинг 116-моддасига мувофиқ олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун ажратиладиган участкадаги сўралаётган очиқ кадастр квадратининг тафсилотлари.

Ер қаъри участкаларидан олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун фойдаланиш ҳуқукини реализация қилишдан тушган пул маблағлари қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади.

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир ҳужжатларни кўриб чиқиш ва рухсатнома бериш муддати йигирма иш кунидан ошмаслиги керак.

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатноманинг шакли қонунчилик хужжатларида белгиланади. Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатнома участканинг жойлашувига қараб Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан белгиланадиган, фаолиятга нисбатан қўлланиладиган фойдаланиш шартларини ўз ичига олади. Фойдаланиш шартлари рухсатномага иловада назарда тутилади.

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга беришга (шу жумладан иккиласми ижара ёки бошқа шахс фойдасига воз кечиш йўли билан беришга) йўл қўйилмайди.

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатномани бериш чоғида давлат ер фонди кадастрига тегишли ҳисобга олиш ёзуви киритилади.

### **119-модда. Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати ва уни узайтириш тартиби**

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатнома уч йил муддатга берилади.

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишувга кўра бир марта уч йилга узайтирилиши мумкин. Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза Ер қаъридан фойдаланиш марказига олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати тугашига қадар охирги йил мобайнида берилади.

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза дастлабки аризадаги айни ўша ахборотни ўз ичига олган бўлиши керак.

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза йигирма иш куни ичида кўриб чиқилади.

Агар олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш даврида рухсатноманинг муддати ўтган бўлса, бундай кўриб чиқиш даврида рухсатнома амал қилишда давом этади. Рухсатноманинг амал қилишини узайтириш муддатини ҳисоблаш рухсатнома амал қиласиган муддатнинг охирги кунидан кейинги кундан эътиборан бошланади.

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати ер қаъридан фойдаланувчига янги рухсатномани расмийлаштириш ва бериш орқали узайтирилади.

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати қўйидаги ҳолларда узайтирилмайди, агар:

1) узайтирилиши сўралаётган муддат ушбу модданинг талабларига мувофиқ бўлмаса;

2) рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида ариза беришнинг ушбу моддада назарда тутилган муддати бузилган бўлса;

3) олтин изловчилар усулида қазиб олиш билан боғлиқ қўшимча ишларни бажариш зарурати мавжуд бўлмаса;

4) ер қаъридан фойдаланиш шартларининг бузилишлари бу ҳақда хабарнома олинганидан кейин ер қаъридан фойдаланувчи томонидан дархол бартараф этилмаган бўлса;

5) ер қаъридан фойдаланувчи қазиб олинган қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни реализация қилиш бўйича ушбу Қонуннинг 121-моддасида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаган бўлса.

## **120-модда. Олтин изловчилар усулида қазиб олиш ишларини амалга ошириш**

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчилар рухсатномада назарда тутилган шартларга риоя этиши шарт. Олтин изловчилар усулида қазиб олиш ишлари, шу жумладан очиш ишлари, қум ва тупроқни ювиш ишлари ва бу билан боғлиқ бўлган бошқа ишлар қўлда бажарилади ёки кам кувватли асбоб-ускуналар қўлланилган ҳолда олиб борилади.

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчидан ўз ер қаъри участкалари учун олтин изловчилар усулида қазиб олиш лойиҳасини ишлаб чиқиш ёки уни бошқача тарзда келишиш ва тасдиқлашдан ўtkазиш талаб этилмайди.

Ер қаъридан фойдаланувчи олтин изловчилар усулида қазиб олишни амалга ошираётгандың қуйидагиларга ҳақли:

1) ер қаъридан фойдаланувчига мулк хуқуқи асосида тегишли бўлган, ўн тоннадан ортиқ бўлмаган юқ кўтариш қувватига эга битта юқ машинаси, бурғилаш усқунаси, чўмичининг ҳажми жами икки куб метрдан кўп бўлмаган экскаватор ва (ёки) бульдозер тарзидаги механизация воситаларидан фойдаланишга;

2) олтин изловчилар усулида қазиб олишни (ер ости кон қазишмаларини қазиб бормасдан) қуйидаги хавфсиз (йўл қўйиладиган) чуқурликкача амалга оширишга:

а) сочма участкаларда – ер ости кон қазишмаларини қазиб бормаган ҳолда туб тоғ жинсларига қадар;

б) туб тоғ жинслари участкаларида – икки метр чуқурликкача. Агар тоғ-кон лаҳмлари зинасимон шаклга эга бўлса, бу ҳолда олти метргача бўлган умумий чуқурликка йўл қўйилади. Бунда ҳар бир зинанинг баландлиги икки метрдан ошмаслиги, эни эса ярим метрдан ошмаслиги керак;

3) қимматбаҳо металларни ажратиб олишнинг факат рудани майдалаш ва гравитация усулини қўллашга.

Сув фонди ва сув объектлари ерларида олтин изловчилар усулида қазиб олиш факат қўлда амалга оширилиши керак.

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи:

1) олтин изловчилар усулида қазиб олиш ишлари жараёнида бузилган ерларни рекультивация қилиши ва уларни келгусида фойдаланиш учун ярокли ҳолатга келтириши;

2) механизация воситаларидан фойдаланишга доир ушбу моддада назарда тутилган чекловларга риоя этиши шарт.

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчиларга қуйидагилар тақиқланади:

1) сув ресурслари олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун фойдаланиладиган сув ҳавзалари ва дарёлар қирғоқларининг табиий рельефини бузиш;

2) олтин изловчилар усулида қазиб олиш участкасида жойлашган сув объектларида ва сув фонди ерларида экскаваторлардан ҳамда бульдозерлардан фойдаланиш;

3) кимёвий реагентларни ва портловчи моддаларни қўллаш;

4) капитал иншоотларни барпо этиш ва қуриш;

5) тупроқни ва ажратиб олинган тоғ массасини олтин изловчилар усулида қазиб олиш участкасидан ташқарига олиб чиқиши.

Ер қаъридан фойдаланувчилар сув ресурсларидан фойдаланган тақдирда, сувни муҳофаза қилиш тадбирларини бажариши, шунингдек қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган сув объектларини муҳофаза қилишга доир бошқа талабларга риоя этиши шарт.

Янги кон қазишиларини кавлаб боришга фақат аввалги ишлар участкаси (ташландик) бирор нарса ташлаб тўлдирилганидан кейин рухсат берилади.

Экологик заарар етказилиши мумкин бўлган бирор-бир участкада олтин изловчилар усулида қазиб олиш бошланишидан олдин ер қаъридан фойдаланувчилар атроф-муҳитга етказилган шикастларни тасдиқлаш учун мазкур участкада Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг инспектори томонидан инспекция ўтказилишини сўрайди. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги инспекция ўтказилиши учун ўзига нисбатан бундай сўровни олмаган ҳар қандай зона шикастланмаган деб ҳисобланади.

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи рухсатноманинг амал қилиш муддати тугаган кундан эътиборан ўттиз кун ичida иншоотларни, вақтинчалик иморатларни ва усқуналарни демонтаж қилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг талабларига мувофиқ ер участкасини рекультивация қилишни амалга ошириши шарт.

### **121-модда. Олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг алоҳида шартлари**

Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларнинг муомалада бўлиши, шу жумладан уларни қазиб олиш, ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш бўйича фаолият қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинади.

Олтин изловчилар усулида қазиб олиш натижасида қазиб олинган қимматбаҳо металларни сотиш ёки бошқача тарзда топшириш фақат қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ очиладиган ва фаолият кўрсатадиган ихтисослаштирилган қабул қилувчи кассалар орқали амалга оширилиши мумкин, шунингдек қимматбаҳо металлардан ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларини ҳамда бошқа буюмларни ясаш бўйича фаолиятни амалга оширадиган юридик шахсларга ва якка тартибдаги тадбиркорларга сотилиши мумкин.

### **122-модда. Олтин изловчилар усулида қазиб олиш бўйича ҳисобдорлик**

Фойдали қазилмаларни олтин изловчилар усулида қазиб олишда Ер қаъридан фойдаланиш марказига тегишинча йил тугаганидан кейин ёки рухсатноманинг амал қилиши тугатилганидан кейин ўттиз кун ичida ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларига риоя этилганлиги

ва қазиб олинган ҳамда реализация қилинган қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларнинг ҳажмлари тўғрисидаги ҳисоботлар тақдим этилади. Олтин изловчилар усулида қазиб олиш тўғрисидаги ҳар йилги ҳисоботнинг шакли қонунчилик ҳужжатларида белгиланиши мумкин.

### **123-модда. Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилишини тугатиш**

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатнома қуидаги ҳолда тугатилади:

1) олтин изловчилар усулида қазиб олиш бўйича ишларни амалга ошириш чоғидаги талаблар жиддий равишда бузилганда;

2) ушбу Қонуннинг 120-моддасида белгиланган олтин изловчилар усулида қазиб олишни олиб бориш услубларига доир чекловлар ер қаъридан фойдаланувчи томонидан бузилганда;

3) қазиб олинган қимматбаҳо металлар яширилганда, шу жумладан улар бир йил мобайнида реализация қилинмаганда ёхуд қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни реализация қилиш ҳамда топширишнинг ушбу Қонуннинг 121-моддасида назарда тутилган шартлари бузилганда, шу жумладан қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисидаги қонунчилик бузилганда;

4) ер қаъридан фойдаланувчи ушбу Қонунга мувофиқ зарур бўлган ҳисоботларни кетма-кет икки йил мобайнида тақдим этмагандан;

5) ер қаъридан фойдаланувчи ўзининг экологик мажбуриятларини жиддий равишда бузганда, қоидабузарликларни бартараф этиб бўлмаса ёки уларни бартараф этиш мумкин бўлса-ю, бироқ уларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарнома олинган пайтдан эътиборан тўқсон кун ичida улар бартараф этилмагандан;

6) рухсатнома фирибгарлик йўли билан, шу жумладан била туриб ёлғон маълумотлар тақдим этиш орқали олинганда;

7) ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъридан фойдалангандик учун рухсатнома доирасида ундириладиган ва тўланиши лозим бўлган йифимларни, жаримани ёки солиқни тўламагандан ва уларни тўлаш тўғрисидаги хабарнома олинганидан кейин ўттиз кун ичida уларни тўламагандан.

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиши муддатидан илгари тугатилган ҳолларда ер қаъридан фойдаланувчига бир йил мобайнида олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатнома олиш ёки олтин изловчилар усулида қазиб олишни амалга ошириш тақиқланади.

Олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилишини муддатидан илгари тугатиш ушбу моддада назарда тутилган асосларга кўра Ер қаъридан фойдаланиш марказининг қарори билан амалга оширилади. Рухсатноманинг амал қилишини ушбу модданинг биринчи

қисмида назарда тутилмаган бошқа асослар бўйича муддатидан илгари тугатишга йўл қўйилмайди. Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан қарор қабул қилингунига қадар олтин изловчилар усулида қазиб олиш бўйича фаолият Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг талабига кўра тўхтатиб турилади.

Ер қаъридан фойдаланувчилар, агар олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилишини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги қарорга рози бўлмаса, судга мурожаат қилиши мумкин.

Агар суд олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилишини муддатидан илгари тугатиш ҳақидаги даъвони қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласа, ер қаъридан фойдаланувчи олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини давом эттириш хуқуқига эга бўлади. Бу ҳолда олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати ушбу моддага мувофиқ олтин изловчилар усулида қазиб олиш вақтинча тўхтатиб турилган даврга teng муддатга узайтирилади.

#### **124-модда. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун қурилишбоп фойдали қазилмаларни ва тўлдиргичларни қазиб олиш учун маҳсус қоидалар**

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ер участкаларининг мулкдорлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган шахсий, майший ҳамда бошқа хўжалик эҳтиёжларини қаноатлантириш учун ўзига тегишли бўлган ер участкалари доирасида қурилишбоп фойдали қазилмаларни ва тўлдиргичларни қазиб олишга ҳақли.

Агар ер участкасидан фойдаланиш мақсади қурилишбоп фойдали қазилмалар ва тўлдиргичларни чиқариб олишдан ҳамда мазкур ер участкаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишидан иборат бўлса, уларни жойлаштириш ва (ёки) улардан фойдаланиш маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва Ер қаъридан фойдаланиш маркази билан келишувга кўра амалга оширилади.

Ушбу моддага мувофиқ қурилишбоп фойдали қазилмаларни ва тўлдиргичларни қазиб олиш портловчи моддаларни, кимёвий реагентлар ҳамда заҳарли моддаларни қўлламасдан амалга оширилади.

Ер участкаси доирасида жойлашган ҳамда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ёки ер участкаларининг мулкдорлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган шахсий, майший ва бошқа эҳтиёжларни қаноатлантириш учун фойдаланиладиган қурилишбоп фойдали қазилмалар ҳамда тўлдиргичлар бошқа шахсга берилиши мумкин эмас.

Қурилишбоп фойдали қазилмаларни ва тўлдиргичларни қазиб олишга доир ушбу моддага мувофиқ юзага келадиган хукуқ ер участкасига бўлган хукуқдан ажралмасдир.

Ер участкаларининг мулкдорларида, ер эгаларида ҳамда ердан фойдаланувчиларда қурилишбоп фойдали қазилмаларни ва тўлдиргичларни қазиб олиш ҳукуки ушбу моддага мувофиқ ер участкасига бўлган мулк ҳукуки ёки ер участкасига эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳукуки билан бир вақтда юзага келади ҳамда тугатилади.

Ушбу моддага мувофиқ қурилишбоп фойдали қазилмаларни ва тўлдиргичларни қазиб олиш учун рухсатнома асосида ер қаъридан фойдаланадиган шахслар учун мажбурий бўлган рухсатномани олиш, шунингдек ҳисботлар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинмайди.

### **13-боб. Нодир тош хомашёсининг, палеонтологик қолдиқларнинг ва бошқа геологик коллекция материалларининг намуналарини тўплаш**

### **125-модда. Нодир тош хомашёсининг, палеонтологик қолдиқларнинг ва бошқа геологик коллекция материалларининг намуналарини тўплаш ҳамда бундай тўплашни амалга ошириш учун худудни аниқлаш**

Нодир тош хомашёсининг, палеонтологик қолдиқларнинг ва бошқа геологик коллекция материалларининг намуналарини тўплаш (бундан буён матнда коллекция материалларининг намуналарини тўплаш деб юритилади) деганда нодир тош хомашёсининг, палеонтологик қолдиқларнинг ва бошқа геологик коллекция материалларининг бирламчи намуналарини табиий тоғ жинсларидан, табиий ер ости бўшликларидан (форлардан), ишлатиб бўлинган очиқ конлардан, кон қазиб олиш ишлаб чиқаришларининг тўкинди уюмларидан чиқариб олиш, шунингдек ер қаърининг яхлитлигини бузадиган кончилик ишларини ва ишларнинг бошқа маҳсус турларини амалга оширмасдан туриб дарёлар қайирларида коллекция материалларининг намуналарини тўплаш тушунилади.

Коллекция материалларининг намуналарини тўплаш алоҳида участкаларда ва асбоб-ускуналарни қўлламасдан амалга оширилади, бундан қўлда ишлатиладиган асбоблар мустасно.

Коллекция материалларининг тўпланган намуналари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки ҳисобланади ҳамда улар томонидан илмий, илмий-маърифий, тижорат, бадиий хунармандчилик ва бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин.

Коллекция материалларининг намуналарини тўплаш учун ер қаъри участкасининг ўлчами тўртта ёнма-ён кадастр квадратларидан ошмаслиги

керак бўлиб, улар шундай жойлашган бўлиши керакки, токи умумий туташ нуқтага эга бўлган томонлар бутун узунлик бўйича ўз томонларининг лоақал биттаси билан бирлашади.

## **126-модда. Коллекция материалларининг намуналарини тўплашга доир рухсатнома**

Коллекция материалларининг намуналарини тўплаш рухсатнома асосида амалга оширилади.

Коллекция материалларининг намуналарини тўплашга доир рухсатнома Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан юридик ёки жисмоний шахсга «биринчи келган биринчи олади» принципи бўйича берилади.

Манфаатдор шахснинг аризасида қўйидагилар қўрсатилиши керак:

- 1) аризачининг тўлиқ номи;
- 2) коллекция материалларининг намуналарини тўплаш учун сўралайтган очиқ квадратлар.

Коллекция материалларининг намуналарини тўплашга доир рухсатнома икки йил муддатга берилади. Коллекция материалларини тўплашга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати узайтирилмайди.

Ариза ушбу Қонунда назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, Ер қаъридан фойдаланиш маркази коллекция материалларининг намуналарини тўплашга доир рухсатнома беришни рад этишга ҳақли.

Коллекция материалларининг намуналарини тўплашга доир рухсатномани бериш чоғида давлат ер қаъри фонди кадастрига тегишли хисобга олиш ёзуви киритилади.

## **127-модда. Коллекция материалларининг намуналарини тўплаш бўйича ишларни амалга ошириш**

Коллекция материалларининг намуналарини тўплаш қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- 1) геология, минералогия, палеонтология ва ўлкашунослик музейларининг илмий коллекцияларини бутлаш ҳамда тўлдириш;
- 2) таълим муассасаларининг ўқув коллекцияларини бутлаш ва тўлдириш;
- 3) илмий-маърифий ва эстетик мақсад учун мўлжалланган хусусий геология ҳамда палеонтология коллекцияларини бутлаш ҳамда тўлдириш (бундан таркибида қимматбаҳо металлар ва тошлар мавжуд бўлган намуналар мустасно).

Ер қаъридан фойдаланувчидан коллекция материалларининг намуналарини тўплаш учун лойиха тақдим этиш талаб қилинмайди.

Коллекция материалларининг намуналарини тўплаш учун кадастр квадрати юзасининг ер участкалари берилишига йўл қўйилмайди.

Коллекция материалларининг намуналарини тўплаш чоғида кон-бурғилаш ишларини амалга ошириш ҳамда ер қаърининг яхлитлигини бузадиган турли асбоб-ускуналардан фойдаланиш тақиқланади.

Коллекция материалларининг намуналарини тўплаш, агар қонунчилик ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат экологик экспертизасини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси билан келишишни талаб этмайди.

Коллекция материалларининг намуналарини тўплаш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш тутатилгандан ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф этиш ишларини амалга ошириш талаб қилинмайди.

Коллекция материалларининг намуналарини тўплашга доир рухсатномадан бошқа шахс фойдасига воз кечилмайди. Коллекция материалларининг намуналарини тўплашга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати тугагунига қадар ер қаъридан фойдаланувчи исталган вақтда Ер қаъридан фойдаланиш марказини бу ҳакда ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилиб кадастр квадратларидан воз кечиш ҳуқуқига эга.

Рухсатнома берилган ер қаъри участкасининг бир қисмини қайтариб бериш қолган ёнма-ён бўлиши керак бўлган кадастр квадратларига коллекция материалларининг намуналарини тўплашга доир рухсатномани қайта расмийлаштириш орқали амалга оширилади.

## **128-модда. Коллекция материалларининг намуналарини тўплаш бўйича ҳисобдорлик**

Коллекция материалларининг намуналарини тўплашда Ер қаъридан фойдаланиш марказига ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот коллекция материалларининг намуналарини тўплашга доир рухсатномага эга бўлган шахс томонидан мазкур рухсатноманинг амал қилиши тугаган пайтдан эътиборан олтмиш кун ичida тақдим этилади.

## **14-боб. Ер қаъридан фойдаланиш чоғида атроф-мухитни муҳофаза қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ҳавфиззлик техникаси**

## **129-модда. Ер қаъридан фойдаланиш чоғида экологик ҳавфиззликни таъминлаш бўйича умумий қоидалар**

Ер қаъридан фойдаланиш, шу жумладан ишлаб чиқариш объектларини ва бошқа объектларни режалаштириш ҳамда лойиҳалаштириш экология тўғрисидаги ҳамда бошқа қонунчилик талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Ер қаърининг экологик ҳолати энг юқори йўл қўйиладиган ташланмаларни, чиқиндиларни нормалаштириш, шунингдек ер қаъридан фойдаланиш бўйича фаолиятнинг айrim турларини чеклаш ёхуд тақиқлаш орқали таъминланади.

Ер қаъридан фойдаланишга фақат тегишли экологик экспертиза ўтказилганидан кейин йўл қўйилади. Ер қаъри участкасида фаолиятни амалга ошираётган ҳар қандай шахс атроф-мухитга қасдан ёки эҳтиётсизлик туфайли бирор-бир моддий ёхуд жиддий заар етказмаслиги ёки ер қаъри участкасида ёхуд унинг доирасида атроф-мухитнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида берилган бирор-бир материаллар ёки ускуналардан белгиланганидан бошқача мақсадда фойдаланмаслиги керак.

Ер қаъридан ва фойдали қазилмалар ресурсларидан фойдаланишга фақат қуидаги шарт билан йўл қўйилади:

1) қазиб олиш чоғида ер қаъридан ва фойдали қазилмалардан ҳамда улар билан боғлиқ табиий ресурслардан комплекс ва тежамли фойдаланишишини таъминлаш, шунингдек атроф-мухит ва ер қаъри ифлосланишининг олдини олиш;

2) фойдали қазилмаларни қазиб олиш чоғида бузилган ерларни рекультивация қилиш;

3) қоплама тоғ жинслари ва аралашма тоғ жинсларининг тўкинди уюмларини, чиқинди сақлаш жойларини, терриконларни атроф-мухитга энг кам заарли таъсири кўрсатилишини таъминлайдиган ҳолда жойлаштириш;

4) сувдан махсус фойдаланишга ёки махсус сув истеъмолига доир рухсатномалар олиш.

Барча ер қаъридан фойдаланувчилар ўзлари томонидан ер қаъридан фойдаланиш чоғида бузилган кадастр квадрати юзасидаги ер участкаларини кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириши шарт.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни ёки углеводородларни қазиб олиш чоғида ер ости сувларининг кон қазишмаларига ёки инфратузилма объектларига технологик жиҳатдан муқаррар равишда киришига қонунчилик хужжатларига мувофиқ берилган сувдан махсус фойдаланиш ёки махсус сув истеъмолига доир рухсатномалар талаб қилинмайди.

Кон қазишмаларига ёки инфратузилма объектларига кираётган ер ости сувларидан фойдаланиш қонунчилик хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмалар ёки углеводородларни қазиб олиш жараёнида кўшилиб чиқиб қазиб олинган ер ости сувларидан фойдаланиш ва уларни бошқа ўзанга солиб юбориш қонунчилик хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Углеводородларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлган ер ости сувларидан ва қатламнинг сув таъсирида ёрилиши чоғида ҳосил бўлган

суюқликнинг тескари оқимидан қонунчилик хужжатларига мувофиқ фойдаланилиши керак.

Ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда, ер қаъридан давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасисиз фойдаланиш тақиқланади.

### **130-модда. Ер қаъридан фойдаланиш бўйича фаолиятни текшириш**

Ер қаърини ва атроф-муҳитни геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг экологик инспекторлари томонидан амалга оширилади.

Инспектор кундузи ёки кечаси мақбул вақтда ва тегишли рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда ер қаъридан фойдаланиш лойиҳасининг ишлаши учун кераксиз монеликлар ёки тўсиқларни вужудга келтирмасдан кириш, мазкур лойиҳани кўздан кечириш ва текшириш хуқуқига эга.

Инспектор ер қаъридан фойдаланиш лойиҳасининг ҳолати ва мақоми ўрганилишини ҳамда аниқланишини ўтказишга ва ер қаъридан фойдаланувчи томонидан мажбуриятларга риоя этилишини, шу жумладан меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича нормаларга, шунингдек ҳисобдорликка ва молиявий мажбуриятларга риоя этилишини текширишга ҳақли.

Инспектор текшириш ўтказиш мақсадида ер қаъридан фойдаланиш лойиҳасининг раҳбари ёки бошқа юқори мансабдор шахс, шунингдек инспектор зарур деб ҳисоблаган бирор-бир бошқа мансабдор шахс ёки ходим текширишни ўтказиш жараёнида унга ҳамроҳ бўлишини талаб қилиши мумкин.

Текшириш доирасида инспектор ер қаъридан фойдаланиш лойиҳасидан фойдали қазилмалар ва бошқа моддаларнинг намуналарини танлаб олиши, хужжатлардан кўчирмалар ёки кўчирма нусхалар олиши, шунингдек ер қаъридан фойдаланиш обьектини фотосуратга олиши мумкин. Инспектор ўз хизмат мажбуриятларини бажариши жараёнида олинган ёки олиб чиқиб кетилган бирор-бир ашё ёхуд ҳужжат учун тилхат беради.

### **131-модда. Ер қаъри ҳолатининг давлат мониторинги**

Ер қаъри ҳолатининг давлат мониторинги ундаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, баҳолаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш учун ер қаъри ҳолатининг кузатувлари тизимидан иборатдир. Ер қаъри ҳолатининг давлат мониторинги давлат атроф-муҳит мониторинги комплекс тизимининг таркибий қисмидир.

Ер қаъри ҳолатининг давлат мониторинги қуидагилар бўйича юритилади:

- 1) хавфли экзоген геологик жараёнлар;
- 2) эндоген геологик жараёнлар;
- 3) фойдали қазилмалар конлари;
- 4) фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун фойдаланилаётган ер қаъри маконлари.

Ер қаъри ҳолатининг давлат мониторинги республика, минтақавий ва маҳаллий даражаларда амалга оширилади.

Ер қаъри ҳолатининг республика ва минтақавий даражалардаги давлат мониторинги:

1) Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан – экзоген геологик жараёнларга ва қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмалар конларига оид қисмида;

2) Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги томонидан – углеводородлар конларига оид қисмида;

3) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Сейсмология институти томонидан – эндоген геологик жараёнларга оид қисмида;

4) Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан – фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун фойдаланилаётган ер қаъри маконига оид қисмида юритилади.

Ер қаъри ҳолатининг республика ва минтақавий даражалардаги давлат мониторинги юритиши услугияти ҳамда даврийлиги тегишли вазирликлар ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси томонидан тасдиқланади.

Ер қаъри ҳолатининг маҳаллий даражадаги давлат мониторинги ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ер қаърининг фойдаланилаётган участкасидаги фаолиятни тартибга солувчи хужжатларга мувофиқ тақдим этилган контурлар доирасида геологик муҳитни кузатишлар асосида юритилади.

Ер қаъри ҳолатининг давлат мониторинги, шунингдек маҳаллий мониторинги натижалари мониторингни ўтказувчи тегишли орган томонидан ер қаъри давлат фондининг кадастрига киритиш учун Ер қаъридан фойдаланиш марказига ер қаъри участкасининг ҳолатини ҳисобга олиш учун киритилади.

Ушбу моддада кўрсатилган ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан ер қаъри ҳолатининг давлат мониторинги давомида олинган ахборот бир йилда камида бир марта Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тақдим этилади.

Геологик муҳит ҳолати ўзгаришларининг ўта хавфли жараёнлари аниқланган ва йўл кўйиладиган энг кўп жараёнлари ошиб кетган тақдирда, ахборот Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза

қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тезкорлик билан тақдим этилади.

Ер қаъри ҳолатининг республика ва минтақавий даражалардаги давлат мониторингини юритиш Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан, маҳаллий даражада эса ер қаъридан фойдаланувчининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**132-модда. Ер қаъридан фойдаланувчининг экологик  
экспертизани ўтказишга ва унинг юзасидан ер  
қаъридан фойдаланиш бўйича муайян ишларни  
бажариш учун ижобий хулоса олишга доир  
мажбуриятлари**

Ер қаъридан фойдаланувчи «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган давлат экологик экспертизасини ўтказишга доир талабларга қўшимча равишда ер қаъридан фойдаланиш бўйича қуйидаги ишларга нисбатан экологик экспертиза ўтказиши шарт:

1) ер қаърини ерларнинг бутунлиги тасодифийдан кўра кўпроқ бузилишини тақозо этувчи геологик жиҳатдан ўрганиш (масалан, зовурлар қазиш, бошлама қудуқларни бурғилаш ва сейсмик тадқиқотлар);

2) фойдали қазилмаларнинг асосий турларини қазиб олиш ва қайта ишлаш;

3) норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш;

4) углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш ва қазиб олиш бўйича қатламнинг, шу жумладан у билан боғланган қудуқларнинг гидравлик ёрилишини назарда тутувчи ишлар, шунингдек илмий синовлар;

5) углеводородлар учун қудуқларни бурғилашга доир ишларнинг барча турлари;

6) нефть-газ операцияларини амалга ошириш чоғида геоген сувларни бошқа ўзанга буриб юбориш, шу жумладан қудуқлар орқали буриб юбориш, агар бундай ишлар ушбу моддада назарда тутилмаган бўлса;

7) углеводородларни қайта ишлаш ва ташиш обьектларини қуриш, монтаж қилиш ҳамда улардан фойдаланиш;

8) майдони беш гектардан ортиқ бўлган кончилик фаолияти чиқиндилари обьектлари;

9) майдони икки гектардан ортиқ бўлган қукунлар тўплагичларни ва сув қўйиладиган ҳовузларни шакллантириш;

10) ифлосланган тупроқни ёки бошқа заарли материални жойлаштириш, кончилик саноати чиқиндиларидан ёки қукунлар тўплагичлардан ташқари;

11) одамлар ҳалок бўлиши эҳтимолини, инсон соғлиғи учун жиддий хавфни ёки атроф-мухит учун жиддий таҳдидни келтириб чиқариши мумкин бўлган чиқиндилар жойлаштириладиган обьектлар;

12) фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган,

хавфли ва заҳарли моддаларни сақлашни кўзда тутувчи мақсадларда ер қаъри участкаларидан фойдаланиш;

13) радиоактив моддаларни кўмиб ташлаш учун ер ости омборларини қуриш ва улардан фойдаланиш.

### **133-модда. Экологик экспертизани ўтказишга доир талаблар**

Экологик экспертизани ўтказиш чоғида ер қаъридан фойдаланувчи «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни нормалари ва талабларига риоя этиши шарт, шунингдек, агар қўлланиладиган бўлса:

1) ер қаъридан фойдаланиш бўйича ишларни амалга ошириш чоғида режалаштиришнинг экологик жиҳатдан хавфсиз тартиб-таомиллари қўлланилишини ва тегишли технологиялардан фойдаланилишини таъминлаши;

2) фойдали қазилмаларни қазиб олиш участкасида ва (ёки) тегишли қайта ишловчи корхоналарда экологик назорат, ёнғин хавфсизлиги ва, зарур бўлган ҳолларда, радиация хавфсизлиги учун тегишли мониторинг тизимини ўрнатиши ҳамда жорий этиши;

3) баҳтсиз ҳодисалар ва аварияларнинг олдини олиш режасини ишлаб чиқиши;

4) атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлик даражасининг таҳлилини амалга ошириши;

5) ер қаъри участкасида ва қайта ишловчи корхоналарда шовқин ҳамда тебранишлар даражасини аниқлаши ва назорат қилиши;

6) ер қаъридан фойдаланишнинг ва қайта ишлаш бўйича ишларнинг ер участкаси билан ёнма-ён жойлашган табиий обьектларга ҳамда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар мажмуналарига таъсирини аниқлаши;

7) тегишли малакали ходимларни жалб этган ҳолда ер қаъри участкасида ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини ўрганиши ҳамда уларнинг мониторингини амалга ошириши;

8) қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқнинг унумдор қатламини аниқлаш, зарур бўлган ҳолларда эса бундай тупроқни олиш ва маҳсус ажратилган жойларга олиб чиқиш мақсадида ер қаъридан фойдаланиш участкаси тупроғининг агрокимёвий тадқиқотларини ўтказиши;

9) Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимликларнинг бирор-бир турларини ёки йўқолиб кетиш хавфи остида қолган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг турларини аниқлаш мақсадида ер қаъри участкасидаги ўсимликларни ўрганиши;

10) фойдали қазилмалар қазиб олинганидан (ёки бошқа кончилик фаолиятидан) кейин ушбу Конунга мувофиқ ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича батафсил режани, шу жумладан бузилган ерларни тиклаш режасини тузиши;

11) ер қаъридан фойдаланилаётган туманда ёки ер қаъридан

фойдаланиш участкасининг бевосита яқинида яшовчи аҳолининг соғлиғига ҳар қандай эҳтимолий салбий ва (ёки) заарли таъсирини аниқлаши керак.

Экологик экспертиза натижалари баҳолашдан ўтказилаётгандан Ер қаъридан фойдаланиш маркази:

1) экологик экспертиза ўтказилиши тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиши;

2) агар экологик экспертиза ўтказилиши жамоатчиликнинг иштирок этишини талаб қилса, бу ҳақда ер қаъридан фойдаланиш участкасининг бевосита яқинида яшовчи жамоатчилик вакилларини оммавий эълонлар орқали ўз вақтида хабардор қилиши ҳамда мазкур масала юзасидан асосли равишда ва ўз вақтида берилган бирор-бир таклифларни инобатга олиши шарт.

Ер қаъридан фойдаланувчи экологик экспертиза натижаларини маҳсус ҳисботда батафсил баён қиласи. Давлат экологик экспертизасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг ижобий хулосаси олинганидан кейин ер қаъридан фойдаланувчи атроф-муҳитни бошқариш режасини ишлаб чиқади ҳамда уни тегишли ишлар режасини тасдиқлаш доирасида Ер қаъридан фойдаланиш марказига тақдим этади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган атроф-муҳитни бошқариш режаси экологик экспертиза натижаларига мувофиқ бўлиши ҳамда унда эҳтимолий хавф-хатарлар ва ер қаъридан фойдаланиш бўйича таклиф этилаётган ишларнинг атроф-муҳитга таъсири, шу жумладан ер қаъридан фойдаланиш оқибатларининг олдини олиш, уларни мониторинг қилиш, юмшатиш бўйича чора-тадбирлар тавсифланиши ҳамда экологик оқибатлар билан боғлиқ бирор-бир ҳодиса юзага келишининг олдини олиш ёки унга чек қўйиш учун амалга оширилиши режалаштирилаётган тузатишга доир чора-тадбирларга мувофиқ бўлиши керак.

Атроф-муҳитни бошқариш режасининг мазмуни ва шакли қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Ер қаъридан фойдаланиш бўйича ишларнинг таркиби ва ҳажмларидаги бирор-бир ўзгаришларга қараб ер қаъридан фойдаланувчи томонидан атроф-муҳитни бошқариш режасига ўзгаришилар киритилиши мумкин.

### **134-модда. Уран бўйича кончилик фаолиятини амалга ошириш учун экологик экспертизани ўтказиш ва унинг юзасидан ижобий хулоса олиш бўйича алоҳида мажбуриятлар**

Уран бўйича кончилик фаолияти учун экологик экспертизани ўтказиш радиологик экологик экспертизани ҳам ўз ичига олади, ушбу экспертиза уран бўйича кончилик фаолиятига доир барча радиологик жиҳатдан боғланган ишларнинг босқичларини, шу жумладан кончилик

фаолиятининг радиоактив чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш ва ер қаъридан фойдаланиш участкасини тиклаш бўйича бирор-бир объектдан фойдаланишни тўхтатишга тааллуқли ишларнинг босқичларини қамраб олади.

Ер қаъридан фойдаланувчи экологик экспертиза натижаларини маҳсус ҳисботда батафсил тавсифлайди, унинг шакли ва мазмуни қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Аҳоли ва атроф-мухитнинг ҳимояланганлик даражасини кўрсатиш ҳамда қўлланиладиган хавфсизлик талаблари тўлиқ бажарилиши ҳақида радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи ваколатли органга ва ҳар қандай бошқа манфаатдор тарафларга зарур кафолатларни бериш учун уран рудасини қайта ишловчи бирор-бир янги корхонани ёки кончиллик фаолиятининг радиоактив чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга оширувчи корхонани куришга ёки шундай турдаги бирор-бир мавжуд корхонани реконструкция қилишга доир маҳсус рухсатнома олиш истагида бўлган ҳар қандай шахс радиациявий хавфсизлик асосини ва радиациявий хавфсизликнинг тасдиқловчи баҳосини ишлаб чиқиши ҳамда радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи ваколатли органларга тасдиқлаш учун тақдим этиши керак.

Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган радиациявий хавфсизлик асосида ва радиациявий хавфсизлик баҳосида ер қаъри участкасидаги радиациявий хавфсизлик билан боғлиқ бўлган барча жиҳатлар, тегишли объектни лойиҳалаштириш ва ундан фойдаланиш, шунингдек бошқарув ва назоратга доир чора-тадбирлар батафсил тавсифланган бўлиши керак.

Уран рудасини қайта ишловчи бирор-бир янги ишлаб чиқариш обьектини ёки кончиллик саноатининг радиоактив чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга оширувчи ишлаб чиқариш обьектини қуриш ёки бирор-бир мавжуд бўлган шундай обьектни реконструкция қилиш учун фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатнома олиш истагида бўлган ҳар қандай шахс қуидагиларни таъминлаши керак:

1) қилинган хулосаларни тасдиқлашга ва тартибга солувчи органлар томонидан мустақил текшириш ҳамда кўриб чиқиш учун тегишли асосни таъминлашга етарли бўлган радиациявий хавфсизликнинг батафсил баҳоланишини;

2) тегишли ишлаб чиқариш обьектидаги бирор-бир жиддий ўзгартириш режалаштирилган тақдирда, янги радиациявий хавфсизлик асоси ва радиациявий хавфсизлик баҳоси тақдим этилишини;

3) хавфсизлик асоси ва хавфсизлик баҳоси радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи ваколатли органларга тақдим этилишидан олдин ишонч даражасини ошириш мақсадида уларнинг мустақил эксперт баҳоланиши ва текшируви ўтказилишини.

Ер қаъридан фойдаланувчи:

1) фойдаланиш тажрибаси түғрисидаги барча мавжуд маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ҳар уч йилда хавфсизлик асосини ва хавфсизлик баҳосини қайта кўриб чиқиши ҳамда зарур бўлганда унга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиши;

2) тегишли объектда жиддий ўзгартириш режалаштирилган ҳар бир ҳолда янги хавфсизлик асосини ва хавфсизлик баҳосини тақдим этиши шарт.

Ер қаъридан фойдаланувчи радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи ваколатли органга радиациявий хавфсизлик асосига ва радиациявий хавфсизлик баҳосига доир бирор-бир ўзгартиришларни кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун тақдим этади.

Ер қаъридан фойдаланувчи уран бўйича ишларнинг тугатилиши режалаштирилаётган санага қадар бир йилдан кечиктирмай унинг мазмунида тегишли объектнинг ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш босқичларидағи ҳамда ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилганидан кейинги шароитлари мутаносиб акс эттирилишини таъминлаш мақсадида радиациявий хавфсизлик асосини ва радиациявий хавфсизлик баҳосини қайта кўриб чиқиши шарт.

Лойиҳанинг босқичма-босқич тикланиши лозим бўлган қисмлари учун ер қаъридан фойдаланувчи радиациявий хавфсизлик асосига ва радиациявий хавфсизлик баҳосига, унинг мазмуни ўзгартирилган шароитларни мутаносиб акс эттириши учун, тегишли тарзда тузатишлар киритади.

Ер қаъридан фойдаланувчи радиациявий хавфсизлик асосини ва радиациявий хавфсизлик баҳосини ишлаб чиқариш обьекти фойдаланишдан тўлиқ чиқарилмагунига, участкани экологик жиҳатдан тиклаш тугалланмагунига ва тегишли обьект тартибга солувчи чоралар назоратидан чиқарилмагунига қадар сақлаши шарт.

Ер қаъридан фойдаланувчи кончиллик фаолиятининг радиоактив чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича обьектлар борасида радиациявий хавфсизлик асосини ва радиациявий хавфсизлик баҳосини тегишли обьект ёпилган ҳамда ер участкаси тикланган санадан кейин камида ўттиз йил мобайнида сақлайди.

### **135-модда. Ифлослантириш натижасида етказилган зарар учун ер қаъридан фойдаланувчининг жавобгарлиги**

Ер қаъридан фойдаланувчи, ифлослантириш натижасида етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Бепарволик ёки айб ҳолларини истисно этганда, ушбу моддада назарда тутилган ифлослантириш натижасида етказилган зарар учун

қонунда белгиланган жавобгарлик қўйидаги бирон-бир жисмоний ёки юридик шахсга нисбатан эълон қилиниши мумкин эмас:

1) ер қаъридан фойдаланувчи ёки унинг пудратчилари ёхуд иккиласми пудратчилари билан келишувга кўра ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолият билан боғлиқ вазифаларни ёки ишларни бажарган шахсга;

2) ер қаъридан фойдаланиш бўйича ишда фойдаланиш учун ускуна тайёрлаган ёки етказиб берган шахсга;

3) ифлосланиш натижасидаги заарнинг олдини олиш ёки уни чеклаш ёхуд ер қаъридан фойдаланиш бўйича ишлар сабабли таҳдид остида қолган ҳаётни сақлаб қолиш чора-тадбирларини кўрган шахсга, агар фақат бундай чора-тадбирларни амалга ошириш ваколатли органларнинг бевосита ёзма йўриқномаларига ёки бирор-бир қўлланиладиган қонунчилик қоидаларига зид бўлмаса.

Ер қаъридан фойдаланувчи барча қўлланилаётган экологик қонунчилик нормаларига риоя этилганлигини ва ифлосланиш натижасидаги заардан сақланиш юзасидан барча оқилона ҳаракатлар амалга оширилганлигини исботлай олса, жавобгар бўлмайди.

Ер қаъридан фойдаланувчининг жавобгарлиги тўғрисидаги қарор ушбу моддада назарда тутилган асосларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан қабул қилинади.

Ифлосланиш натижасида етказилган заарар учун ер қаъридан фойдаланувчининг жавобгарлиги ер қаъридан фойдаланиш бўйича тегишли ишларнинг миёслари, заарар кўрган тарафнинг аҳволи ва иккала тарафдан суғурта қопламасини олиш имконияти эътиборга олинганидан кейин, шунингдек форс-мажор ҳолатлар ёки учинчи тарафнинг ҳаракати туфайли келиб чиқкан ифлосланишдан заарар юзага келган тақдирда фақат оқилона даражада камайтирилиши мумкин.

### **136-модда. Ер қаъридан фойдаланиш чоғида саноат хавфсизлиги**

Ер қаъридан фойдаланиш, шу жумладан ишлаб чиқариш объектларини ва бошқа объектларни режалаштириш ҳамда лойиҳалаштириш саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ишларни хавфсиз амалга ошириш бўйича қонунчиликда назарда тутилган қоидалар ва нормаларга риоя этилиши, шунингдек аварияларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар юзага келишининг олдини олиш ҳамда касб касалликлари профилактикаси бўйича тадбирлар ўтказилиши таъминланиши керак.

Одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф соладиган, юридик ва жисмоний шахсларга моддий заарар етказадиган ер қаъридан фойдаланишга доир фаолият тақиқланади.

Ер қаъридан фойдаланувчи ташкилотларда саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилишини таъминлаш учун жавобгарлик уларнинг

раҳбарлари зиммасига юклатилади, улар таркибий бўлинмаларда саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи шахсларни белгилайди.

Ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда ер қаъридан Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси билан келишилмаган ҳолда фойдаланиш тақиқланади.

### **137-модда. Тоғ-кон қутқарув қисмлари ҳамда очик нефть ва газ фаввораларининг олдини олиш ҳамда уларни тугатиш хизматлари**

Ер ости тоғ-кон ишларини олиб бораётган ер қаъридан фойдаланувчиларга тоғ-кон қутқарув қисмлари томонидан, углеводородлар конларини аниқлаш, қидириш ва ўзлаштириш чоғида бурғилаш ишларини олиб бораётган ер қаъридан фойдаланувчиларга эса очик нефть ва газ фаввораларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш хизматлари томонидан хизмат кўрсатилиши керак.

Тоғ-кон қутқарув қисмларининг, очик нефть ва газ фаввораларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш хизматларининг фаолияти ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **15-боб. Ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш**

### **138-модда. Ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турларига доир руҳсатноманинг амал қилиши тугатилганидан кейин ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш, ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш ва ер участкасини тиклашга доир умумий қоидалар**

Барча ер қаъридан фойдаланувчилар ер қаъридан фойдаланиш бўйича фаолият тугатилганидан кейин қуидагиларни таъминлаш учун барча зарур чора-тадбирлар бажарилишини таъминлаши шарт:

1) ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш токи кадастр квадратининг устидаги ер участкасининг юзаси, шунингдек унга туташ ҳудудлар, ҳеч бўлмагандан, улар ер қаъридан фойдаланиш бўйича фаолият бошлангунига қадар бўлган ўша кўринишга ва сифатга келтириладиган ёки, агар бунинг имкони бўлмаса, қанчалик мумкин бўлса, шунчалик яқин ҳолатга келтириладиган тарзда амалга оширилишини;

2) кадастр квадрати юзасидаги ер участкасининг ва унга туташ ҳудудларнинг рекультивацияси, токи уларнинг ердан фойдаланишга нисбатан бўлган аввалги қобилияти тикланиши таъминлайдиган ва, агар ерларни бундай

тиклашнинг имкони бўлмаса, бундай участкалар учун ердан энг самаралироқ фойдаланилишига эришиладиган тарзда ўтказилишини;

3) амалга оширилиши таклиф қилинаётган чора-тадбирлар биологик хилма-хилликнинг бирор-бир йўқолиб кетишига олиб келмаслигини;

4) кўрилаётган чора-тадбирларнинг узок муддатли истиқболда барқарорлигини таъминлаш учун ер қаъридан фойдаланувчи томонидан етарлича молиялаштириш таъминланишини.

Ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш ишларининг ҳажмини қисқартириш мақсадида тегишли рухсатноманинг амал қилиши тугагунига қадар ер қаъридан фойдаланишга оид фаолиятни қисман тугатиш амалга оширилиши мумкин.

Тегишли рухсатноманинг амал қилиши тугатилиши ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича мажбуриятларнинг тугатилишига олиб келмайди. Агар рухсатноманинг амал қилиши тугатилганидан кейин ўттиз йилдан сўнг ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш тўлиқ ва муваффақиятли охирига етказилса ҳамда янги экологик мажбуриятлар юзага келмаса, ер қаъридан фойдаланувчининг мажбурияти тугайди.

### **139-модда. Кончилик фаолияти, нефть-газ операциялари ва ер қаърида сақлаш учун ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатишнинг дастлабки режаси**

Ер қаъридан фойдаланиш бўйича бирор-бир режалаштирилаётган фаолият бошланишидан олдин фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи ёки ер қаърида сақлашга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъридан фойдаланишга оид фаолиятни тугатиш учун ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқаришнинг дастлабки режасини тайёрлаши керак, у ҳолатларга қараб қуийдаги ахборотни ўз ичига олиши керак:

1) ер қаъридан фойдаланишга оид фаолият тугатилганидан кейин ёпилиши лозим бўлган ер қаъри участкасининг тавсифи;

2) кончилик объектларини, нефт-газ инфратузилмаси объектларини фойдаланишдан чиқаришнинг, конни ёки ер қаърида сақлаш объектларини ёпишнинг тахмин қилинаётган сабаблари;

3) ер қаъридан фойдаланишга оид фаолиятни тугатишнинг кутилаётган давомийлиги;

4) қазиб олиниши ёки ер қаърида сақланиши лозим бўлган фойдали қазилмаларнинг тури ва миқдори;

5) ер қаъридан фойдаланиш тугатилганидан кейин ер қаъри участкасида қолиши тахмин қилинган бирор-бир фойдали қазилмалар захираларининг тури ва миқдори;

6) зарур бўлган тақдирда ер қаъридан фойдаланиш бўйича, шу жумладан кон қазишмаларини қайтадан тўлдириш чора-тадбирларини

кўллаш бўйича кадастр квадрати юзасидаги ер участкасида ёки ер қаъри участкасида илгари бажарилган ишлар ҳақидаги хужжатлар;

7) ер усти ёки ер ости ҳудудида ўрнатилиши керак бўлган ёки аллақачон ўрнатилган ёки фойдаланилаётган кончилик объектлари ва ускуналарини ёки омборларини тугатиш, ер қаърида сақлаш, демонтаж қилиш, бузиб ташлаш ва улардан такroran фойдаланиш учун амалга оширилиши режалаштирилаётган чора-тадбирлар;

8) чиқиндиларни бошқаришнинг дастлабки режаси, кончилик ва бошқа чиқиндиларни қисқартириш, қайта ишлаш, рекуперация ҳамда чиқариб ташлашга оид таклиф этилаётган чора-тадбирлар кўрсатилган ҳолда;

9) сув учун хавфли бўлган бирор-бир моддалар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг таклиф этилаётган усуллари;

10) хавфсизликни таъминлаш ва ер қаъри участкасини тиклаш бўйича хавф-хатарларни, жорий ҳамда режалаштирилаётган тадбирларни баҳолаш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган таклиф этилаётган тадбирлар;

11) ёнбағирнинг тузилиши ва эрозияга ҳамда, зарур бўлган тақдирда, сув оқимлари эрозиясига нисбатан барқарорлиги юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган таклиф этилаётган чора-тадбирлар;

12) ерлардан такroran фойдаланиш турларига ва ердан фойдаланишнинг амалдаги режаси талабларига мувофиқ ер участкасининг баланси;

13) маҳсус техник зичлаш конструкциялари талаб қилинадиган ишларнинг, жумладан шахталарнинг ва хавфли моддалар ер ости омборларининг герметизация қилинишини таъминлаш бўйича ишларнинг бирор-бир зарур бўлган маҳсус режалари;

14) ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш режасини амалга оширишнинг техник маслаҳатчи томонидан тайёрланган смета қиймати;

15) ер участкасини тиклашнинг дастлабки режаси.

Рұксатнома олиш учун аризачи томонидан тақдим этилган ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатишнинг дастлабки режаси, кўлланиладиган ҳолга қараб, геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасининг, конни ўзлаштириш лойиҳасининг ёки ер қаърида сақлаш бўйича лойиҳанинг бир қисми бўлади.

Ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш режасини ушбу Қонунда назарда тутилган тартиб-таомилга мувофиқ унга ўзгартиришлар киритиш доирасида янгилайди.

#### **140-модда. Нефть-газ операциялари учун ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича дастлабки режа**

Бирор-бир мўлжалланаётган нефть-газ операцияларининг бошланишидан олдин ер қаъридан фойдаланувчи бундай ишларни тугатиш учун ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича дастлабки режани тузади, режа қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

1) рухсатномага киритилган нефть-газ операциялари тамомланганидан кейин объектларни тутатиш ёки консервация қилиш амалга ошириладиган ер участкасининг тавсифи;

2) тегишли рухсатномага киритилган кадастр квадратининг ер юзасида ёки ер қаъри участкасида амалга оширилган нефть-газ операцияларининг хужжатлари;

3) ер қаъри участкаси фойдаланишдан чиқариш бўйича режани амалга оширишга тааллукли маълумот берадиган ахборот, унга қуидагиларни ўз ичига олувчи диаграммалар, чизмалар ва, зарур бўлганда, тегишли фотосуратлар илова қилинади:

а) кадастр квадрати юзасининг ер участкаси жойлашган ер ва асосий инфратузилма объектлари кўрсатилган харита (хариталар);

б) эътиборга олиниши керак бўлган бошқа бирор-бир туташ объектларнинг (телефон кабеллари, бошқа кувурлар ва платформалар кабилар) тегишли жойлашуви, тури ҳамда ҳолати;

в) мазкур участкада амалга оширилаётган бирор-бир тижорат фаолияти ҳақидаги ахборот;

г) ер қаъри участкаси фойдаланишдан чиқариш бўйича режани кўриб чиқишга алоқадор бўлган ҳар қандай бошқа маълумот берадиган ахборот;

4) нефть-газ инфратузилмаси объектларини фойдаланишдан чиқариш сабаблари;

5) ер қаъри участкасида ўрнатиладиган ёки ўрнатилган ёхуд фойдаланилаётган нефть-газ инфратузилмаси объектларини фойдаланишдан чиқариш, демонтаж қилиш, утилизация қилиш, бузиб ташлаш, такроран қайта ишлаш ёки такроран фойдаланиш учун қўллаш таклиф қилинаётган усуллар ва чоралар, шунингдек таклиф этилаётган усулни танлаш сабаблари, шу жумладан таклиф этилаётган усулни ҳамда чораларни қўллаш натижасида юзага келиши мумкин бўлган таъсирнинг баҳоланиши;

6) фойдаланишдан чиқариладиган объектларда ўрнатилган ёки ўрнатишга таклиф қилинаётган объектларнинг тавсифи, шу жумладан қуидагиларни ҳам назарда тутадиган диаграммалар:

а) фойдаланишдан чиқариш мўлжалланаётган пайтдаги нефть-газ инфратузилмаси объектларининг барча таянч конструкциялари (тури, ўлчами, ташки кўриниши ва оғирлиги);

б) нефть-газ операцияларининг ҳар бир обьекти билан бевосита боғланган барча (ишлаб турган, консервация қилинган ёки тутатилган) кудуклар рўйхати;

в) дастурга алоқадор бўлган барча сақлаш, юклаш ва ташиш обьектлари;

г) ҳар қандай бошқа ўрнатилган обьектлар;

7) таклиф этилаётган чора-тадбирлар қийматининг харажатлар тоифаларининг батафсил тавсифини ўз ичига олган ҳисоб-китоби (энг аниқ

баҳолаш асосида ва баҳолашдан бирор-бир эҳтимол тутилган четга чиқишилар кўрсатилган ҳолда, улар режани амалга ошириш жараёнида пировард натижаларда бирор-бир тафовут юзага келишининг сабабини изоҳлаши мумкин);

8) агар бирор-бир нефть-газ инфратузилмаси обьектини ёки асосий ускунани қолдириш ёки қисман демонтаж қилиш ва ер қаъри участкасидан олиб чиқиш таклиф қилинаётган бўлса, мониторинг ҳамда техник жиҳатдан хизмат кўрсатиш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирлар;

9) нефть-газ операцияларини тугатишнинг кутилаётган давомийлиги, ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирларни амалга ошириш муддатларини қўшган ҳолда ва бундай муддатларни аниқлаш механизми;

10) зарур бўлган тақдирда, қазиб олинган углеводород ресурсларининг тури ва миқдори;

11) зарур бўлган тақдирда, захираларнинг чиқариб олинувчанлигини ҳисоблаш баҳолашдаги ёки конда углеводородлар қазиб олишнинг муддатидан илгари тугатилишини баҳолашдаги бирор-бир ўзгаришлар муносабати билан қўлланиладиган таклиф этилаётган чора-тадбирлар;

12) зарур бўлган тақдирда, нефть-газ операциялари тугатилганидан кейин ер қаъридан фойдаланиш участкасида қолиши кутилаётган ҳар қандай углеводород ресурсларининг тури ва миқдори;

13) участкани тиклаш бўйича дастлабки режа.

Ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича дастлабки режа, қўлланиладиган ҳолатга қараб, углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасининг ёки нефть-газ конини ўзлаштириш лойиҳасининг бир қисми бўлиб, у аризачи томонидан рухсатнома олиш учун тақдим этилади. Ушбу дастлабки режа ушбу Қонунда назарда тутилган тартиб-таомилга мувофиқ тегишли режага янгилашларни тақдим этиш доирасида ер қаъридан фойдаланувчи томонидан янгиланади.

#### **141-модда. Кончилик фаолияти учун оқибатларни тугатиш бўйича якуний режа**

Ушбу модданинг иккинчи қисмини инобатга олган ҳолда ер қаъридан фойдаланувчи коннинг режалаштирилаётган ёпилишидан олдин бир йил ичida Ер қаъридан фойдаланиш марказига ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича якуний режани тасдиқлаш учун тақдим этади.

Агар ер қаъридан фойдаланувчи тегишли рухсатномадан воз кечса ёки рухсатнома унинг амал қилиш муддати тугагунига қадар бекор қилинса, ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича охирги тасдиқланган дастлабки режанинг қоидалари қўлланилади.

Ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича якуний режа Ер қаъридан фойдаланиш марказига киритилган тақдирда, бундай режа зарур бўлган тақдирда қуидагиларни ўз ичига олади:

- 1) ер қаъридан фойдаланувчининг номи ва манзилини;
- 2) дахл қилингандан кадастр квадратлари доирасида кончилик фаолияти нефть-газ операциялари учун фойдаланиладиган участканинг тавсифини;
- 3) қазиб олингандан фойдали қазилмаларнинг тавсифини ва ер қаъридан фойдаланиш бўйича фаолият давомида олингандан бошқа ахборотни, хусусан, техник жиҳатлар ва бундай ишларни амалга ошириш чоғидаги хавфсизлик нуқтаи назаридан юзага келадиган қийинчиликлар ҳақидаги ахборотни;
- 4) хўжалик юритувчи субъект сифатида кондаги техник-эксплуатация вазиятининг тавсифини ва конни ўзлаштириш харитаси бўлмаган тақдирда – ишларни амалга ошириш схемасини;
- 5) кончилик фаолиятининг бошланиш санасини ва уни тугатишнинг дастлабки санасини, шунингдек бундай тугатишнинг сабабларини;
- 6) фойдали қазилмалар конининг геологик тавсифини ва қазиб олингандан фойдали қазилмаларнинг, шу жумладан кончилик фаолияти тўкинди уюмларининг инвентаризациясини;
- 7) қайта ишловчи қувватларнинг тавсифини (тайёр маҳсулотнинг тури, унумдорлиги ва чиқариб олиниши ҳамда мавжуд бўлган кимёвий таҳлиллар натижаларини, шу жумладан қолдиқлардаги металлар таркиби);
- 8) ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича ишлар жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндиларни малакали ва ваколатли юридик шахслар ҳамда ходимлар томонидан барча шундай чиқиндиларнинг қонуний равища ташилиши, қайта ишланиши, такроран фойдаланилиши ёки хавфсиз утилизация қилинишини таъминлаш мақсадида самарали бошқариш бўйича режалаштирилаётган чора-тадбирларни;
- 9) транспорт вазиятининг ва асосий қазиб олиш жиҳатларининг, реализация қилиниши лозим бўлган қайта ишланган фойдали қазилмалар ҳамда улар билан боғлиқ маҳсулотларни олиб чиқиш ва кейинги ташишларнинг тавсифини;
- 10) ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича тегишли мавжуд муқобил тавсифларни, улар хавфсизликни, экологик, техник, ижтимоий ҳамда иқтисодий жиҳатларни инобатга олевчи баҳолашнинг микдорий мезонлари асосидаги қиёсий таъсир таҳлилининг ва кўриб чиқилаётган муқобил хавф-хатарларни, ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича танланган вариантнинг асосини ўз ичига олади;
- 11) ер қаъридан фойдаланувчи амалга оширилишини тавсия этаётган ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича қарорни, ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқаришнинг таклиф этилган схемаси муайян ҳолатларда мақбул эканлигининг сабаблари тушунтирилган ҳолда, шу жумладан уни амалга оширишнинг таклиф этилаётган жадвалини;

12) ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқаришдан кейинги мониторинг, техник жиҳатдан хизмат кўрсатиш, хавфсизлик ва ҳисобдорлик бўйича таклиф этилаётган, ер қаъридан фойдаланиш бўйича фаолият тугатилганидан кейин ҳар қандай салбий таъсир мумкин қадар энг паст даражага туширилишини тасдиқлаш учун қўллаш таклиф қилинадиган чора-тадбирларни;

13) ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича режани бажариш жараёнида амалга оширилиши таклиф этилаётган, ҳар бир тоифадаги харажатларнинг батафсил тавсифини ўз ичига олиши керак бўлган барча чора-тадбирлар қийматининг баҳоланишини;

14) келишувларнинг тафсилотларини, ер қаъридан фойдаланувчи уларга мувофиқ Ер қаъридан фойдаланиш марказини ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича ишларнинг амалга оширилиши жараёни ҳақида хабардор қиласиди;

15) амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ талаб этиладиган ҳар қандай бошқа ахборотни;

16) ер участкасини тиклаш режасини.

Фойдаланишга доир журнални тақдим этиш талаби қурилишбоп фойдали қазилмалар ва очик усулдаги тўлдиргичлар бўйича кончилик фаолиятига нисбатан татбиқ этилмайди.

#### **142-модда. Нефть-газ операциялари учун ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича якуний режа**

Ушбу модданинг иккинчи қисмини инобатга олган ҳолда ер қаъридан фойдаланувчи нефть-газ операцияларининг режалаштирилаётган тугатилишидан олдин бир йил ичida Ер қаъридан фойдаланиш марказига ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича якуний режани тасдиқлаш учун тақдим этиши шарт.

Агар ер қаъридан фойдаланувчи тегишли рухсатномадан воз кечса ёки рухсатнома ўзининг амал қилиш муддати тугашидан олдин Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан бекор қилинса, ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича охирги тасдиқланган дастлабки режанинг қоидалари қўлланилади.

Ер қаъридан фойдаланиш марказига тақдим этиладиган ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича якуний режа, зарур бўлган тақдирда, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) ер қаъридан фойдаланувчининг номи ва почта манзилини;
- 2) дахл қилинган кадастр квадратлари доирасидаги нефть-газ операциялари учун фойдаланиладиган ер қаъри участкасининг тавсифини;
- 3) қазиб олинган углеводород ресурсларининг тавсифини ҳамда геологик, геофизик ва геологик жиҳатдан ўрганиш билан боғлиқ бошқа бирор-бир мавжуд маълумотларни, шунингдек ер қаъридан фойдаланиш бўйича ишлар жараёнида олинган ҳар қандай бошқа тегишли ахборотни,

хусусан, техник қийинчиликлар түғрисидаги, шунингдек хавфсизлик ва экология соҳасидаги бундай ишларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар хақидаги ахборотни;

4) ер қаъридан фойдаланиш бўйича фаолият рухсатномага мувофиқ бошланадиган санани ва уни тугатиш режалаштираётган санани, шунингдек бундай тугатиш сабабларини;

5) агар нефть-газ операциялари бирор-бир фойдаланилаётган нефть-газ конига ёки бошқа конга дахл қилса:

а) углеводородлар конининг батафсил тарихий ахборотини, шу жумладан қазиб олинган углеводородлар миқдорини;

б) нефть-газ операциялари тугатилганидан кейин конда қоладиган углеводородлар миқдорининг баҳоланишини;

6) фойдаланишдан чиқарилиши лозим бўлган нефть-газ инфратузилмаси объектларининг турларини, шу жумладан уларнинг жойлашув схемасини, жойлашиш тартибини, чуқурлигини, материаллар турини ҳамда хариталар ва диаграммаларда акс эттириладиган бошқа материалларни;

7) ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича тегишли мавжуд муқобиллар тавсифини, улар:

а) хавфсизликни, экологик, техник, ижтимоий ҳамда иқтисодий жиҳатларни инобатга оловчи баҳолашнинг миқдорий мезонлари асосидаги қиёсий таъсир таҳлилини ва кўриб чиқилаётган муқобилларнинг хавфхатарларини ифодалайди;

б) ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича танланган вариантнинг асосини аниқ ифодалайди;

8) ер қаъридан фойдаланувчи амалга оширилишини таклиф қилаётган ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича қарорни, фойдаланишдан чиқаришнинг таклиф этилган схемаси муайян ҳолатларда мақбул эканлигининг сабаблари тушунирилган ҳолда, шу жумладан уни амалга оширишнинг таклиф этилаётган жадвалини;

9) ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича ишлар жараёнида ҳосил бўладиган бирор-бир чиқиндиларни малакали ва ваколатли компаниялар ҳамда ходимлар томонидан барча шундай чиқиндиларнинг қонуний равишида ташилиши, қайта ишланиши, такроран фойдаланилиши ёки хавфсиз утилизация қилинишини таъминлаш мақсадида самарали бошқариш бўйича режалаштираётган чора-тадбирларни;

10) ер қаъридан фойдаланиш бўйича фаолият тугатилганидан кейин ҳар қандай салбий таъсир мумкин қадар энг кам даражага туширилганини тасдиқлаш учун қўллаш таклиф қилинаётган, ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқаришдан кейинги мониторинг, техник жиҳатдан хизмат кўрсатиш, хавфсизлик ва ҳисобдорлик бўйича таклиф қилинаётган чора-тадбирларни;

11) ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режани рўёбга чиқариш жараёнида амалга оширилиши таклиф қилинаётган, ҳар бир тоифадаги харажатларнинг батафсил тавсифини ўз ичига олган барча чора-тадбирлар қийматининг баҳоланишини;

12) ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича ишларнинг амалга оширилиши жараёни ҳақида Ер қаъридан фойдаланиш марказини қайси келишувларга мувофиқ тўлиқ хабардор қилса, ўша келишувлар тафсилотларини;

13) агар нефть-газ операциялари амалдаги нефть-газ конига ёки бошқа конга таъсир қилса, углеводородлар кони тўғрисидаги батафсил тарихий ахборотни, шу жумладан қазиб олинган углеводородлар миқдорини, шунингдек нефть ва газ операциялари якунланганидан кейин конда қолган углеводородлар миқдорининг баҳоланишини;

14) фойдаланишдан чиқарилиши лозим бўлган нефть-газ инфратузилмаси обьектларининг турларини, шу жумладан уларнинг жойлашув схемасини, жойлашиш тартибини, чуқурлигини, материаллар турини ҳамда хариталар ва схемаларда кўрсатилган бошқа материалларни;

15) бирор-бир қўлланиладиган қонунчиликка мувофиқ талаб қилинадиган ҳар қандай бошқа ахборотни.

Агар ер қаъридан фойдаланувчининг фикрига кўра бирор-бир нефть-газ инфратузилмаси обьектини рухсатномага киритилган ер участкасида қолдириш ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича энг афзал қарор бўлса, ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш, демонтаж қилиш ва ер қаъри участкасидан олиб чиқиш бўйича барча вариантлар тўлиқ кўриб чиқилганини ҳамда қиёсий баҳолаш ўтказилганини, унда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик билан боғлиқ барча турдаги таъсирлар ҳамда хавф-хатарлар, шунингдек барча тегишли ижтимоий ва иқтисодий оқибатлар инобатга олинганини асослаши керак.

#### **143-модда. Ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича якуний режани ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режани тасдиқлаш тартиби**

Ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турлари бўйича ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича якуний режани ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режани тақдим этган санадан эътиборан тўқсон кун ичida Ер қаъридан фойдаланиш маркази бундай режа тасдиқланганлиги тўғрисида ёки кўриб чиқилаётган режа Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан тасдиқланишидан олдин бажарилиши лозим бўлган шартлар мавжуд бўлса, улар ҳақида ер қаъридан фойдаланувчини ёзма тарзда хабардор қиласи.

Ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича режада ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режада тавсифланган ишлар бошқа давлат органларининг ваколатлари ва жавобгарлигига дахл қилган тақдирда, ушбу органлар режани тасдиқлаш жараёнинга жалб этилади.

Шартлар Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан қуидаги ҳолда белгиланиши мумкин:

1) ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича якуний режадаги ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режадаги муддатларда ва ишлар турларида, шунингдек ишлар режасида, шу жумладан ерни тиклаш ишлари жадвалида жиддий ўзгаришлар мавжуд бўлганда;

2) ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича ишларнинг муайян қисмига ёки ер қаъридан фойдаланиш оқибатлари тугатилганидан ёхуд ер қаъри участкаси фойдаланишдан чиқарилганидан кейинги фаолиятга нисбатан табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ экологик экспертиза ўтказиш ва ижобий хулоса олиш зарур деб ҳисобланганда;

3) агар ер қаъридан фойдаланувчи зарур бўлган экологик экспертизани ўтказиш жараёнда жамоатчиликнинг иштирок этишига нисбатан бошқа қонунчиликда назарда тутилган талабларга риоя этиш ниятида бўлмаса.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази тикланиши лозим бўлган кадастр квадрати юзасидаги ер участкасига нисбатан ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича якуний режани ёки ер участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режани тасдиқлаш шартларини белгилаган тақдирда, Ер қаъридан фойдаланиш маркази кадастр квадрати юзасида жойлашган ер участкасига ва унга туташ бўлган ёки шундай мақсадлар учун мўлжалланган ер участкаси юзасидан заруратга қараб бошқа ер участкаларига ҳар қандай оқилона вактда монеликсиз кириш ҳукуқига эга.

Ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича режани ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режани келишиш шарти сифатида Ер қаъридан фойдаланиш маркази ер қаъридан фойдаланувчиidan ер юзасидаги инфратузилмага зарар етказилишининг олдини олиш ёки ер остидаги тоғ-кон ишлари натижасида хавфли моддалар сизиб чиқишининг олдини олиш мақсадида ўйилган бўшлиқларни, ер ости ковакларини ёки илгари ўрнатилган ер ости омборларини қайтадан тўлдириб кўмиб ташлашни талаб қилишга ҳақли.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан ўйилган бўшлиқларни, ер ости чукурларини ёки илгари ўрнатилган ер ости омборларини тўлдириб кўмиб ташлаш бўйича шартлар белгиланган тақдирда:

1) фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг барқарор ва экологик жиҳатдан хавфсиз усулларидан фойдаланишига кўмаклашиш мақсадида

ўйилган бўшлиқларни, ер ости чукурларини ёки илгари ўрнатилган ер ости омборларини тўлдириб кўмиб ташлаш ер юзасига чиқариб ташлашдан (тўкинди уюмларини шакллантиришдан) кўра афзалроқ бўлиши керак;

2) Ер қаъридан фойдаланиш маркази кончилик саноати чиқиндиларидан, кончилик саноати билан боғлиқ бўлмаган чиқиндилардан ёхуд мазкур чиқиндиларнинг иккала туридан тўлдириб кўмиб ташлаш учун фойдаланилиши мумкинлиги-мумкин эмаслиги ҳақида қарор қабул қилиш ҳукуқига эга.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича якуний режани ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режани тасдиқлашга оид шартларни белгилаган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчи барча ана шу шартларга мувофиқ янги режани ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ ер қаъридан фойдаланувчи Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан хабардор қилинган санадан эътиборан олтмиш кун ичida тақдим этиши шарт.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича якуний режани ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режани тасдиқлашни фақат қуйидаги ҳолларда рад этиш ҳукуқига эга, агар:

1) ер қаъридан фойдаланувчи ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик хужжатларига мувофиқ зарур бўладиган, ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режалаштирилаётган тадбирлар билан, шунингдек ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш ва ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш якунланганидан кейин амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар билан боғлиқ бўлган барча ахборотни ва ҳисобга олиш ёзувларини режага киритмаган бўлса;

2) ер қаъридан фойдаланувчи зарур бўладиган келишувларни, рухсатномаларни ва (ёки) ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш билан боғлиқ бўлган барча тадбирларни, шунингдек ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш якунланганидан кейин амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларни бажариш учун қонунчилик хужжатларига мувофиқ зарур бўладиган рухсатномаларни олиш учун кўрмоқчи бўлган чоралар ҳақидаги тасдиқни ёки батафсил ахборотни тақдим этмаган бўлса;

3) Ер қаъридан фойдаланиш маркази ўзининг асосли фикрига кўра қуйидагиларга рози бўлмаса:

а) ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатишнинг ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқаришнинг барча мумкин бўлган вариантлари кўриб чиқилганлигига ва қониқарли қиёсий баҳолаш ўтказилганлигига;

б) ер қаъридан фойдаланиш бўйича фаолият натижасида ҳосил бўлган ҳар қандай чиқиндилар тўғри фойдаланилганлигига, сақланганлигига ёки ер қаъри участкасидан хавфсиз олиб чиқиб кетилганлигига;

в) ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режалаштирилган ишлар вақтида ва улар амалга оширилганидан кейин учинчи тарафларни уларнинг соғлиғига ёки ҳаётига бўлган хавф-хатардан ҳимоя қилиш учун барча зарур бўлган эҳтиёткорлик чоралари кўрилганлигига;

г) ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш ва ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича ишлардан кейин амалга ошириладиган, атроф-муҳитга бўлган салбий таъсири назорат қилиш бўйича ер қаъридан фойдаланувчи томонидан таклиф этиладиган чоратадбирлар самарали ва асосли эканлигига;

д) кадастр квадрати юзасидаги ер участкасини тиклаш бўйича режалаштирилган тадбирлар зарур бўлган хажмда амалга оширилганлигига;

е) кадастр квадрати юзасида жойлашган ер участкасида одамларнинг хавфсизлиги ва жамоат транспортининг муҳофазаси таъминланганлигига;

ж) кончилик фаолияти оқибатлари тугатилган тақдирда коннинг режалаштирилган ёпилиши кейинчалик ишларни давом эттириш, илғор тармоққа оид амалиётга, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига ва хавфсизликни таъминлаш воситаларига риоя этиш имконини беришига, шунингдек инфратузилма объектлари ва ускуналар ер ости участкасидан тўлиқ олиб чиқиб кетилганлигига;

з) режалаштирилаётган ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш ва фаолият тугатилганидан кейинги ишлар илғор нефть-газ амалиётини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилишига ҳамда мақсадга мувофиқлигига ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг барча талабларига ҳамда хавфсизлик техникасига мувофиқ эканлигига, ҳар қандай транспорт объектидан нефть-газ инфратузилмасининг бошқа мавжуд объектлари билан бирга такроран фойдаланиш имконияти келгусида бундан кейинги нефть-газ операцияларини амалга ошириш учун тўлиқ кўриб чиқилганлигига ҳамда ер қаъри участкаси фойдаланишдан чиқарилишига қадар баҳолангандигига.

Агар ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича режа ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режа тасдиқланмаган бўлса, ер қаъридан фойдаланувчи Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан режани тасдиқлашни рад этиш ёки уни тасдиқлаш учун шартлар белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан олтмиш кун ичидаги янги ёки ўзгартирилган режани такроран тақдим этади.

**144-модда. Ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича режанинг ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режанинг амал қилиш муддати ва уларга ўзгартиришлар киритиш**

Ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича режа ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режанинг амалдаги режа ҳисобланади, агар у;

1) қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатноманинг бутун амал қилиш даври учун қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасининг бир қисми бўлса;

2) қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмалар конини ўзлаштириш лойиҳасининг бир қисми бўлиб, ушбу лойиҳа Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан тасдиқланган санадан эътиборан камида икки йил ўтган бўлса;

3) рухсатноманинг бутун амал қилиш даври учун углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасининг бир қисми бўлса;

4) Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан тасдиқланган санадан эътиборан беш йил мобайнида углеводородлар конини ўзлаштириш лойиҳасининг бир қисми бўлса.

Ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича режанинг ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режанинг мазмунига жиддий ўзгартиришлар киритилган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчи режага тегишли ўзгартиришлар киритилганлиги ҳақида Ер қаъридан фойдаланиш марказини ёзма равища хабардор қилиши шарт.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича режага ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режага ер қаъридан фойдаланувчи томонидан таклиф этган барча ўзгартиришларни ушбу Қонун 57-моддасининг иккинчи қисмida ёки 91-моддасида белгиланган тартибда кўриб чиқади.

**145-модда. Ер қаъридан фойдаланувчининг ер участкасини тиклаш бўйича дастлабки режани тузишга доир мажбурияти**

Ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъридан фойдаланишга доир бирор-бир ишлар бошлангунига қадар Ер қаъридан фойдаланиш маркази билан келишиш учун геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасини ёки конни ўзлаштириш лойиҳасини тайёрлаш жараёнида конни ёпиш режасини тайёрлаш бўйича мажбуриятлар доирасида ер қаъридан фойдаланилган ер участкасини тиклаш бўйича дастлабки режани тузади.

Ер участкасини тиклаш бўйича дастлабки режа, агар қўллаш мумкин бўлса, қуидагиларни ўз ичига олади:

1) ер участкасини тиклаш бўйича таклиф этилаётган ишларни бажаришнинг дастлабки жадвалини;

2) режани бажариш учун таклиф этилаётган барча чора-тадбирлар қийматининг баҳоланишини;

3) кончилик фаолияти (нефть-газ операциялари) таклиф этилаётган босқичларининг ер участкасига ҳамда атроф-мухитга ва (ёки) параллел тиклаш чора-тадбирлари учун тўкинди уюмларини жойлаштириш майдончаларига ва (ёки) ер ости қазишмаларини қайтадан тўлдириб кўмиб ташлашга бўлган эҳтимолий таъсирининг баҳоланишини;

4) ер участкасини тиклаш бўйича чора-тадбирларни бажариш учун фойдаланишга таклиф этилаётган техника ва транспорт ускуналарнинг тавсифини;

5) ер қаъри участкасидан режалаштирилаётган қайта фойдаланишни ва ундан такороран фойдаланиш учун таклиф этилаётган чекловларни;

6) кончилик инфратузилма объектларини демонтаж қилишнинг дастлабки режасини;

7) тўкинди уюмлари участкасига дараҳт кўчатлари ўтқазиш ва уни кўкаламзорлаштиришнинг дастлабки режасини;

8) рекультивация қилишнинг дастлабки режасини (кўчат экиш, тупроқдан фойдаланиш, юзани шакллантириш режаларини, ўсимлик ва ҳайвонотнинг ҳаёти қайта тикланишини рағбатлантириш чора-тадбирларини ўз ичига олади);

9) хизмат ва жамоат эҳтиёжлари учун йўллар қурилишини назарда тутувчи инфратузилманинг, шунингдек уй-жой ва рекреация инфратузилмасининг дастлабки режасини;

10) конлар карьер усулда ўзлаштирилган тақдирда – кон қазиб олинадиган участкада ер қаъридан фойдаланиш бўйича ишлар натижасида ландшафтга салбий таъсирининг ўринини қоплаш юзасидан таклиф этилаётган чора-тадбирларни ва унинг ҳудудидан ташқаридаги ўринини қоплаш чора-тадбирларини;

11) тупроқни ўғитлаш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирларни;

12) тиклаш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирлар амалга оширилганидан кейинги ландшафт шакли тавсифланган ҳолда рельефнинг дастлабки моделини;

13) устки дренаж тизимларининг таклиф этилаётган конструкциясини, шу жумладан қўлланиладиган жойларда фойдали қазилмалар қазиб олинганидан кейин ер устки сувларининг ва қўлларнинг режалаштирилаётган иншоотларини;

14) ер ости сувларининг кутилаётган келгусидаги сатхини ва сув балансини моделлаштиришни;

15) ер ости сувларини мониторинг қилишнинг қўлланилиши таклиф этилаётган чора-тадбирларини;

16) ер участкасини тиклаш бўйича таклиф этилаётган ишлар амалга оширилганидан кейин қўлланилиши таклиф қилинаётган мониторинг, сифатни бошқариш ва ҳисобдорлик чора-тадбирларини.

Ер участкасини тиклаш бўйича дастлабки режа ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф этиш бўйича дастлабки режанинг қисми ҳисобланади.

Агар қазиб олиш шароитлари ўзгарганлиги ёки атроф-мухитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ўзгаришлар муносабати билан ер участкасини тиклаш бўйича мавжуд режани амалга ошириш қонунчиликка мувофик янги экологик экспертиза ўтказилишини ва унинг юзасидан ижобий хулоса олинишини талаб қилса, ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини бартараф этиш бўйича ёки ер участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича янги режани тузиши ва тасдиқлаш учун Ер қаъридан фойдаланиш марказига тақдим этиши шарт.

#### **146-модда. Нефть-газ операцияларини амалга ошираётган ер қаъридан фойдаланувчининг ер участкасини тиклаш бўйича дастлабки режани тузишга доир мажбурияти**

Нефть-газ операциялари бўйича бирор-бир ишлар бошлангунига қадар углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасини ёки углеводородлар конини ўзлаштириш лойиҳасини тайёрлаши ва тасдиқлаш учун Ер қаъридан фойдаланиш марказига тақдим этиши зарур бўлган ер қаъридан фойдаланувчи нефть-газ операцияларини амалга ошириш режалаштирилаётган, ер қаъридан фойдаланилган ер участкасини тиклаш бўйича дастлабки режани тузади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган, ер участкасини тиклаш бўйича дастлабки режа, агар қўллаш мумкин бўлса, қўйидагиларни ўз ичига олади:

1) ер участкасини тиклаш бўйича таклиф этилаётган ишларни бажаришнинг дастлабки жадвалини;

2) режани бажариш учун таклиф этилаётган барча чора-тадбирлар қийматининг баҳоланишини;

3) таклиф этилаётган нефть-газ операциялари босқичларининг ер участкасига ва атроф-мухитга тахмин қилинаётган таъсирининг баҳоланишини;

4) ер участкасини тиклаш бўйича чора-тадбирларни бажариш учун фойдаланилишига таклиф қилинаётган техника ва транспорт ускуналарининг тавсифини;

5) ер қаъри участкасидан режалаштирилаётган тақороран фойдаланишни ва ундан тақороран фойдаланиш учун таклиф этилаётган чекловларни.

Ер участкасини тиклаш бўйича бирламчи ишлаб чиқилган дастлабки режа ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича дастлабки режанинг бир қисми ҳисобланади.

Агар нефть-газ операцияларини ўтказиш жараёнида атроф-мухитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шароитлар ўзгарганлиги муносабати билан атроф-мухитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ экологик экспертиза ўтказилишини ва унинг юзасидан ижобий хулоса олинишини талаб қилса, ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича янги режани тузиши ва тасдиқлаш учун Ер қаъридан фойдаланиш марказига тақдим этиши шарт.

**147-модда. Ер қаъридан фойдаланувчининг ер участкасини тиклаш бўйича якуний режани тақдим этишга доир мажбурияти**

Зиммасида ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича якуний режани ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режани тақдим этиш мажбурияти бўлган ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъридан фойдаланишга доир фаолият якунлангунига қадар бир йил ичиди. Ер қаъридан фойдаланиш марказига ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича якуний режа ёки ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режа таркибида ер участкасини тиклаш бўйича якуний режани тасдиқлаш учун тақдим этиши шарт.

Ер участкасини тиклаш бўйича якуний режанинг мазмуни табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ экологик экспертиза ўтказиш ва унинг юзасидан ижобий хулоса олиш талабларига мос бўлиши керак, бунда бундай давлат экологик экспертизасида бирор бир муҳофаза қилинадиган табиий ресурсларга нисбатан кўрсатилган хулосалар, тадқиқотлар ва баҳолашлар табиатга таъсирни баҳолаш ҳамда ер қаъридан фойдаланувчи ер участкасини тиклаш бўйича амалга оширишни таклиф қилаётган чора-тадбирларни баҳолаш чоғида эътиборга олинади.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази ер участкасини тиклаш бўйича якуний режани ушбу Қонун 143-моддасининг қоидаларига мувофиқ конни ёпишнинг якуний режасини тасдиқлаш тартиб-таомили доирасида келишади.

**148-модда. Ер участкасини тиклаш бўйича режанинг амал қилиш муддати ва унга ўзгартиришлар киритиш**

Ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ илгари ўзгартиришлар киритилмаган ер участкасини тиклаш бўйича режа ҳақиқийдир ва у қуидаги ҳолларда ижро этилиши лозим:

1) агар у геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасининг бир қисми бўлса – геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатноманинг бутун амал қилиш даврида;

2) агар у қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмалар конини ўзлаштириш лойиҳасининг бир қисми бўлса, – тегишли режа Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан тасдиқланган кундан эътиборан икки йил ичида;

3) агар у нефть-газ конини ўзлаштириш лойиҳасининг бир қисми бўлса, – режа Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан тасдиқланган кундан эътиборан беш йил ичида.

Ер қаъридан фойдаланувчи ер участкасини тиклаш бўйича режага, унинг мазмунида бирор-бир жиддий ўзгаришлар бўлган тақдирда, ўзгартиришлар киритиш нияти ҳақида Ер қаъридан фойдаланиш марказини ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази ер участкасини тиклаш бўйича режага ер қаъридан фойдаланувчи томонидан таклиф этилган барча ўзгартиришларни йигирма иш куни ичида кўриб чиқади.

#### **149-модда. Ер қаъридан фойдаланувчининг уран конлари ва иншоотлари оқибатларини тугатиш, шунингдек ер участкасини тиклаш бўйича мажбуриятлари**

Уран бўйича кончилик фаолиятини амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчи қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатнома доирасида ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича бошқа мажбуриятларга қўшимча равишда қуйидагиларга риоя этиши шарт:

1) уран бўйича кончилик фаолиятининг тугатилишини тартиба солувчи, қўлланилиши мумкин бўлган жойларда, уранни қазиб олиш, рудани қайта ишлаш, уран оксиди концентратларини ишлаб чиқариш бўйича бирор-бир инфратузилма обьектини ва кончилик фаолиятининг радиоактив чиқиндилари билан боғлиқ ишлар амалга ошириладиган обьектни тугатишни, у ёпилганидан кейин уни сақлаш ҳамда унга техник хизмат кўрсатишни тартиба солувчи ҳар қандай қўлланиладиган қонунчилик қоидаларига;

2) уран кони ва обьектларини ёпиш, шунингдек ер участкасини тиклаш бўйича ишлар учун радиациявий хавфсизликка доир маҳсус рухсатнома қоидалари ҳамда шартларига.

Ер қаъридан фойдаланувчи радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи давлат органини қуйидагилар ҳақида дарҳол ёзма шаклда хабардор қилиши шарт:

1) қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддати тугагунига қадар амалга ошириладиган уран бўйича кончилик фаолиятини тугатиш муддатлари ҳақида;

2) конни ёпишнинг тасдиқланган режасига нисбатан фактик ахборотдаги бирор-бир ўзгаришлар тўғрисида.

Ер қаъридан фойдаланувчи радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи ваколатли органни конни ёпиш бўйича ҳамда у ёпилганидан кейин барча тасдиқланган чора-тадбирлар ва ишлар муваффақиятли тугалланганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади ҳамда унга ишларни амалга ошириш жараёнида қилинган харажатларни тасдиқловчи молиявий ҳисботларни тақдим этади.

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи ваколатли орган бажарилган тадбирларнинг ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича режада кўрсатилган ишларга ҳамда уран конини ва инфратузилма обьектларини ёпиш учун радиациявий хавфсизликка доир рухсатнома шартларига мувофиқлигини текширади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган молиявий ҳисбот «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни қоидаларига мувофиқ аудитор томонидан тасдиқланиши ҳамда уран бўйича кончилик фаолиятини молиявий, экологик ва техник аудитдан ўtkазиш борасида тегишли тажрибага эга бўлган мустақил аудитор томонидан ер қаъридан фойдаланувчининг ҳисобидан текширилиши лозим.

Ушбу Конун 151-моддасининг талабларига қўшимча равища ер қаъридан фойдаланувчи томонидан конни ёпиш бўйича ва у ёпилганидан кейин барча тасдиқланган чора-тадбирларни амалга оширишга доир харажатларни қопловчи таъминот гаровининг бўшатилиши мустақил аудиторнинг ижобий хуносасига боғлиқ бўлади.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази қолдик радиоактив ифлосланиш туфайли ерлардан фойдаланишга доир бўлган, кон муваффақиятли ёпилганидан ва ер участкаси ёки бирор-бир уранга оид ишлаб чиқариш обьекти экологик жиҳатдан тикланганидан кейин қўлланилиши давом этаётган бирор-бир чекловларни давлат ер кадастрида рўйхатга олади.

### **150-модда. Ер қаъридан фойдаланувчининг кадастр квадрати юзасидаги ер участкасининг мониторингини амалга ошириш бўйича мажбурияти**

Ер қаъридан фойдаланувчи конни ёпишнинг тасдиқланган режасида ва ер участкасини тиклаш бўйича тегишли режада назарда тутилган барча чора-тадбирларни бажарганидан кейин ер қаъридан фойдаланувчи Ер қаъридан фойдаланиш марказини тегишли режа бажарилганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

Ер қаъридан фойдаланувчи тегишли режада назарда тутилган барча чора-тадбирлар амалга оширилган санадан эътиборан олти ой ичida Ер қаъридан фойдаланиш марказига ишлар тугалланганлиги тўғрисидаги

хисоботни тақдим этади, хисобот ушбу барча чора-тадбирлар түлиқ ҳажмда амалга оширилганилиги түғрисидаги ахборотни ўз ичига олади. Хисоботда қуидагилар назарда тутилади:

1) тегишли режанинг асосий босқичлариға қай тарзда эришилганинг тавсифи;

2) конни ёпиш, шу жумладан ер участкасини тиклаш бўйича барча чора-тадбирлар тегишли режа шартлариға мувофиқ бажарилганилиги далиллари;

3) мониторинг ва техник хизмат кўрсатиш бўйича учинчи тарафнинг мустакил текшируви билан бир вақтда кўрилган чора-тадбирларнинг натижалари;

4) фаолият тугатилганидан кейин атроф-мухит намуналарини тадқиқ этиш натижалари;

5) рухсатномада назарда тутилган ер участкасида қолган, бирор-бир кончилик ёки нефть-газ инфратузилмаси объектлари билан боғлиқ равишда юзага келадиган потенциал хавфларни бошқариш учун кўрилган чора-тадбирлар;

6) амалда қилинган харажатларнинг батафсил тавсифи ва прогноз қилинган харажатларга нисбатан бирор-бир фарқнинг тушунтирилиши.

Ер участкасини тиклаш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар амалга оширилганидан кейин ер қаъридан фойдаланувчи Ер қаъридан фойдаланиш марказининг ёзма сўровига кўра, режа амалга оширилганидан кейин икки йил ичида ўз ҳисобидан ва назорат остида ер участкасида ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолияти таъсирининг кутилаётган тури ва миқёсларини аниқлаш мақсадида ўлчашлар ўтказиши ҳамда қуидаги ҳолларда ҳар қандай номақбул оқибатларнинг мониторингини амалга ошириши шарт, агар:

1) ер қаъридан фойдаланиш бўйича ишларнинг амалга оширилиши ер участкасига зарар етказган ва мавжуд физик иншоотларга салбий таъсир кўрсатган бўлса;

2) бирор-бир шундай зарар юзага келишини кутишга оқилона асослар мавжуд бўлса;

3) бундай ўлчашларнинг ўтказилиши инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига хавфнинг ёки ҳар қандай учинчи тарафга тегишли бўлган мол-мулкка зарар етказилишининг олдини олишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлса.

Ҳар қандай ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ер қаъридан фойдаланувчи ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ўлчашларни ўтказиши керак бўлган ер участкасининг мулқдори ер қаъридан фойдаланувчига исталган оқилона вақтда эркин кириш имкониятини беради, аммо ер қаъридан фойдаланувчи шундай ўлчашлар ўтказилиши натижасида етказилган бирор-бир зарар учун бундай ер эгасига, ердан фойдаланувчига ёки ер участкасининг мулқдорига тегишли компенсацияни тўлаши шарт.

Ер қаъридан фойдаланувчи ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ўлчашлар натижаларини дарҳол Ер қаъридан фойдаланиш

марказига тақдим этиши шарт, Марказ уларни қонунчилик хужжатларига мувофиқ жамоатчилик танишиб чиқиши учун эълон қиласди.

### **151-модда. Ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш учун молиявий кафолатлар**

Ер қаъридан фойдаланувчи фойдали қазилмаларни қазиб олиш лойиҳаси мавжуд бўлишини талаб этадиган фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномага асосан фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича ҳар қандай фаолият бошлангунига қадар, ушбу Қонуннинг 152-моддасида белгиланган шакл бўйича қўйидаги мақсадда молиявий кафолат бериши шарт:

1) ушбу Қонуннинг қоидаларига, шу жумладан фаолият тугатилганидан кейинги ишларни амалга ошириш бўйича мажбуриятлар тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ берилган рухсатномада кўрсатилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мақсадида;

2) ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича режага, ер участкасини тиклаш бўйича режага ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш режасига биноан ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш ва кончилик фаолияти натижасида зарар кўрган ер участкасини ёки чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича бирор-бир инфратузилма объектини тиклаш учун исталган пайтда маблағлар олинишини таъминлаш мақсадида.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган кафолат миқдорини хисоб-китоб қилиш қўйидаги асосда амалга оширилади:

1) кончилик фаолиятининг ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича инфратузилма объектларининг атроф-мухитга ҳамда инсон соғлиғига эҳтимол тутилган таъсири асосида;

2) ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш ва ер участкасини тиклаш бўйича, шу жумладан чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича бирор-бир инфратузилма объекти фойдаланилганидан кейинги ишларни аниқлаш асосида;

3) қўлланиладиган экологик стандартлар ва мақсадлар, шу жумладан чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича бирор-бир инфратузилма объектиning физик жиҳатдан барқарорлиги, тупроқ ва сув ресурслари сифатининг минимал стандартлари ҳамда ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташланишининг энг юқори даражаси асосида;

4) экологик мақсадларга эришиш учун зарур бўлган техник чора-тадбирлар, хусусан, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича инфратузилма объектиning барқарорлигини таъминлашга ва атроф-мухитга зарарни чеклашга қаратилган чора-тадбирлар асосида;

5) конни ёпиш босқичида ва у ёпилганидан кейин, шу жумладан ер участкасининг тикланишини таъминлаш, фаолият тугатилганидан кейинги ишларни амалга ошириш ҳамда зарур бўлган тақдирда мониторинг ўтказиш мақсадларига эришиш учун зарур бўлган чора-тадбирлар ва биохилма-хилликни тиклаш бўйича чора-тадбирлар асосида;

6) тахмин қилинаётган таъсирнинг вақтинчалик миқёсига ва ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини юмшатишга доир зарур чоратадбиrlар асосида;

7) конни ёпиш босқичида ва у ёпилганидан кейин, шу жумладан кон ёпилганидан кейинги мумкин бўлган бирор мониторинг ёки ифлослантирувчи моддалардан тозалашни амалга ошириш босқичида ерлар рекультивация қилинишини таъминлаш учун зарур бўлган харажатларни баҳолаш асосида.

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларнинг асосий турларини қазиб олишга доир рухсатномалар борасида ушбу модда иккинчи қисмининг 7-бандида назарда тутилган баҳолаш мустақил ҳамда малакали учинчи тараф томонидан ўтказилиб, у Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан маъқулланиши лозим ва у фаолиятнинг режалаштирилмаган ёки муддатидан илгари тугатилиш имкониятини назарда тутади.

Бошқа ҳолларда баҳолаш ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ўтказилиши ва Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан тасдиқланиши мумкин.

Агар Ер қаъридан фойдаланиш маркази ер қаъридан фойдаланувчи амалга оширган харажатларнинг баҳоланишига рози бўлмаса, Марказ харажатларга ўз баҳосини таклиф этиб, ер қаъридан фойдаланувчи уни қабул қилиши мумкин, ер қаъридан фойдаланувчи Ер қаъридан фойдаланиш марказининг баҳосига рози бўлмаган тақдирда эса, у мустақил ва малакали учинчи тарафни ўз ҳисобидан жалб этиши мумкин бўлиб, учинчи тараф ушбу модда иккинчи қисмининг 7-бандида кўрсатилган харажатларни баҳолаши шарт.

Кафолат миқдорига ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилган омилларнинг ўзгариши ҳисобга олинган ҳолда ҳар йили тузатишлар киритилади.

Агар илгари берилган таъминот ер қаъридан фойдаланувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ушбу Қонун қоидаларига мувофиқ бўлмай қолса, ер қаъридан фойдаланувчи бундай таъминотни олтмиш кун ичida алмаштириши шарт.

Агар ер қаъридан фойдаланувчи мазкур давр ичida таъминотнинг бундай алмаштирилишини бажармаган бўлса, у ҳар қандай жорий кончилик фаолиятини дарҳол тўхтатиб туриши шарт, бундан қаров ва техник жиҳатдан хизмат кўрсатиш ишлари мустасно. Кончилик фаолиятини тиклаш фақат бундай таъминот тикланганидан ёки алмаштирилганидан кейин амалга оширилади.

Агар тегишли таъминот суммаси ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатишнинг тегишли режасида назарда тутилган харажатлар ўрнини қоплаш учун етарли бўлмаса, Ер қаъридан фойдаланиш маркази етишмаётган суммани кончилик фаолиятининг оқибатларини бартараф этиши шарт бўлган ер қаъридан фойдаланувчининг мол-мулки ҳисобидан олишга ҳақли.

Агар тегишли таъминот суммаси ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш учун харажатларнинг ҳақиқий суммасидан ортиқ

бўлса, ер қаъридан фойдаланувчи тегишли ер қаъри участкаси доирасида ер қаъридан фойдаланиш оқибатлари бартараф этилганлиги ҳақидаги далолатномани тақдим этиб, қолган суммани олиш хукуқига эга бўлади.

**152-модда. Ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини  
тугатиш бўйича мажбуриятларнинг  
бажарилишини кафолат, банк омонати  
гарови ёки суғурта билан таъминлаш**

Ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатишни ва ер участкасини тиклаш учун харажатларни молиялаштириш бўйича ўз мажбуриятини кафолат, банк омонати гарови ёки суғурта билан бажариши мумкин.

Ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича мажбуриятни ёки ер участкасини тиклаш бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси, кўлланилган ҳолга қараб, кафилдан банк омонати ёки суғурта полиси ҳисобидан ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича ер қаъридан фойдаланувчининг мажбуриятларини бажариш учун белгиланган энг кам пул суммаси доирасида ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича режага ва ер участкасини тиклаш бўйича режага мувофиқ тўлиқ ёки қисман бадал олишга ёхуд кафолат, банк омонати гарови ёки суғурта суммасини олишга ҳақли.

Кафолат яхши нуфузли банк томонидан берилади. Агар чет эл банки ёки акциялари қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлган ташкилот кафил бўлса, бундай кафиллар Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан белгиланадиган минимал кредит рейтинги бўйича шартларга мувофиқ бўлиши керак. Кафолат Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан келишилган стандарт шакл бўйича давлат тилида тақдим этилади. Чет эл шахси томонидан берилган кафолат албатта давлат тилидаги таржимаси билан чет тилда тузилиши мумкин бўлиб, таржиманинг тўғрилиги нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

Банк омонати гаровида ушбу моддага мувофиқ фақат яхши нуфузли банкда жойлаштирилган банк омонати гаров предмети бўлиши мумкин. Омонат гаровга фақат шу мақсадда топширилади ва ер қаъридан фойдаланувчининг барча бошқа кредиторлари олдида устуворликка эга бўлади.

Ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти бўлган банк омонатининг қайта гарови тақиқланади. Банк омонати гарови миллий ёки чет эл валютасида киритилиши мумкин.

Суғуртада суғурта полисини берадиган суғурта ташкилоти Ер қаъридан фойдаланиш маркази белгилайдиган чет эл валютасида минимал кредит рейтинги талабларига жавоб берадиган етакчи компания бўлиши керак. Суғурта шартномаси туфайли ер қаъридан фойдаланувчи

томонидан ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик (суғурта ҳодисаси) Ўзбекистон Республикаси (наф олувчи) фойдасига суғурта суммаси тўланишига сабаб бўлади. Ушбу моддада назарда тутилган суғурта муносабатлари суғурта тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинади.

Кафилнинг, банк омонати гарови жойлаштирилган банкнинг ёки суғурта ташкилотининг ушбу моддада назарда тутилган мажбуриятлари ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш якунлангунига қадар тугатилмайди.

Агар ер қаъридан фойдаланувчи ушбу Қонуннинг 95-моддасига мувофик ер қаъридан фойдаланишга доир рухсатнома бўйича хукуқларининг бир қисмидан ёки барчасидан учинчи шахс фойдасига воз кечса, хукуқни қабул қилиб олувчи топширувчи тарафдан кафолат, банк омонати гарови ёки суғурта бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олиши ёхуд хукуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечилганидан кейин ўттиз кун ичида ушбу модданинг талабларига жавоб берадиган янги кафолат, банк омонати гарови ёки суғурта амалга киритилишини ташкил этиши керак. Бирламчи ер қаъридан фойдаланувчи кафолатининг, банк омонати гаровининг ёки суғуртасининг амал қилиши бундай алмаштириш янги ер қаъридан фойдаланувчи томонидан тасдиқланганидан кейин тугатилиши мумкин.

Юридик шахс бўлган ер қаъридан фойдаланувчи тугатилган тақдирда ёки банкрот бўлганда кафолатининг, банк омонати гаровининг ёки суғуртанинг предмети тендер массасига киритилмайди, кафил, банк омонатини гаровга олувчи, суғурта полисини сакловчи эса ер қаъридан фойдаланувчининг мол-мулки ҳисобидан талабларни қаноатлантиришда иштирок этувчи кредиторлар ҳисобланмайди.

### **153-модда. Ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини молиялаштириш йўли билан таъминлаш**

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи томонидан маҳсулот реализация қилинганидан кейин биринчи йилдан эътиборан, бундай ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича тасдиқланган режа, шу жумладан ер участкасини тиклаш бўйича режа юзасидан фақат ўз мажбуриятларини бажариш мақсадида мақсадли банк ҳисобварағига эга бўлган тугатиш фондини ташкил этади.

Ушбу модданинг биринчи қисмida қўрсатилган тугатиш фондининг банк ҳисобварағи:

1) ер қаъридан фойдаланувчининг номига маҳсус эскроу ҳисобварағи (эскроу-ҳисобварақ) тарзида очилади;

2) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензиясига эга бўлган яхши нуфузли тижорат банкида хизмат кўрсатилади;

3) фоизлар ҳисобланниши назарда тутади, бунда барча ҳисобланган фоизлар тугатиш фондининг бир қисми ҳисобланади;

4) инфляция натижасида қиймати йўқотилишининг олдини олиш учун нисбатан барқарор валютада деноминация қилинади.

Пул маблағлари тугатиш фондининг ҳисобварағига ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ҳар йили 31 марта қадар киритилади. Ҳар йили тўланиши лозим бўлган сумма ер қаъридан фойдаланувчи томонидан охирги йилда олинган соф даромаднинг бир фоизини ташкил этади.

Агар тўлов давридаги йил тўлиқ бўлмаса, ер қаъридан фойдаланувчининг молиялаштириш бўйича мажбурияти мазкур йилдаги шундай даврнинг ҳар бир тўлиқ ойи учун мутаносиб равишда ҳисоб-китоб қилинади.

Тўловлар ер қаъридан фойдаланувчи томонидан бир йўла ёки қисмларга бўлиб амалга оширилиши мумкин, қисмлар ҳар бир молия йили давомида тўрт қисмдан ошмаслиги керак. Тугатиш фондига киритиладиган бадаллар солиқ солинадиган базадан чегириб ташланиши лозим.

Ушбу модда бешинчи қисмининг қоидаларини инобатга олган ҳолда тугатиш фондининг пул маблағлари гаровга кўйилиши ёки бирор-бир кредит ёки кафолатнинг таъминоти сифатида таклиф қилиниши, шунингдек бошқача тарзда ундирилиши ёки бирор-бир шаклда ўзга шахсга берилиши мумкин эмас.

Агар ер қаъридан фойдаланувчи ушбу Қонуннинг 111-моддасига мувофиқ ер қаъридан фойдаланишга доир рухсатнома бўйича ҳуқуқларининг бир қисмидан ёки барчасидан учинчи шахс фойдасига воз кечса, у тегишинча тугатиш фонди пул маблағларининг бир қисмини ёки барчасини тасдиқланган ҳуқуқни қабул қилиб олувчига топшириши мумкин. Тугатиш фонди бундай бошқа шахс фойдасига воз кечишдан кейин тўлиқ ҳажмда шакллантирилади.

Ҳар йили ушбу Қонуннинг 152-моддасида назарда тутилган тегишли кафолат, банк омонати ёки суғуртанинг умумий суммаси тугатиш фондига ҳар йили ўтказилган маблағлар суммасига камайтирилади.

Тугатиш фондининг ҳисобварағидан маблағларни ечишга факат ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича тасдиқланган режага ва ер участкасини тиклаш бўйича режага мувофиқ ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш ҳамда ер участкасини тиклаш бўйича ишлар ҳақини тўлаш учун рухсат берилади. Ер қаъридан фойдаланувчи томонидан тугатиш фондининг ҳисобварағидан маблағларни ечиб олиш учун Ер қаъридан фойдаланиш марказининг ёзма рухсатномаси олиниши зарур.

Ер қаъридан фойдаланувчи Ер қаъридан фойдаланиш марказига ҳар бир йил тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан белгиланган шаклга кўра тугатиш фондига ўзининг бадаллари бўйича ҳисобварақларидан кўчирма тақдим

этади. Бундай кўчирманинг кўчирма нусхаси ер қаъридан фойдаланувчи томонидан айни ўша муддатда солик органларига тақдим этилади.

Агар ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича тасдиқланган режада ва ер участкасини тиклаш бўйича режада назарда тутилган барча чора-тадбирлар Ер қаъридан фойдаланиш маркази учун мақбул тарзда бажарилганидан кейин тугатиш фондида ортиқча маблағлар қолган бўлса, бу ортиқча маблағлар солик солиш мақсадлари учун даромад деб ҳисобланади, ҳар қандай солик ундирилганидан кейин қолган сумма эса ер қаъридан фойдаланувчига қайтарилади.

Ер қаъридан фойдаланувчи ушбу бобнинг талабларига мувофиқ ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш ва ер участкасини тиклаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, Ер қаъридан фойдаланиш маркази ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича амалга оширилмаган ишлар ҳақини тўлаш учун талаб қилинадиган суммани тугатиш фондидан ечиб олади, тугатиш фондида етарлича маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда эса кафолат, банк омонати гарови ёки суғурта ҳисобидан етишмаётган маблағлар тақдим этилишини талаб қиласди.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази ер қаъридан фойдаланувчига у талабларга риоя этмаганлиги тўғрисида ёзма хабарнома тақдим этганидан ва ер қаъридан фойдаланувчи бундай номувофиқликни бартараф этмаганидан ёки оқибатларни тугатиш тадбирларини ёзма хабарни олган пайтдан эътиборан олтмиш кун ичидаги бартараф этмаганидан кейин Марказ тугатиш фондидан фойдаланиш имкониятини қўлга киритиши мумкин. Агар тадбирлар бошланган бўлса-ю, бироқ якунланмаган бўлса, узайтирилиши мумкин бўлмаган мажбурий жадвал тақдим этилиши зарур.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан ер қаъридан фойдаланувчининг оқибатларини тугатиш бўйича бажарилмаган ишларини амалга ошириш учун тугатиш фондидан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Марказ фондни бошқариш учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади, бундай ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай товарларни, ишларни ёки хизматларни харид қилиш давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинади.

#### **154-модда. Нефть-газ операциялари оқибатларини тугатиш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш**

Тасдиқланган нефть-газ операцияларининг биринчи йили тугайдиган санадан кечиктирмай ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича тасдиқланган режага ва ер участкасини тиклаш бўйича режага доир фақат ўз мажбуриятларини бажариш мақсадида аниқ мақсадли банк ҳисобварағига эга бўлган ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш фонди ташкил этилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмida кўрсатилган ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш фондининг ҳисобварағи:

1) ер қаъридан фойдаланувчининг номига махсус эскроу ҳисобварағи (эскроу-ҳисобварақ) тарзиде очилади;

2) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензиясига эга бўлган ва Ер қаъридан фойдаланиш маркази учун мақбул бўлган яхши нуфузли тижорат банкida туради;

3) фоизлар ҳисобланнишини назарда тутади, бунда барча ҳисобланган фоизлар ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш фондининг бир қисми ҳисобланади;

4) инфляция натижасида қиймати йўқотилишининг олдини олиш учун нисбатан барқарор валютада деноминация қилинади.

Пул маблағлари ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш фондининг ҳисобварағига ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ҳар йили 31 марта қадар киритилади. Агар тўлов давридаги йил тўлиқ бўлмаса, ер қаъридан фойдаланувчининг молиялаштириш бўйича мажбурияти мазкур йилдаги даврнинг ҳар бир тўлиқ ойи учун мутаносиб равишда ҳисоб-китоб қилинади.

Геологик жиҳатдан ўрганишни ва баҳолашни амалга оширишда ер қаъридан фойдаланувчининг ҳар йилги бадали ўтган йилги капитал харажатларнинг ноль бутун ўндан беш фоизини ташкил этади, углеводородларни қазиб олишда эса капитал харажатларнинг икки фоизини ташкил этади.

Тўловлар ер қаъридан фойдаланувчи томонидан бир йўла ёки қисмларга бўлиб амалга оширилиши мумкин, қисмлар бир молия йилида тўрт қисмдан ошмаслиги керак. Ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш фондига киритиладиган бадаллар солиқ солинадиган базадан чегириб ташланиши лозим.

Ушбу модда бешинчи қисмининг қоидаларини инобатга олган ҳолда, ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш фондининг пул маблағлари гаровга қўйилиши ёки бирор-бир қарзнинг ёки кафолатнинг таъминоти сифатида таклиф қилиниши ва фойдаланилиши ёхуд бирор-бир бошқа усуlda ёки ҳар қандай бошқа шаклда ундирилиши ёки ўзга шахсга берилиши мумкин эмас.

Агар ер қаъридан фойдаланувчи ушбу Қонуннинг 111-моддасига мувоғик рухсатнома бўйича хуқуqlарининг бир қисмидан ёки барчасидан учинчи тараф фойдасига воз кечса, ер қаъридан фойдаланувчи тегишинча ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш фонди пул маблағларининг бир қисмини ёки барчасини тасдиқланган хуқуқни қабул қилиб олувчига топшириши мумкин. Фонд бундай бошқа шахс фойдасига воз кечишдан кейин тўлиқ ҳажмда шакллантирилади.

Ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш фондининг ҳисобварағидан маблағларни ечиб олишга фақат ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича тасдиқланган режага ва ер участкасини

тиклаш бўйича режага мувофиқ нефть-газ операцияларининг оқибатларини тугатиш ҳамда ер участкасини тиклаш бўйича ишлар ҳақини тўлаш учун рухсат берилади. Ер қаъридан фойдаланувчи томонидан фонд ҳисобварағидан маблағларни ечиб олиш учун Ер қаъридан фойдаланиш марказининг ёзма рухсатномаси олиниши зарур.

Ер қаъридан фойдаланувчи Ер қаъридан фойдаланиш марказига ҳар бир йил тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан белгиланган шаклга кўра ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш фондига ўзининг бадаллари бўйича ҳисобварақларидан кўчирма тақдим этади. Бундай кўчирманинг кўчирма нусхаси ер қаъридан фойдаланувчи томонидан айни ўша муддатда ваколатли солиқ органларига тақдим этилади.

Агар ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича тасдиқланган режада ва ер участкасини тиклаш бўйича режада назарда тутилган барча чора-тадбирлар Ер қаъридан фойдаланиш маркази учун мақбул тарзда бажарилганидан кейин ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш фондига ортиқча маблағлар қолган бўлса, бу ортиқча маблағлар солиқ солиш мақсадлари учун даромад деб ҳисобланади, ҳар қандай солиқ ундирилганидан кейин қолган сумма эса ер қаъридан фойдаланувчига қайтарилади.

Ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш фонди ташкил этилгунига қадар бўлган даврда, шунингдек ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш фондининг маблағлари ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича тасдиқланган режада ва ер участкасини тиклаш бўйича режада баён этилган барча таклиф қилинаётган чора-тадбирлар учун харажатлар ўрнини қоплаш учун етарли бўлмаган ҳолларда, ер қаъридан фойдаланувчи бундай фаркнинг ўрнини ушбу Қонуннинг 152-моддасида ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш учун назарда тутилган кафолат, банк омонати гарови ёки суғурта ҳисобидан қоплайди.

Ер қаъридан фойдаланувчи нефть-газ операциялари оқибатларини тугатиш ва ер участкаларини тиклаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда ёхуд ер қаъридан фойдаланувчи тугатилган ёки банкрот бўлган тақдирда, Ер қаъридан фойдаланиш маркази ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича амалга оширилмаган ишлар ҳақини тўлаш учун ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш фондидан зарур бўлган суммани ечиб олади.

Ер қаъридан фойдаланиш маркази факат ер қаъридан фойдаланувчига талабларга риоя этмаганлиги тўғрисида ёзма хабарнома юборганидан кейин, ер қаъридан фойдаланувчи эса бундай риоя этмасликни ёзма хабарнома олинганидан кейин олтмиш кун ичida бартараф этмагандага ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш фонди маблағларидан фойдаланиш имкониятини олади.

Агар Ер қаъридан фойдаланиш маркази ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш ва ер участкасини тиклаш бўйича ер қаъридан фойдаланувчи томонидан бажарилмаган ишларни амалга ошириш учун ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш фондининг маблағларидан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қиласа, у қўлланиладиган қонунчиликка мувофиқ фонд маблағларини бошқариш учун жавобгар бўлади, бундай ишларни амалга ошириш учун зарур бўладиган бирор-бир товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиб олиш эса давлат харидлари тўғрисидаги қўлланиладиган қонунчилик билан тартибга солинади.

Агар ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш фондида маблағлар етарли бўлмаса, Ер қаъридан фойдаланиш маркази ушбу модданинг ўн биринчи қисмида кўрсатилган кафолат, банк омонати гарови ёки суғурта ҳисобидан етишмаётган маблағлар берилишини талаб қиласи.

## **16-боб. Ривожланишни таъминлашда қўллаб-қувватлаш**

### **155-модда. Ер қаъридан фойдаланувчи томонидан маҳаллий кадрлар қамровини таъминлаш**

Бирор-бир рухсатнома бўйича фойдаланиладиган, малака талаб этилмайдиган касблар учун барча малакасиз ишчи кучи фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасидан жалб этилади.

Ҳар қандай ер қаъридан фойдаланувчи ва унинг пудратчилари, иккиласи пудратчилари ҳамда миллий етказиб берувчилар маҳаллий ишчи кучига афзаллик бериши керак.

Ер қаъридан фойдаланувчи томонидан чет эл ишчи кучини жалб этиш фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кадрлар етишмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Раҳбарлар ва мутахассислар таркибида чет эл фуқароларининг сони ҳар бир тегишли тоифадаги раҳбарлар ҳамда мутахассислар умумий сонининг йигирма фоизидан ошмаслиги керак.

Агар ер қаъридан фойдаланувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида малакали кадрлар йўқлигини исботлай олса, ер қаъридан фойдаланувчи чет эл мутахассисларини ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган лимитли чекловлардан ташқари жалб этиши ва ёллаши, шу жумладан раҳбарлик лавозимларига жалб этиш ва ёллаши мумкин.

Фойдали қазилмаларнинг асосий турлари бўйича лойиха қурилиши босқичида Ўзбекистон Республикасининг тегишли кадрлар етишмаслиги кузатилаётган ҳудудларида ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган лимитли чеклов қўлланилмайди.

Ер қаъридан фойдаланувчи ўзининг ҳар йилги ҳисоботига маҳаллий кадрлар қамрови, шу жумладан раҳбарлар ва мутахассислар таркибидаги маҳаллий кадрлар қамрови тўғрисидаги маълумотларни киритиши шарт.

## **156-модда. Фан ва ўқитишга оид талаблар**

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларнинг асосий турлари бўйича ер қаъридан фойдаланувчи ёки углеводородлар бўйича ер қаъридан фойдаланувчи қазиб олиш бўйича фаолият бошланганидан эътиборан ўн икки ойдан кейин Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ўқитиш дастурини ишлаб чиқади. Ер қаъридан фойдаланувчи ўзининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ўқитишга оид батафсил дастурни дастурни амалга ошириш бошлангунига қадар камида бир ой олдин Ер қаъридан фойдаланиш марказига келишиши учун тақдим этиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган дастурда куйидагилар назарда тутилади:

1) фаннинг, ўқитишнинг ва таълимнинг ривожланишини ер қаъридан фойдаланиш бўйича тегишли фаолиятнинг барча босқичларида таъминлашни;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига уларнинг бошқарувга оид ва техник имкониятларини кенгайтириш, шунингдек техник ишларни бажариш учун, шу жумладан маълумотларни талқин қилиш бўйича зарур бўлган бирор-бир воситаларни кенгайтириш йўли билан энг кўп даражада билимлар беришни;

3) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасидан ходимларни ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълимга оид фаолият билан шуғулланувчи таълим ташкилотларининг талабаларини амалиётда ўқитиш учун тегишли имкониятларни захира қилишни;

4) этник, маданий ва гендер тенгликни ҳамда инсон хуқукларининг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган миллатлар ва халқларга ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларига мансуб бўлган шахсларнинг хуқуqlари ҳурмат қилиниши таъминланишини.

Фойдали қазилмаларнинг асосий турлари бўйича ер қаъридан фойдаланувчи ўзининг ўқитиш дастури ўтган йилги натижалар бўйича фойдали қазилмаларни ёки углеводородларни қазиб олишдан олинган ўз соф тушумининг камида бир фоизи миқдорида молиялаштирилишини таъминлаши шарт.

Фойдали қазилмаларнинг асосий турлари бўйича ер қаъридан фойдаланувчи ўзининг ҳар йилги ҳисоботига ўқитиш дастури доирасида амалга ошириладиган ўқитиш тадбирлари тўғрисидаги батафсил ахборотни киритиши шарт.

## **157-модда. Ўзбекистон Республикасида товарлар (ишлар, хизматлар) харидлари бўйича маҳаллий қамровни таъминлаш**

Ер қаъридан фойдаланиш бўйича ишларни амалга ошириш чоғида ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турлари бўйича

хар қандай ер қаъридан фойдаланувчи ёки унинг пудратчилари ва иккиласи пудратчилари бутун саъй-ҳаракатларини куйидагиларга афзаллик беришга қаратади:

1) Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ёки мавжуд бўлган товарлар, материаллар ва ускуналарга, агар улар ўз тавсифларига қўра микдори, сифати, нархи ва етказиб берилиш муддатлари бўйича хорижий товарларга мувофиқ бўлса;

2) Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахслари томонидан кўрсатиладиган хизматларга.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар, материаллар, ишлар ва хизматларни етказиб бериш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлик бўлган ер қаъридан фойдаланиш бўйича фаолиятни амалга оширишда, башарти улар ўз тавсифларига қўра микдори, сифати, нархи ва етказиб берилиши муддатлари бўйича хорижий товарларга мувофиқ бўлса, ер қаъридан фойдаланувчига нисбатан маҳаллий қамров талабларининг муайян улуши қонунчилик ҳужжатларида белгиланиши мумкин.

Ер қаъридан фойдаланувчи ўзининг ҳар йилги ҳисоботига харидлардаги маҳаллий қамров тўғрисидаги батафсил ахборотни киритиши шарт.

### **158-модда. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга доир мажбуриятлар**

Қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларнинг асосий турларини қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи фойдали қазилмаларни қазиб олиш даври мобайнида, фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича ишлар бошланишининг иккинчи йилидан эътиборан углеводородларни қазиб олишга доир рухсатномага эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчи ёки ер қаъри участкасидан фойдаланишни фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлик бўлмаган мақсадларда амалга оширадиган ер қаъридан фойдаланувчи ҳар йили ер қаъридан фойдаланиш учун сотиб олинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) маҳаллий қамрови улуши сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмининг камида эллик фоизи даражасида бўлишини таъминлаши шарт (бундан инвестиция киритиш даврида ёки кейинги кенгайтириш даврида тоғ-кон қайта ишлаш (бойитиш) соҳасидаги ишлаб чиқаришларни ва тегишли инфратузилмани қуриш учун сотиб олинадиган товарлар, ишлар ҳамда хизматлар мустасно).

Агар ер қаъридан фойдаланувчи Ўзбекистон Республикасида ресурслар мавжуд эмаслиги сабабли эллик фоизли мақсадли кўрсаткични бажара олмаса, ер қаъридан фойдаланувчи ва Ер қаъридан фойдаланиш

маркази муайян вақт даври учун пастроқ мақсадли кўрсаткични келишиб олиши мумкин.

Ҳудудларни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ривожлантиришни молиялаштиришнинг белгиланган минимумдан ортиқча ҳажми ер қаъридан фойдаланувчининг кейинги йилдаги тегишли мажбуриятларининг бажарилиши ҳисобига ўтказилиши лозим.

Ер қаъридан фойдаланувчи ўзининг ҳар йилги ҳисоботига ижтимоий-иктисодий ривожлантириш тўғрисидаги батафсил ахборотни киритиши шарт.

### **159-модда. Инфратузилма**

Ер қаъридан фойдаланувчи тегишли рухсатномалар билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ва давлат экологик экспертизадан ўтказилиши лозим бўлган инфратузилмани қуриш ҳамда таъминлаш ҳуқуқига эга.

Ер қаъридан фойдаланувчининг тегишли фаолияти жараёнида қурилган, ўрнатилган ва фойдаланилаётган инфратузилма қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

1) қонунчилик хужжатларида назарда тутилган стандартларга, техник шартларга ва хавфсизлик талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда лойиҳалаштириш, тайёрлаш, етказиб бериш, ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

2) инфратузилма қайси мақсадда фойдаланилаётган бўлса ёки фойдаланиладиган бўлса, ўша мақсадга мувофиқ бўлиши;

3) ер қаъридан фойдаланиш бўйича тегишли фаолиятнинг хавфсиз амалга оширилишини таъминлаши;

4) ер қаъридан фойдаланишга доир фаолиятни амалга ошириш жараёнида дуч келиниши тахмин қилинаётган муайян фойдаланишга оид ва экологик шароитлар инобатга олинниши;

5) тасдиқланган тегишли ишлар режасига мувофиқ бўлиши.

Ер қаъридан фойдаланувчи томонидан қурилган ҳар қандай инфратузилма учун дастлаб режа тузилиб, у фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг розилиги олинганидан кейин тасдиқлаш учун ваколатли органга тақдим этилади.

Ер қаъридан фойдаланувчи инфратузилма ёки объект қўлланилган стандартлар ва талабларга мувофиқ эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун кончилик ёки нефть-газ инфратузилмаси ҳамда объектларининг мунтазам синовларини, кўрикларини ва текширувларини ўтказиши шарт, шунингдек бундай ҳар қандай синовлар, кўриклар ва текширувлар натижаларининг ҳисобини юритиши шарт.

Кончилик ёки нефть-газ инфратузилмаси ва объектларининг синовлари, кўриклари ҳамда текширувлари тўғрисидаги ёзувлар сўровга

кўра Ер қаъридан фойдаланиш марказига, Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига ёки Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигига, қўлланиладиган ҳолга қараб, шунингдек ер қаъридан фойдаланувчидан тегишли синов, кўрик ёки текширув ўтказилиши хусусида ҳисбот тайёрлаш ва тақдим этишни талаб қилиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа ваколатли давлат органларига тақдим этилади.

Ер қаъридан фойдаланувчи томонидан кадастр квадрати юзасидаги ер участкаси доирасида барпо этилган коммуникация каналларидан бошқа қўшни кончилик, саноат ва тижорат корхоналарининг эҳтиёжлари учун уларнинг сўровига кўра фойдаланилиши мумкин, шунингдек, башарти ер қаъридан фойдаланувчи томонидан уларнинг фойдаланилишига тўсиқлар мавжуд бўлмаса, унинг розилигига кўра, тарафлар келишувида белгиланган компенсацияни тўлаш шарти билан жамоатчилик фойдаланиши учун очик бўлиши мумкин.

Ер қаъридан фойдаланувчи томонидан кадастр квадрати юзасидаги ер участкасидан ташқари барпо этилган коммуникация каналлари, башарти фойдаланиш доирасида ер қаъридан фойдаланувчи томонидан берилган техник шартлар ва хавфсизлик талабларига риоя этилса, умумий фойдаланиш учун берилиши мумкин.

Ер қаъридан фойдаланувчи томонидан қурилган, рухсатноманинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин ер участкасида қоладиган инфратузилма умумий фойдаланишда бўлади.

## **17-боб. Ер қаъридан фойдаланганлик учун тўловлар**

### **160-модда. Ер қаъридан фойдаланганлик учун тўловларнинг турлари**

Ер қаъридан фойдаланиш қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳоллар учун пулли асосда амалга оширилади.

Ер қаъридан фойдаланувчилар барча қўлланиладиган солиқларни ва бошқа маҳсус тўловларни тўлайди.

Ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш солиқ тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ қазиб олинган фойдали қазилмаларга нисбатан қўлланилади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқка қўшимча равишда маҳсус тўловлар жумласига қуидагилар киради:

1) рухсатнома бериш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун ариза билан бирга тўланадиган, аризани кўриб чиққанлик учун йиғим;

2) аукцион, тендер натижаларига кўра, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг ҳужжатларига мувофиқ (агар қўллаш мумкин бўлса) тўланадиган тўловлар;

3) ушбу Қонуннинг 161-моддасига мувофиқ қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш, углеводородларни рекогносцировка қилиш бўйича ишлар, углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш ёки ер остида сақлаш учун геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича ҳар йилги лицензия тўлови.

Ушбу модда тўртинчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган йиғим ариза бериш чоғида тўланади.

Ушбу модда тўртинчи қисмининг 2-бандида кўрсатилган тўловлар аукцион ёки тендер муваффақиятли якунланганда ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжати қабул қилинганидан кейин тўланади.

Ушбу модда тўртинчи қисмининг 3-бандида кўрсатилган тўловлар рухсатнома берилган кунда ва рухсатнома берилган кундан эътиборан ҳар йили тўланади.

Ер солиғи амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

### **161-модда. Фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома доирасидаги ҳар йилги лицензия тўлови**

Геологик жиҳатдан ўрганиш учун ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йилги лицензия тўлови тегишли рухсатномада кўрсатилган ҳар бир кадастр квадратлари бўйича фойдали қазилмаларни излаш ва қидириш фаолиятини амалга ошириш ҳукуки учун ҳар йилги тўловдир.

Геологик жиҳатдан ўрганиш учун ер қаъридан фойдаланганлик учун лицензия тўлови ер қаъри участкасидан геологик жиҳатдан ўрганиш учун фойдаланишнинг ҳар бир йили учун рухсатномада кўрсатилган муддатга мувофиқ тўланади.

Геологик жиҳатдан ўрганиш учун ер қаъридан фойдаланганлик учун лицензия тўловининг микдори:

1) асосий фойдали қазилмалар турлари бўйича геологик жиҳатдан ўрганилиши лозим бўлган ер қаъри участкасининг бир гектари учун қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш микдорининг ўн фоизини;

2) норуда фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишнинг бир гектари учун қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш микдорининг ўн беш фоизини ташкил этади.

Рухсатнома амал қилишининг биринчи ва охирги йили учун ҳар йилги тўлов йилнинг рухсатноманинг амал қилиши татбиқ этиладиган даврига мутаносиб равишда тўланади.

Фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганишга доир рухсатнома учун ҳар йилги тўлов ер қаъридан фойдаланувчи томонидан

биринчи йил учун рухсатнома олинган санадан эътиборан ўттиз кун ичидаги, солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги солиқ органларига тўланади. Ҳар бир кейинги йил учун тўловлар ҳар йили 31 мартдан кечиктирмай тўланади.

Ер қаъридан геологик жиҳатдан ўрганиш учун фойдаланганлик учун ҳар йилги лицензия тўлови қуидагиларга йўналтирилади:

етмиш фоизи – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

ўн беш фоизи – Қорақалпоғистон Республикасининг ҳамда вилоятларнинг маҳаллий бюджетларига;

ўн беш фоизи – туманларнинг (шаҳарларнинг) маҳаллий бюджетларига.

## **18-боб. Низолар ва жавобгарлик**

### **162-модда. Ер қаъридан фойдаланувчилар хуқуқларининг кафолати**

Давлат органларининг ер қаъридан фойдаланувчилар фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг бузилган хуқуқлари қонунчиликда назарда тутилган тартибда тикланиши лозим.

### **163-модда. Ер қаъри тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Ер қаъри тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ер қаъридан белгиланган нормалар ва талабларни бузган ҳолда фойдаланганлик натижасида давлатга етказилган зарарнинг ўрни қонунчиликда назарда тутилган тартибда қопланади.

Қуидагилар ер қаъридан фойдаланиш соҳасидаги хуқуқбузарликлар ҳисобланади:

1) агар ер қаъридан фойдаланувчи қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасини, рекогносцировка қилиш ишлари лойиҳасини, углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш лойиҳасини, қаттиқ ҳолдаги фойдали қазилмалар конини ўзлаштириш лойиҳасини, углеводородлар конини ўзлаштириш лойиҳасини, ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича режани, ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режани, ер участкасини тиклаш бўйича режани, муайян ҳолга қараб, ушбу Қонунда белгиланган муддатда тақдим этмаган бўлса;

2) агар қаттиқ ҳолдаги фойдалы қазилмаларни геологик жиҳатдан ўрганиш лойихаси, рекогносцировка қилиш ишлари лойихаси, углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш режаси, қаттиқ ҳолдаги фойдалы қазилмалар конини ўзлаштириш лойихаси, углеводородлар конини ўзлаштириш лойихаси, ер остида сақлаш лойихаси, ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича режа, ер участкасини фойдаланишдан чиқариш бўйича режа, ер участкасини тиклаш бўйича режа юзасидан, муайян ҳолга қараб, ер қаъридан фойдаланиш бўйича тегишли фаолият билан бевосита боғлиқ жиддий бузилишлар мавжуд бўлса, уларни бартараф этиб бўлмаса ёки, агар уларни бартараф этиш мумкин бўлса-ю, лекин бу ҳақда хабардор қилинган пайтдан эътиборан тўқсон кун ичида бартараф этилмаган бўлса ёхуд, агар ер қаъридан фойдаланувчи қоидабузарликларни бартараф этиш устида астойдил ишлай бошлаган бўлса-ю, лекин уларни бартараф этиш учун тўқсон кундан ортиқ вақт талаб қилинса;

3) агар ер қаъридан фойдаланувчида ўз экологик мажбуриятларининг жиддий бузилишлари мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиб бўлмаса ёки, агар уларни бартараф этиш мумкин бўлса-ю, лекин бу ҳақда хабардор қилинган пайтдан эътиборан тўқсон кун ичида бартараф этилмаган бўлса ёхуд, агар ер қаъридан фойдаланувчи қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича астойдил ишлай бошлаган бўлса-ю, лекин уларни тугатиш учун тўқсон кундан ортиқ вақт талаб қилинса;

4) агар ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъридан фойдаланиш бўйича тартибга солинадиган фаолиятни тегишли рухсатномасиз амалга ошираётган бўлса;

5) агар ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъридан фойдаланиш бўйича тартибга солинадиган фаолиятни ердан фойдаланувчининг ёки тегишли рухсатномада кўрсатилган кадастр квадрати юзасидаги ер участкаси мулкдорининг розилигисиз амалга ошираётган бўлса;

6) агар ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъридан фойдаланиш бўйича тартибга солинадиган фаолиятни зарур бўлган рухсатномаларсиз ва келишувларсиз амалга ошираётган бўлса;

7) агар тартибга солинадиган фаолият бундай фаолият тақиқланган ёки чекланган соҳаларда ер қаъридан фойдаланувчи томонидан амалга оширилаётган бўлса;

8) агар ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъридан фойдаланишга доир бошқа рухсатнома эгасининг фаолиятига қонунга хилоф равища аралашаётган бўлса;

9) ер қаъридан фойдаланувчи рухсатнома берилган кадастр квадрати юзасидаги ер участкасида жойлашган инфратузилмага ёки ердан фойдаланувчининг ёхуд бундай ер участкаси мулкдорининг мулкида ёки фойдаланишида ёхуд унга туташ бўлган ер участкасида жойлашган мол-мулкка қонунга хилоф равища аралашаётган бўлса;

10) агар ер қаъридан фойдаланувчи Ер қаъридан фойдаланиш марказига ёки бошқа ваколатли органга тегишли хабарномани ушбу Қонунда белгиланган муддатда тақдим этмаган бўлса;

11) агар ер қаъри участкасидан фойдаланиб бўлинган материалларни ёки ифлослантирувчи моддаларни олиб чиқиш ваколатли органлар билан келишилмаган ҳолда ер қаъридан фойдаланувчи томонидан амалга оширилаётган бўлса;

12) агар ер қаъридан фойдаланувчи ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик хужжатларига мувофиқ назарда тутилган тўловларни тўламаган бўлса;

13) агар ер қаъридан фойдаланувчи рухсатномасиз қазиб олинган фойдали қазилмаларни сотишини ёки улардан бошқача тарзда фойдаланишни амалга ошираётган бўлса ёхуд уларни ўзга шахсга бераётган бўлса;

14) агар ер қаъридан фойдаланувчи ушбу Қонунда белгиланган ҳисобдорликка доир талабларни бажармаётган бўлса ва бундай қоидабузарликлар ҳақида тегишли хабарнома олинган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичida уларни бартараф этмаётган бўлса;

15) агар ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъридан фойдаланиш бўйича ишларни амалга ошириш чоғида олинган махфий ахборотни ушбу Қонунни бузган ҳолда учинчи шахсларга ошкор этган бўлса;

16) агар ер қаъридан фойдаланувчи геологик намуналар, бурғилаш керни ёки кукунлари ҳисобини юритмаётган бўлса ва (ёки) ушбу Қонунни бузган ҳолда уларни утилизация қилаётган бўлса;

17) ер қаъридан фойдаланувчи Ер қаъридан фойдаланиш марказига ёки бошқа ваколатли органга сўралган ахборотни, статистика маълумотларини ёки ер қаъридан фойдаланиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотни тақдим этмаган тақдирда, шунингдек бундай қоидабузарликни ушбу сўров олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичida бартараф этмаган тақдирда;

18) агар ер қаъридан фойдаланувчи Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг текширувни амалга ошираётган мансабдор шахсларига ахборот беришда тўсиқларни, узилишларни ёки кечикиришларни қасддан юзага келтираётган бўлса, шунингдек ёлғон ёки чалғитувчи ахборот тақдим этаётган бўлса;

19) агар ер қаъридан фойдаланувчи Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекциясининг текширувни амалга ошираётган мансабдор шахсларининг қонуний талабини, кўрсатмасини ёки фармойишини бажаришни рад этаётган бўлса;

20) агар ер қаъридан фойдаланувчи, ҳолатларга қараб, ер қаъри участкасини фойдаланишдан чиқариш фондини ёки тугатиш фондини

ушбу Қонуннинг 15-бобида назарда тутилган тартибда ташкил этмаётган бўлса ва (ёки) ушбу фондга бадалларни киритмайтган бўлса.

Ер қаъри тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиги натижасида ер қаърига заарар етказган шахслар заарнинг ўрнини ихтиёрий равишда ёки суд тартибида қоплайди.

#### **164-модда. Ер қаъридан фойдаланувчига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш**

Ер қаъридан фойдаланувчига бошқа шахслар томонидан етказилган заарнинг ўрни қонунчиликка мувофиқ қопланиши лозим.

Ер қаъридан фойдаланувчиларга ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуқи давлат томонидан асоссиз равишда чекланганлиги, тўхтатиб турилганлиги ёки тугатилганлиги сабабли етказилган заарларнинг ўрни қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қопланиши лозим.

#### **165-модда. Суд тартибида шикоят қилиш хукуқи**

Ер қаъридан фойдаланиш марказининг ёки бирор-бир бошқа давлат органининг ушбу Қонунга мувофиқ қабул қилинган ҳар қандай қарори, шу жумладан бирор-бир рухсатномани беришни ёки уни узайтиришни рад этиш хақидаги қарори ёхуд рухсатномани бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

#### **166-модда. Низоларни ҳал этиш**

Ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга доир низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида ва (ёки) инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида тузилган шартномада тегишли ва ҳақиқий арбитраж шарҳи назарда тутилган бўлса, ер қаъридан фойдаланувчи низоларни ҳал этиш учун ҳалқаро арбитражга мурожаат қилиши мумкин.

#### **167-модда. Барқарорлик кафолатлари**

Ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъридан фойдаланувчига нисбатан қўлланиладиган фискал, солик, божхона ва валюта режимларининг барқарорлигини таъминлаш масалалари юзасидан Ер қаъридан фойдаланиш марказига мурожаат қилиши мумкин. Барқарорлик кафолатини таъминлаш усуллари, шу жумладан иштирок этиш хукуқи, малака чегаралари, аризалар бериш тартиб-таомиллари, давомийлик, янгилаш шартлари, қўлланилиши, шартлари, чекловлари ва истиснолари қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Барқарорлик кафолати берилган ер қаъридан фойдаланувчи барқарорлик кафолати берилган пайтда қўлланилган қонунчилик хужжатларида назарда тутилган иқтисодий шартларнинг амал қилишини сақлаб қолиш ҳуқуқига эга. Агар барқарорлик кафолати берилган кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ўзгартиришлар киритилиши ер қаъридан фойдаланувчининг харажатлари кўпайишига ёки ер қаъридан фойдаланиш лойиҳаси доирасида унинг даромадлари камайишига бевосита олиб келса, ер қаъридан фойдаланувчи давлатдан компенсация талаб қилишга ёки барқарорлик кафолати берилган кунда амалда бўлган қонунчилик хужжатининг амал қилиши, сақланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Қонунчилик хужжатларининг амал қилишда давом этишини ёки ер қаъридан фойдаланувчига компенсация тўланишини аниқлаш тартиби ва бундай тўлов шартлари, шу жумладан суммаларни ҳисоб-китоб қилиш, тўловларнинг хусусияти ва даврийлиги қонунчилик хужжатлари билан белгиланади.

Ер қаъридан фойдаланувчи барқарорлик кафолатини рад этиши ва барқарорлик кафолати берилган санадан кейин жорий этилиши мумкин бўлган янада қулайроқ чора-тадбирлар қўлланилишини талаб қилиши мумкин, аммо бу ҳолда ер қаърига эгалик қилувчи янги режимни (режимларни) фақат, агар у буни тўлиқ қабул қиласа, танлаши мумкин. Барқарорлик кафолатини рад этиш усуллари қонунчилик хужжатлари билан белгиланади.

Ер қаъридан фойдаланувчига нисбатан барқарорлик кафолатининг аниқ қоидалари инобатга олинган ҳолда ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг қоидаларини татбиқ этиш давом этади, хусусан, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган кафолатлар мудофаа, миллий хавфсизлик, жамоат тартиби, меҳнатни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка доир бирор-бир ўзгартиришларга нисбатан татбиқ этилмайди, башарти меҳнатни муҳофаза қилишга, хавфсизлик техникасига ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга нисбатан Ер қаъридан фойдаланиш маркази ер қаъридан фойдаланувчи томонидан соғлик, хавфсизлик ва (ёки) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш манфаатларини қўзлаб қабул қилиниши учун зарур бўлган ҳар қандай қўшимча чора-тадбирлар тармоққа оид илфор амалиётга мувофиқ бўлишини таъминласа.

## **19-боб. Якунловчи қоидалар**

### **168-модда. Ўтиш қоидалари**

Ушбу Қонун кучга киргунига қадар бошланган жараёнлар ўша пайтда ер қаъри тўғрисидаги амалдаги қонунчиликда назарда тутилган қоидаларга мувофиқ қуйидаги тартибда тугалланиши лозим:

- 1) кадастр квадратлари тизимини яратиш учун беш йил ажратилади;
- 2) ушбу модданинг қоидалари инобатга олинган ҳолда, ер қаъридан фойдаланишга доир фаолиятни тартибга солувчи мавжуд рухсатномалар, маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги келишувлар ва инвестиция келишувлари ўз кучида қолади ҳамда ўзида назарда тутилган шартларга мувофиқ бажарилиши лозим;
- 3) барча рухсатномалар, шунингдек кадастр квадратлари тизими яратилгунига қадар тузилган маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги келишувлар ёки инвестиция келишувлари мавжуд тизим доирасида берилади;
- 4) ушбу Қонун кучга кирган кунга қадар ер қаъридан фойдаланишга доир рухсатнома берилган, шунингдек ўзига нисбатан маҳсулот тақсимоти тўғрисида келишувлар ёки инвестиция келишувлари тузилган барча ер қаъри участкалари учун ер участкалирининг аввалги мавжуд чегаралари ўз кучини сақлаб қолади. Бундай рухсатномалар ёки келишувлар доирасида банд бўлган кадастр квадратлари очик квадратлар деб ҳисобланмайди. Бундай рухсатномалар, маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги келишувлар ёки инвестиция келишувлари Ер қаъридан фойдаланиш маркази томонидан кадастр квадратлари тизими яратилганидан кейин бундай рухсатномаларнинг амал қилиши биринчи марта қайта узайтирилаётганда кадастр квадратлари тизимига ўтказилади;
- 5) Ер қаъридан фойдаланиш маркази амалдаги рухсатномаларни шундай рухсатномалар қайта расмийлаштирилгунига қадар ер қаъридан фойдаланувчининг розилиги билан кадастр тизимига ўтказиши мумкин;
- 6) ер қаъридан фойдаланиш ҳукуқини реализация қилиш бўйича электрон савдо майдончаларига жойлаштирилган ер қаъри участкалирининг ҳудуди ва уларнинг геометрик шакли аукцион ўтказилган пайтда амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ сақланиб қолади ҳамда унга асосан тегишли рухсатномалар берилади;
- 7) ушбу Қонун кучга киргунига қадар рухсатномалар олишга доир берилган аризалар улар берилган кунда амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ кўриб чиқилади ва расмийлаштириллади;
- 8) геология-қидирав ишлари учун имзоли бонус тўланган ер қаъри участкасига геологик жиҳатдан ўрганиш учун илгари берилган тегишли рухсатноманинг амал қилиш муддати тугагунига қадар ер қаъри участкасидан геологик жиҳатдан ўрганиш учун фойдаланганлик учун лицензия тўлови ундирилмайди;
- 9) ер қаъридан фойдаланувчилар учун минимал талаблар ушбу Қонун кучга кирган санада тегишли рухсатнома асосида фаолият юритаётган ер қаъридан фойдаланувчиларга нисбатан кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан татбиқ этилади;
- 10) фойдали қазилмалар конларини ўзлаштириш учун берилган кон ажратиш далолатномалари ва ер участкалирининг чегаралари ушбу Қонун қабул қилинган кундан эътиборан уч йилгача бўлган муддатда ўз кучида

қолади. Бу даврда ер қаъридан фойдаланувчилар чегараларни Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси билан келишилган ҳолда конни ўзлаштириш (жиҳозлаш) чоғида назарда тутилган чегаралар билан мувофиқлаштириши керак;

11) амалдаги рухсатномаларга эга бўлган ер қаъридан фойдаланувчилар ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича режани ушбу Қонун кучга кирган санадан эътиборан икки йилдан ошмаган муддатда тақдим этиши шарт, агар улар ушбу муддатгача янги ёки янгиланган конни ўзлаштириш лойиҳасини тақдим этмаган бўлса;

12) қисман ўзлаштириладиган конларнинг ва фойдали қазилмаларнинг қолдиқ захираларини қазиб олиш учун қонунчиликка мувофиқ бериладиган тегишли рухсатномаларга асосан ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатиш бўйича лойиҳа ва унинг таъминоти унга рухсатнома асосида тақдим этилган ер қаъри участкасининг тегишли қисми учун амалга оширилади;

13) давлат ер қаъри фондини ушбу Қонун кучга кирган йилнинг 31 декабридан эътиборан янгилашда давлат томонидан фойдаланиш учун ўн йил мобайнида қаттиқ фойдали қазилмаларни геологик ўрганиш бўйича CRIRSCO форматидаги якуний ҳисоботда ёки углеводородларни ҳисобга олиш ва ресурсларни бошқариш тизими (PRMS) форматидаги углеводородларни геологик жиҳатдан ўрганиш бўйича якуний ҳисоботда тегишинча қуйидаги ахборот мавжуд бўлиши керак: А, Б, С1 ва С2 захиралари ҳамда П1, П2, П3 потенциал ресурслари тоифаларига кўра минерал ресурслар ва захиралар тўғрисида ҳисобот бериш тизими, шунингдек ушбу Қонуннинг 49-моддасига мувофиқ давлат томонидан тасдиқланган захиралар, шу жумладан баланс ва балансдан ташқари захиралар тоифалари;

14) ер қаъридан фойдаланиш оқибатларини тугатишни молиялаштиришга нисбатан талаблар ушбу Қонун кучга кирган санадан эътиборан икки йилдан кейин эллик фоиз, уч йилдан кейин етмиш беш фоиз миқдорида ва тўртинчи йилдан эътиборан тўлиқ ҳажмда кўлланилади.

### **169-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиши**

Куйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги 2018–ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 10, 252-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил

23 сентябрда қабул қилинган «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги 2019–ХII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 10, 253-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатлариға ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 357–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 56-модда) **XIII-бўлими**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатлариға ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 621–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 102-модда) **11-банди**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатлариға ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 681–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 181-модда) **XI-бўлими**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатлариға ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 125–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7–8, 217-модда) **VII-бўлими**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 444–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 5-модда);

8) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 18 декабрда қабул қилинган «Саноат, газ таъминоти ва кон назорати соҳасидаги бошқарув такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатлариға ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–133-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда) **3-моддаси**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатлариға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–278-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 1, 1-модда) **5-моддаси**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 9 сентябрда қабул қилинган «Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш

**тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-294-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 9, 247-модда) **4-моддаси;****

11) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 декабрда қабул қилинган «**Ер ости бойликлари тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26 ва 27-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида»**ги ЎРҚ-310-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 362-модда);

12) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-352-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда) **12-моддаси;**

13) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-405-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 125-модда) **6-моддаси;**

14) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айrim қонун хужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-446-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **22-моддаси;**

15) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-476-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) **15-моддаси;**

16) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 июлда қабул қилинган «**Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-486-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 431-модда) **14-моддаси;**

17) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда қабул қилинган «**Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-536-сонли Қонунининг

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 261-модда) **6-моддаси;**

18) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 7 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариға ўзгартишлар ва қўшимча киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги ЎРҚ-601-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 2-модда) **1-моддаси;**

19) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 3 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-653-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 12, 691-модда) **6-моддаси;**

20) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 11 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариға ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **50-моддаси;**

21) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 октябрда қабул қилинган «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги ЎРҚ-721-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 10, 968-модда) **7-моддаси.**

### **170-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

### **171-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиурсин;  
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳукуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлиари ва бекор қилишларини таъминласин.

**172-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри,  
2024 йил 31 октябрь  
№ ЎРҚ-987